



ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ЭРТАКЛАРИ

# СЕҲРЛИ УЗУК

Рус халқ эртаклари



ТОШКЕНТ  
«ЮЛДУЗЧА»  
1990

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Воҳидов  
Қодир Мирмуҳамедов  
Муҳаммаджон Мирзамуҳамедов  
Худойберди Тўхтабоев  
Нурали Қобул  
Носир Фозилов  
Тоҳир Малик  
Анвар Обиджон  
Тўлқин Алимов

Муҳаррир **ЧОРИ АВАЗ**

**Сеҳрли узук:** Рус халқ эртаклари: [Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун].— Т.: Юлдузча, 1990.— 288 б.

«Эртак — бу бола фикри ва нутқи чўғини аланга олдирадиган мусаффо шабада»,— деган эди улуғ педагог Сухомлинский. Азиз болалар, «Юлдузча» нашриёти ана шу шабадаларни бир жойга, яъни қўлингиздаги китобга тўплаб, Сизнинг истиқболингизга йўллади. Уйлаймизки, мазкур эртаклардан — мусаффо шабадалардан алангаланган фикрингиз ва нутқингиз чўғи ҳаёт йўлларингизни бир умр машғала каби ёритиб туради.


Волшебное кольцо: Русские народные сказки.

ББК 82.3P --6

4803620201 — 60  
Т ————— 04 — 90  
360(04)89

ISBN 5 — 8250 — 0091 — 7

© «Юлдузча» нашриёти  
1990



## ДОНО ВАСИЛИСА ҲАҚИДА ҚИССА

ир батрак жавдар эккан экан, ҳосили шундай мўл бўлибдики, уни зўрға йиғиштириб олибди. У жавдарни боғ-боғ қилиб, уйига олиб келибди, янчиб омборга тўкибди. «Энди ҳеч нарсага зориқмай кун кўрадиган бўлдим», деб хаёлидан ўтказибди.

Батракнинг омборига ўрганиб қолган бир сичқон билан чумчуқ, худонинг берган куни беш мартадан кириб, қоринларини тўйғазгач, бири ўз қавагига кириб кетаркан, бошқаси ўз инига. Улар уч йилгача аҳил яшаб, барча донни еб бўлибдилар. Омборда озгина жавдар қолибди. Сичқон бир куни қараса, жавдардан озгина қолганмиш, шунда у чумчуқни алдаб, қолган ҳамма донни ўзи эгалламоқчи бўлибди. Бу шум ниятини амалга ошириш учун ярим кечада турибди-да, тахтани кемириб, жами жавдарни ўз инига тортиб кетибди.

Чумчуқ эрталаб донлагани кириб қараса, омбор бўм-бўш, ҳеч вақо йўқ эмиш. Шўрлик чумчуқ оч-наҳор учиб кетаркан, ичида: «Лаънати сичқон, менга панд берди! Яхшиси уларнинг подшоси шер олдига бориб, устидан арз қиламан, токи у ўртамиздаги жанжални одилона ҳал этсин», дебди-да, ўша ёққа қараб учиб кетибди.

— Эй, ҳайвонлар шаҳаншоҳи, — дебди манзилга етиб боргач, унинг оёғига бош уриб чумчуқ, — мен сенинг фуқаронг — сичқон билан бирга яшардим. Уч йилгача бир омбордан овқатландик, орамизда ҳеч қандай можаро чиқмаган эди. Лекин дон тамом бўлай деганда, у ғаламислик қилди, омборни тешиб, бор донни ўз инига ташиб олди, мен бечорани очликка гирифтор этди. Одилона ҳукм чиқар, йўқса ўз подшоҳимиз темиртирноқ бургутга арз қиламан.

— Бор, арз қилсанг қилавер, — дебди унинг гапларига пиданд қилмай шер.

Шундан сўнг чумчуқ бургут олдига борибди-да, бошига тушган ғам-ғуссани, сичқон донни ўғирлаганини, шернинг ҳузурида бўлганини бирма-бир айтиб берибди.

Бу гапни эшитган бургут қаттиқ дарғазаб бўлибди, шу онда шерга чопар йўллаб, бориб айт, эртага жамики ҳайвонларини йиғиб, фалон ердаги майдонга келсин, мен ҳам паррандаларни тўлаб етиб бораман, жанг қиламиз, дебди.

Бу гапни эшитган шер ўкириб, ҳайвонларни жангга чақирибди. Сон-саноқсиз ҳайвон йиғилибди. Улар майдонга ке-

лишлари ҳамоно, бутун осмонни қанотли қўшини билан қошлаб бургут учиб келибди.

Қаттиқ жанг бошланиб, уч соагу уч дақиқа давом этибди. Паррандалар ғолиб келибди, бутун майдон ҳайвонлар ўлигига тўлибди. Бургут паррандаларга рухсат берибди, ўзи бўлса лат еган, жароҳатланган ҳолда қалин ўрмонга учиб келибди-да, баланд бир эманга қўниб, ўйга толибди.

Бу воқеа жуда қадим замонда бўлган экан, ўша пайтларда бир савдогар билан хотини яшар, уларнинг фарзандлари йўқ экан. Савдогар ўрнидан туриб хотинига:

— Ёмон туш кўрдим. Уйимизга каттакан бир қуш келиб қолганмиш. У буқамизни бутунлай еб битирармиш, қўшқулоқда сув ичармиш; ундан қутулишнинг ҳеч иложи йўқ эмиш. Ўрмонга бориб бир айланиб келай, дебди.

Савдогар милтиғини олиб, ўрмонга жўнабди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, охири бир эманнинг олдига келиб, бургутни кўриб қолибди-да, уни отмоқчи бўлибди.

— Қўй, отма, паҳлавон йигит, — дебди бургут тилга кириб, — ўлдирганингдан фойда йўқ. Яхшиси мени уйингга олиб бор, уч йил, уч ой-у, уч кун боқ. Қанотларим тузалиб, кучга киргач, яхшилигингни қайтараман.

«Бургутнинг қилган яхшилиги нима бўларди?» — деб ўйлаган савдогар уни яна нишонга олибди.

Бургут гапини қайтарибди. Савдогар учинчи марта милтиқ ўқталибди, бургут энди ёлворибди:

— Қўй, отмагин, эй паҳлавон йигит. Айтганимдай, мени уч йил, уч ой-у, уч кун боқ. Тузалиб, қанотларим кучга киргач, яхшилигингни албатта қайтараман.

Савдогарнинг кўнгли юмшабди. Сўнг бургутни олибди-да, уйига жўнабди. Келган заҳоти буқасини сўйиб, қўшқулоқни сувга тўлдирибди. Бу овқат бир неча кунга етар, деб ўйлабди, лекин бургут буқани паққос тушириб, сувни бир шимиришда ичиб қўйибди. Хуллас, чақирилмаган меҳмон туфайли савдогар тез кунда хонавайрон бўлибди. Бургут унинг аҳволини кўриб:

— Қулоқ сол, хўжайин, сен фалон майдонга бор. У ерда ўлдирилган, яраланган ҳайвонлар тўлиб ётибди. Уларнинг қимматбаҳо териларини шилиб ол-да, шаҳарга элтиб сот, пулига меням, ўзингниям боқасан, ортганини асраб қўясан.

Савдогар бургут айтган майдонни топиб бориб қараса, ўлган, яраланган ҳайвонлар тўлиб ётганмиш. Уларнинг энг қимматли мўйналарини шилиб олибди-да, бозорга элтиб, пуллабди.

Орадан бир йил ўтибди. Бургут савдогардан баланд эманлар ўсган жойга олиб боришини сўрабди. У аравада ўша ерга олиб боргач, бургут тик кўтарилиб, булут ичига кириб ке-



тибди, кейин тошдай визиллаб келиб тўши билан бир дарахтга урилган экан, эман чўрт бўлинибди.

— Иш чатоқ, савдогар, — дебди бургут, — аввалги кучим ҳали қайтмабди, мени яна бир йил боқ.

Яна бир йил ўтибди. Бургут парвоз қилиб, қалин булутлар орасига кириб кетибди-да, кейин қуюндай келиб тўши билан дарахтга ўзини урибди, эман бўлак-бўлак бўлиб кетибди.

— Савдогар, яна бир йил боқасан энди, ҳалиям илгариги куч-қувватим қайтмабди, — дебди бургут.

Орадан уч йил, уч ой-у, уч кун ўтганда, бургут савдогарга бундай дебди:

— Мени яна ўша баланд эманлар ўсган жойга олиб бор.

Савдогар уни айтган жойига олиб келибди. Бургут илгаригидан ҳам баландга кўтарилибди-да, қуюндай келиб ўзини энг катта эманга урган экан, у парча-парча бўлиб кетибди, тева-рак-атроф, бутун ўрмон ларзага келибди.

— Раҳмат сенга, саховатли савдогар, — дебди бургут, — асл ҳолимга келдим. Отингни қўй-да, устимга мин, сени ўз юртимга олиб бораман, қилган яхшиликларингни қайтараман.

Савдогар миниб олгандан кейин бургут кўм-кўк денгиз устидан учиб, баландга кўтарилибди.

— Денгизга қара-чи, каттамикин? — деб сўрабди бургут.

— Араванинг ғилдирагидек, — дебди савдогар.

Бургут қанотларини силкибди-да, ўлим хавфини буям бир татиб кўрсин деб, савдогарни ирғитиб юборибди, лекин сувга етмай, ушлаб олибди ва яна ҳам баландга кўтарилибди.

— Мовий денгизга қара-чи, қандай экан? — дебди бургут.

— Товуқ тухумидай, — дебди савдогар.

Бургут қанотини силкитиб, савдогарни яна настга ирғитиб юборибди, лекин бу сафар ҳам сувга етмай, ушлаб олибди-да баландга кўтарилибди.

— Мовий денгизга қара-чи, қандай экан?

— Кўкнор уруғидай.

Бургут учинчи марта қанотини силкитиб, савдогарни осмону фалақдан ташлаб юборибди-да, сувга етмай яна ушлаб қолибди, кейин ундан сўрабди:

— Қалай, азамат савдогар, ўлим хавфи қандай бўлишини билдингми?

— Билдим, — дебди савдогар, — ўлдим деб ўйловдим.

— Милтиқ ўқталганинда мен ҳам жонимдан умидимни узувдим!

Бургут савдогарни олиб, денгизнинг нарёғидаги мис подшо мамлакатига қараб учибди.

— Шу ерда катта опам туради, уникига борганимизда, совға тортиқ қилади, шунда сен ҳеч нарса олма, мис қутичани сўра.

Бургут шундай деб зах ерга бир думалабди-да, паҳлавон йигитга айланиб қолибди.

Кенг ҳовлига кириб боришибди. Опаси уларни кўриб кўп хурсанд бўлибди:

— Вой, бормисан, укажоним! Нечук худо ёрлақади? Уч йилдан бери бедараксан-а; йўқ бўлиб кетди деб ўйловдим. Қани, хўш, кўнглинг нима тусайди, қандай совғалар берай?

— Мендан сўрама, мени сийлама, опажон, бу ер ўз уйим. Мана бу азаматнинг кўнглини ол, у уч йил боқди, едирди-ичирди, жонимга ора кирди.

Опа уларни дастурхон тузоғлик эман столга ўтқазибди, яхшилаб меҳмон қилибди. Кейин омборчага олиб кириб, беҳисоб бойликларини кўрсатибди ва азамат савдогарга:

— Мана, олтин, кумуш, ранго-ранг тошлар, лаъл-дурлар, истаганингча ол, — дебди.

Азамат савдогар унга шундай дебди:

— Олтин-кумушларинг, ранго-ранг лаъл-дурларинг керак эмас, менга мис қутичани берсанг бас.

— Бошқа нарсани сўра! Сен бериш мумкин бўлмаган нарсани сўраяпсан!

Опасининг бу гапига укасининг жаҳли чиқиб тез учар бургутга айланибди-да, савдогарни олиб, жўнаб қолибди.

— Укажон, қайт, — деб қичқирибди опаси, — майли, мис қутичани ола қолсин!

— Вақт ўтди, опа!

Бургут осмону фалакка кўтарилиб кетибди.

— Қани, азамат савдогар, бир қара-чи, орқада нималар бўляпти-ю, олдинда нималар бўляпти? — дебди бургут.

Савдогар орқа-ўнгига кўз югуртириб:

— Орқада ёнғин кўриняпти, олдинда чечаклар гулламоқда, — дебди.

— Ёнаётган — мис шоҳлик, чечаклар — ўртанча опам яшайдиган кумуш подшо юрти. Уникигача борганимизда, совға беради, шунда сен ҳеч нарсага қўл тегизма, кумуш қутичани сўра.

Бургут кумуш подшо юртига учиб келиб, зах ерга бир думалабди-да, паҳлавон йигитга айланиб қолибди.

— Ох, укажоним, бормисан? — дебди унга опаси. — Қайси шамол учирди? Қаерда юрувдинг? Кўндан бери дарагинг йўқ. Сизларни нима билан сийлай?

— Мендан сўрама, мени сийлама, опажон, мен ўз одамингман. Мени уч йил боққан, очлик чангалидан сақлаб қолган мана бу шоввозни сийла, ундан сўра.

Опа уларни дастурхон ёзиғлиқ эман столга ўтқазибди, меҳмон қилгач, омборларга олиб кирибди.

— Мана олтину кумуш, ранго-ранг лаъл-дурлар; ол, савдогар, истаганингча ол.

— На олтининг, на кумушинг, на ранго-ранг лаъл-дурларинг керак. Менга кумуш қутичани берсанг бас.

— Бошқа нарсани сўра, мард йигит, уни ҳазм қилолмайсан! Тагин тиқилиб қолмасин!

Укасининг жаҳли чиқибди, бир думалаб бургутга айланибди-да, савдогарни олиб, узоқ-узоқларга учиб кетибди.

— Укажон, қайт! Қутичани ҳам аямайман!

— Кеч қолдинг, опа!

Бургут яна осмону фалакда парвоз қилиб кетаверибди.

— Қани, азамат савдогар, қара-чи, орқада нималар бўляпти-ю, олдинда нималар бўляптийкин?

— Орқада ёнғин, олдинда чечаклар қулф уриб очилиб ётибди.

— Ёнаётган — кумуш подшо мамлакати, гуллаб ётган чаманзор — кичик опамнинг макони — олтин подшо мамлакати. Уникида меҳмон бўлиб ўтирганимизда, совға-салом тортиқ қилса, ҳеч нарса олма, тилла қутичани сўра.

Бургут олтин подшо мамлакатига учиб келибди-да, бир думалаб чиройли йигитга айланиб қолибди.

— Оҳ, укажоним, бормисан, қайси шамол учирди? — дебди опаси. — Қаерларда юрувдинг? Нега дарагинг йўқ? Нима билан сени меҳмон қилай?

— Мендан сўрама, мени меҳмон қилма, мен ўз одамингман. Мана шу шоввоз савдогардан сўра, бунини меҳмон қил; у мени уч йил боқди, едирди-ичирди, очликдан сақлаб қолди.

Опаси уларни дастурхон тузоғлик эман столга ўтқазибди, сахийлик билан меҳмон қилибди, кейин савдогарни омборларга олиб кириб, олтин-кумуш, ранго-ранг лаъл-дурлардан ҳадя қилибди.

— Менга ҳеч нарса керак эмас, тилла қутичани берсанг бас.

— Ола қол, буюрсин. Укамни уч йил боқибсан, едирибсан, ичирибсан, тилла қутича ундан айлансин.

Савдогар олтин подшо юртида меҳмон бўлибди, ўйнаб-қулибди; охири хайрлашиш вақти ҳам келибди.

— Хайр, — дебди унга бургут, — яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса кечир, лекин ҳушёр бўл, қутичани уйингга бормаи оча кўрма.

Савдогар уйига қараб йўл олибди; йўл юрса ҳам мўл юриб, чарчабди-да, бир ўтлоқда дам олмоқчи бўлибди. Бу ўтлоқ Чўқинтирилмаган подшога қарашли экан, савдогар тилла

қутичага қараб-қараб, ҳеч чидай олмабди-да, уни очибди. Очган заҳоти олдида қашаматли катта сарой пайдо бўлиб қолибди. Бир нечта хизматкорлар:

Буюрсинлар, хизматларига тайёрмиз, деб қўл қовуштуришибди.

Азамат савдогар еб-ичибди, қорнини тўйғазиб, уйқуга кетибди.

Чўқинтирилмаган подшо қараса, ерида катта сарой турганмиш, шунда у элчилар юбориб:

Бориб қаранглар-чи, менинг сримда сўроқсиз сарой қурган бефаросат ким бўлди экан? Яхшиликча бу ердан жўнаб қолсин, — дебди.

Савдогар бундай даҳшатли сўзни эшитиб, энди қандай қилиб саройни илгаригидай қутичага жойлаштираман экан, деб бош қотира бошлабди, ўйлаб-ўйлаб ҳеч қандай чора тополмабди.

Жон деб кетаман-а, — дебди элчиларга савдогар, — лекин қандай қилиб кетишга ҳайрон бўлиб турибман.

Элчилар қайтиб Чўқинтирилмаган подшога бутун воқеани айтиб беришган экан, у:

— Уйдаги ўзи билмаган нарсани менга берса, саройни тилла қутичага жойлаб бераман, дебди.

Начора, савдогар бераман деб қасам ичибди. Чўқинтирилмаган подшо шу заҳоти саройни йиғибди-ю, тилла қутичага жойлабди. Савдогар тилла қутичани олибди-да, йўлга равона бўлибди.

У йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, уйига етиб келибди, уни хотини қарши олибди-да:

— Салом, офтобим! Қаёқларга зим-зиё бўлиб кетдинг? — дебди.

— Асти сўрама, кўи жойларда бўлдим.

— Сен сафарда эканингда худойи таоло ўғил ато қилди.

Савдогар: «Ҳим, уйимда ўзим билмаган нарса ўғлим экан-да», — деб ўйлаб қаттиқ қайғурибди, ғамга чўмибди.

— Нега хомушсан? Ёки уйга келганингга хафамисан? — деб сўрабди хотини.

— Хафа эмасман, бошқа гап бор, — деб савдогар ҳамма гапни хотинига гапириб берибди.

Улар қаттиқ қайғурибдилар, йиғлаб-сиқтабдилар, лекин ҳадеб йиғлайверган билан иш битмайди-ку. Савдогар тилла қутичани очибди, шунда улар олдида безаклари нафис, жимжимадор, қашаматли сарой қад кўтарибди, у хотини ва ўғли билан маъмурчиликда ҳаёт кечира бошлабди.

Орадан ўн йилча. Балки ундан ҳам кўпроқ вақт ўтибди, савдогарнинг ўғли улғайибди, ақлли, чиройли, азамат йигит бўлиб етишибди.

Бир куни эрталаб у хомуш бўлиб отасига бундай дебди:  
 — Отажон! Бугун тушимда Чўқинтирилмаган подшони кўрдим, иззатни ҳам билиш керак, деди.

Савдогар билан хотини зор йиғлашиб, унга фотиҳа берибдилар, шундан кейин у ёт ўлкага жўнаб кетибди.

У йўл юрибди, қир ошибди, далалардан, тақир чўллардан ўтиб, қалин бир ўрмонга келибди.

Теварак-атрофида ҳеч зоғ кўринмасмиш: фақат кичиккина ёлғиз бир кулба ўрмонга қараб турганмиш.

— Кулба-кулба, — дебди у, — ўрмонга орқангни ўгириб, менга қара!

Кулба унга қарабди.

Савдогар ўғли Иван кулбага кирибди, қараса, қоқ суяк ялмоғиз кампир чўзилиб ётганмиш. Ялмоғиз кампир уни кўриб:

— Илгари бу ерда русларнинг арвоҳи ҳам кўринмас эди, энди ўзини кўраяпман, — дебди. — Қаёқдан келяпсан, азамат, қаёққа кетяпсан?

— Оббо қари алвасти-ей! Йўловчининг олдига аввал нончой қўймай, дарров сўроққа тутар экансан-да?

Ялмоғиз кампир стол устига ичимликлар ва ҳар хил таомлар қўйибди, йигитнинг қорнини тўйдирибди, ухлашга ётқизибди, тонг саҳарлаб уни уйғотиб, суриштира бошлабди. Савдогар ўғли бутун сирни унга сўзлаб берибди-да, сўнгга:

— Буви, Чўқинтирилмаган подшонинг мамлакатига борадинган йўлни кўрсатиб қўй, — деб унга ялинибди.

— Хўп, яхшиям менга йўлиққанинг, бўлмаса соғ қолмас эдинг, Чўқинтирилмаган подшо уникага бормаганинг учун сендан жуда хафа. Гапимни қулоғингга қуйиб ол, мана шу сўқмоқдан борсанг, кўл олдидан чиқасан, ўша ерда дарахт орқасига беркиниб пойлаб турсанг, подшонинг учта соҳибжамол қизлари каптар бўлиб учиб келади, қанотларини ва кўйлаklarини ечиб, кўлда чўмилади. Биттасининг қаноти чипор, пайт пойлаб тур-да, уни олиб яшир, у қиз сенга тегишга рози бўлмагунча қанотини берма. Шундай қилсанг, ишинг ўнгидан келади.

Савдогарнинг ўғли ялмоғиз билан хайрлашибди-да, у кўрсатган сўқмоқдан кетибди. Юриб-юриб кўлга етиб келибди-да, дарахт орқасига бекиниб турибди. Хийла вақт ўтгач, учта каптар учиб келибди! Биттасининг қаноти чипор экан, бир думалаб улар чиройли қизга айланиб қолишибди; қанотларини ва кўйлаklarини ечиб чўмила бошлабдилар. Савдогар ўғли Иван бўлса қулоғини динг қилиб, секин-аста эмаклаб борибди-да, чипор қанотни ўғирлабди. Қани, нима бўларкин, деб пойлаб турибди. Соҳибжамол қизлар чўмилиб бўлиб, сувдан чиқибдилар; икkitаси апил-тапил кийинибди, қанотини боғлаб олиб, каптарга айланибди-да, учиб кетибди, учинчиси эса қанотини қидириб қолибди.

У қанотини қидириб, ўзича гапира бошлабди:

— Қанотимни ким олган бўлса айтсин; агар қари бўлса отам, ўрта яшар бўлса азиз амаким бўлади, ёш йигит бўлса унга тегаман, — дебди.

Савдогар ўғли Иван дарахт орқасидан чиқибди-да:

— Мана қанотинг! — дебди.

— Қани, азамат ёрим, айт-чи, қайси элдансан, қаёққа кет-япсан?

— Мен Иванман, отам савдогар, отанг — Чўқинтирилмаган подшонинг ҳузурига кетяпман.

— Менинг отим Доно Василиса.

Доно Василиса подшонинг энг севимли қизи экан: доноликда ва ҳуснда ҳеч тенги йўқ экан. У қаллиғига подшонинг саройига борадиган йўлни кўрсатибди-да, каптарга айланиб, опалари кетидан учиб кетибди.

Савдогар ўғли Иван Чўқинтирилмаган подшо ҳузурига келибди; подшо уни ошхонада ишлашга, ўтин ёришга, сув ташишга мажбур қилибди. Ошпаз Чўмич уни менсимабди, подшога бориб унинг тўғрисида йўқ ердаги гапларни айтибди:

— Подшоҳи олам! Савдогар ўғли Иван бир кечада катта ўрмонни кесиб, ғўлаларни бир жойга уйиб, илдишларни кавлаб, ерни ҳайдаб, буғдой экиб, уни янчиб, ун қилиб, пирог ёпиб, олий ҳазратларига нонуштага қўя оламан, деб мақтаняпти, — дебди.

— Жуда соз, — дебди подшо, — ҳузуримга чақиринглар уни!

Савдогар ўғли Иван подшо ҳузурига келибди.

— Эй йигит, нима деб мақтаняпсан, бир кечада ўрмонни кесиб, ерни ҳайдаб, буғдой экиб, уни ўриб, янчиб, торттириб, ундан пирог ёпиб менга нонуштага қўймоқчи эмишсан, — дебди подшо. — Шу айтганларинг эрталабгача муҳайё бўлсин.

Савдогар ўғли Иван, бу гаплар ёлғон, деб қанча уринса-да, фойдаси бўлмабди, буйруқни бажаришдан бошқа иложи қолмабди. У подшо олдидан мағрур бошини эгиб чиқибди. Уни подшонинг қизи Доно Василиса кўриб:

— Нега хафасан, нима бўлди? — деб сўрабди.

— Сўраб нима қиласан? Барибир дардимни енгиллаштира олмайсан!

— Айт-чи, балки ёрдамим тегар.

Савдогар ўғли Иван унга отаси Чўқинтирилмаган подшонинг буюрган ишини айтиб берибди.

— Э, шу ҳам ташвиш бўлибдими! Бу иш эмас, ўйинчоқ, ишнинг каттаси ҳали олдинда. Сен бориб ухлайвер, эрталабгача ҳаммаси бажарилади.

Қоқ ярим кечада Доно Василиса қизил зинапояга чиқибди-да, қаттиқ қичқирибди, бир зумда ҳар чеккадан тўп-тўп

ишчилар кела бошлабди, уларнинг саноғига ҳам етиб бўлмас экан. Биттаси дарахт ағдарибди, биттаси илдишларни ковлабди, бири ер ҳайдабди, бири буғдой сепибди, бошқа бири эса ўриб-янчибди. Осмонга чанг-тўзон кўтарилибди, тонг отгунча ғалла янчилиб, пироглар ёпиб қўйилибди. Савдогар ўғли Иван пирогни Чўқинтирилмаган подшога нонуштага олиб борибди.

— Баракалла,— дебди подшо ва унга хазинасидан ҳада беришни буюрибди.

Ошпаз Чўмич савдогар ўғли Ивандан баттар дарғазаб бўлибди, подшо олдига бориб:

— Подшоҳи олам, савдогар ўғли Иван бир кечада осмони фалакда учадиган кема қура оламан, деб мақтаняпти,— деб ғамислик қилибди.

— Жуда соз, чақиринглар уни!

Савдогар ўғлини чақиритибди.

— Нега сен менга билдирмай хизматкорларимга, бир кечада осмону фалакда учадиган кема ясай оламан, деб мақтаниб юрибсан. Билиб қўй, эрталабгача айтганларинг муҳайё бўлсин!

Савдогар ўғли Иван қайғудан мағрур бошини кенг елкаларидан ҳам паст эгиб, хомуш бўлиб подшо ҳузуридан чиқибди. Уни кўрган Доно Василиса:

— Нега хафасан, нима учун бундай ғамгинсан? — деб сўрабди.

— Ғамга чўмай иложим қанча? Чўқинтирилмаган подшо бир кечада учадиган кема қуришни буюрди.

— Шу ҳам ташвиш бўлибдими? Бу ўйинчоқ-ку, ишнинг қийини ҳали олдинда. Бориб ухла: эрталабгача ҳаммаси ба-жарилади.

Доно Василиса ярим кечада қизил зинапоёга чиқиб қаттиқ чинқирибди — зум ўтмай ҳар чеккадан дурадгорлар юғуриб келишибди. Улар болталарини тарақлатиб ишга киришибдилар, иш қизиб кетибди, эрталабгача кема тайёр бўлибди.

— Яша,— дебди подшо савдогар ўғлига, — юр, бир айланиб келамиз.

Улар кемага ўтирибдилар, ошпаз Чўмични ҳам чиқариб олибдилар-да, осмону фалакка учиб кетибдилар. Подшонинг ваҳший ҳайвонлари турадиган қўра устидан учиб ўтибдилар, шунда ошпаз пастга қарамоқчи бўлиб энгашган экан, савдогар ўғли Иван уни кемадан итариб юборибди. Йиртқич ҳайвонлар ошпазни бир зумда тилка-тилка қилиб ташлашибди.

— Эҳ, аттанг,— деб қичқирибди савдогар ўғли Иван,— Чўмич йиқилиб кетди-ку!

— Баттар бўлсин,— дебди подшо,— итга — ит ўлими!

Саройга қайтибдилар.

— Қув экансан, савдогарвачча Иван, — дебди подшо, — сенга яна битта топшириқ: асов бир айғирим бор, шуни мингич қилиб берасан. Шундан сўнг қизимни сенга бераман.

«Бу жуда жўн иш-ку», — деб ўйлабди Иван ва илжайиб подшо олдидан чиқибди.

Доно Василиса ундан нима гап деб суриштирибди: унинг жавобини эшитиб, бундай дебди:

— Лақма экансан, Иван, савдогар ўғли. Энди сенга жуда мушкул ва қийин иш топширилибди. Чунки айғир дегани Чўқинтирилмаган подшонинг ўзи, у сени осмону фалакка олиб чиқиб қуюнга ўхшаб шунақа айлантирадики, суякларинг битта қолмай сочилиб кетади. Вақтни ўтказмай темирчиликка бориб, уч пудлик болға буюр, айғирга минган заҳотинг маҳкам ўтириб ол-да, ана шу болға билан унинг бошига туширавер.

Эртасига отбоқарлар асов айғирни зўрға олиб чиқибдилар. У пишқириб, типирчилар, осмонга сакрармиш. Савдогар ўғли Иван айғирга минган заҳоти у осмонга кўтарилибди-да, қуюндай айланиб, учиб кетибди. Чавандоз эса маҳкам ўрнашиб олиб, унинг бошига болға билан тушираверибди. Айғир ҳолдан тойиб, ерга тушибди. Савдогар ўғли Иван айғирни отбоқарларга берибди-да, дам олиб бўлгач, саройга борибди. Чўқинтирилмаган подшо бошини боғлаган ҳолда уни қарши олибди.

— Отни минишга ўргатдим, олий ҳазратлари.

— Жуда соз, эртага қайлиқ танлагани кел, бугун бошим оғриб турибди.

Эрта билан Доно Василиса савдогар ўғли Иванга бундай дебди:

— Биз учта қизмиз: отам бизни бияга айлантриб қўяди-да, сенга, қани танла, дейди. Эсингда бўлсин: менинг юганимдаги ярқироқ тош хираланади. Кейин бизни каптарга айлантиради. Опаларим битта-битта гречиха чўқилашади, мен бўлсам донламай, қанотимни силкиб қўяман. Шундан кейин бизни учта қизга айлантиради, юзимиз ҳам, сочимиз ҳам, бўйимиз ҳам бир хил, ҳеч ажратиб бўлмайди, мен жўрттага дастрў-молимни силкиб қўяман, шундан мени таниб ол.

Чўқинтирилмаган подшо ҳақиқатан ҳам бир-бирига ўхшаш учта бияни олиб чиқиб, қатор тизиб қўйибди.

— Хоҳлаганингни танла.

Савдогар ўғли Иван тикилиб қарабди, шунда бир биянинг юганидаги ялтироқ тош хираланибди, Иван ана шу биянинг юганидан маҳкам ушлаб олибди-да:

— Мана менинг қайлиғим, — дебди.

— Ёмонини танладинг. Яхшироғини танласанг бўларди.

— Ҳечқиси йўқ, менга шу ҳам бўлаверади.

— Яна бир марта танла.



Подшо бир-бирига ўхшаш учта каптарни қўйибди-да, уларга гречиха селибди. Савдогар ўғли Иван бундай қараса, битта каптар ҳадеб қанотини силкитармин. у шу каптарнинг қанотидан ушлабди-да:

— Мана менинг қайлиғим! дебди.

— Баланд дорга осилияпсан. ажалингдан олдин ўлиб қолмагин тагин. Яна бир марта танла

Подшо бир-бирига ўхшаш учта қизни олиб чиқибди. Савдогар ўғли Иван биттасининг дастрўмол силкитганини кўриб, унинг кўлидан тутибди.

— Мана менинг қайлиғим.

Чўқинтирилмаган подшонинг ҳеч иложи қолмай, тўй-томоша қилиб, қизини унга берибди.

Орадан озми-кўнми вақт ўтгач, Иван қайлиғи билан ўз юртига қочмоқчи бўлибди. Улар отларни эгарлаб, қоронғи кечада йўлга тушибдилар. Эрталаб подшо воқеадан хабардор бўлиб, уларни тутиб келишга чопарлар юборибди.

Ерга қулоғингни қўйиб ёт чи, дебди Доно Василиса эрига, бир нарса эшитилармикин.

У ётибди-да.

— Отларнинг кишнашини эшитяпман,— дебди.

Доно Василиса уни полизга, ўзини бир бош карамга айлантирибди. Чопарлар подшо ҳузурига қуп-қуруқ қайтиб боришибди.

Полиз у, бир бош карамдан бошқа ҳеч нарса кўрмадик.

— Бориб ўша карамни олиб келинглар; ахир бу уларнинг жодуси-ку.

Чопарлар яна от чақтириб кетибдилар, савдогар ўғли Иван ерга ётиб қулоқ солибди да:

— Отларнинг кишнашини эшитяпман, дебди.

Доно Василиса ўзини қудуққа, уни шунқорга айлантирибди, шунқор қудуқ ёғочига қўниб сув ичиб тураверибди. Чопарлар қудуқ олдига келибдилар, қарасалар, ундан уёғига йўл йўқ эмиш, шунинг учун орқаларига қайтиб кетибдилар, подшога бориб:

— Ҳазрати олийлари, бир қудуғ-у, ундан сув ичаётган шунқордан бўлак ҳеч нарса кўрганимиз йўқ,— дедилар.

Чўқинтирилмаган подшо уларни ўзи қувиб кетибди.

Доно Василиса эрига:

Ерга қулоқ солиб кўр чи ҳеч нарса эшитармикинсан,— дебди.

Вой-бў, иларидан шиддатларок товуш эшитиляпти.

Бўлмаса бизни отам қувиб келяпти. Нима қилишга ақлим етмай қолди.

Менинг ҳам бошим қотиб қолди.

Доно Василисанинг учта буюми: чўткаси, тароғи ва сочиғи бор экан; шулар унинг элига тушибди:

— Менда подшодан ўзимизни сақлаб қоладиган нарсалар бор.

Шундай деб у чўткани орқасига ташлаган экан, каттакон қалин ўрмон пайдо бўлибди. Ундан ўтишнинг сира иложи йўқ экан, айланиб ўтмоқчи бўлган киши эса уч йилда ҳам айланиб ўтолмас экан. Чўқинтирилмаган подшо қалин ўрмонни тиши билан қирқиб-қирқиб, ўзига кичкина сўқмоқ очиб ўтибди-да, яна қува бошлабди. У жуда ҳам яқин келиб қолибди, шунда Доно Василиса орқасига тароғини ташлаган экан, сира ҳам ўтиб бўлмайдиган баланд чўққили тоғ пайдо бўлиб қолибди.

Подшо тоғни қазий-қазий, ўзига кичкина сўқмоқ очиб ўтибди-да, яна қувиб кетибди. Бу гал Доно Василиса орқасига сочикни ташлабди, шунда бепоён денгиз пайдо бўлибди. Подшо от қўйиб денгиз бўйига келибди, қараса йўл йўқ эмиш, кейин уйига қайтиб кетибди.

Савдогар ўғли Иван Доно Василисага бундай дебди:

— Сен шу ерда туриб тур, мен бориб ота-онамга хабар қиламан.

— Эҳтиёт бўл,— дебди унга Доно Василиса,— уйга борганингда ҳамма билан ўпиш-у, аммо чўқинтирган онанг билан ўпишма, бўлмаса мени унутасан.

Савдогар ўғли Иван уйига келибди, ўзида йўқ хурсанд бўлиб, ҳамма билан ўпишиб кўришибди, билмай чўқинтирган онаси билан ҳам ўпишибди, кейин Доно Василисани унутиб қўйибди. У бечора йўлда роса пойлабди, кутибди, савдогар ўғлидан дарак бўлмабди, кейин шаҳарга борибди-да, бир кампирга оқсоч бўлибди. Савдогар ўғли эса уйланиш ҳавасига тушибди, қайлиқ ҳам топибди, дабдабали тўй бошланибди.

Доно Василиса бундан хабардор бўлиб, гадоё кийимида савдогар ҳовлисига тиланчилик қилиб келибди.

— Шошмай тур,— дебди бойвучча,— каттасини кесиб ўтирмайман, сенга кичкина пирог ёпиб бераман.

— Шунга ҳам раҳмат, онажон.

Катта пирог куйиб кетибди, кичкинаси яхши чиқибди. Бойвучча унга куйган пирогни берибди. Кичкинасини стол устига, ўзларига қўйибди. Кичик пирогни кесган эканлар, ичидан иккита каптар учиб чиқибди.

— Ўп мени,— дебди нар каптар модасига.

— Йўқ, ўпмайман, ўпсам сен ҳам савдогар ўғли Иван Доно Василисани унутгандек мени унутасан.

Нар каптар модасига ҳадеб:

— Ўп мени!— деяверибди.

— Йўқ, ўпмайман, ўпсам сен ҳам савдогар ўғли Иван Доно Василисани унутганидек мени унутасан.

Шу пайт савдогар ўғли Иван эс-хушини йиғиб, гадоё қиз-

нинг кимлигини билибди, ота-онаси ва меҳмонларга:

— Бу менинг хотиним!— дебди.

— Хотининг бўлса у билан қўша қари.

Янги қайлиққа кўп совғалар бериб уйига юборибдилар. Савдогар ўғли Иван эса Доно Василиса билан яшаб, мурод-мақсадига етибди.



## ШАҲЗОДА ИВАН БИЛАН КУЛРАНГ БҮРИ

Қадим замонда Берендей деган подшо ўтган экан, унинг уч ўғли бўлиб, кенжасининг оти Иван экан.

Подшонинг жаннатдек боғи бор бўлиб, унда бир туп олтин олма дарахти ўсар экан.

Биров боққа кириб, олтин олмалардан ўғирлаб кета бошлабди. Подшо буни билиб жуда дарғазаб бўлибди. Ўғрини пойлагани қоровул қўйибди. Лекин қоровуллар ўғрини сира ҳам тутишолмабди.

Подшо эмоқ-ичмоқни тарк этиб, ғам-ғуссага берилибди. Ўғиллари уни юпатибди.

— Азиз отажон, ғам чекманг, боғни ўзимиз қўриқлаймиз,— дейишибди.

— Бугун навбат меники, боғни мен қўриқлайман,— дебди тўнғич ўғил.

Тўнғич ўғил боғ қўриқлашга кетибди. Кечқурун бир оз айланиб, ҳеч кимни кўрмабди. Баррадек ўт устига ўзини таппа ташлабди-да, ухлаб қолибди.

Эрталаб подшо ўғлидан:

— Хўш, қандай хушxabар олиб келдинг, ўғрини кўрдингми?— деб сўрабди.

Йўқ, кўрмадим, отажон,— дебди у.— Туни билан мижжа қоққаним йўқ, лекин ҳеч зоғни кўрмадим.

Эртасига боғ қўриқлашга ўртанча ўғил кетибди, у ҳам тун бўйи донг қотиб ухлабди, эрталаб келиб, ўғрини кўрмадим, дебди.

Навбат кенжа ўғлига етибди. Шаҳзода Иван отасининг боғини қўриқлашга кетибди, у ўғрини кўрмай қоламан, деб на ўтирибди, на ётибди. Уйқу элитса, ўт-ўланларга тушган шабнам билан юзини ювиб, уйқусини қочирибди.

Ярим кечадан оққанда боғ ёришгандек бўлибди. Ёриша-ёриша бутун боғ чароғон бўлиб кетибди. Шаҳзода Иван бундай қараса қақнус дарахтга қўниб, олтин олмаларни чўқиётган эмиш.

Шахзода Иван аста эмакляб олма дарахти тагига келибди-да, қушнинг думидан ушлаб олибди. Қақнус патирлаб учиб кетибди, шахзода Иваннинг қўлида бир дона пати қолибди.

Тонг отгач, у отасининг олдига келибди.

— Хўш, кенжатой Иван, ўғрини кўрдингми?

— Отажон, тутишга тутолмадим, аммо боғимизга ким ора-лаётганини билдим. У қақнус экан.

Подшо патни олибди, шу кундан унинг аҳволи ўзгариб, ғамни унуга бошлабди. Лекин бир куни қақнус тўғрисида эслаб қолибди-да, ўғилларини чақирибди:

— Азиз болаарим, учқур отларингизни эгарласангиз, дунёни бир айлансангиз, оқ-қорани танисангиз, уёқ-буёқни кўрсангиз, қақнус қушни учратиб қолармидингиз,— дебди.

Ўғиллари оталарига таъзим қилиб, учқур отларини эгарлабдилар-да, йўлга тушибдилар, тўнғич акаси бир ёққа, ўртанча акаси бир тарафга, шахзода Иван бошқа томонга жўнабди.

Шахзода Иван йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Ёз куни экан. Шахзода Иван чарчабди, отдан тушибди-да, уни тушовлаб қўйиб, уйқуга кетибди.

Шахзода Иван бир маҳал туриб қараса, оти йўқ эмиш. Отини қидириб кетибди, қидира-қидира ахир бир жойдан суякларини топибди.

Шахзода Иван: «Энди отсиз нима қиламан?»— деб ўйлаб, кўп хафа бўлибди.

«Начора, бўлар иш бўлди, яёв кетавераман», деб пиёда йўлга тушибди. Юриб-юриб, ҳолдан тойибди. Барра ўт устига ўтирибди-да, ғамга чўмибди. Шу пайт бирдан унинг олдига битта бўри чошиб келиб:

— Ҳа, шахзода Иван, нега хафа бўлиб ўтирибсан?— дебди.

— Нега хафа бўлмайин, бўрижон? Учқур отимдан ажралиб қолдим.

— Отингни мен еб қўйган эдим, шахзода Иван. Энди сенга раҳмим келяпти! Айт, нима сабабдан бундай узоқ сафарга чиқдинг, қаёққа кетяпсан?

— Отам дунёни айланиб, қақнусни тапиб кел, деб юборди.

— Учқур отингда уч йилда ҳам қақнус қушга етолмасдинг. Унинг қаердалигини фақат мен биламан. Бўлар иш бўлди, отингни еб қўйган эдим, энди сенга жон-дилим билан хизмат қиламан. Устимга мин-да, яхшилаб ўтириб ол.

Шахзода Иван бўрининг устига миниб олибди, бўри югуриб кетибди, яшил ўрмонлар, кўллар кўз олдидан лип-лип ўтаверибди. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, баланд бир қаср олдига келишибди. Шунда бўри бундай дебди:

— Менга қара, шахзода Иван, гапимни қулоғингга қўйиб ол. Девордан ошиб ўт, қўрқма, айна вақти, ҳамма қоровул-

лар ухлаб ётибди. Кўшқда бир дераза кўрасан, унга олтин қафас осиб қўйилган, ана шу қафас ичида қақнус бор. Уни ол-да, қўйнингга сол, эсингда бўлсин, қафасга тегма.

Шаҳзода Иван девордан ошиб ўтибди, кўшқ деразасига осиглиқ олтин қафасни кўрибди, ичида қақнус турганмиш. У қушни олиб, қўйнига солгач, қафасни кўриб кўзи ўйнаб кетибди. Юраги типирчилаб: «Оҳ, бу бебаҳо, олтин экан-ку? Буни ташлаб кетиб бўладими?»— дебди-да, бўрининг гапни унутиб, қафасни олибди. Унга қўли тегиши билан оқ қаср гум-бурлаб кетибди, карнайлар чалиниб, барабанлар тарақлабди, қоровуллар уйғонишиб, шаҳзода Иванни ушлашибди-да, уни подшо Афрон олдига олиб боришибди.

Подшо Афрон дарғазаб бўлиб сўрабди:

- Кимнинг ўғлисан, қаерликсан?
- Берендей подшонинг ўғли, шаҳзода Иванман...
- Бу қандай шармандалик! Подшо ўғли бўла туриб ўғирлик қилибсан!
- Нима бўпти, сизнинг қушингиз ҳам боғимиздан олтин олмаларимизни ўғирлаб кетди-ку?

— Ундай бўлса ҳузуримга келиб, ётиги билан тушунтирганингда, отанг Берендей подшога бўлган ҳурматим туфайли қушни сенга шундоқ бериб юборган бўлардим. Ана энди бутун шаҳарга номингизни ёяман, сизларни бадном қиламан... Хайр, майли, бўлар иш бўлди, энди менга бир хизмат қилсанг сени кечираман. Фалон мамлакатда подшо Усмоннинг олтин ёлли оти бор. Шу отни олиб келсанг, қақнус қушни қафаси билан сенга бераман.

Шаҳзода Иван қовоқ-тумшуғини осилтириб, бўри олдига келибди. Бўри унга:

— Қафасга тегма девдим-ку. Нега гапимга қулоқ солмадинг?— дебди.

- Бир сафар мени кечир, бўрижон, кечир.
- Кечир, дейсан-а тагин... Майли энди, устимга мин. Айтган гапимни қулоғингга олгин.

Бўри шаҳзода Иванни устига миндириб, яна югуриб кетибди. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, олтин ёлли от турадиган қасрга етиб келишибди.

— Девордан ошиб ўт, шаҳзода Иван, қоровуллар уйқуда, отхонага кир-да, отни ол, эҳтиёт бўл, тагин юганни ола кўрма.

Шаҳзода Иван қасрга ошиб тушибди, ҳамма қоровуллар ухлаб ётган экан, отхонага кириб, олтин ёлли отни тутибди, лекин югандан сира кўз узолмасмиш — у олтиндан бўлиб, ҳаммаёғига қимматбаҳо ялтироқ тошлар қадалган эмиш; шу юганни солиб, олтин ёлли отга миниб юриш қандай яхши бўлади!

Шахзода Иван юганга қўл уриши биланоқ, бутун қаср карнай, дўмбиралар овозидан гумбурлаб кетибди, қоровулар уйғонишибди-да, шахзода Иванни ушлаб, подшо Усмон ҳузурига олиб келишибди.

— Кимнинг ўғлисан, қаерликсан?

— Мен шахзода Иван бўламан.

— Шахзода бўла туриб, уялмай от ўғирлаб юрибсанми? Бу шармандалиқни оддий қарол ҳам қилмайди-ку. Хайр, майли, агар менга бир хизмат қилсанг, гуноҳингни кечираман. Подшо Далматнинг гўзал Елена деган қизи бор. Уни ўғирлаб олиб келсанг, олтин ёлли отни югани билан сенга ҳадя қиламан.

Шахзода Иван баттар хафа бўлиб, бўри олдига келибди.

— Сенга ахир юганга тегма, деб айтган эдим-ку, шахзода Иван. Яна гапимга қулоқ солмабсан-да,— дебди бўри.

— Кечир мени, бўрижон, кечир,— дебди шахзода Иван.

— Ҳадеб кечираверар эканман-да... Хайр, майли, устимга мин.

Шахзода Иванни олиб бўри яна чошиб кетибди. Подшо Далмат мамлакатига етиб келишибди. Қаср ичидаги боғда гўзал Елена энагалари, канизаклари билан сайру томоша қилиб юрган экан. Бўри шахзода Иванга:

— Бу сафар сени юбормайман, ўзим бораман. Сен келган йўлимиздан яна қайтиб кетавер, мен орқангдан тез етиб оламан,— дебди.

Шахзода Иван қайтиб кетибди, бўри девордан бир сакраб боққа тушибди. Бута орқасида пойлаб ўтирибди. Гўзал Елена сайр қила-қила чарчаб, энагалари ва канизакларидан орқада қолиб кетибди, бўри уни ҳаппа ушлаб, елкасига ортибди-да, девордан ошиб қоча кетибди.

Шахзода Иван йўлда кетаётган экан, бирдан бўри етиб келибди, қараса, устида гўзал Елена ўтирганмиш, шахзода Иван хурсанд бўлиб кетибди, бўри унга:

— Тезроқ устимга мин, тагин қувлаб келиб қолишмасин,— дебди.

Бўри шахзода Иван билан гўзал Еленани олиб орқага қайтибди, яшил ўрмонлар, кўллар, дарёлар кўз олдидан лип-лип ўтиб кетаверибди. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, подшо Усмон мамлакатига етиб келишибди, бўри шахзода Ивандан:

— Нега индамайсан, хафасан?— деб сўрабди.

— Хафа бўлмай бўладими, бўрижон! Бу соҳибжамол қиздан қандай айриламан? Гўзал Еленани отга алмаштириб бўладими?

Бўри бундай дебди:

— Бу гўзал қиздан сени айирмайман, уни бир жойга яши-

риб қўямиз, мен гўзал Еленага айланаман, мени подшо олдига олиб борасан.

Шундан кейин улар гўзал Еленани ўрмон ичидаги бир кулбага яшириб қўйибдилар. Бўри бир думалаб худди гўзал Еленага ўхшаб қолибди. Шаҳзода Иван уни подшо Усмон олдига олиб борибди. Подшо хурсанд бўлиб кетибди, унга таҳсинлар ўқибди:

— Раҳмат сенга, шаҳзода Иван, менга қайлиқ олиб келганинг учун. Олтин ёлли отни югани билан ола қол.

Шаҳзода Иван олтин ёлли отга минибди-да, гўзал Еленани олиб келгани кетибди. Уни олибди-да, отга мингизибди, кейин йўлга тушибдилар.

Подшо Усмон тўй қилибди, эрталабдан кечгача зиёфат берибди, кечқурун ётиш пайтида гўзал Еленани ётоқхонасига олиб кирибди, бундай қараса, ёш хотини ўрнига афтига бўри қараб турганмиш. Подшо ўтакаси ёрилиб, каравотдан ағдарилиб тушибди, бўри бўлса ура қочибди.

Бўри шаҳзода Иванни қувиб етибди-да, ундан:

— Яна нега хафасан, шаҳзода Иван? — деб сўрабди.

— Хафа бўлмай бўладими? Бундай бебаҳо олтин ёлли отни қақнус қушга алмаштиришга ҳеч кўнглим бўлмаяпти.

— Хафа бўлма, ёрдам қиламан.

Подшо Афрон саройига етиб келишибди. Бўри бундай дебди:

— Бу от билан гўзал Еленани бир жойга яшир, мен олтин ёлли отга айланаман, подшо Афрон ҳузурига мени олиб борасан.

Улар гўзал Елена билан олтин ёлли отни ўрмонга бекииб қўйишибди. Бўри бир думалаб олтин ёлли отга айланиб қолибди. Шаҳзода Иван уни Афрон ҳузурига олиб борибди. Подшо хурсанд бўлиб, қақнус қушни олтин қафаси билан бирга бериб юборибди.

Шаҳзода Иван ўрмонга борибди-да, гўзал Еленани олтин ёлли отга миңдириб, қўлига олтин қафасдаги қақнусни олиб, ҳайё-ҳув деб ўз юртига жўнабди.

Подшо Афрон эса ҳадя қилинган отни олиб келишларини буюрибди, узангига оёғини қўйиши билан от бўрига айланиб қолибди. Подшо қўрққанидан турган жойида ўзидан кетиб йиқилибди, бўри бўлса қочиб қолибди, дам ўтмай шаҳзода Иванни қувиб етибди.

— Энди хайр, менга у томонларга бориш мумкин эмас, — дебди бўри.

Шаҳзода Иван отдан тушибди-да, уч марта эгилиб таъзим қилибди; бўрига миннатдорчилигини билдириб, ташаккурлар айтибди. Бўри бундай дебди.

— Мен билан бир умрга хайрлашма, яна кунингга яраб қоламан.

Шахзода Иван ичида: «Яна нимагга ярадинг? Ҳамма орзу-умидларимга етдим-ку», деб ўйлабди. Олтин ёлли отга миниб, гўзал Елена, қақнус учовлари йўлга тушибдилар. У ўз юртига етиб келибди, шу ерда тушлик қилмоқчи бўлибди. Ёнида бир-икки бурда нон бор экан. Утириб нонни ебдилар, булоқ сувидан ичибдилар, кейин бир оз дам олгани чўзилибдилар.

Шахзода Иваннинг эндигина кўзи илинган экан, устига акалари келиб қолибди. Улар бошқа жойларда қақнус қушни қидириб сарсон бўлишиб, уни тополмай ҳафсалалари пир бўлиб қайтишадиган экан.

Йўлда кела туриб бундай қарасалар, шахзода Иваннинг иши йирик, ҳамма нарса муҳайё. Шунда улар тил бириктириб:

— Кел, укамизни ўлдирамыз, ҳамма ўлжа бизга қолади,— дейишибди.

Шундай деб, шахзода Иванни ўлдирибдилар. Олтин ёлли отга миниб, қақнус қушни олиб, гўзал Еленани отга миндириб, унга:

— Уйга борганда оғиз очмайсан!— деб дўқ қилибдилар.

Шахзода Иван ўлиб ётар, устида қарғалар учиб юрар экан. Шу пайт аллақердан бўри югуриб келиб қолибди-да, битта қарғани боласи билан ушлаб олиб:

— Тез учиб бориб обиҳаёт билан шифобахш сувдан олиб кел, ана шунда болангни қўйиб юбораман,— дебди.

Қарға ноилож учиб кетибди, бўри бўлса унинг боласини ушлаб турибди. Учиб-учиб қарға обиҳаёт билан шифобахш сувдан олиб келибди. Бўри шахзода Иваннинг жароҳатларига шифобахш сувдан сепган экан, жароҳатлари битибди, обиҳаёт сепган экан, шахзода Иван тирилибди.

— Уҳ, қаттиқ ухлаб қолибман-ку...— дебди шахзода Иван.

— Ҳа, жуда қотиб ухлаган экансан,— дебди бўри.— Мен бўлмаганимда сира уйғонмас эдинг. Туғишган акаларинг сени ўлдириб, бутун ўлжаларингни олиб кетдилар. Тезроқ устимга мин.

Бўри шахзода Иванни олиб, жони борича чопиб кетибди, улар иккала акани қувиб етишибдилар. Бўри уларни бурда-бурда қилиб ташлабди, у ер-бу ерда суяклари сочилиб қолибди.

Шахзода Иван бўрига эгилиб таъзим қилибди-да, у билан бир умрга хайрлашибди.

Шахзода Иван уйига олтин ёлли отда қайтиб келибди, отасига қақнус бериб, ўзи гўзал Еленани қаллиқ қилиб олибди.

Подшо Берендейнинг боши осмонга етибди, ўғлидан қилган





ишларини айтиб беришни сўрабди. Шаҳзода Иван ўлжаларини қўлга туширишда бўрининг ёрдам берганини, ухлаб ётганида, акалари ўлдирганини, бўри уларни тилка-тилка қилганини айтиб берибди.

Подшо Берендей аввал бир оз хафа бўлибди, кейин тинчланибди.

Шаҳзода Иван гўзал Еленага уйланибди, улар ёшларини яшаб, ошларини ошаб, ғам нималигини билмай ўтишибди.



## Ш У Н Қ О Р

ор экан-да, йўқ экан, бир ўзига тўқ деҳқон бўлган экан. Унинг хотини вафот этиб, уч қизи билан қолган экан. Чол уй-рўзғор ишларига қараш учун оқсоч олмоқчи бўлибди. Лекин кенжа қизи Марьюшка:

— Қўйинг, дадажон, оқсоч олманг, уй-рўзғор ишларини ўзим қиламан, — дебди.

Чол рози бўлибди. Марьюшка уй-рўзғор ишларини қилиб юраверибди. У ҳамма нарсанинг урдасидан чиқар, ҳар қанақа иш унинг қўлидан келар экан. Отаси Марьюшкани яхши кўрар, қизининг ақлли, ишчан бўлиб ўсаётганидан қувонар экан. Узи ҳам жуда чиройли қиз экан-да. Опалари бунга ҳасад қилишар, уни ҳеч кўришолмас экан, чунки хунук, таъвия эканлар, эртадан кечгача упа-элик қўйиб, лабларини бўяб, ҳали у, ҳали бу кийимни кийиб, ўзларини ойнага солиб пардозандоз қилишса ҳам, лекин ҳеч нарса яранмас экан.

Бир куни оталари бозорга кетаётиб:

— Қизларим, нима олиб келай, нимани яхши кўрасизлар? — дебди.

Катта қизи билан ўртанчаси:

— Бизларга шол рўмол олиб келинг, гуллари йирик, зар билан тикилган бўлсин, — дейишибди.

Марьюшка индамабди. Отаси ундан:

— Сенга нима олиб келай, қизгинам? — деб сўрабди.

Дадажон, менга шунқорнинг патини олиб келинг, — дебди қиз.

Отаси шол рўмол олибди-ю, шунқорнинг патини тополмабди.

Бир куни чол яна бозорга отланиб:

— Қани, айтинглар, кимга нима олиб келай? — деб қизларидан сўрабди.

Катта қизи билан ўртанчаси хурсанд бўлиб:

— Бизга кумуш нағалли этик олиб келинг, — дейишибди.

Марьюшка бу сафар ҳам:

— Дадажон, менга шунқорнинг патини олиб келинг, — дебди.

Чол кун бўйи бозорда юриб этик олибди-ю, ammo шунқорнинг патини тополмабди.

Чол учинчи марта бозорга борадиган бўлибди. Катта қизи билан ўртанчаси:

— Бизга кўйлак олиб келинг, — дейишибди.

Марьюшка яна:

— Дадажон, менга шунқорнинг патини олиб келинг, — дебди.

Отаси кечгача бозорда юриб, шунқорнинг патини тополмабди. У хомуш бўлиб уйига қайтаётган экан, қаршисидан бир мункиллаган чол чиқиб қолибди.

— Ассалому алайкум, бобо!

— Ваалайкум ассалом! Йўл бўлсин, ўғлим?

— Уйга, қишлоққа кетяпман. Кичкина қизим уч сафардан буён шунқорнинг патини олиб келинг дейди, тополмаяпман, шунга хафа бўлиб қайтяпман.

— Менда шунқорнинг пати бору, лскин жуда ноёб-да, ҳай, майли, яхши одам экансан, сенга берақоламан.

Чол қўйнидан бир пат олиб берибди. Қараса, оддий қуш пати эмиш. Деҳқон йўл-йўлакай Марьюшкага бунинг нимаси ёққан экан-а, деб ўйлаб кетибди.

Чол қизлари буюрган нарсаларни олиб келибди, катта қизи билан ўртанчаси Марьюшкани масхара қилишибди:

— Эй аҳмоқ, патни сочингга қадаб чиройли бўлмоқчимисан?

Марьюшка индамабди, ўзини бир четга тортибди, ҳамма ухлашга ётгач, патни ерга ташлабди-да:

— Азиз Шунқорим, кутган ёрим, кел ёнимга, — дебди.

Шу маҳал унинг олдида ҳусни таърифга сиғмайдиган чиройли бир йигит пайдо бўлибди. Тонгга яқин йигитча бир думалабди-да, шунқор бўлиб қолибди. Марьюшка деразани очган экан, шунқор мовий осмонга парвоз қилиб кетибди.

Марьюшка уч кунгача шоввоз йигитни ёнига чақирибди. Кундузи у шунқорга айланиб, кўм-кўк осмонда баланд парвоз қилиб юрар, қош қорайиши билан Марьюшканинг ёнига келаркан-да, бир думалаб чиройли йигитчага айланар экан.

Тўртинчи куни кўнгли қора опалари бу ҳолни пайқаб қолибдилар-да, оталарига чақибдилар.

— Азиз қизларим, — дебди чол, — яхшиси ўзингизни билинглар, бошқалар билан ишингиз бўлмасин!

«Жуда соз, кўрамиз, оқибати нима бўлар экан,» дейишибди опалари ичларида.

Улар деразага ўткир пичоқларни қадаб, ўзлари бекиниб турибдилар. Бир маҳал шунқор учиб келибди. Лекин Марьюшканинг хонасига киролмабди, ўзини деразага уриб, бутун кўрагини пичоқлар тилиб юборибди. Марьюшка ширин уйқуда экан, эшитмабди.

Шунқорнинг хўрлиги келиб, шундай дебди:

— Кимга керак бўлсам, энди мени ўзи қидириб топсин. Бу осон эмас, учта темир бошмоқни кийиб тамомлайсан, учта темир ҳассани тутиб адо қиласан, учта темир қалпоқни тўзитасан-да, шунда мени топасан.

Бу гапни эшитиб, Марьюшка дик этиб ўрнидан туриб қараса, шунқор йўқ, фақат дераза қонга беланган эмиш. Марьюшка зор-зор йиғлабди. Қон доғларини кўзёшлари билан ювибди, шундан кейин яна ҳам чиройли бўлиб кетибди.

У отасининг олдига бориб, шундай дебди:

— Дадажон, мени койиманг, ижозат беринг, олис сафарга кетмоқчиман, омон бўлсам кўришармиз, ўлсам — пешонамдан кўраман.

Дадаси сеvimли қизини ёнидан нари юборгиси келмаса-да ноилож унга жавоб берибди.

Марьюшка учта темир бошмоқ, учта темир ҳасса, учта темир қалпоқ буюртирибди-да, Шунқорни ахтариб, йўлга тушибди. У қир ошибди, сой кечибди, чўл-биебонлардан, қалин ўрмонлардан ўтибди. Қушлар шўх-шўх чуғурлаб, унинг кўнглини кўтарибди, ариқдаги зилол сувлар унинг оппоқ юзини, қоронғи ўрмонлар унга оғушини очибди. Марьюшкага ҳеч нарса озор бермабди. Бўрилар, айиқлар, тулқилар — ҳамма ҳайвонлар унинг атрофида парвона бўлибди. У темир бошмоқни кийиб битирибди, темир ҳассани ишдан чиқарибди, темир қалпоқни тўзитибди.

Марьюшка ўрмон ичидаги яланглиқда бир кулбани кўриб қолибди-да:

— Кулба, кулба, ўрмонга орқангни ўгир, менга қара, кириб тамадди қилиб олай, — дебди.

Кулба Марьюшкага ўгирилибди. Марьюшка кириб бундай қараса қоқ суяк бир ялмоғиз кампир ўтирганмиш, оёғи кулбанинг бурчагига етармиш, лаби тоқчада, бурни шифтга тегиб турган эмиш.

Ялмоғиз Марьюшкани кўриб, шовқин солибди:

— Фу, фу, одам ҳиди келяпти! Эй сулув, бу ерларда нима қилиб юрибсан?

— Шунқорни қидириб юрибман, буви.

— О, сулув, ҳали уни кўп қидирасан! Шунқор дунёнинг нариги четидаги узоқ мамлакатда туради. Сеҳрғар малика беҳуш қиладиган дори ичириб, унга тегиб олган. Лекин мен сенга ёрдам қиламан. Мана бу кумуш идиш билан тухумни ол. Уша мамлакатга борганингда маликага оқсоч бўл. Ишингни битириб бўлганингдан кейин, идишни олиб, унга тухумни солсанг, у ўзидан-ўзи айланаверади. Сот десалар — сотма. Шунқорни бир кўрсам, текинга бераман, де.

Марьюшка ялмоғизга раҳмат айтиб, яна йўлга тушибди. Кун ботиб, ўрмон ичи қоп-қоронғи бўлибди. Марьюшканинг юрагига ваҳима тушиб, юришга оёғи бормаи қолибди, шунда олдидан бир мушук чиқиб, қизга:

— Қўрқма, Марьюшка, олға юравер, ҳали бундан ҳам қўрқинчлироқ бўлади, лекин парво қилма, орқангга қарамай кетавер, — дебди-да, бир дарахтга суркалган экан, айтганидек бўлибди, Марьюшка илдамлаб кетаверибди. Урмон янада қоронғилашибди. Марьюшка юра-юра темир бошмоқни кийиб тамомлабди, ҳассани синдириб битказибди, темир қалпоқни тўзитиб, бир кулбага келибди. Унинг атрофига четан девор тугтилган, қозикларда бош суяклар осилиб турганмиш, ҳар қайси бош суяк ўтдек ёниб ётган эмиш.

Марьюшка:

— Кулба, кулба, ўрмонга орқангни ўгириб, менга қара, кириб тамадди қилай, — дебди.

Кулба Марьюшкага қарабди. Ичига кирса, қоқ суяк ялмоғиз кампир ўтирганмиш, оёқлари уйнинг бурчагига етармиш, лаби токчада, бурни шипга тегиб турганмиш.

Ялмоғиз кампир Марьюшкани кўриб, шанғиллаб берибди:

— Фу, фу, одам ҳиди келяпти! Эй сулув, бу ерларда нима қилиб юрибсан?

-- Шунқорни қидириб юрибман, буви.

— Опамнинг уйига кирдингми?

— Ҳа, кирдим.

— Майли, сулув қиз, сенга ёрдамлашаман. Мана бу чамбарак билан олтин игнани ол. Бу игна тўқ қизил духобага кумуш, олтин гуллар тикади. Сот десалар — сотма. Шунқорни кўрсатсанг, текинга бераман, де.

Марьюшка ялмоғизга раҳмат айтиб, яна йўлга равона бўлибди. Ўрмонни момақалдироқ, чинқириқ, ҳуштак овозлари босиб кетибди, бош суяклар йўлни ёритиб турибди. Марьюшкани ваҳима босибди. Қараса, бир ит чопиб келаётганмиш.

— Вов, вов, Марьюшка, қўрқмай йўлингга кетавер, ҳали бундан ҳам қўрқинчлироқ бўлади, лекин орқангга қарамай, олға юравер.

Ҳақиқатан ҳам ит айтгандай бўлибди. Марьюшка йўлда

давом этибди, ўрмон янада қоронғилашибди. Унинг оёғига бир нималар ўралашар, қўлидан тортар эмиш... Марьюшка парво қилмай, жадал илгарилаб кетаверибди...

У йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юрибди, учинчи темир бошмоқни ҳам кийиб тамомлабди, темир ҳассаси ейилиб битибди, темир қалпоқни тўзитибди. У ўрмон ичидаги кичик ялангликка чиққан экан, бир кулба турганмиш, унинг тева-рак-атрофига четан девор тутилганмиш, қозиқларга эса отнинг бош суяклари илинган эмиш, ҳар қайси бош суяк ўт бўлиб ёнар эмиш.

Марьюшка:

— Кулба, кулба, ўрмонга орқангни ўгириб, менга қара,— дебди.

Кулба Марьюшкага ўгирилибди. У кулбага кириб қараса, бир ялмоғиз кампир ўтирганмиш, қоқ суяк оёғи кулбанинг бурчагига етармиш, лаби токчада, бурни шифтга тегиб турган эмиш. Ўзи қоп-қора, ўрадек оғзида ёлғиз тиши сўппайиб турганмиш. У Марьюшкани кўриб, шовқин солибди.

— Фу, фу, одам ҳиди келяпти! Ҳой сулув, бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Шунқорни қидириб юрибман, буви.

— Уни топишинг жуда қийин-ку, сулув қиз, майли, мен ёрдам қиламан. Мана сенга кумуш чарх билан олтин урчуқ, қўлга олсанг ўзи йигиради, олтин ип чиқаради.

— Раҳмат, буви.

— Сабр қил, раҳматни кейин айтасан, аввал гапимни эшит: олтин урчуқни сот десалар — сотма, Шунқорни кўрсатсанг, текинга бераман, де.


Марьюшка ялмоғизга раҳматлар айтиб, йўлга тушибди. ўрмон гувилабди, ўкирибди, чинқирик кўтарилибди, бойўғлилар чарх урибди, сичқонлар инларидан чиқибди. Марьюшка жуда кўрқиб кетибди. Қиз бундай қараса: олдидан бир бўри чопиб чиқибди-да:

— Қўрқма, устимга мин, аммо орқангга қарама,— дебди.

Марьюшка бўрига миниб олибди. У қизни чўл-биёбонлардан, зумрад ўтлоқлардан, сув ўрнига шарбат оқадиган қирғоғи зар дарёлардан, булутларга бош урган тоғлардан олиб ўтибди. Бир пайт биллурдан ясалган кўшк кўринибди. Унинг зинапоялари нақшинкор, деразалари гулдор эмиш, деразадан малика қараб турганмиш.

— Етдик,— дебди бўри,— туш устимдан, Марьюшка, бориб хизматга кир.

Марьюшка тушиб, тугунини олибди-да, бўрига миннатдорчилик билдириб, биллурдан ясалган саройга кирибди, Марьюшка маликага таъзим қилиб, шундай дебди:



— Исмингизни, сизни нима деб улуғлашни билмайман, сизга оқсоч керак эмасми?

Малика:

— Керак, лекин ип йигиришни, тўқишни, гул солиб ти-кишни биладиган оқсоч керак, — дебди.

— Бу ишларнинг ҳаммаси қўлимдан келади.

— Бўлмаса кела қол, ишни бошлайвер.

Шундай қилиб Марьюшка оқсоч бўлиб қолибди. У кундузи ишлабди, кеч кириши билан кумуш идишу тухумни олиб:

— Кумуш идишда пилдираб айлан, олтин тухум, азиз ёримни менга кўрсат, — дебди.

Тухум кумуш идишда пилдираб кетибди. Шунда унинг кўз ўнгида Шунқор намоён бўлибди. Кўзида маржон-маржон ёш оқизиб, Марьюшка унга қараб бундай дебди:

— Шунқорим, жоним, нега менинг кўзёшимни оқизиб, ёлғиз ташлаб кетдинг...

Марьюшканинг гапини малика эшитиб қолибди-да:

— Кумуш идиш билан олтин тухумингни менга сот, Марьюшка, — дебди.

— Йўқ, сотмайман, — дебди Марьюшка, — Шунқорни кўришга рухсат берсанг, текинга бераман.

Малика ўйлаб-ўйлаб:

— Хўп, майли, — дебди, — айтганинг бўла қолсин. Кечаси ухлаганда кўрсатаман.

Қош қорайибди, Марьюшка Шунқорнинг ётоқхонасига кирибди, қараса жондан азиз ёри қаттиқ уйқуда эмиш. Марьюшка унга қараб ҳеч тўймабди, ширин лабларидан ўпибди, уни кўкракларига босибди, шунда ҳам азиз ёри ҳеч уйғонмабди. Тонг отибди, лекин Марьюшка азиз ёрини уйғота олмабди.

Марьюшка кун бўйи ишлабди, кеч киргач, кумуш чамбарак билан олтин игнани қўлига олибди. Утириб сочиққа гул тикибди:

— Гул тик, игнам, гул тиккин, эрталаб Шунқорим сочиққа бет-қўлини артишига тайёр бўлсин, — дебди.

Малика бунга эшитиб қолиб:

— Марьюшка, кумуш чамбарак билан олтин игнани менга сот, — дебди.

— Сотмайман, — дебди Марьюшка, — Шунқорни кўрсатсанг текинга бераман.

Малика ўйлаб-ўйлаб:

— Хўп, майли, кечаси кел, — дебди.

Кеч кирибди. Марьюшка Шунқорнинг ётоқхонасига борибди, у қаттиқ уйқуда эмиш.

— Шунқорим, азиз жоним, тур, кўзингни оч!

Шунқор қаттиқ уйқуда экан. Марьюшка сира уйғота олмабди.

Тонг отибди, Марьюшка ишлаб ўтириб, кумуш чарх билан олтин урчуқни олибди.

Буни малика кўриб қолибди-да:

— Менга сот! — деб сира қўймабди.

— Сотмайман-у, аммо Шунқорнинг ёнида бир соат бўлишга рухсат этсанг, текинга бераман.

— Хўп, — дебди у.

Ичида: «Барибир уйғота олмайди», деб ўйлабди.

Шунқор қаттиқ уйқуда экан, кўзини очмабди. Уни ҳеч уйғотолмабди, вақт эса тугай деб қолибди.

Марьюшка дув-дув кўзёши тўкиб:

— Шунқорим, жоним, тур, кўзингни оч, Марьюшкангга бир қара, уни бағрингга босгин, — дебди.

Марьюшканинг кўзёшлари Шунқорнинг яланғоч елкасига тушиб, уни куйдирибди. Шунқор уйғонибди, уёқ-буёққа қараб, Марьюшкага кўзи тушибди. У қучоқлаб ўпибди.

— Наҳотки бу сен бўлсанг, Марьюшка? Учта темир бошмоқни кийиб тамомладингми? Учта темир ҳассани ишлатиб адо қилдингми, учта қалпоқни тўзитиб битирдингми? Юр энди, уйимизга қайтамиз.

Улар йўлга отланибдилар, малика билиб қолиб, карнай чалдирибди-да, эрининг бевафолик қилганини билдирмоқчи бўлибди.

Князлар, савдогарлар йиғилишибди. Шунқорга қандай жазо бериш тўғрисида маслаҳатлашибди.

Шунда Шунқор:

— Сизнингча, астойдил севадиган вафодор хотин яхшими ёки алдаб лақиллатадиганими? — дебди.

Ҳамма Шунқорнинг хотини Марьюшка деган фикрга келибди. Улар бир-бирлари билан топишибдилар, ўз юртларига қайтиб, катта тўй қилибдилар, карнайлар чалинибди, тўплар отилибди, тўйнинг довуғи оламга кетибди.



## ЛАҚМА АЖДАҲО БИЛАН УДДАБУРОН АСКАР

ор экан-да, йўқ экан, бир аскар бўлган экан. У жангу жадани тамомлаб, уйига қайтгунча чубуғини чекиб, ашулани ванг қўйиб келаверибди.

Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, кечга яқин бир қишлоққа етиб келибди. Шу ерда тунаб қолмоқчи бўлиб, бир деразани тақиллатибди:

— Ҳой яхшилар, аскарга бир кечага жой беринглар!

Ҳеч ким жавоб қайтармабди.



Аскар бошқа уйнинг эшигини тақиллатибди. Бу ерда ҳам ҳеч ким жавоб қилмабди. Учинчи уйга борибди-да, зинага чиқиб, эшикни тақиллата бошлабди. Бу ерда ҳам ҳеч ким товуш бермабди. У эшикни очиб, ичкари кирибди, қараса, ҳеч ким йўқ. Ҳаммаёқ чанг, уй ичини ўргимчак ини босиб кетган эмиш.

«Нима гап ўзи, — деб ўйлабди аскар. — Бу қишлоқнинг одамлари қаёққа кетди экан?»

Хуллас, аскар бир қанча уйга кириб чиқибди. Аммо ҳаммаси бўм-бўш, ҳувиллаб ётганмиш...

Ниҳоят у охирги кулбага кирибди. У ерда печь устида бир чол йиғлаб ўтирганмиш.

— Ассалому алайкум, бобо, — дебди аскар.

— Нега бу ерга келдинг, болам? Нима, жонингдан тўйдингми? Урушдан-ку соғ-саломат қайтибсан-а, энди бу ерда ўлишинг аниқ.

— Нима учун?

— Бу ерга бир аждаҳо учиб келиб одамларни еб қўйяпти. Ҳамма одамларни еб бўлди, фақат мени нонуштага қолдирди. Эртага учиб келиб мени ҳам ейди, сени ҳам соғ қўймайди. Бир ямлаганда икки одамни ютади.

— Балки, тиқилиб қолиб ўлар, — дебди солдат. — Келинг, нима бўлса бўлар, сиз билан тунаб қоламан, ўша аждаҳони ўзим бир кўрай.

Улар ётиб ухлашибди.

Эрталаб тўсатдан қаттиқ бўрон кўтарилиб, уй қимирлаб кетибди — аждаҳо келибди. Эшикдан бошини суқиб, чол билан солдатни кўрибди.

— Оҳо, ўлжа келиб қолибди-ю, — дебди у. — Бирини қолдирган эдим, иккинчисини топдим. Нонуштага зап тўядиган бўлдим-да.

— Ростдан емоқчимисан? — деб сўрабди аскар.

— Еганда қандоқ.

— Қўйсанг-чи, тиқилиб ўласан-ку!

— Ҳали мендан кучлимисан?

— Бўлмаса-чи! Ё тавба, аскарнинг сендан кучли эканини билмайсанми?

— Бўлмаса қани кел, куч синашайлик, ким зўр экан.

— Кел.

Аждаҳо катта бир тошни олибди-да, шундай дебди:

— Қараб тур, мен мана шу тошни бир қўлим билан сиқиб кукун қилиб юбораман.

— Жуда соз, кўрамыз.

Аждаҳо тошни олиб, бир эзган экан, учқунлар чақнаб қумга айланиб кетибди.

— Ва-а, шу ҳам иш бұлибдими, — дебди асқар. — Сен тошни шундай өзгинки, ундан сув чиқиб кетсин.

Қўлимдан келмайди, — дебди аждаҳо.

— Менинг қўлимдан келади, ҳозир кўрсатаман.

Шундай деб уйга кирибди-да, кеча кечқурун стол устига тайёрлаб қўйган бир тугун сузмани олиб чиқиб уни бир өзган экан, шар этиб зардоби оқиб тушибди.

Қалай? Кўрдингми?

— Кўрдим, мендан кучинг кўп экан. Энди кел, ким қаттиқ ҳуштак чалар экан, синашиб кўрамыз.

— Бўпти, қани чал-чи.

Аждаҳо бир ҳуштак чалган экан, бутун дарахтларнинг барги учиб кетиб, яланғоч бўлиб қолибди.

— Яхши ҳуштак чалар экансан, лекин мендек эмас, — дебди асқар. — Кўзингни боғлаб ол, бўлмаса ҳуштак чалганимда кўзинг косасидан чиқиб кетади.

Аждаҳо хўп деб, кўзини чипта билан боғлаб олибди.

— Қани чал-чи.

Асқар бир сўйилни олибди-да, унинг қоқ бошига туширибди! Аждаҳо тўлғаниб, овози борича чинқирибди:

— Бўлди, бас қил, асқар, чалма бошқа. Битта чалганингдаёқ кўзим косасидан чиқиб кетай деди, қулоғим ҳали ҳам шанғиллаяпти.

— Ихтиёринг, мен яна бир-икки марта чалишга тайёрман.

— Йўқ, керак эмас. Энди баҳслашмайман. Кел, яхшиси ака-ука тутинамиз, сен менга ака, мен сенга ука бўламан.

— Сен билан ака-ука тутингим келмайди-ю, лекин майли, айтганинг бўла қолсин.

— Энди, ака, — дебди аждаҳо, — бу чолни емаймиз, ўз хўжалигимиз билан шуғулланамиз. Чўлга бор, у ерда бир пода хўкиз ўтлаб юрибди. Энг семизни танла-да, думидан судраб, шу ерга олиб кел, овқатланамиз.

Асқар ноилож чўлга кетибди.

Қараса, жуда кўп хўкиз ўтлаб юрганмиш. Асқар уларни тутиб, думларини бир-бирларига боғлай бошлабди.

Аждаҳо кутиб-кутиб, тоқати тоқ бўлибди-да, ўзи учиб келибди.

— Нега кечикиб қолдинг? — дебди у.

— Шошма, — дебди асқар, — биратўла элликтасини боғлайман-да, ҳаммасини уйга олиб бораман, бир ой маза қилиб еймиз.

— Э, тоза қизиқ экансан-ку! Бу ерда умрбод турмаймиз-ку. Биттаси ҳам етади.

Аждаҳо шундай деб битта семиз хўкизнинг думидан ушлаб, устига ортибди.

— Чатоқ бўлди,— дебди аскар, — шунча ҳўкизни боғловдим, ташлаб кетаверамизми?

— Ҳа,— дебди аждаҳо.— Нима кераги бор.

Уйга етиб келишибди, икки қозон осишибди, лекин сув йўқ эмиш.

— Ҳўкизнинг терисини ол-да,— дебди аждаҳо,— сув олиб кел, овқат пиширамиз.

Аскар терини олиб, қудуқ олдига зўрға судраб келибди.

Қудуқ олдига келиб, атрофини кавлай бошлабди.

Аждаҳо кутиб-кутиб, сабри чидамай ўзи югуриб келибди.

— Нима қиялпсан, ака?

— Қудуқнинг атрофини кавлаб, уни таг-туги билан уйга олиб кетмоқчиман. Ҳар куни сувга келиб ўтирамизми?

— Тоза қизиқ экансан-ку! Қаёқдаги ишларни топасан-а! Атрофини кавлашга кўп вақт кетади, биз овқат пиширишимиз керак, ахир.

Аждаҳо ҳўкиз терисини қудуққа туширибди-да, тўлатиб сув олиб, уйга жўнабди.

— Ака, ўрмонга бор-да, қуруқ бир эманни судраб, уйга келтир, олов ёкиш керак,— дебди аждаҳо.

Аскар ўрмонга борибди-да, пўстлоқ шилиб, арқон эша бошлабди. Узун арқон эшибди-да, эманларни боғлабди.

Аждаҳо кутиб-кутиб тоқати тоқ бўлибди, югуриб ўрмонга ўзи келибди.

— Мунча имиллаялпсан?

— Йигирмата эманни арқон билан боғлаб, илдиз-пилдизи билан уйга олиб бораман, анчага етади.

— Э, сени қара-ю, қаёқдаги ишларни ўйлаб топасан-а,— дебди аждаҳо.

У катта эманни илдизи билан суғуриб олибди-да, судраб кулбага олиб келибди.

Аскар ўзини қаттиқ ранжиганга солиб, индамай чубуғини тортаверибди.

Аждаҳо гўштни пиширибди-да, акасини овқатланишга чақирибди. Аскар жаҳл билан:

— Емайман,— дебди.

Аждаҳо бутун бошли ҳўкизни паққос еб, теридаги сувни батамом ичиб, солдатдан:

— Нега хафасан?— деб сўрабди.

— Қачон қарасам қилган ишимдан қийиқ топиб турасан.

— Шунга хафа бўлдингми, қўй, хафа бўлма, ярашамиз.

— Агар мен билан ярашмоқчи бўлсанг, мени ўз қишлоғимга олиб бориб қўй..

— Хўп бўлади, ака, олиб бориб қўяман.

Аскар аждаҳонинг устига миниб, учиб кетибди.

Аждаҳо аскарнинг қишлоғига етиб ерга тушибди. Уни қишлоқ болалари кўриб қолишибди:

— Аскар келди! Аждаҳо олиб келди! — деб улар бор овозлари билан қичқириб чопиб кела бошлабдилар.

Аждаҳо ўтакаси ёрилиб:

— Улар нима деб бақиряптилар? Тушунолмаяпман, — деб сўрабди.

— Сени ўлдирамиз, деб қичқиришяпти.

«Оббо, — деб ўйлабди аждаҳо, — бу жойнинг муштдай болалари шу бўлса, каттароқлари мени соғ қўймас экан-да». У аскарнинг тагидан сакраб чиқибди-да, ура қочибди.

Шу қочганича ном-нишонсиз бўлиб кетибди. Қўрққанидан қишлоқларга келмайдиган, одамларга тегмайдиган бўлибди.



## ОПА-УКА АЛЁНУШКА БИЛАН ИВАНУШКА

ор экан-да, йўқ экан, бир чол билан кампир бўлган экан. Уларнинг Алёна деган қизлари ва Иван деган ўғиллари бор экан. Чолу кампир фарзандларини Алёнушка ва Иванушка, деб эркалар эканлар.

Чолу кампир вафот этиб, Алёнушка билан Иванушка етим қолишибди.

Алёна ишга кетганида укасини ҳам ўзи билан бирга олиб кетар экан. Йўл узоқ экан. Улар кенг дала бўйлаб кетишаётганда, Иванушканинг сув ичгиси келибди.

— Опа, сув ичгим келяпти.

— Сабр қил, укагинам, қудуққа етайлик.

Улар кетишаверибди — қуёш тиккада, қудуқ узоқда, кун жазирама экан; терлаб тинкалари қурибди. Бир ерда ётган сигир туёғи сувга тўла экан.

— Алёнушка, опажон, туёқдаги сувни ичаман!

— Ичма, укажон, бузоқ бўлиб қоласан!

Укаси гапга қулоқ солибди.

Улар яна кетаверишибди. Қуёш тиккада, қудуқ узоқда, кун жазирама экан; терлаб тинкалари қурибди. Бир ерда ётган от туёғи сувга тўла экан.

— Алёнушка, опажон, туёқдаги сувни ичаман!

— Ичма, укажон, тойчоқ бўлиб қоласан.

Иванушка хўрсиниб қўйибди, улар яна кетаверишибди.

Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Қуёш тиккада, қудуқ узоқда, кун жазирама экан; терлаб тинкалари қурибди. Бир ерда ётган эчки туёғи сувга тўла экан.

— Опа, дармоним қолмади, туёқдаги сувни ичаман, — дебди Иванушка.

— Ичма, укажон, улоқча бўлиб қоласан.

Иванушка энди гапга қулоқ солмай, эчки туёғидаги сувни ичибди. Ичибди-да, улоқча бўлиб қолибди.

Алёнушка укасини чақирибди, Иванушка ўрнига унинг орқасидан оипоқ улоқча чопиб келибди.

Алёнушка кўзларидан дув-дув ёш тўкибди, пичан ғарами тагига ўтириб олиб, йиғлайверибди, эчки бўлса унинг ёнида дик-дик сакрармиш.

Шу пайт уларнинг ёнидан бир савдогар ўтиб қолибди:

— Дўндиқ қиз, нега йиғлаяпсан, — деб сўрабди у.

Алёнушка ўз бошига тушган фалокатни унга сўзлаб берибди.

Савдогар унга:

— Менга турмушга чиқсанг сени олтин-кумушларга кўмиб ташлайман, улоқча ҳам биз билан бирга туради, — дебди.

Алёна ўйлаб-ўйлаб, охири рози бўлибди.

Улар тинч-тотув яшай бошлабдилар; улоқча ҳам уларни кида туриб, Алёна билан бир косадан овқат ичаркан.

Кунлардан бир куни савдогар уйида йўқ пайтда қаёқдандир бир жодугар келиб қолибди. Алёнушканинг деразаси тагига борибди-да, дарёга бориб чўмилиб келайлик, дея мулозамат қилибди.

Жодугар Алёнушкани дарё бўйига олиб келибди. Бирдан унга ташланиб, бўйига тош боғлабди-да, дарёга чўктириб юборибди.

Ўзи бўлса Алёнушканинг кийимларини кийиб, ясанибди-да, унинг уйига келибди. Жодугарни ҳеч ким танимабди. Савдогар ҳам танимабди.

Фақат улоқча ҳамма сирдан хабардор экан. У бошини осилтириб, сув ҳам ичмабди, овқат ҳам емабди. Эртаю кеч дарё бўйида юриб:

*Алёнушка, опажон!  
Сузиб чиққин қирғоқча... —*

деб чақираверибди.

Буни жодугар сезиб қолибди-да, эрига: «Улоқни сўй!..» — деб уни ҳол-жонига қўймабди.

Савдогарнинг улоқчага раҳми келибди, унга ўрганиб қолган экан-да. Жодугар бўлса: сўясан, деб хархаша қилармиш; ахири бўлмагач, савдогар:

— Майли, ўзинг сўя қол... — дебди.

Жодугар катта гулхан ёқишни, дошқозонларни осишни, пўлат ханжарларни чархлашни буюрибди...

Улоқча умри оз қолганини билиб, тутунган отасига:

— Улиш олдидан мени дарё бўйига қўйиб юбор, сув ичиб, ичакларимни хўллаб олай,— дебди.

— Майли, бора қол.

Улоқча чопқилаб дарё бўйига борибди-да:

— *Алёнушка, опажон!*  
*Қирғоққа чиққин шу он.*  
*Катта гулхан ёқишган,*  
*Қозонда сув қайнаган,*  
*Пўлат пичоқ қайралган,*  
*Сўйишга улар шайланган,—*

деб зор-зор йиғлабди.

Алёнушка бўлса дарё тубидан укасига жавоб қайтарибди.

— *Ох, укажоним, Иван!*  
*Оғир тош ғарқ этмоқда,*  
*Оёққа ўт чирмашган,*  
*Қум кўксимни эзмоқда.*

Жодугар улоқчани излаб, ҳеч тополмабди, кейин хизматкорини юбориб, унга:

— Бор, улоқчани топиб кел,— дебди.

Хизматкор дарё бўйига борса, соҳилда бир улоқча уёқдан-бүёқча чопиб:

— *Алёнушка, опажон!*  
*Қирғоққа чиққин шу он.*  
*Катта гулхан ёқишган,*  
*Қозонда сув қайнаган,*  
*Пўлат пичоқ қайралган,*  
*Сўйишга улар шайланган,—*

деб зор-зор йиғлармиш.

Дарё тубидан унга шундай жавоб келармиш:

— *Ох, укажоним, Иван!*  
*Оғир тош ғарқ этмоқда,*  
*Оёққа ўт чирмашган,*  
*Қум кўксимни эзмоқда.*

Хизматкори уйга чопиб бориб, дарё бўйида эшитганларининг ҳаммасини савдогарга бирма-бир айтиб берибди. Одамларни тўплашиб, дарё бўйига боришибди-да, ипак тўрларни ташлашиб, Алёнушкани дарёдан чиқаришибди. Бўйнидаги тош-

ни олиб ташлаб, булоқ сувига ювинтиришиб, яхши кийимлар кийгазишиб ясантиришибди. Алёнушка анча жонланиб, аввалгидан ҳам гўзал бўлиб кетибди.

Улоқча бўлса севинганидан уч марта ўмбалоқ ошган экан, Иванушкага айланиб қолибди.

Шундан кейин ёвуз жодугарни отнинг думига боғлаб, кенг далага олиб чиқиб, жазосини беришибди...



## БЎҒИРСОҚ

— Ор экан-да, йўқ экан, бир чол билан кампир бор экан. Бир куни чол:

— Кампир, менга бўғирсоқ пишириб бергин, — дебди.

— Нимадан пишириб бераман? Ун йўқ-ку! — деб жавоб берибди кампир.

— Э, кампир! Супрани қоқиб, қути ичини сидиргин, қарабанки, бирпасда бўғирсоққа етадиган ун йиғилиб қолади, — дебди чол.

Кампир супрани қоқиб, қути ичини сидириб, бир-икки ҳовуч ун йиғибди. Урни қаймоққа қорибди, зувала ясаб бўғирсоқ қипти, товага солиб ёғда пиширибди-да, совусин деб деразага қўйибди.

Бўғирсоқ деразада ётавериб зерикибди, бирданига юмалаб сўрига ўтибди. Ундан ерга тушибди, кейин эшик ёнига борибди, сўнг бир сакраб даҳлизга чиқибди, даҳлиздан зинапояга, зинаподан ҳовлига ўтибди-да, ташқарига чиқиб кетаверибди.

Бўғирсоқ йўлда юмалаб кетаётганида, олдидан бир қуён чиқиб қолибди:

— Бўғирсоқ, бўғирсоқ! Мен сени ейман, — дебди қуён.

— Йўғ-е, мени емагин, шалпангқулоқ, сўзимга солгин қулоқ; сенга ажойиб қўшиқ айтиб бераман, — дебди бўғирсоқ ва қўшиқ айтибди:

*Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ,  
Супрадаги ун-урвоқ,  
Сидиришиб олдилар,  
Қаймоққа хўп қордилар,  
Пиширдилар товада,  
Совутдилар ҳавода.  
Қочиб кетдим бобомдан,  
Қочиб кетдим бувимдан,  
Эшит, қуён, бўлди бас,  
Сендан қочини ҳеч гапмас!*

Бўғирсоқ қўшиғини тамомлаб, яна олға қараб юмалаб кетаверибди. Қуён эса аҳмоқ бўлиб қолаверибди...

Бўғирсоқ юмалаб кетаверибди, шунда рўпарасидан бир бўри чиқиб:

— Бўғирсоқ, бўғирсоқ, мен сени ейман, — дебди.

— Йўғ-е, мени емагин, кулранг бўри, сенга қўшиқ айтиб бераман, — дебди бўғирсоқ.

*Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ,  
Супрадаги ун-урвоқ,  
Сидиришиб олдилар,  
Қаймоққа хўп қордилар,  
Пиширдилар товада,  
Совутдилар ҳавода.  
Қочиб кетдим бобомдан,  
Қочиб кетдим, бувимдан,  
Қочиб кетдим, қуёндан,  
Эшит, бўри, бўлди бас,  
Сендан қочиш ҳеч гапмас!*

Бўғирсоқ яна олға қараб юмалаб кетаверибди, бўри эса аҳмоқ бўлиб қолаверибди...

Бўғирсоқ юмалаб-юмалаб бораётганида, рўпарасидан айиқ чиқиб қолибди:

— Бўғирсоқ, бўғирсоқ, мен сени ейман, — дебди айиқ.

— Эҳ-ҳа, еб бўлсан, маймоқ оёқ!

*Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ,  
Супрадаги ун-урвоқ,  
Сидиришиб олдилар,  
Қаймоққа хўп қордилар,  
Пиширдилар товада,  
Совутдилар ҳавода,  
Қочиб кетдим бобомдан,  
Қочиб кетдим бувимдан,  
Қочиб кетдим қуёндан,  
Қочиб кетдим бўридан,  
Эшит, айиқ, бўлди бас,  
Сендан қочиш ҳеч гапмас!*

Шундай қилиб, бўғирсоқ бир юмалаб қочиб кетибди, айиқ аҳмоқ бўлиб қолаверибди...

Бўғирсоқ юмалаб-юмалаб кетаётганида, рўпарасидан бир тулки чиқиб қолибди-да:

— Салом, бўғирсоқ! Қандай чиройлисан, худди қип-қизил мағиздайсан-а! — дебди.



Бўғирсоқ жудаям талтайиб кетибди-да, қўшиқ айтибди:

*Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ,  
Супрадиги ун-урвоқ.  
Сидиришиб олдилар,  
Қаймоққа хўп қордилар,  
Пиширдилар товада,  
Совутдилар ҳавода,  
Қочиб кетдим бобомдан,  
Қочиб кетдим бувимдан,  
Қочиб кетдим қуёндан,  
Қочиб кетдим бўридан,  
Қочиб кетдим айиқдан,  
Эшит, тулки, бўлди бас,  
Сендан қочиш ҳеч гапмас!*

— Ажойиб қўшиқ экан!— дебди тулки,— эҳ, аттанг, бўғирсоқ, мен қариб қолибман, қўшигингни яхши эшитмаяпман; тумшуғимга чиқиб яна бир марта қаттиқроқ айтиб бергин.

Бўғирсоқ тулкининг тумшуғига сакраб чиқиб ўша қўшиқни айтибди.

— Раҳмат, бўғирсоқ, ажойиб қўшиқ экан, яна эшитгим келяпти, тилимга чиқиб, охирги марта айтиб бер.

Тулки шундай дебди-ю, тилини чиқарибди; бўғирсоқ лақилаб, лип этибди-да, тулкининг тилига чиқибди: тулки бўлса уни хап этиб еб қўйибди.

## ШАВКАТЛИ ВА ҚУДРАТЛИ ПАҲЛАВОН ЕРУСЛАН ЛАЗАРЕВИЧ ҲАҚИДА ЭРТАК



ир мамлакатда Картаус исмли қирол яшар экан. Унинг ўн икки нафар паҳлавони бўлиб, улар ичида Лазарь Лазаревич дегани қудратли, қиёси йўқ экан. Бошқа паҳлавонлар навқирон Лазарь Лазаревични курашларда енгиш учун жуда кўп уриништи, аммо бирон марта ҳам уни енгиша олмапти.

Паҳлавон йигирма ёшга кирипти. Шунда унинг ота-онаси:

— Уғлим, энди оила қурадиган пайтинг ҳам келди!— дейиштипти.

Лазарь Лазаревич ўзи ҳам уйланишга рози экану лекин муносиб қаллиқ топиш қийин бўпти: топилган қизларнинг бири отаси билан онасига, бошқа бири бўлса йигитнинг ўзига ёқмабди.

Шу зайлда орадан анча вақт ўтибди. Ниҳоят, Лазарь Лазаревич ота-онасидан оқ фотиҳа сўрапти.

— Ижозат беринг, сафарга чиқай. Эл-юртга кўринай, ўзимни танитай.

Ота-онаси унга қаршилиқ қилмапти. Шундан кейин, азамат йигит улар билан хайр-хўшлашиб, қирол Картаус салтанатидан жўнаб кетишти. У йўл юришти, йўл юрса ҳам мўл юрипти — ахийри бир бегона мамлакатга етиб боришти. Қараса, бу ернинг каттао кичик жами аҳолиси қаттиқ қайғуда эмиш: ҳамма оҳ-воҳ қилиб, юм-юм йиғлармиш.

— Бошингизга қандай фалокат тушди? Нечун барча одамлар бунчалик мотамсаро?

— О, паҳлавон йигит, бошимизга тушган оғир мусибатдан сен беҳабарсан, — дейиштипти унга. — Юртимизга бир денгиз аждари танда қўйиб олди, у касофат, ейиш учун биздан ҳар куни биттадан одам талаб қилмоқда. Агар унинг амрига қуроқ осмасак, барча шаҳар, қишлоқларимизга ўт қўйиб, кулини кўкка совурармиш. Мана, бугун ҳам бир навниҳол қизимизни ўша махлуққа ем қилгани денгиз бўйига кузатиб қўйдик.

Бу шум хабарни эшитган паҳлавон бошқа ҳеч нима сўрамай, тулпорини ниқтаб, тўғри денгиз соҳилига елдек учиб кетибди.

Етиб бориб қараса, бир соҳибжамол қиз аччиқ-аччиқ кўзёш тўкиб, соҳилда йиғлаб ўтирганмиш. Лазарь Лазаревич қизнинг қошига бориб:

— Салом, яхши қиз! — депти.

Қиз бошини кўтариб, йигитни кўриптию депти:

— О, саховатли одам, бу ердан тезроқ жўнаб қол. Ҳозир мени егани денгиз қаъридан аждаҳо чиқади, у сени ҳам соғ қўймайди.


— Э, дилбар қиз, аждаҳодан қўрқиб қочсам уят бўларов, аммо бир оз ҳордиқ чиқарсам чакки бўлмасди: кўп йўл юриб толиқдим. Мен бир оз мизғиб олай, сен аждаҳонинг қорасини кўрган заҳотинг мени уйғот.

У отидан тушиб, барра ўт устига ётипти-ю, донг қотиб ухлаб қолипти.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, бирдан денгиз гувиллаб, тўлқинлана бошлапти. Аждаҳо ҳар гал денгизни шунақа тўлқинлатиб келаркан. Қиз бу ҳолни кўриптию дарров мусофир паҳлавонни уйғотишга кириштипти. Лекин маст уйқуда ётган Лазарь Лазаревич ҳадеганда уйғонаверманпти.

Бу орада аждар сузиб келиб соҳилга ҳам чиқипти. Шунда бечора қиз қайноқ кўзёш тўкиб йиғлай бошлапти, унинг бир томчи кўзёши паҳлавоннинг юзига томипти. Паҳлавон уйғониб кетиб, кўзи аждаҳога тушипти.

— Қаранг-а, — депти мийиғида кулиб аждаҳо, — бугун жу-



даям сахий бўлиб кетишиптию: битта одам ўрнига, бирваракайига иккитасини олиб келишипти, яна сийловига от ҳам беришипти!

Паҳлавон бўлса:

— Олдин мени еб кўр — томоғинга тиқилиб қолмасмиканман? — деб бақириптию аждарга ҳамла қилипти.

Икки ўртада қонли тўқнашув, ҳаёт-мамот жанги бошланипти. Улар узоқ вақт аёвсиз жанг қилишипти. Шунда Лазарь Лазаревич аждарнинг ҳолдан тойиб, кучи кетаётганини сезибдию эпчиллик билан ярамас махлуққа яна бир ҳужум қилибди. У бутун кучини ишга солиб, пўлат шамшири билан аждарнинг бошини бир ҳамладаёқ чўрт узиб юборипти.

Кейин у қизнинг олдига борибди. Қўрққанидан жони чиқазган қиз йигитни тирик кўриб суюниб кетишти:

— Вой, мен тирик қоламан деб ўйламагандим, сенинг ҳам соғ-омон қолишингга кўзим етмаган эди! Мени шум ўлимдан қутқарганинг учун минг раҳмат сенга. Паҳлавон йигит, исм-шарифингни билмайман. Падарим сени сахийлик билан мукофотлайди!

— Менга ҳеч қандай мукофот керак эмас, лекин сени отанонг ҳузурига элиб қўйман.

Шундай деб паҳлавон аввал қизни отга миндирипти, сўнг ўзи ҳам минибди-да, шаҳарга кириб келибди. Қизнинг отаси билан онаси дераза олдида турган экан — улар ўз фарзандларини соғ-омон кўришиб, кўзларига ишонишмабди. Уни қарши олгани кўчага отилиб чиқишипти. Қувонганларидан бир йиғлаб, бир кулармишлар.

— Наҳотки, ёвуз махлуқ сенга раҳм қилган бўлса-я, чироғим?! Ё биз билан яна дийдор кўриштириб, азобимизни орттиргани сенга бир кунлик муҳлат бердими?

— Мени ажал чангалидан мана бу йигит қутқариб қолди, — депти қиз Лазарь Лазаревични кўрсатиб. — У жодугар аждарни ўлдирди.

Қизнинг отаси билан онаси паҳлавон йигитга қандай миннатдорлик изҳор этишни билмай шошиб қолиптилар. Унинг қўлтиғидан олиб, мармар қасрга етаклаб кирибдилар ва энг тўрға ўтқазибдилар. Азиз меҳмон кўнгли тусаган нарчасини еб-ичиб ўтирсин, деб дастурхонга турли ноз-неъматлару анвойи ичимликлар қўйиптилар.

Зиёфатдан сўнг қизнинг отаси сўрапти:

— Айт-чи, довюрак йигит, бу яхшилигингни нима билан қайтарай?

Саховатли паҳлавон мағрур бошини эгиб, бир оз жим қолпти, сўнг чолу кампирга ва соҳибжамол қизга қараб:

— Менинг гапимдан асло ранжиманг. Мен шавкатли қирол Картаус салтанатиданман, ўзим князман. Исми шарифим —

Лазарь Лазаревич. Ҳали уйланмаганман. Соҳибжамол қизингиз мени мафтун қилиб қўйди, агарда у йўқ демаса бизга оқ фотиҳа бериб никоҳлаб қўйсангиз. Шунинг ўзи мен учун энг катта мукофот бўлғай.

Қиз бу гапни эшитиб, нигоҳини ерга тикибди, уялганидан қизариб кетибди.

Отаси бундай жавоб қилибди:

— Муҳтарам Лазарь Лазаревич, сени яхши кўриб қолдим, менга ёқдинг, лекин қизимнинг ихтиёри ўзида, уни мажбур қила олмайман. Ўзи нима деса, шу бўлади. Утинаман, бу гапларимни кўнглингга қаттиқ олма. Хўш, эрка қизим, сен нима дейсан?

Дилбар қиз энди баттар қизариб кетиб, оҳистагина:

— Мен... мен нима ҳам дердим. Халоскорим Лазарь Лазаревич менга ҳам ёқади, — дебди.

— Қизимиз рози, онаси билан мен эса асло қарши эмасмиз, — дебди ота. — Ҳозирнинг ўзида оқ фотиҳа беришга тайёрмиз.

Сўнг одамларни зиёфатга чақиришиб, тўй тараддудини кўришибди. Ҳадемай эл-юртга зиёфат берилиб, тўй-томоша ҳам ўтипти. Сўнг Лазарь Лазаревич қайлиғини ўз юртига олиб кетипти.

Тўйдан кейин сал кам бир йил вақт ўтгач, келин-куёв ўғил кўришипти. Унга Еруслан деб исм қўйишипти.

Еруслан ой сайин эмас, соат сайин ўса бошлапти. Уч йил деганда худди ўн яшар боладек улғайибди.

У ҳар куни қасрга қатнаб, бойвачча болалар билан ўйнар экан. Ҳаммадан кучли бўлганидан бойвачча болалар билан ўйнаганида ё гўрлик қилиб, ё ўзини тўтолмай қайси боланинг қўлидан ушласа — қўлини, оёғидан ушласа — оёғини майиб қилиб қўяркан.

Бир куни боёнлар қирол Картаус қошига Ерусландан шикоят қилиб борибдилар.

— Биз қаттиқ хафамиз, — деб арз қилишибди улар. — Лазарь Лазаревичнинг ўғли болаларимизни майиб қияпти. Болалар билан ўйнаганида, ўзини тўхтатолмайди: уларнинг қўлини, оёғини синдирипти. Оху зоримизга қулоқ ос, олампаноҳ! Еруслан Лазаревични зиндонга ташлашга амр эт ё бўлмаса уни салтанимиздан буткул бадарға эт.

Қирол Картаус Лазарь Лазаревични чақиртириб бундай депти:

— Ҳузуримга аёнларим келишиб, сенинг Ерусланинг устидан шикоят қилишди. У бойвачча болаларни ранжитиб, майиб қилаётган эмиш. Сен энди ўғлингни ё қамаб қўй, ё уни салтанатимиздан жўнатиб юборгин, менинг амрим — шу.

Лазарь Лазаревич қирол амрини эшитиб, бошини қуйи эгибдию қаттиқ гапга ботганча уйига жўнабди.

— Не гап, Лазарь Лазаревич, нечун бу қадар ғамгинсан? — дея кутиб олибди уни хотини. — Ё бирон мусибат юз бердими?

Лазарь Лазаревич хотинига қирол фармони сўзлаб бергач:

— Ахир бу мусибат эмасми! — дебди.

Хотини юм-юм йиғлай бошлабди. Еруслан Лазаревич ҳамма гапни эшитиб турган экан, отаси билан онаси қарши-сига келиб, таъзим қилибди-да, бундай депти:

— Дадажон, ойижон, мендан ранжиманглар, боён болалар билан ўйнаганимда дилимда ҳеч бир ғаразлик йўқ эди, сизлар-ку мутлақо бегуноҳсиз. Қирол Картаус менга мамлакатдан бош олиб чиқиб кетишни амр этиптими, демак пешонамга жаҳонгашталиқ ёзилган. Энди гап бундай: мен асл пўлатдан ясалган шамшир, жанговар яроғ-аслаҳа билан бир от топишим керак.

— Отхонада отларимиз озми? — депти Лазарь Лазаревич. — Шамширу жангбоп аслаҳа-совутлар қўрхонамда қалашиб ётипти, танлаб олавер!

— Узимга яраша аслаҳа-совутлар билан шамширни қўрхонадан топиб оларман-а, — деб жавоб қилибди Еруслан Лазаревич, — лекин отхонамизда менга лойиқ от топилмади. Ҳаммасини бир-бир синаб кўрдим. Отбоқарлар етаклаб чиққан ҳар бир отнинг сағрисига қўлимни қўйдим дегунча, жонивор тиззалаб қоляпти. Бунақа отлар мени кўтаролмайди.

— Ундай бўлса, қатағон ўтлоққа бор. У ерда отбоқар Фрол уюрларимни боқиб юрипти. Уюрдаги отлар юган кўрмаган, асов отлар, ўшалар ичидан ўзингга монандини танлаб оларсан, — депти Лазарь Лазаревич.

Шундай қилиб, Еруслан Лазаревични сафарга шайлай бошлабдилар. У ўзи учун паҳлавонларга монанд аслаҳа-совут танлабди, қурол-яроғлар орасидан қўлига мос тушадиган асл пўлат шамшир, узун найза ахтариб топибди, черкасча эгар, унинг остидан ёпиладиган намаг терлик, югану чарм қамчи олибди. Сўнг ота-онаси билан хайр-хўшлашиб, йўлга равона бўлибди.

У шаҳардан чиқиб, юра-юра қатағон ўтлоққа етиб борибди. Ўтлоқнинг қоқ ўртасидан кенг йўл очилган экан, йўл шунчалик кенг эканки, ҳар қандай учқур от ҳам унинг у чеккасидан бучеккасига сакраб ўта олмас экан. «Кимлар юраркин бу йўлдан? — деб ўйлабди Еруслан Лазаревич. — Қани, йўл ёқасига ўтириб кутай-чи, зора биронта ўткинчи ўтиб қолса».

У узоқ кутибди, бир вақт қараса: бир уюр йилқи шу йўлдан елдек учиб келиб, Ерусланнынг ёнидан ўтиб кетипти. Бу уюр кетидан ундан ҳам каттароқ иккинчи уюр ўтипти. Уюр орқасидан йилқибоқар кўринипти. У Еруслан Лазаревич ёнига келиб саломлашипти:

— Салом, Еруслан Лазаревич! Нима қилиб ўтирибсан бу ерда? Кимни кутяпсан?

— Узинг кимсан? Мени қаёқдан биласан?

— Нега энди билмас эканман? Ахир, мен падаринг Лазарь Лазаревичнинг йилқибоқариман-ку.

Еруслан Лазаревич суюниб кетибди:

— Дадам қатағон ўтлоқдан ўзимга от танлашни маслаҳат берувди. Отхонамиздаги отлар жуда нимжон. Қайси бирининг сағрисига кафтимни қўйсам, тиззалаб қоляпти. У отларнинг биттаси ҳам мени кўтара олмайди. Жон Фрол, ёрдамингни аямай, менга от танлаб бер, яхшилигингни ўлғунимча унутмайман.

— Қайғурма, Еруслан Лазаревич, бир амаллаймиз. Уюрдаги битта отни кўз остимга олиб қўйганман. Узиям алп от. Сув ичса, кўл худди қуюн пайтидагидек тўлқинланади, дарахтларнинг барглари дув-дув тўкилади. Лекин уни тизгинлай олармикинсан, билмадим. Агар ўша асов отни тутиб, тизгинлай олсанг, у ўзига яраша сувори топилганини ҳис қиладию изминга юради. Ана, биринчи уюр сувлоқдан қайтпти. Уюрнинг олдида ўша от югуриб келяпти, кўриб ол!

Уюр Еруслан ёнидан «ғиз» этиб ўтиб кетибди, шунда йилқи-боқар депти:

— Юр, кўл бўйига борайлик, сенга ўша от сув ичадиган ерни кўрсатаман. Сен эртага тонг паллада ўша ерга пистирма қуриб, уни кутасан.

Эртаси куни тонг чоғида Еруслан Лазаревич пистирмада биқиниб ўтириб кута бошлабди. Бир вақт у ернинг ларзага кела бошлаганини, от туёқлари дўпирининг тобора яқинлашаётгани эшитибди... Мана, унинг ёнидан биринчи уюр сувлоқ ёққа елдек югуриб ўтибди. Уюр бошидаги от кўзларидан учқун сочиб, тумшуғидан ўт пуркаб, қулоқларидан паға-паға буғ чиқариб учиб бораётганмиш. Мана, от тиззасигача сувга кириб, сув ича бошлабди. Шунда кўл тўлқинланиб кетибди, соҳилдаги дарахтларнинг барглари дув-дув тўкилибди.

От чанқоғини қондириб, қирғоққа отилиб чиққан экан, Еруслан Лазаревич ўнг қўли билан отнинг ёлидан чангаллаб олибди, чап қўлида эса юган бор экан. От осмонга сакраб, шундай депсинибдики, ер зириллаб кетибди, аммо у паҳлавоннинг қўлидан қутилиб чиқа олмабди, шунда у ҳақиқий суворийнинг қўлига тушганини сезиб, тийилиб қолибди.

— Мана бу бошқа гап, Тулпор! — дея Еруслан отни нўхта-лаб, жиловни қўлига олибди-да, уни эгар билан аслаҳа-совутлари қўйилган ерга етаклабди.

Еруслан Тулпорни эгарлаб, яроғ-аслаҳаларни тақибди. Шу пайт сув бўйига йилқибоқар Фрол етиб келибди:

— Ҳа, балли, асов отни жиловлай олибсан! У ҳам сенга бўйсунипти.

— Раҳмат сенга, Фрол! Мендан хизматингни аямадинг. Бу яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман!

Шу ерда улар хайрлашишипти. Йилқибоқар паҳлавон йигитнинг отга минаётганини кўриб қолипти, холос, шундан кейин, кўз очиб юмгунча у кўринмай кетипти. Фақат кенг йўл узра қуюндек кўтарилган чанг қолипти ундан.

Еруслан Лазаревич йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, охири кенг бир далага келиб қолипти. Бундай қараса: бутун далани ўликлар босиб ётганмиш. Бу ерда бутун бошли қўшин қириб ташланган экан. Шунда Еруслан Лазаревич баралла наъра тортиб:

— Биронта тирик жон борми? — деб қичқирипти.

— Бутун бир қўшиндан ёлғиз мен тирик қолдим! — деган овоз эшитилипти.

Еруслан ўша одам тепасига бориб сўрапти:

— Айт-чи менга, қўшинингизни ким маҳв этди, ким қирон келтирди сизларга?

— Рус паҳлавони Иван, — деб жавоб қилипти ярадор навкар.

— Қаёққа кетди ўша паҳлавон?

— Сен кунёқ<sup>1</sup> томон йўл ол, аҳтимол унга етиб оларсан. Иван ўша ёққа бизнинг иккинчи қўшинимиз билан жанг қилгани кетди.

Еруслан Лазаревич отини буриб, кунёққа равона бўлипти. У юриб-юриб бепоён бир сайхонга бориб қолипти. Сайхон ҳалок бўлган аскарлар билан тўла эмиш.

Паҳлавон бу ерда ҳам наъра тортиб қичқирипти:

— Бирон тирик жон бўлса, товуш чиқарсин!

Битта одам бош кўтарипти:

— Нима истайсан, паҳлавон? Бутун қўшиндан ёлғиз мен тирик қолдим.

— Бу қўшин кимники эди, сизларни ким қийратди?

— Бу қирол Феодулнинг лашкари эди. Бизга рус паҳлавони Иван қирон келтирди.

— Қаёққа кетди ўша паҳлавон?

— Ана, отининг изини кўряпсанми туёғидан отилган тупроқ тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Шу издан кетавер, агар отинг учқур бўлса, унга етиб оласан.

Еруслан Лазаревич навкарга миннатдорчилик билдириб, жангоҳни айланиб ўтипти-да, от туёқлари издан кетаверипти. У юриб-юриб уч кун деганда ям-яшил бир ўтлоққа етипти. Қараса, ўтлоқда бир оқ чодир турганмиш. Чодир ёнига боғланган алп келбат отнинг охурига оқ бугдой солинган эмиш. Еруслан Лазаревич отининг агарини олиб, сувлиғини ечибди-да, ўтлоққа қўйиб юборипти. Тулпор тўғри бориб алп келбат отнинг охурига бош суқибди.

<sup>1</sup> Кунёқ — жануб.



Еруслан Лазаревич чодирга кириб қараса: бир паҳлавон донг қоғиб ухлаб ётганмиш. Еруслан шу заҳоти шамширини суғурмоқчи бўлибдию, лекин яна: «Йўқ, ухлаб ётган одамга қўл кўтармоқ мендек паҳлавон учун иснод, лекин шунча узоқ йўл босиб келганимдан кейин, бир оз дам олсам чакки бўлмас эди», деб ўйлабди ва ётиб уйқуга кетипти.

Паҳлавон Иван биринчи бўлиб уйғонипти-ю, маст уйқуда ётган меҳмонга кўзи тушибди.

— Қани, тур, ҳой азамат, тур, тур! — деб уни уйғота бошлапти.

Еруслан Лазаревич ҳам ўрнидан сакраб турипти. Паҳлавон Иван унга юзланиб, бундай депти:

— Сен рухсатсиз чодиримга кириб ётган бўлсанг ҳам, мен хафа бўлмадим, зеро, сафарга чиққан одам уйини ўзи билан олиб юролмайди. Бизнинг руслар диёнатли меҳмонда хиёнат бўлмайди, дейдилар. Назаримда, ёмон ният билан келмаганга ўхшайсан. Қани, ўтир, нону намагимни мен билан баҳам кўр. Ўзинг тўғрингда сўзлаб бер. Кимсан, қайси элат, қайси салтанатдансан, исми шарифинг нима?

— Мен қирол Картауснинг шавкатли салтанатиданман. Исми шарифим Еруслан Лазаревич. Эй рус паҳлавони Иван, сенинг доврўгингни кўп эшитиб, сен билан учрашмоқни ихтиёр қилдим. Неча кунлардан бери орқангдан изма-из от қўйиб келялман, йўл-йўлакай сен қириб ташлаган лашкарларнинг лошларини кўрдим; улар Феодул Аждаровичнинг лашкарлари экан. Мен ўзимни энг қудратли паҳлавонман, деб ўйлаб юардим, энди олишмасам ҳам кўриб турибман — сен мендан қудратлироқ экансан. Менга тутинган оға бўл!

Рус паҳлавони Иван билан Еруслан Лазаревич оға-ини тутинишиб, бир қадаҳда шароб ичишипти. Сўнг тамадди қилишиб, суҳбатни давом эттиришипти.

Энди Еруслан Лазаревич савол берипти:

— Эй оға, нечун қирол Феодул Аждарович билан жанг қиялсан? Унинг лашкарини нега қириб ташладинг?

— Э, тасаддугинг кетай, Еруслан Лазаревич, ахир Феодул Аждарович билан жанг қилмай, ҳолини танг қилмай бўладими? Унинг соҳибжамол қизи билан икковимиз бир-биримизга кўнги қўйган эдик. Мен унинг салтанатига эзгу ният билан, иззатини жойига қўйиб, совчи бўлиб борган эдим. Лекин Феодул Аждарович обрўйимни ерга уриб, ҳақорат қилипти, вакил отага ўшқирибди: «Ўша муттаҳам Иванга кўзим учиб тургани йўқ, уни танимайман, кўришни ҳам истамайман! Яқинда уруш очиб, юртларингга бостириб кираман, бутун Русияни забт этиб, жамики рус паҳлавонларини асир оламан». Кейин у менга қарши лашкар юборди. Лашкар ҳужум қилди, лекин ўзинг биласан, кимки би-

ринчи бўлиб шамшир кўтарса, ўзи шамширдан ҳалок бўлгай. Мен лашкарини қиравердим, у бир қўшини ортидан яна бошқасини юборди. Уларнинг ҳоли не кечганини ўзинг кўриб келибсан. Энди мен ул шоҳ ҳузурига бориб: «Феодул Аждарович, ўз куч-қудратингга бекорга ортиқча баҳо беряпсан! Русияни забт этаман, рус паҳлавонларини асирга оламан, деб керилган эдинг. Лекин сенинг айтганинг бўлмади. Яхшиликча сулҳ тузиб, ярашганимиз дуруст эмасми? Қизингни ўз ихтиёринг билан менга турмушга бер, бўлмаса зўрлаб тортиб оламан»,— демоқчиман. Иним Еруслан Лазаревич, юр мен билан, Феодул Аждаровичнинг пойтахтига борамиз. Агар никоҳ ўқилса тўйимизда азиз меҳмонимиз бўласан.

Икки паҳлавон сафар тараддудини кўришиб, йўлга равона бўлишти. Манзилга йигирма чақиримча қолганида, рус паҳлавони Иван жанговар бургусини чалишти.

Шаҳар ташқарисидаги қўриқчилардан бир сувори қирол олдиға от қўйиб келибди.

— Рус паҳлавони Иван шаҳримиздан атиги йигирма чақирим нарида турипти. У билан бирга яна бир ажнабий паҳлавон ҳам келган.

Феодул Аждарович саросимаға тушиб қолипти.

— Оҳ, бу қандай кўргулик! Иваннинг бир ўзи иккита қўшинимни қириб ташлаган эди, иккита бўлиб келган бўлса, бутун салтанатимизни хонавайрон қилади энди!

Кейин у ҳушини йиғиб олиб, печ устидан тушибди-да, бошиға тожни кийиб, кўкрак кериб депти:

— Ҳой, навкарлар! Қироличани чақиринглар, паҳлавонларни нону намак билан кутиб олгани пешвоз чиқамиз, шояд газабларидан тушиб, сулҳ тузишса.— Сўнг у князу боёнларига амр этпти: — Сизлар рус паҳлавони Иванни бошлаб келинглар, биз қиролича икковимиз уни дарвоза олдида кутиб оламиз.

Шундай қилиб, тутинган ака-укаларни нону намак, иззат-икром билан кутиб олиптилар.

— Уртамызда бўлган гина-адоватға барҳам берайлик, ўтган ишға салават,— депти қирол,— азиз меҳмонларнинг қадамларига ҳасанот, қиролича икковимизнинг бошимиз кўкка етди.

Дарҳол саройда дастурхонлар ёзилиб, базми жамшид бошла-нибди. Сал вақт ўтиши билан тўй ҳам бўлипти.

Базмда Еруслан Лазаревич қулай пайт пойлаб, рус паҳлавони Иваннинг қаллиғидан сўрапти:

— О, соҳибжамол қирол қизи, дунёда сендан ҳам гўзалроқ қиз борми?

Қирол қизи бу саволни эшитиб, уялиб кетишти:

— Мени чиройли деб доврўқ таратишган, аммо жуда узоқ салтанатда уч опа-сингил бўлиб, уларнинг энг кичиги мендан ҳам гўзал эмиш.

— Мабодо эшитмаганмисан, умр йўлдошинг — рус паҳлавони Ивандан бўлак, мендан қудратлироқ яна ким бор дунёда?

— Сен, Еруслан Лазаревич, ўз отинг, куч-қудрату жасоратинг билан бутун дунёда машҳур бўлгансан. Айни пайтда, мишмишларга қараганда, шавкатли Ҳинд салтанатининг сарҳадини ўттиз йилдан буён, Оқ чакмон, Шарқона қалпоқ Ивашка ботир қўриқлаб турганмиш. Уни мардлар марди деб айтишяпти, лекин қай бирингиз кучлироқсиз — буни мен айта олмайман, то куч сиなしб кўрмагунингизча ҳеч ким аниқ бир сўз дея олмайди.

Еруслан Лазаревич соҳибжамол келинчакка миннатдорчилик билдиришти, шу билан уларнинг суҳбати ҳам ниҳоясига етипти. Тўй тугагач, Еруслан Лазаревич тунинг оғаси рус паҳлавони Иван ҳамда унинг навниҳол хотини билан хайр-хўшлаша бошлапти. Улар бўлса:

— Яна бир неча кун меҳмон бўлиб қолсанг бўларди! — деб илтимос қилишипти.

— Йўқ, ташаккур! Шундоқ ҳам сизларникида анча қолиб кетдим. Тулпорим ҳам ҳордиқ чиқариб олди, энди борақолай.

Шундай деб, у отни эгарлапти, паҳлавонлик совутини кийиб, ўша узоқ мамлакатга, ўша йироқ салтанатга равона бўлипти.

Еруслан ҳар куни эрта тонгдан кеч оқшомгача, тонг отгандан кун ботгунгача йўл босибди. Унинг сафари шу зайлда узоқ вақт давом этипти. Ниҳоят у соҳибжамол опа-сингиллар яшаб турган ўша йироқ салтанатга етиб боришти. Отини мрамар устундаги зарҳал ҳалқага боғлаб ем берибди, сўнг ўзи кўшкнинг нақшинкор эшиги олдига кўтарилибди-да тақиллатибди.

Эшикни уй ходимаси очиб сўрапти:

— Ким бўласан? Не хизмат билан келдинг? Бекаларимга нима деб айттай?

— Шавкатли қирол Картаус салтанатидан бир паҳлавон келди, деб айт. Исми шарифим — Еруслан Лазаревич. Мен уч эгачи-сингилни кўрмоғим лозим.

Оқсоч қиз ичкарига ғизиллаб кириб кетипти, шу заҳоти паҳлавон олдига бири биридан гўзал уч опа-сингил чиқишипти.

— Хуш келибсиз, саховатли йигит. Қани, ичкарига марҳамат қилинг! — дейишипти.

Улар даставвал меҳмонни турли ноз-неъматлар, турфа шарбатлар тўла дастурхонга таклиф қилишипти. Едиришипти, ичиришипти.

Сўнг Еруслан Лазаревич ўрнидан туриб, уч қизга илтифот билан таъзим қилиб депти:

— Меҳмондўстлигингиз учун раҳмат! Энди ўзим ҳам кўриб турибман: сизлардан дилбарроқ, хушмуомалароқ қизлар бутун ёруғ жаҳонда топилмайди деб овоза тарқалгани бежиз эмас экан!

Опа-сингиллар бу мақтов сўзлардан уялиб, кўзларини ерга тикиб, лоладек қизариб кетиптилар, сўнг бир-бирларига қараб олиб, меҳмонга бундай жавоб қилиптилар:

— Мақтов сўзларингиз учун раҳмат сизга, муҳтарам Еруслан Лазаревич! Лекин бизни энг дилбар қизлар деб ҳисоблаганлар янглишишган. Мана, Вахрамей шоҳнинг қизи Марфа Вахрамеевнани олинг. Ана уни ҳақиқий соҳибжамол деса бўлади. Унинг бўйи басти, қадди-қомати, одоб-ахлоқи мақтаса мақтагулик. Кўзлари хумор, қуюқ қора қошлари ипақдек майин, юрганида товусдек виқор билан одимлайди! Ана уни гўзаллар гўзали деса бўлади!

— Сизларнинг оқилалигингиз ҳақида ҳам овоза юрипти. Мен сизлардан яна бир нарсани сўрамоқчи эдим, соҳибжамол опа-сингиллар, дунёда энг кучли паҳлавон ким — мабодо унинг дарagini эшитмаганмисизлар?

— Мишмишларга қараганда, — деб, жавоб қилишипти қизлар, — Рус паҳлавони Иваннинг довруғи оламга таралган. Уни энг қудратли, энг довюрак паҳлавон дейишяпти.

— Рус паҳлавони Иванни ўзим ҳам яхши биламан. У менинг тутинган оғам бўлади.

— Сенинг ҳам, эй азиз меҳмон, — дейишипти гўзал қизлар, — куч-қудратинг, жасоратинг ҳақидаги овоза, ўзинг бу ерга ташриф буюрмасингдан олдин келган эди. Яна Оқ чакмон, Шарқона қалпоқ Ивашка ҳақида ҳам кўп мишмишлар юрипти. У ўттиз йилдан буён шавкатли Ҳинд салтанатининг сарҳадида турармиш. Аммо ўзини кўриш насиб этмаган бизга.

Еруслан Лазаревич гўзал опа-сингиллар билан гаплашиб бўлгач, нону насиба учун куллуқ қилиб, улар билан хайрлашипти.

Сўнг у шаҳардан чиқибдию ўйланиб қолипти: «Анча вақтдан бери жаҳонгашталиқ қилиб юрибман, уйимдаги аҳволдан эса беҳабарман. Албатта уйимга қайтиб, отам билан онамни кўришим керак. Ҳам дийдор кўришаман, ҳам уйланишим учун уларнинг рози-ризалигини оламан. Кейин шоҳ Вахрамейнинг юртига бориб, Марфа Вахрамеевнага уйланаман».

Шундан кейин Еруслан тулпорнинг жиловини буриб, Картаус салтанати томон йўл олипти.

Еруслан Лазаревич йўл юрипти, йўл юрса ҳам мўл юрипти. Тулпор озиб ҳориган чоғларда, эгарини, юганини олиб майсазорларда ўтлатибди, ем бериб боқипти, ўзи ҳам дам олиб, ҳордиқ чиқарипти, кейин янги куч билан яна сафарни давом эттирипти. Мана, ниҳоят у қадрдон она юртига яқинлашиб қолипти. У сабрсизлик билан отини «чу-чу»лаб бораркан, олисда Картауснинг пойтахти кўринипти. Бир тепаликка от чоптириб чиқиб қарабди, қарабдию кўзларига ишонмапти. Қай кўз билан кўрсинки, шаҳар атрофида қандайдир лашкарлар мўр-малаҳдек

уймалашармиш. Шаҳар чор атрофдан қуршаб олинганмиш. Суворилар асов отларда чопишар, пиёдалар шаҳар қопқасига ҳамла қилармиш. «Нималар бўляпти ўзи?» — деб ўйлапти йигит. У тепаликдан тушиб, бирдан йилқичи Фролга дуч келипти. У пойтахт томондан қочиб келаётган экан.

— Салом, Фролушка!

Йилқичи отини тўхтатишти, Еруслан Лазаревични таниб, у билан саломлашишти.

— Хабаринг йўқми, — деб сўрапти паҳлавон, — шаҳримизга ҳужум қилаётган анави ёвуз кучлар кимнинг лашкари бўлди?

— Оҳ, асти сўраманг, Еруслан Лазаревич! Мен қатагон ўтлоқдан падарингиз князь Лазарь Лазаревичнинг ҳузурига иш билан келаётган эдим, сал бўлмаса, асирга тушиб қолай дедим. Шукрки, отим жонимга ора кирди, ёв таъқибидан зўрға қочиб қутулдим, энди яна қатагон ўтлоққа от қўйиб кетяпман. Кўп ёмон фалокат тушди бошимизга. Кўриб турибсиз, князь Данила Белий беҳисоб отлиқ ва пиёда лашкари билан пойтахтимизга бостириб келди, афсуски, ҳозир қиролимиз Картауснинг қўли остида битта князь Лазарь Лазаревичдан бўлак паҳлавон йўқ. Ҳаммалари ҳар ёққа жўнаб кетишган. Қирол билан боёнлар қасрга қочиб кириб беркиниб олишган, шаҳар аҳолиси ҳам қалъа девори панасида биқиниб ўтирипти. На шаҳарга кириб бўлади, на у ердан чиқиб бўлади, Данила Белий бутун мамлакатнинг кулини кўкка совурмоқчи.

Еруслан Лазаревич қараса: салтанатни муҳофаза қиладиган куч йўқмиш. Бунинг устига, Данила Белий ҳам тумонат лашкар билан бостириб келган, денг. Шунда паҳлавоннинг юраги ўт олипти, мард ўғлоннинг мушаклари ўйнаб кетишти: у Тулпорнинг сағрисига қамчи босиб, шаҳар томон ўқдай учиб кетишти.

Паҳлавоннинг тикка бостириб келаётганини кўрган ёв лашкари саросимага тушиб, сурон кўтаришти:

— Бир паҳлавон Картаусга ёрдамга келяпти!

Шунда князь Данила Белийнинг ўзи отлиқ аскарларини паҳлавон томон бошларкан:

— Уни тириклайин қўлга олинглар, азаматлар! — деб қичқирпти.

Еруслан Лазаревич бўлса, Даниланинг суворилари орасига мисоли қуюндек ёриб кириб, ўнгу сўлидаги ёвни дам қилич билан чопиб, дам найза санча бошлапти, Тулпор эса кўкси билан ёв отларини қулатармиш, маҳв бўлган сувориларни туёқлари билан босармиш. Орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас бутун майдон ўликлар билан қопланипти. Чаққонроқ бўлган отлиқлар ҳар тарафга қочиб кетишти.

Шу пайт Еруслан Лазаревич Данила Белийнинг ўзини кўриб қолиптию орқасидан қувиб етиб, узун найзасининг тўмтоқ то-

мони билан уриб, уни эгардан ағдарипти... Тулпор мағлубнинг кўксига туёғини қўйипти. Шунда князь Данила Ерусланга ёлбориб депти:

— Ұлдирма мени, о, қудратли жасур паҳлавон! Сенга онт ичиб айтаманки, бундан буён абадул абад биронта ҳам аскарим Картаус салтанатининг сарҳадини босиб ўтмайди! Сизларнинг мамлакатингиз билан урушмасликни фарзандларимга ҳам, наби-раларимга ҳам тайинлайман.

— Майли, сен айтганча бўлақолсин, — депти Еруслан Лазаревич, — аммо агар бирон марта бўлсин онтингни бузсанг, унда мендан шафқат кутма!

— Бу олиҳимматлигингни ўла-ўлгунимча унутмайман, ичган қасамимни бузмайман! — депти Данила Белий, сўнг ўрнидан туриб, дарҳол қамални очиш ҳақида фармон берипти ва ўз лашкарини Картаус салтанатидан олиб чиқиб кетипти.

Шаҳар аҳли душман қўшинининг жўнаб кетаётганини кўриб қолипти. Кейин бирдан:

— Ие, бу Еруслан Лазаревич-ку, ўзимизнинг князь Лазарь Лазаревичнинг ўғли-ку! — деб қичқира бошлапти.

Бу хушхабар бир зумда Лазарь Лазаревичнинг, ҳаттоки қиролнинг ҳам қулоғига етиб борипти.

Шунда паҳлавоннинг отаси билан онаси ва қирол Картаус ўз аёнлари билан шаҳарнинг бош қопқасидан чиқишиб, Еруслан Лазаревични иззат-икром билан қарши олишипти. Онаси хурсанд бўлганидан йиғлаб юбориб, ўғлини бағрига босипти. Қирол Картаус ҳам таъсирланиб кетиб, кўзлари ёшланипти ва шундай деб гап бошлапти:

— Еруслан Лазаревич, сен бизларни, давлатимиз пойтахтини ёв босқинидан халос этдинг. Бу жасоратинг учун сенга қандай миннатдорчилик билдирсам экан? Лекин бир вақтлар бўлиб ўтган иш учун мендан ранжима. Ҳўтган ишга салават. Энди азиз меҳмонни зиёфат қилиш лозим! Шароб ва бол бочкалари ертўладан олиб чиқилсин! — деб амр этипти қирол. — Бугун бутун элга зиёфат берилсин, барча фуқаро қудратли баҳодир Еруслан Лазаревичнинг мардона жасоратига тасанно айтсин!

Зиёфат уч кун давом этипти. Тўртинчи кунга келганда, Еруслан Лазаревич қирол Картаусга меҳмондўстлиги учун миннатдорчилик изҳор этиб, ўз отаси ва онасига эгилиб таъзим қилипти-да, бундай депти:

— Биз узоқ вақт дийдор кўришмадик. Мен жаҳонгашталиқ қилиб кўп мамлакат, кўп элларни кўрдим, лекин барибир, уйда ўтира олмайман. Яна ёруғ жаҳонни кезсам, ўзимни танитсам, дейман. Кетишимга ижозат беринг, азиз падарим, муҳтарам волидам! Бордию ўзимга муносиб қаллиқ учратгудек бўлсам, турмуш қуришим учун оқ фотиҳа беринглар.

Ота-она фарзандларининг ниятига монелик қилмабдилар. Унга оқ фотиҳа беришиб, уни сафарга ҳозирлай бошлаптилар.

— Бундай лочинни ота-она бағрида олиб ўтириб бўлмайди. Мен ҳам ёш бўлганман, ўзимдан қиёс қиламан! — депти Лазарь Лазаревич. — Майли, дунё кезсин, кўнгил ёзсин!

Еруслан Лазаревич Тулпорини эгарлаб, эгнига паҳлавонлик совутини кийипти, оила аъзолари билан хайр-хўшлашиб, йўлга равона бўлипти.

У шаҳар қопқасидан чиққач, ўйланиб қопти: «Энг аввал шавкатли Ҳинд салтанатига бориб, Оқ чакмон, Шарқона қалпоқ ботир Ивашкани бир кўрай. Кейин у ердан тўғри шоҳ Вахрамей юртига бораман. Марфа Вахрамеевнани жудаям кўргим келяпти».

Еруслан йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, тоғу тошлардан ошиб, дала-даштлардан шошиб ўтиб, ахири шавкатли Ҳинд салтанатининг сарҳадига етиб боришти. Қараса: бир қалъа, унинг ёнида бир баҳодир ухлаб ётганмиш. «Кўринишидан, Оқ чакмон, Шарқона қалпоқ паҳлавон Ивашка деганлари шу бўлса керак», — деб ўйлапти Еруслан Лазаревич. Паҳлавоннинг тепасига ҳам борибдики, у пинагини бузмай хуррак отиб ухлармиш.

Шунда Еруслан эгарда ўтирган ерида энгашиб, ғафлат босган баҳодирга бир қамчи уриб депти:

— Соқчи деган чегарада шундай турадим, салтанатни шундай қўриқлайдим? Бунақа танбаллик қилиб ухлаб ётаверсанг, чегарадан ит ҳам, бит ҳам бемалол ўтиб кетаверади-ку.

Оқ чакмон, Шарқона қалпоқ Ивашка сакраб ўрнидан туриб кетиб:

— Кимсан ўзинг? — деб бақиршти жаҳл билан ва қўлига гурзисини олибди. — Бу ерда турганимга ҳадемай ўттиз йил бўлади, илло ҳали шу пайтгача на биронта дарранда югуриб ўтди, на бир парранда учиб ўтди ва на бирон бир одамзод пусиб ўтди сарҳаддан! Сен бўлсанг майнавозчилик қилиб, мени қамчи билан савалашгача бординг-а! Агар сени бир кафтимга қўйиб, иккинчи кафтим билан бир урсам, уруғинг ўйнаб кетади! Қани, юр далага чиқайлик, бир додингни бериб қўяй!

Шундай деб у отини эгарлапти, совутини кийипти, сўнг икковлари куч синашгани очик далага равона бўлишти.

Улар биринчи марта тўқнашишганидаёқ Еруслан Лазаревич найзасининг тўмтоқ томони билан ғанимини уриб, эгардан қулатипти. Тулпор эса дарҳол унинг кўксига туёғини босибди. Шунда оқ чакмон, Шарқона қалпоқ кийган паҳлавон Ивашка бошқача оҳангда гапира бошлапти.

— Улдирма мени, эй шавкатли паҳлавон! Ўзим ҳам кўриб турибман; менда сенинг кучининг ярми ҳам йўқ экан. Ундан кейин ёшим ҳам ўтиб қолди, сенинг бўлса авжи кучга тўлиб,

камол топган пайтинг. Кел, яхшиси, дўстлашайлик. Сен менинг тутинган иним бўл!

— Сени ўлдиришдан менга наф йўқ, — депти Еруслан Лазаревич, — очиги, бекорга доврўгингни оламга таратишипти. Сен нимжон паҳлавон экансан. Тур ўрнингдан!

У Тулпорни четга олган экан, Оқ чакмон, Шарқона қалпоқ Ивашка ўрнидан туриб, тутинган инисига икки букилганча таъзим қилиб, шундай депти:

— Марҳамат, шавкатли Ҳинд салтанатига қадам ранжида қил! Сен учун йўл очиқ! Шоҳимизнинг азиз меҳмони бўл!

Еруслан Лазаревич отининг жиловини буриб, тўғри ҳиндларнинг пойтахти томон йўл олипти ва орадан сал вақт ўтгач, шоҳ саройига кириб боришти. Тулпорнинг эгарини, юганини олиб, уни мармар устундаги зарҳал ҳалқага боғлапти.

Шоҳ дераза олдида ўтирган экан, ҳовлига кириб келган ажнабий паҳлавонни кўрипти. У нақшинкор эшик бўсағасига чиқиб, паҳлавонни очиқ юз билан қарши олипти ва унга шундай ширин каломлар айтипти:

— Қадамингга ҳасанот, азиз меҳмон, айбга буюрма, исми шарифингни билмайман! Қайси мамлакатдансан, кимнинг фарзандисан?

Баҳодир йигит одоб билан салом бериб, шоҳга жавоб қайтаришти:

— Мен шавкатли қирол Картаус салтанатидан келдим, князь Лазарь Лазаревичнинг ўғли бўламан, исми шарифим Еруслан Лазаревичдир.

Шундай деб у қаср зиналаридан кўтарилипти. Шоҳ уни ўз кўшикка бошлаб кириб, шоҳона меҳмон қилипти, ҳол-аҳвол сўрапти, сўнг шундай дебди:

— Келганинг жуда соз бўлипти-да. Яхши меҳмонни биз бошимизга кўтарамиз, сендек паҳлавонга бўлса ҳамиша кўшкимнинг тўри муҳайё! Сен узоқ йўл босиб келгансан, албатта, ҳордиқ чиқаришинг керақдир. Ҳой, ким бор?! — деб чапак чалипти шоҳ.

Шоҳ овозини эшитиб, маҳрамлар югуриб келишипти.

— Меҳмонни хобхонага бошлаб боринглар, шундай қилинглarki, унинг кўнгли ранжимасин!

Еруслан Лазаревич ҳинд подшоши саройида бир оз вақт меҳмон бўлгач, меҳмондўстлиги учун унга миннатдорчилик билдириб, яна йўлга тушипти. У йўлда кетатуриб шундай хаёлга боришти: «Донғи кетган баҳодир Оқ чакмон, Шарқона қалпоқ Ивашканинг кучини ҳам синаб кўрдим, шавкатли Ҳиндистон салтанатининг ширинсўз, меҳмондўст шоҳи билан ҳам учрашдим, энди шоҳ Вахрамей салтанатига йўл оламан. Барибир, то Марфа Вахрамеевнани ўз кўзим билан кўрмагунимча кўнглим таскин топмайди».



Мана, Еруслан бир кун йўл юрипти, икки кун, уч кун йўл юрипти. Ахири Вахрамей салтанатига ҳам етай деб қолипти.

Бор-йўғи бир кунлик йўл қолганида, жаҳонгашта бир мусофирга рўпара келипти. Мусофир бошидан юнон қалпоғини олиб, паҳлавонга таъзим қилипти:

— Саломат бўл, Еруслан Лазаревич!

Паҳлавон ҳайрон бўлиб, ундан сўрапти:

— Кимсан ўзинг? Исминни атаб чақиряпсан, демак мени танир экансан-да?

— Мен жаҳонгашта мусофирман. Ҳамма мамлакатларни кезман, барча салтанатларга бораман. Қирол Картаус салтанатида ҳам бўлганман, сенинг отанг ҳузурига ҳам кирганман, сени ҳам бир неча марта кўрганман. Яқинда мен яна Картаус салтанати ёнидан ўтган эдим, сенга нохуш, қайғули хабар олиб келяпман.

Паҳлавон оддан сакраб тушиб, сабри чидамай, мусофирнинг елкасидан маҳкам ушлаб депти:

— Гапир тезроқ, бизнинг юртимизда нима гап экан? Падарим билан волидамни кўрдингми? Улар соғ-саломатмилар?

— Тўхта, Еруслан Лазаревич, силкима мени! Бунақада қўлимни узиб юборасан! Юртингда фалокат юз берган. Князь Данила Белий қулай пайт пойлаб туриб, беҳисоб лашқари билан бостириб кирипти. Кўп одамларни қириб ташлапти, яна ҳам кўпроқ кишини асир олиб, ўз юртига ҳайдаб кетипти. Пойтахтга ўт қўйиб, кулини кўкка совурипти, ҳаммаёқни вайронага айлантирипти. Қирол Картаусни, сенинг падаринг Лазарь Лазаревични, яна сарой аъёналаридан анча-мунчасини тириклайин тутиб олиб, ҳаммаларининг кўзини ўйибди. Сўнг уларни шу аҳволда ўз юртига олиб кетиб, зиндонга ташлапти. Улар ҳанузгача ўша ерда азоб-уқубатда банди бўлиб ётишганмишлар.

Еруслан Лазаревич жаҳонгашта мусофирнинг гапларини эшитиб, бошини қуйи эгибди ва шундай депти:

— Эҳ, аттанг, ўшанда Данила Белийни бекорга тирик қўйиб юборган эканман! Картаус давлати билан ҳеч қачон уруш қилмайман, деб ер ўпиб қасам ичган эди, мен бўлсам ишониб ўтирибман-а! Мана, у қасамига хиёнат қилипти! Яхшиликни билмапти. Ҳап сеними, шошмай тур, додингни бермасам, юрган эканман! Энди раҳм-шафқат қилиб ўтирмайман!

Шундан кейин, у отига сакраб минипти-да, жаҳонгашта мусофир билан хайрлашиб, князь Данила Белийнинг юртига шамолдек учипти.

Етиб бориб, ота-онаси, қирол Картаус ва сарой аъёнлари ётган зиндонни топибди. Соқчиларни ҳар томонга улоқтириб ташлаб, қулфни бузибди ва остонада туриб қичқирипти:

— Салом, нуридийдаларим: мунис онаизорим, мушфиқ па-

дарим! Салом, аъло ҳазратлари, қирол Картаус ва мўътабар сарой аёнлари!

Зиндондан шундай садо чиқипти:

— Овозингни эшитяпмиз, аммо ўзингни кўрмаяпмиз! Зеро кўзларимиз ўйилган, баримиз сўқирмиз!

Шунда паҳлавоннинг онаси тилга кирипти:

— Гарчи уни кўрмаётган бўлсам ҳам, овозидан танидим, юрагим сезмоқда — бу менинг нуридиддам Еруслан Лазаревич!

— Тўғри, ростданам ўғлимизга ўхшайди, — депти Лазарь Лазаревич. — Мана, жигаргўшам, шундай оғир савдолар тушди бошимизга. Ҳамма нарсамиздан жудо бўлдик, ҳаттоки ёруғ жаҳонни кўриш имкониятидан ҳам маҳрум бўлдик. Ҳой, ҳозир бу гапни қўя турайлик. Баланд тоғлар, кенг денгизлар ортида, жуда-жуда йироқда — ўзим бориб кўрмаганману, аммо ишончли одамлардан эшитганман — бир салтанат бормиш, унинг ҳукмдори Олов қалқон, Аланга найза деган подшо эмиш. Бу салтанатда бир қудуқ бўлиб, ундан обиҳаёт — тириклик суви қайнаб чиқармиш. Сен, ўғлим, хизматингни аяма; ўша Олов қалқон, Аланга найзанинг юртига бору обиҳаёт олиб келиб, жароҳатимизга пурка, шунда бизларнинг кўзларимиз очилгай.

— Олов қалқон, Аланга найза юртига боришга-ку бораман, — дебди паҳлавон, — бироқ, даставвал Данила Белийни ахтариб топишим керак.

Шу гаплардан кейин баҳодир ўғлон зиндондан ташқарига чиқипти.

Еруслан Лазаревич бандилар билан гаплашаётган чоғда, зиндондон Данила Белийнинг олдига югуриб борипти:

— Фалокат, князь! Қандайдир бир хорижий паҳлавон келиб, қамоқхона ҳовлисидаги барча соқчиларни қириб ташлади! Фақат мен омон қолдим.

— Бу Лазарь Лазаревичнинг ўғли бўлиши керак, — депти Данила Белий. — Тезроқ жар сол, шаҳардаги жамики лашкарни йиғ!

Лекин ичида: «Зиндондалик чоғида уни енгиш осон бўлади», — деб ўйлапти. Шоша-пиша жанговар совутини кийибдида, отга миниб, лашкарни жангга бошлапти.

Бу маҳал қамоқхона ҳовлисидан кенг майдонга чиққан Еруслан Лазаревич бостириб келаётган князь қўшинини кўриб қолипти. Шунда у Данила Белийнинг лашкари устига, худди жўжаларга ташланган калхатдек отилипти. У бир ёвнинг елкасига қилич солиб, уни то эгаргача чок қилса, яна бошқасига найза санчиб, отдан қулатармиш. Тулпор бўлса ғаним отларини кўкраги билан туртиб ағдарар, лашкарларни туёғи билан топтармиш. Ёв лашқаридан жуда кам одам тирик қолипти, улар ҳам тирақайлаб қоча бошлапти.

Худди шу пайт Еруслан Лазаревичнинг кўзи от чоптириб қочиб кетаётган Данила Белийга тушипти.

— Ҳа-а, айнан сен керак эдинг менга! — деб қичқирипти у ва отини елдириб, босқинчи князь орқасидан қувиб кетипти.

Князь отини қанча қистовга олиб қамчиламасин, Тулпор унга бир зумда етиб олипти.

Еруслан Лазаревич Данила Белийни отдан ағдариб, калласини қилич билан шартта узиб ташлапти.

— Газандани янчоқ керак! — дептию отини буриб, зиндонга қайтиб келипти. — Ҳамманглар озодсизлар, ҳозирча бориб Данила Белийнинг қасрида яшаб туринглар!..

Кейин қирол Картаусга юзланиб бундай депти:

— Ушбу князликни ўз салтанатимизга қўшиб олишимизга тўғри келади. Мен то обиҳаёт олиб келгунимча сиз Данила Белийнинг тахтига ўтириб ҳокимлик қилиб туринг. Ўз давлатимиз пойтахти харобага айлантирилган — ҳали қачон қайта тикланади, — шундай деб у Олов қалқон, Аланга найза салтанатига равона бўлипти.

Еруслан йўл юрипти, йўл юрса ҳам мўл юрипти, бир вақт поёнсиз жанг майдонига бориб қолипти. Қараса, бутун майдонни лашкарларнинг жасаdlари босиб ётганмиш. Паҳлавон янғроқ овози билан ҳайқирпти:

— Ҳей, биронта тирик жон борми бу жанггоҳда?

— Нима истайсан? — деб сўрапти бир ярадор аскар.

— Айт-чи, бу тумонат лашкарни маҳв этган ким бўлди?

— Бутун қўшинимизни паҳлавон Росланей қириб ташлади.

— Қаерда ўзи ўша паҳлавон Росланей?

— Озгина юрсанг, яна бир жанггоҳни кўрасан. У ерда ҳам лашкарлар қирилиб ётипти. Паҳлавон ҳам ўша жанггоҳда ўлиб ётипти.

Паҳлавонимиз жанг майдонини босиб ўтиб, бир оз юргач, яна бир жанггоҳни кўрипти, у ер ҳам ўликлар билан қопланганмиш. «Бу ердаги жасаdlар биринчи жанггоҳдагидан анча кўпроқ», — деб ўйлапти у. Шу пайт бирдан кўзи баланд бир дўнгликка тушипти. Яқин борибдию бирдан ҳангу манг бўлиб қолипти — бу дўнглик — дўнг эмас, балки пичан ғарамидек баҳайбат бир калла экан. Шунда Еруслан:

— Тирик жон борми? — деб ҳайқирпти.

Ҳеч бир садо эшитилмапти. Яна бир марта ҳайқирпти — яна жавоб бўлмапти. Еруслан учинчи марта ҳайқирган экан, баҳайбат калла кўзини очиб, бир эснаб қўйипти-да, шундай депти:

— Ўзинг кимсан? Нима керак сенга?

— Мен шавкатли қирол Картаус салтанатиданман. Исми шарифим Еруслан Лазаревич. Бу ерда кимнинг лашкари қирғин-

га учраганини билмоқчиман. Ундан кейин, қудратли паҳлавон Росланей қаерда?


— Паҳлавон Росланей мен бўламан, — деб жавоб қилипти калла, — нариги жанггоҳда қирилиб ётган лашкарни ҳам, бу майдонда ўлиб ётганларни ҳам подшо Олов қалқон, Аланга найза бошлаб келган эди. У ўз қўшинини менга қарши олиб келган эди, ammo мен уларни маҳв этиб, қириб ташладим, бироқ ўзимни ҳам, мана, кўриб турибсан, дабдала қилишди.

— Қизиқ, бу қанақаси энди? Иккала қўшинни қириб ташлаган бўлсангу сени қандай чопиб ташладилар?

— Бир вақтлар, мен ҳали гўдак бола пайгимда, — деб гап бошлапти калла, — шоҳ Олов қалқон, Аланга найза жуда катта қўшин билан бехосдан салтанатимизга бостириб кирган. У пайтда юртимизда менинг отам подшолик қилар эди. У наридандан бери кичик бир қўшин тўплаб, ёвга қарши пешвоз чиққанди. Қирғинбарот қонли жанг бошланди. Ушанда шоҳ Олов қалқон, Аланга найзанинг лашкари анча кўплигидан у жангда ютиб чиққан эди. Бизнинг навкарларимиздан кўпи қирилиб кетганди. Отамни асирга олишган, шоҳ Олов қалқон, Аланга найза уни ўлдирганди.

Кейинчалик, мен улғайиб, қудратли паҳлавон бўлдим, шунда Олов қалқон билан Аланга найзадан қасос олишга аҳд қилдим. Юртимиздаги бир сеҳргар аёл бу ниятимни билиб қолиб, менга шундай маслаҳат берди: «Шоҳ Олов қалқон, Аланга найза жуда ҳам қудратли баҳодир, бунинг устига, у яна сеҳргар ҳам, фақат ноёб шамширни топган тақдирингдагина уни енга олишинг мумкин. Улкан уммон ўртасида, Буян орасида, баланд тоғ тепасида, кекса эман соясида бир ғор бор. Қадим-қадим замонда сеҳрли шамширни ўша ғорга қўйиб, устидан суваб беркитиб ташлашган. Олов қалқон, Аланга найзани фақат шу шамшир билан енгиш мумкин».

Мен кўп қийинчиликларни бошдан кечириб, кўп жаҳонгашталиқ қилиб, ахири ўша шамширни қўлга киритдим у тўғри Олов қалқон, Аланга найзанинг салтанати томон йўл олдим. У менга қарши катта қўшин ташлади. Мен ҳаммасини қириб ташлаган эдим, у яна ҳам кўпроқ аскар йиғиб, уни ўзи бошлаб келди. Биз у билан мана шу жанггоҳда тўқнашдик. Мен уларни мисоли ўт ўргандек қира бошладим, баъзиларини эса отим топтаб ташлади. Орадан сал вақт ўтар-ўтмас, ёв қўшинидан камданкам одам тирик қолди. Шунда Олов қалқон, Аланга найзанинг ўзи олдимга от чоптириб келиб: «Ҳозир сени ўлдираман!» — деб қичқирди. Мен қулочкашлаб туриб, сеҳрли қиличим билан уни бир урган эдим, у ўша заҳоти отдан қулаб тушди. Шунда унинг навкарлари: «Балли, паҳлавон Росланей, бошладинг. Қани, азамат, сеҳрли шамширинг билан уни яна бир марта чоп-чи!



Кейин бемалол жанозасини ўқийверсак ҳам бўлади!»— деб бақиришди. Мен ҳам шунда иккинчи марта шамшир солдим. Лекин шамширим унинг баданига тегиши билан бирдан орқага сакраб ўзимнинг калламни шартта узиб юборди, Олов қалқон Аланга найза бўлса, худди бало ҳам урмагандай, дарров тирилиб ўрнидан туриб кетди. Шу воқеа устига менинг тутинган оғам етиб келди. У шамширни олиб, дарров менинг каллам остига бостириб қўйди. Кейинчалик Олов қалқон, Аланга найза, каллам остидан ноёб шамширни тортиб олиш учун кўп марта ўз баҳодирларини юборди, ҳатто ўзи ҳам келди, аммо қанча уринишмасин, қурблари етмади. У ҳозир ҳам шу ерда, каллам остида ётипти.

Росланейнинг калласи шу ерда ўз ҳикоясини тугатиб, Ерусландан сўрапти:

— Ўзинг не иш билан келиб қолдинг буёқларга, қаерга кетаётувдинг?

Еруслан Лазаревич ҳам Олов қалқон, Аланга найзанинг салтанатига не мақсадда кетаётганини сўзлаб берипти.

— Балли сенга, Еруслан Лазаревич, ўз яқинларингни азобу уқубатлардан халос этганинг, мана, энди уларни даволаш учун обиҳаёт топгани сафарга чиққанинг таҳсинга лойиқ. Лекин сенга шуни айтиб қўяй: у ерга борганингдан наф чиқмайди. Сен ҳали Олов қалқон, Аланга найзанинг қандай ёвузлигини билмайсан. Ундан яхшиликча қишда қор ҳам сўраб ололмайсан. Шундай қурумсоқ сенга обиҳаёт берармиди? Куч ишлатиб ҳам ундан ҳеч нима ундира олмайсан, чунки унга на ўқ, на найза, на шамшир таъсир қилади. То сен қўл кўтаргунигча, у сени ўн марта ўлдиришга улгуради. Лекин менинг маслаҳатларимни эшитиб, яхшилаб эслаб қолсанг-у, уларга амалга қилсанг, у касофатни енгишинг мумкин.

Еруслан Лазаревич Росланей калласи берган маслаҳатни яхшилаб қулоғига қуйиб олиб, унга миннатдорчилик изҳор қилипти ва хайрлашув олдидан шундай депти:

— Обиҳаётни топганим ҳамоноқ олдингга келиб, каллангни тананг билан туташтираман...

Шундан кейин у ўзининг Тулпорига миниб, Олов қалқон, Аланга найза салтанатига равона бўлипти. Мана, у шаҳарга яқинлашипти. Шунда Олов қалқон, Аланга найза паҳлавонни кўриб қолиптию дарҳол унга пешвоз чиқиб, камонидан олов ўқлар ота бошлабди.

— Қайт орқангга, бўлмаса ёндириб кулингни кўкка совураман!— деб дағдаға қилипти у.

Еруслан Лазаревич бошидан дубулғасини олиб силкий бошлапти ва:

— Мен ҳузурингга жанг қилгани, урушгани эмас, хайрли иш билан келдим!— деб қичқирипти.

— Кимсан ўзинг? Мендан нима истайсан? Гапир!  
— Мен шавкатли қирол Картаус салтанатиданман. Исми шарифим Еруслан Лазаревич. Сенинг кучу қудратинг, шону шуҳратинг доврўғи бутун ер юзига таралган, шу боис мен сенга хизматга ёллангани келувдим.

Олов қалқон, Аланга найза унга жавоб қилипти:

— Агар менинг ўн икки нафар баҳодирим билан бирга Росланей калласи остида ётган шамширни тортиб олсанг, майли, сени хизматга олай, лекин ололмасанг — ўзингдан кўр! Тирик қўймайман сени!

— Қулоқ сол, ҳой, Олов қалқон, Аланга найза, бу ишни ўша баҳодирларингсиз, бир ўзим эплайман! Узим ўша шамширни тортиб оламан!

Шунда Олов қалқон, Аланга найза яқинроқ келиб бундай депти:

— Тезроқ бориб, ўша шамширни олиб кел, кейин мен сени баҳодирларимга сардор этиб тайинлайман!

Еруслан Лазаревич отини орқага буриб, йўлга равона бўлипти. У жанггоҳга етиб келганида, Росланейнинг калласи уни узоқдан кўриб, сўрапти:

— Хўш, қалай? Олов қалқон, Аланга найзани кўрдингми?

— Худди сен айтгандек қилдим. Мана, ноёб шамширни олгани келдим.

Калла бир четга думалаб депти:

— Ола қол, лекин ёдингда бўлсин: фақат бир марта зарб ур!

Еруслан Лазаревич шамширни олипти-да, Тулпорга миниб, яна йўлга тушипти.

Олов қалқон, Аланга найза Ерусланнинг қайтиб келаётгани дарагини эшитган ҳаманоқ, унга пешвоз чиқиб сўрапти:

— Шамширни олдингми?

— Мана у, — деб Еруслан Лазаревич шамширни кўтарипти ва Олов қалқон, Аланга найза устига от чоптириб келиб, кучининг борича унга бир зарб берипти.

Олов қалқон, Аланга найза отидан «гурс» этиб қулаб тушипти.

— Яна бир марта чоп уни! — деб қичқаришипти шунда Олов қалқон, Аланга найзанинг навкарлари.

— Азамат йигитларда икки марта қилич солиш одати бўлмайди. Бир зарбнинг ўзи ҳам кифоя! — деб қичқарипти уларга жавобан Еруслан Лазаревич.

Шунда Олов қалқон, Аланга найзанинг ўн иккита баҳодир:

— Уринглар уни! Биз уни қиймалаб ташлаб, шамширни қўлга киритамиз, кейин Олов қалқон, Аланга найзани тирилтирамиз! — деб ҳайқаришиб, Ерусланга ташланишипти...

Лекин қўлларидан ҳеч иш келмапти! Еруслан Лазаревич уларнинг бариани маҳв этипти. Кейин табаррук қудуқни қидириб топиб, обиҳаётдан керагича олипти. Узи ҳам озгина ичипти, Тулпорга ҳам ичирипти. Шу заҳоти икковининг ҳам чарчоғи қолипти.

У жанггоҳга кириб келиши билан Росланейнинг калласи уни узоқдан кўриб шундай депти:

— Хайрият соғ-омон қайтибсан, демак менинг ғанимим Олов қалқон, Аланга найзани енгган кўринасан. Хўш, обиҳаётни топдингми?

— Олиб келдим, — деб жавоб қилипти Еруслан Лазаревич, — ҳозир сен тирилиб, отдек соғайиб кетасан.

Калла ўз танаси томон думалаб бориб, бўйнига туташиб турипти. Еруслан Лазаревич обиҳаётни яра бўлган ерга пуркаган экан, шу заҳоти калла баданга ёпишиб, худди кесилмагандек бўлиб қолипти. Росланей ўрнидан туриб қаддини ростлаган экан, шунақанги баҳайбат, мисоли тоғдек юксак бўлиб кетиптики, кўрган одамнинг ваҳми келармиш.

— Раҳмат, Еруслан Лазаревич, сен менга катта хизмат қилдинг, ўла-ўлгунимча унутмайман бу яхшилигингни! Агар зарур бўлса, жонимни ҳам аямайман сендан!

— Э, қўйсанг-чи, биродар, — депти унга Еруслан Лазаревич. — Ахир сенинг шамширинг яна доно маслаҳатингсиз Олов қалқон, Аланга найзани енгиб бўлармиди, обиҳаётни топа олармидим? Ма, ол шамширингни! — деб унга сеҳрли шамширни узатипти.

Лекин паҳлавон Росланей унинг қўлини қайтариб, шундай депти:

— Йўқ, иним Еруслан Лазаревич, бу ҳали сенга керак бўлади.

— Ўзиям менинг қўлимга жуда мос тушган эди, — депти Еруслан Лазаревич, — раҳмат сенга, оғам ардоқли Росланей. Энди мен ота-онам олдига шошилишим керак.

— Мен ҳам бориб ўз отимни ахтарай, — депти паҳлавон Росланей. — Шу яқин ўртада ўтлаб юрган бўлса керак. Отим — вафодор, мени фақат угина кўтара олади.

Шу зайл паҳлавонлар хайрлашишипти. Росланей ўз отини қидириб кетибди, Еруслан Лазаревич бўлса, Данила Белийнинг юртига равона бўлипти. У етиб борган заҳоти саройга ўқдай отилиб кириптию отаси билан онасининг, қирол Картаус билан аёнларининг кўзларига обиҳаёт пуркабди, шу оннинг ўзида уларнинг кўзлари очилиб, хурсанд ва бахтиёр бўлганларидан бир оз йиғлаб ҳам олишипти.

Қирол Картаус Еруслан Лазаревич шарафига жуда катта зиёфат берипти. Бу зиёфатда ҳамма дастурхондаги ноз-неъмат-



лардан еб, ичиб, Еруслан Лазаревичнинг жасорати ва мардлигига тасаннолар айтишипти.

Мана, базм ҳам тугапти. Шунда паҳлавон ўғлон ўз ота-онасига юзланиб депти:

— Мен шоҳ Вахрамей салтанатига боришим керак. Сафар олдидан менга оқ фотиҳа беринглар!

— Начора, — депти Лазар Лазаревич, — сени сира қўйиб юборгимиз келмаяптию, лекин илож йўққа ўхшайди. Шукрки, онанг билан биз энди соппа-соғмиз. Майли, зарур экан, борақол, сафаринг бехатар бўлсин!

Азамат ўғлон шоша-пиша сафар жабдуқларини ҳозирлапти. Тулпорига миништию ҳайё-ҳайт деб, йўлга равона бўлипти.

Еруслан йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ахири шоҳ Вахрамей салтанатига етиб борипти. У пойтахт шаҳарга яқин бориб қараса, шаҳар дарвозаси тақа-тақ ёпилган. У дарвозани тақиллатипти.

— Кимсан? Нима истайсан? — деб жавоб қилишипти соқчилар.

— Исми шарифим Еруслан Лазаревич, қирол Вахрамей хузурига эзгу ният билан келдим.

Шунда дарвоза очилиптию паҳлавон ичкарига кириши билан яна маҳкам беркитиб олинипти. «Нега дарвозани тамбалаб олишди экан?» — деб кўнглидан ўтказипти Еруслан.

Шоҳ Вахрамей уни очиқ чехра билан қарши олипти.

— Қадамларингга ҳасанот, азамат ўғлон! Исми шарифингни билмайман.

— Камина қирол Картаус салтанатиданман, князь Лазарь Лазаревичнинг ўғли бўламан, исми шарифим — Еруслан Лазаревичдир. Жаҳонни кўп кездим, кўп мамлакатларда, беҳисоб салтанатларда бўлдим, ниҳоят сизнинг ҳам давлатингизни кўриш иштиёқида бу ерга келдим.

— Ие, ҳали ўша паҳлавон сен экансан-да! — депти шоҳ Вахрамей. — О, ардоқли Еруслан Лазаревич, сенинг қаҳрамонлигинг, жасоратларинг шуҳрати бутун ер юзига, жамики қишлоғу шаҳарларга таралган. Довруғинг бизнинг салтанатимизга ҳам етиб келди. Сендек азиз меҳмон ташриф буюрганидан беҳад хурсандман, аммо бошимизга ғоятда оғир мусибат тушганини ҳам сендан сир сақлай олмайман. Кейинги пайтда, шахримизга уч бошли денгиз аждари танда қўйиб қолди. У одамларимизни еб кетяпти. Шу боис қаср ичида қамалиб ўтирибмиз, лекин у қанотли махлуқдан қалъа девори ҳам ҳимоя қила олмайди бизни.

— Тез-тез келиб турадимиз ўша денгиз аждари? — деб сўрапти Еруслан Лазаревич.

— Ҳар уч кунда бир келади. Мана, бугун унинг келадиган

куни, учиб келиб, биронта одамни олиб кетади, — деб жавоб қилипти шоҳ Вахрамей ва илова қилиб депти: — Қани, кўшкка марҳамат қил, азиз меҳмон. Йўл босиб келгансан, еб, ичиб, ҳордиқ чиқармоғинг керак!

— Раҳмат! — депти Еруслан Лазаревич. — Мен олдин денгиз бўйига бориб келишим керак. Ундан кейин ҳордиқ чиқарман.

Шу гаплардан сўнг у саройдан чиқиб, Тулпорга минибди-да, шаҳардан тўғри денгиз томон йўл олипти. Соҳилда отини тўхтатиб, жанговар бурғу чалипти, кейин яна чалипти. У учинчи марта бурғу чалганидан кейин денгизда катта тўлқин кўтарилиб, сув остидан уч бошли денгиз аждари чиқиб келипти. Унинг учала оғзи катта-катта очилган, тишлари ваҳшиёна иржайган, олтита кўзи дарғазаб ёнармиш.

Аждар соҳилга кўз ташлаб шундай депти:

— Бу гал шоҳ Вахрамей мени кутиб ўтирмай, тушлик овқатимга ўзи одам юборипти, сийловига от ҳам қўшибди-я!

— Эй лаънати махлук, элдан бурун керилма, тагин тиқилиб ўлмагин! — деб қичқирипти паҳлавон.

Аждаҳо эндигина соҳилга қадам қўйган экан, Еруслан от чоптириб бориб, бир ҳамлада ноёб шамшири билан унинг иккита калласини шартта узиб ташлапти.

Аждар кўрқиб кетиб ёлборишга тушипти:

— О, қудратли паҳлавон, ўтинаман, охирги калламни узма, мени ўлдирма! Энди сира ҳам Вахрамей салтанатига қадам босмайман, сенга бўлса жуда қимматли товон тўлайман. Гўзалликда қиёси йўқ бир қимматбаҳо тош бор менда, бунақаси бутун дунёда ҳам топилмайди.

— Қани ўша қимматбаҳо тошинг?

— Ҳозир олиб чиқаман!

Аждаҳо шундай деб денгизга шўнғибди-да, бир оздан кейин гўзалликда қиёси йўқ қимматбаҳо тошни олиб чиқиб, паҳлавонга берипти.

Еруслан Лазаревич тортиқни қабул қилиб олиб, бир сакрашда эгардан аждарнинг устига ўтиб олипти.

— Қани, мени Вахрамейнинг қасрига олиб бор, энди ҳеч қачон одамларга ҳужум қилмасликка шоҳнинг ўзига сўз бер!

Денгиз аждарининг буйруққа итоат этишдан ўзга иложи қолмапти. Шундан сўнг у паҳлавонни пойтахтга учуриб олиб кетипти, Тулпор бўлса унинг орқасидан чопиб кетипти.

Бегона паҳлавоннинг денгиз махлуқига миниб келганини кўрган шаҳар аҳолиси шаҳарни, сарой аҳли бутун саройни бошларига кўтариб қий-чув қилишипти. Шоҳ Вахрамей ҳам, бутун аҳоли ҳам паҳлавонга ёлбориб, илтимос қила бошлашипти.

— Еруслан Лазаревич, бу лаънати аждарни тирик қолдирма.

Бу қаттолнинг дастидан қанча-қанча одамлар қон йиғлашди. Ҳозир у ювош бўлиб турипти, лекин сен кетганингдан кейин яна эски ҳунарини кўрсатади. Унинг феълени яхши биламиз!

Паҳлавон одамларнинг гапини икки қилмапти, аждарнинг устидан сакраб тушиб, унинг охирги бошини ҳам шартта узиб ташлапти.

Аҳоли аждарнинг жасадини ўн иккита аравага ортиб, шаҳардан олиб чиқиб кетишти ва чуқур бир жарликка ташлаб, устидан тупроқ тортипти.

Фалокат — офатдан дарак берувчи қора байроқлар туширилиб, бутун халқ шоду хуррамлик билан байрам қила бошлапти.

Шоҳ Вахрамей бўлса бутун элга зиёфат берипти. Ҳамма вилоятлардан меҳмонлар чақирипти. Ўз ёнига, энг фахрли ерга, Еруслан Лазаревични ўтқазиб, уни меҳмон қила бошлапти:

— Қани, ол, еб-ичиб ўтир, азиз меҳмон! Сенга қандай миннатдорчилик изҳор этсам экан, ҳайронман.

Худди шу маҳал шоҳнинг соҳибжамол қизи ўз кўшидан меҳмонлар ҳузурига чиқиб келипти. Паҳлавон йиғиит унга ялт этиб қарабдию ўтирган ерида донг қотиб қолипти — Марфа Вахрамеевна шунчалик мафтункор, шунчалик дилбар экан-да. «Урим бино бўлиб бундан гўзалроқ қизни кўрмаганман, — деб ўйлапти у, — унинг ҳусну латофатига умрбод маҳлиё бўлиб ўтиришга ҳам рози эдим».

Марфа Вахрамеевнанинг ҳам юраги бир орзиқиб тушипти. У меҳмонларга одоб билан таъзим қилибди, Еруслан Лазаревичга яна бир марта кўз қирини ташлаб, дарров ерга тикилиб олипти — бирам хушрўй, ўктам йигит эканки!

Базму зиёфат ниҳоясига етипти. Меҳмонлар мезбонга нону туз учун раҳмат айтишиб, хайр-хўшлашиб ўз юртларига жўнаб кетишипти. Ана шунда Еруслан Лазаревич гап очиб депти:

— Аъло ҳазрат, ҳузурингизга мен хайрли иш билан, яъни совчи бўлиб келган эдим. Агар сиз фотиҳа берсангизу Марфа Вахрамеевна мен билан турмуш қуришга рози бўлса, бундан зиёд бахту иқболга эҳтиёж қолмасди менда!

— Муҳтарам Еруслан Лазаревич, агар қизим рози бўлса, мен ҳам жон-жон деб куёв қиламан. Хўш, ўзинг нима дейсан, Марфа Вахрамеевна, — деб қизи томон ўгирилипти шоҳ. — Айт, қайлиқ маъқулни сенга?

Дилбар қиз чўғдек қизариб кетиб, шаҳло кўзларини ерга тикипти, кейин қимтинибгина депти:

— Мен сизнинг қизингизман, инон-ихтиёрим ўзингизда, аъло ҳазратлари. Агар сиз оқ фотиҳа берсангиз, мен ҳам розиман.

— Баракалла! — депти суюниб кетган шоҳ Вахрамей. — Айни кўнглимдаги куёвни топдим.

Шоҳона ҳаётда ҳамиша ҳамма нарса муҳайё. Шунинг учун дарров тўй-томоша ҳам бўлиб ўтипти.

Шундай қилиб, Еруслан Лазаревич ўзининг навниҳол хотини Марфа Вахрамеевна билан қайнотасининг қасрида яшай бошлапти.

Мана, кун кетидан кун, ой кетидан ойлар ўтиб, бир зумда орадан сал кам бир йил ўтганини ҳам сезмай қолишипти.

Кунлардан бирида Еруслан Лазаревич хотинига шундай депти: — Ота-онамнинг олдига бориб келсак бўларди, ўз келинларини кўриб қувонсинлар, дейман-да.

— Оҳ, қанийди, қайнотам билан қайнонамни жон-жон деб бориб кўрардим, сендан ҳам сира-сира ажралгим келмайди, аммо ўзинг кўриб турибсан, оғир оёқлиман — узоқ сафарга чиқа олмайман, ундан кейин, йўл ҳам олис, ҳам машаққатли. Бу гал ёлғиз ўзинг борақол, фақат ҳаялламай, тезроқ қайтиб кел. Келаси йили бутун оиламиз билан борармиз. Лекин бир нарса эсингда бўлсин: Қизлар салтанати ёнидан ўтаётганинда, сени дам олиб ўтишга таклиф қилишади, эҳтиёт бўл, асло кира кўрма. Йўқса, Шоҳ қиз сени сеҳрлаб ўзига мафтун қилиб олади.

— Қизиқсан-а! Нима қиламан Қизлар салтанатига кириб?

Шундай деб, у хотинига олтин узук берипти: бу узукка денгиз аждаридан олган ўша қимматбаҳо тошни кўз қилиб қўйдирган экан.

— Агар ўғил кўрсак, у ўсиб-улғайганида узукни унга бер. Тайинлаб айтгинки, ҳеч қачон — кечасиям, кундузиям қўлидан қўймасин.

Кейин у сафар жабдуқларини ҳозирлаб, йўлга равона бўлипти.

Еруслан Лазаревич кетаверипти, кетаверипти, мана, у бир кун йўл юрипти, икки кун йўл юрипти. Учинчи куни қаршисида бир ажиб боғ пайдо бўлипти, унинг поёни кўринмасмиш. Боғ ичида ғаройиб бир қаср қад кўтарганмиш, унинг олтин томи офтобда ярақлаб турганмиш. Деразалари биллурданмиш, ўймакор часпақлари антиқа эмиш.

Еруслан Лазаревич боғ дарвозасига яқинлашганида, у ердан кимдир от чоптириб чиқипти. Паҳлавон тикилиб қараса, эгарда худди лочиндек ўтирган бу чавандоз абжир бир аёл экан. Аёлниг кўзлари шахло, қуюқ, қора қошлари ипақдек майин, икки юзи қип-қизил олмадек, дубулғаси остидан йўғон қилиб ўрилган оқ-сарик сочлари белигача тушиб турганмиш. У яқин келиб қўнғироқдек овози билан паҳлавонга юзланипти:

— Келаётганингни, азамат йигит, деразадан кўриб қолдим. Нечун бизнинг боққа кирмай, ўтиб кетяпсан? Меҳмон бўлар-

динг, отинг ем еб, дам оларди, бир оз суҳбатлашардик.

— Раҳмат, Шоҳ қиз, вақт зиқ. Отам билан онамни кўргани кетяпман, — деб жавоб қилипти Еруслан Лазаревич.

Лекин ўзи абжир қиздан ҳеч кўзини уза олмасмиш.

— Вақт зиқ, дейсан-а! — дебди Шоҳ қиз. — Сен вақтингни аямагин-да, отингни тўйғизиб ол, шунда кўзлаган манзилингга тезроқ етиб борасан.

Кейин шундай жилва қилиптики, бу худди ёзнинг эрталабки офтобидек, паҳлавон йигитнинг вужудга хуш ҳарорат пуркабди.

Шунда Еруслан хотинининг тайинлаб айтган гапларини бир зумда унутибдию отининг жиловини буриб, Шоҳ қиз билан узангима-узанги ғаройиб боғ сари йўл олипти.

Қизлар салтанатида бири биридан гўзал, бири биридан дилбар қизлар яшар экан, абжир чавандоз Шоҳ қизи бўлса, уларнинг ҳаммасидан соҳибжамолроқ экан.

Қизлар дарҳол ҳаммомга ўт ёқишипти. Еруслан Лазаревич обдан терлаб, ювиниб, қушдек енгил бўлиб чиқипти. Шундан кейин Шоҳ қиз дастурхонга ғаройиб шароблар, қадимий гулоблар, турли ноз-неъматлар қўйиб паҳлавонни меҳмон қила бошлапти.

Меҳмондорчиликдан сўнг, уд чалибди, назокатли овози билан унга жўр бўлиб қўшиқ айта бошлапти.

Азамат паҳлавон қўшиқни тинглаган сари, яна тинглагиси келармиш, Шоҳ қизнинг жамолига қараган сари, ундан ҳеч кўзини уза олмас эмиш. Кейин қасрга бир олам қизлар гурра югуриб киришиб, давра қуриб ўйин тушиб, қўшиқ айта бошлашипти.

Шундай ўйин-кулги, вақтичоғлик билан орадан икки йил ўтиб кетипти. Еруслан Лазаревич бўлса: «Оббо, меҳмондорчилик чўзилиб кетди-ку! Бир соатгагина кирган эдим, икки кун қолиб кетдим», — деб ўйлармиш. Кейин у Шоҳ қизга миннатдорчилик изҳор этиб депти:

— Энди кетсам бўларди!

Қиз бўлса мулойим гаплар билан хушомад қилиб, уни яна қолишга ундай бошлапти.

— Ўргилай Еруслан Лазаревич! Мени ташлаб кетма, ёнимда қол!

— Йўқ, ота-онамни бориб кўрмасам бўлмайди!

— Ота-онанг билан дийдор кўришишга ҳали улгурасан! Ҳеч бўлмаса, яна бир ҳафтагина қолиб, баҳри дилимни оч!

Азамат баҳодир ширинсухан қизнинг илтимосини ерда қолдира олмапти. Унинг абжир оёқлари худди бир ерга қадалиб қолгандай бўлипти. Шундай қилиб, у яна Қизлар салтанатида қолипти. Унинг назарида бор-йўғи бир ҳафта ўтгандай-мишу аслида саккиз йил қолиб кетипти бу даргоҳда.

Энди гапни Марфа Вахрамеевнадан эшитинг. Еруслан Лазаревич юртига жўнаб кетганидан кейин сал вақт ўтгач, кўзи ёриб, кўчқордек ўғил кўрипти. Чақалоққа Еруслан Ерусланович деб исм қўйишипти. Еруслан Ерусланович пишиқ ва бақувват бола бўлиб туғилипти, бунинг устига, шундай тез улғая бошлаптики, бир ёшга кирганида, важоҳати ўн икки ёшли ўсмирникига ўхшаб кетипти. Етти ёшда эса ҳақиқий қудратли паҳлавоннинг ўзи бўлипти-қолипти. Яккама-якка олишувларда куч-қудрату эпчилликда унга бас келадиган биронта баҳодир топилмапти бутун мамлакатда. У ҳамма полвонларни енгипти.

Бир куни Еруслан Ерусланович онасидан сўрапти;

— Онажон, падарим Еруслан Лазаревич қаерда? Айтишларича, у бобом билан бувимни кўргани Картаус салтанатига жўнаб кетган экан. Йўлда унга бирон кор-қол бўлмаганмикин? Сиз менга оқ фотиҳа берсангизу отамни қидиргани борсам.

Марфа Вахрамеевна йиғлаб юборипти:

— Ўз юртингдан бўлак ҳеч ерга бормаган, ҳеч нимани кўрмаган бўлсанг, қаёққа борасан ахир? Отанг, назаримда, қизлар салтанатига тушиб қолганга ўхшайди. Уни сеҳр-жоду билан ром қилиб қўйишган, энди у ердан қайтиб қутулиб чиқа олмайди. Сен ҳам қайтиб келмайсан!

Еруслан Ерусланович онасининг гапини тушунмай, ўз айтган сўзида туриб олипти.

— Барибир бораман, падарим Еруслан Лазаревични ахтариб топиб, буёққа олиб келаман.

Марфа Вахрамеевна ўғлини гапга кўндиролмаслигини билгач, шундай депти:

— Майли, сен айтганча бўлсин, борақол, фақат мана бу узукни ол, уни кечаси ҳам, кундузи ҳам ечма.

Шундай деб у денгиз аждари совға қилган қимматбахо тошдан кўз солинган узукни Еруслан Еруслановичнинг бармоғига тақиб қўйипти.

Вахрамей шоҳ ҳам набирасини сафардан қайтаришга уриниб кўрипти, лекин гапи ҳеч кор қилмагач, қўл силтабди-да:

— Бўпти, боравер! — депти.

Еруслан Ерусланович ҳаш-паш дегунча сафарга отланиб, уйдагилар билан хайрлаша бошлапти. Уни шоҳ Вахрамей, Марфа Вахрамеевна, ҳамма энагалару оқсоч қизлар катта йўлгача кузатиб чиқишипти. Унинг отга минаётганини кўришиптию қандай от чоптириб кетганини кўролмаб қолишипти. Азамат ўғлоннинг орқасидан фақат чанг-тўзон қуюндек кўтарилипти, холос.

У кўп юрдими-озми, буни билолмапти, — чунки у замонларда йўл ҳали чақиримларга бўлинмаган экан, — сафарнинг учинчи куни бошланганда эрталаб, паҳлавон поёни йўқ ғаройиб бир боғнинг олдидан чиқибди. Боғ ичида томи олтин, деразалари

биллур бир қаср турганмиш. «Қизлар салтанати шу бўлса керагов»,— деб ўйлапти навқирон паҳлавон. У дарвоза олдига бориб, баралла овоз билан ҳайқирипти:

— Жанг қилгани паҳлавонингларни чақиринглар, бўлмаса ўзим дарвозани бузиб кираман!

Шоҳ қиз бу наърани эшитиб сўрапти:

— Дарвозани бузмоқчи бўлган, жанг қилгани паҳлавон талаб қилаётган ким экан ўзи?

— Қандайдир мусофир баҳодир, кўринишидан ҳали жуда ҳам ёшга ўхшайди,— деб жавоб қилипти дарвоза олдига соқчилик қилиб турган паҳлавон.

— Дарров ташқарига чиқ-у, яхшилаб таъзирини бериб қўй у беадабнинг!— деб амр этипти Шоҳ қиз.

Паҳлавон дарвозадан чиқиб, шундай ҳайқирипти:

— Кимсан ўзинг, ҳой адабсиз бола? Дарвозани бузмоқчи бўляпсан, яна жанг қилгани паҳлавон талаб қияпсан!

— Олдин тўқнашайлик, ўшанда биласан қандай адабсиз эканлигимни!— деб қичқирипти навқирон чавандоз.

Мана, улар тўқнашипти ҳам, шунда Еруслан Ерусланович биринчи тўқнашувдаёқ секингина зарба бериб паҳлавонни отдан ағдарипти.

— Сени ўлдирмайман! Бориб Шоҳ қизга айт, жанг қилгани ҳақиқий паҳлавонни юборсин. Сенга ўхшаган рамақижон билан куч синашгани ор қиламан!

Калтак еган паҳлавон орқага қайтиб, забардаст баҳодир ҳақида Шоҳ қизга сўзлаб берипти. Шунда Шоҳ қиз Еруслан Лазаревични уйғотгани йўл олипти.

— Кўзингни оч, тур ўрнингдан, азизим! Бегона юртлик аллақандай бир ёш паҳлавон келиб, яккама-якка жанг қилгани паҳлавон талаб қияпти. Сени уйғотгани кўзим қиймайдию лекин бошқа иложим йўқ. Бутун умидим фақат сендан!

Еруслан Лазаревич ўрнидан туриб жанговар совутларини кийипти, Тулпорни эгарлаб, текис қирга, кенг адирга отилиб чиқипти.

Биринчи гал тўқнашганларида шундай қаттиқ урилиптиларки, иккала от ҳам орқа оёқларига ўтириб қолипти, аммо баҳодирлар бир-бирларини жароҳатлай олмабдилар. Улар отларини орқага буриб, бир-бирларидан узоқлаштиптилар-да яна отилиб, хужумга ўтиптилар.

«Кўринишидан ҳали жуда ҳам ёш, лекин куч-қудратда, жанговар маҳоратда ҳеч кимдан қолишмайдиганга ўхшайди»,— деб ўйлабди Еруслан Лазаревич.

Улар иккинчи марта тўқнашишганда, яна қиличлар чалишибди. Еруслан Лазаревич жуда кучли зарба бериб, рақибини отидан учуриб, ерга қулатипти. Тулпор бўлса дарҳол унинг

кўкрагига оёғини қўйибди. Еруслан Лазаревич мағлуб паҳлавонга кўз ташлаб, унинг қўлида бир нима ялтираганини кўриб қолипти. Яна тикилиброқ қараб, ўз узугини танипти ва: «Бу йигит ўғлим бўлиб чиқса-я?» — деб кўнглидан ўтказипти.

— Айт-чи, йитит, қайси уруғ-қабиладансан, исми шарифинг нима? — деб сўрапти у.

— Агарда менинг отим сенинг кўкрагингга оёқ босганида, уруфингни ҳам, аймофингни ҳам, ота-онангининг кимлигини ҳам суриштириб ўтирмай, шартта каллангни узиб ташлаган бўлардим!

— Сенинг ёш умрингга зомин бўлмоқчи эмасман, — депти Еруслан Лазаревич. — Фақат ота-онанг кимлигини, ўз исмингни айтсанг кифоя.

— Онам Марфа Вахрамеевна, отам — шавкатли ва қудратли паҳлавон Еруслан Лазаревичдир. Ўзим Еруслан Еруслановичман.

Еруслан Лазаревич бу жавобни эшитган ҳамоноқ отдан сакраб тушиб, ёш паҳлавонни ердан кўтариб олипти ва уни бағрига босиб шундай депти:

— Сен билан не алфозда дийдор кўришганимизни қара, жигаргўшам, ўғлим! Хўш, ёшинг нечада?

— Етти ёшга тўлиб саккизга қадам қўйдим. Сизни ахтариб топишга қарор қилган эдим. Мана, дийдор кўришдик.

«Бу қанақаси? — деб ўйлапти Еруслан Лазаревич. — Мен Қизлар салтанатида бор-йўғи бир ҳафтадан сал ортиқроқ меҳмон бўлдим у ўғлим эса, дарров етти ёшга тўлиб, саккизга қадам қўйса-я!»

Кейин унга депти:

— Қани, бўлақол, азиз ўғлим, тезроқ шоҳ Вахрамей салтанатига жўнайлик.

Шундан сўнг, отларга минишиб, уйларига равона бўлишипти.

Марфа Вахрамеевна билан шоҳ Вахрамей паҳлавонларни қарши олишаркан, севинчдан бошлари осмонга етипти. Шоҳ Вахрамей бутун элга катта зиёфат берибди. Зиёфат тугаб, меҳмонлар тарқагач эса у шундай депти:

— Ардоқли куёвим Еруслан Лазаревич, гапларимга қулоқ бер. Мен қариб қолдим, хасталик, дармонсизлик жуда қийнаб юборди. Энди сен тахтга ўтириб, салтанатни бошқар, мен қолган умримни тинчгина ҳаловатда ўтказай!

— Фикрингизга қўшилишаман, — деб жавоб қилипти Еруслан Лазаревич, — мен ёруғ жаҳонни кўп кездим, узун найзаю ноёб шамширни ишлатиш ҳам насиб этди менга, энди салтанатни бошқаришга ҳам розиман. Лекин кўнглимда бир армоним бор: ота-онамнинг аҳволидан беҳабарман. Олдин уларни бир бориб кўрсам девдим, зеро ишлар сиз айтгандай келса ҳеч вақт тополмай қоламан.



— Бунинг ташвишини қилмасанг ҳам бўлади,— депти Вахрамей,— ана, ўрнингни босувчи фарзандинг бор энди. Картаус салтанатига Еруслан Ерусланович бориб, ота-онангга сендан дуои салом айтади, кейин уларни юртимизга меҳмонга таклиф қилади.

Мана шундай қилиб, Еруслан Лазаревич тахтга ўтирипти, Еруслан Ерусланович эса қирол Картаус юртига жўнаб кетипти.

Орадан озми-кўпми вақт ўтипти, Еруслан Ерусланович уйига қайтибди, у ўзи билан бирга бобоси ва бувисини ҳам олиб келипти.

Еруслан Лазаревич хурсанд бўлганидан терисига сиғмай, бутун элга катта зиёфат берипти. Бунинг дарагини эшитиб, мен ҳам ўша зиёфатга бордим, бол ичдим, шароб ичдим, ҳамма гапни эшитдим, сўнг сизга сўзлаб бердим.



## ҚЎЛСИЗ АЁЛ

ир қишлоқда чолу кампир яшар экан. Уларнинг икки фарзанди бор экан. Чол ошини ошаб, ёшини яшаб оламдан ўтибди. Орадан кўп вақт ўтмай кампирнинг куни битибди. У ўлими олдидан ўғли билан қизини қошига чақирипти-да, ўғлига васият қила бошлапти:

— Болам, менинг гапларимга қандай қулоқ солган бўлсанг, опангнинг айтганларидан ҳам асло чиқа кўрма, у энди сенга менинг ўрнимга она.

Шўрлик она фарзандларидан кўнгил узолмай, сўнгги марта чуқур бир хўрсинибди жони узилипти.

Етим қолган опа-ука оналари васият қилгандай кун кечира бошлашипти. Ука опасининг гапидан чиқмас, опа эса укасини жонидан ортиқ яхши кўрар, унга ғамхўрлик қилар экан.

Орадан озми-кўпми вақт ўтгач, бир куни опаси укасига:

— Иним, бир ўзимга рўзгор оғирлик қияпти, сен эса улғайиб қолдинг, уйлансанг келинимиз уйимизнинг бекаси бўларди,— дебди.

Лекин уканинг уйлангиси келмабди.

— Ўзинг ҳам яхши бекасан,— депти у опасига.— Бошқасини нима қиламиз.

— Мен келинимга ёрдамлашсам, икковлашиб ишласак тирикчилик анча енгилроқ бўларди деб ўйлаяпман-да, иним.

Боланинг уйлангиси келмаса ҳам опасини яхши кўрганидан, унинг гапини ерда қолдиролмапти.

Хуллас, ука уйланиб, оиласи билан тинч-тотув яшай бошлапти. Опасини илгари қандай яхши кўриб, ҳурматини жойига

қўйган бўлса, кейин ҳам ўшандай бошига кўтариб, иззат-хурмат қилаверипти.

Келин дастлаб қайнэгачисининг раъйига кўниб, қўйдек ювош яшапти. Қайнэгачи-ку, келинини папалаб, бошига қўйиб юришга ҳам рози экан.

Аммо бора-бора келин хонадоннинг ягона соҳибаси эмаслиги, қайнэгачисининг тенг ҳуқуқли бека эканлигидан ранжиб, унга ғайирлик қила бошлабди. Йигит ер ҳайдагани далагами, бозор-ўчар қилгани шаҳаргами ё дарахт кесгани ўрмонгами кетиб, кечқурун уйга қайтиб келганда кўнгилсизлик устидан чиқадиган бўлипти. Хотини нуқул қайнэгачиси устидан ўтирса ўпоқ турса сўпоқ деб эрига шикоят қилишга одатланипти:

— Опанг ўлгудек заҳар аёл экан, бунинг устига ғирт ношудлигини айтмайсанми... ана, яп-янги хурмачани синдириб қўйди...

Эр индамас, ичида: «Сен эшиқдан чиқсанг, фалокат тешиқдан кириб келади-я. Бу қандай кўргулик!» — деб эзиларкан.

Ҳар қалай эркак-эркак-да — уйда муқим ўтиролмайдди. Йигит бир куни иш билан яна уйдан чиқиб кетган экан, ҳовлисида янги фалокат юз берипти.

У эшиқдан кириб келиши билан хотини дийдиёсини бошлапти:

— Тағин ўзинг биласан-у, лекин опанг бунақада бизларни хонавайрон қилади: оғилхонага кириб кўр. Говмушимиз ҳаром ўлиб ётипти. Буям ўша яшшамагурнинг иши — билмайман, нима бало солган экан охурга.

Аслида эса келиннинг ўзи қайнэгачисини уйдан даф қилиш ниятида сигирга атайлаб заҳарли ўт берган экан. Аммо бу ҳақда эрига «чурқ» этиб оғиз ҳам очмапти.

Шунда ука опасига депти:

— Сигирни нобуд қилибсан-ку, яна сигир сотиб олиш учун энди қозонни сувга ташлаб қўйишимизга тўғри келади.

Шўрлик опа бегуноҳ бўлса ҳам, укасига келинини ёмон кўрсатмаслик учун бутун айбни бўйнига олипти.

— Мендан ўтипти, укажон, — депти у, — энди бошқа бўлмайди.

— Ҳа, шундай бўлсин, — депти ука. — Опа, менга фотиҳа бер, ўрмонга бориб ишламоқчиман, беш-ўн танга жамғармасам бўлмайди. Ҳушёр тур, уй-рўзғор ишлари саришта бўлсин. Хотинимнинг ой-куни яқин, унга ўзинг доялик қил.

Йигит ўрмонда узоқ вақт қолиб кетипти. Бу орада хотинининг кўзи ёрибди, опа унга доялик қилипти ва бутун меҳрини чақалоқ жиянига қаратиб парваришлай бошлапти. Лекин чақалоқнинг умри қисқа экан: онаси бепарволик қилиб ухлаб қолипти-ю, бола бечора «биғ-биғ» йиғлайвериш жони узилипти.

Айни шу кунларда ука ўрмондан қайтипти. Қараса уйда хотини юм-юм йиғлаб, саннай бошлапти:

— Ҳамма-ҳаммасига опанг айбдор, қўйнимизга кириб олган заҳарли илон у, кўзимизнинг оқу қораси ўғилчамизни бўғиб ўлдириб қўйди бу жодугар, ҳали у мени ҳам қора ерга тикади.

Йигит хотинининг гапини эшитипти-ю, фиғони фалакка чиқиб кетипти-да, опасини чақирипти.

— Менга онам ўрнида оналик қиласан деб ўйловдим. Уйимда на ошу нонга, на кийим-кечакка зориқдинг, гапингни сира икки қилмадим... Сен бўлсанг мени яккаю ягона ўғлимдан жудо қилибсан-а! У ўлмаганида овунчоғим, қариганимда эса қўлтиғимга кириб, суянчиғим бўларди. Куч-қувватдан қолиб қартайганимда у сени ҳам боқарди. Сен бўлсанг, уни ўлдириб қўйибсан-а!

Кейин у яна бундай депти:

— Эртага ёруғ жаҳонни кўриш сенга насиб қилмайди!

Опаси унга жавобан бир гап айтмоқчи бўлган экан, лекин ғазабдан бўғриққан уканинг эшитгисиям келмапти, опасининг юзига худди уни танимаётгадай тикилипти.

Эртаси куни у опасини саҳар паллада уйғотипти.

— Қани, бўл,— депти у опасига,— йўлга тушамиз.

— Ҳали эрта-ку, иним,— депти опаси,— кун сал ёришсин. Лекин укаси қулоқ ҳам солмай гапида туриб олибди:

— Тез-тез бўл,— депти у,— кўйлагингнинг ҳам энг янғисини кий.

— Бугун байрам эмас-ку ахир, укажон,— депти опаси ёлвориб.

Ука бўлса унинг гапига қулоқ ҳам осмай отларни аравага қўша бошлапти.

У опасини ўрмонга олиб бориб отларни бир сайхонликда тўхтатипти. Вақт ҳали эрта, эндигина тонг ғира-шира ёриша бошлаган экан.


Уша ерда бир тўнка бор экан. Йигит опасига:

— Чўккалаб ўтириб, бошингни тўнкага қўй!— деб буюрипти.

Опаси тўнкага икки қўлини қўйипти, қўллари устига бошини эгибди.

— Кечир меңи, укажон,— ёлборипти опаси шояд энди гапимга қулоқ солса, деган умидда, ўзининг ҳеч бир айби йўқлиги ҳақида гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган экан, лекин йигит опасининг дардини тинглашга сабри чидмай, болтани баланд кўтарипти.

Тасодифни қарангки, айни шу пайт дарахт навдасига қўниб ўтирган бир жажжи қушча сайраб юборипти. Шўрлик опа қушчанинг янгроқ, шўх овозини эшитиш мақсадида бошини кўтарипти-ю, лекин икки қўлини тўнка устидан олмапти.



Укаси эса болтани зарб билан уриб, опасининг икки қўлини тирсагидан чўрт чоғиб ташлапти. Чунки у хотинининг ўғли-мизни шу ўлдирди, деган гапига лаққа ишонган, опасини асло кечиролмаган эди. Ўғли учун наинки опаси, онаси бўлганда ҳам кечирмасди.

— Энди,— депти у опасига,— бошинг оққан томонга жўна, тезроқ йўқол кўзимдан... Аслида каллангни олмоқчи эдим, лекин ўлим пешонангга ёзилмаган экан.

Кейин у опасининг аҳволини кўриб ачинибди. «Бу не кўргуликки,— деб ўйлапти у,— бахт бахт келтираркану бадбахтлик бадбахтлик олиб келаркан? Ўғлимдан жудо бўлган эдим. Энди опамдан ҳам айрилдим».

У отини қамчилаб жўнаб кетипти, опаси ўрмонда қолаверипти. Сўнг, қўлсиз бу шўрпешона аёл ўрнидан туриб, боши оққан томонга йўл олипти. У қаёққа олиб боришини билмасада, ўрмондаги ўт босиб кетган сўқмоқ йўлдан кетаверипти. Салдан кейин ўша ўт босган сўқмоқ ҳам тугаб қолибди. Шўрлик аёл адашиб, тентираб юраверганидан кийимлари тўзиб, ўзи озиб кетибди.

Кун ботибди, тонг отипти, у бўлса ҳамон йўлда эмиш, лекин қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмасмиш. Қўлсизлигидан қийналиб бир йиғласа, инисини қўмсаб икки йиғлармиш. Бояқиш шундай деб фарёд қилипти:

*О, шамоллар, асов шамоллар,  
Ёш бошимга тушган кулфатни  
Бориб айтинг онажонимга,  
Меҳрибоним отажонимга!  
Онам йўқдир, отам ҳам ўлган!  
О, офтоб, мен — шўрпешонадан  
Дариғ тутма ҳароратингни,  
Аямагин иссиқ тафтингни!*

Шўрлик қиз, кўзлари ғилт-ғилт ёшга тўлди, қўлсиз бўлганидан кўзёшларини арта олмай, ёруғ жаҳонни кўролмай қолди. Шу зайлда тентираб бораркан, майин шаббода сочларини чиройли қилиб тараганини, меҳрибон офтоб юзларини нақш олмадек қизартирганини, ўзининг гулдек очилиб, қўҳлик бўлиб қолганини пайқамабди. Диёнатли одамга қайғу ҳам ҳусн киритади, беномус одамнинг гўзаллиги ҳам хунук кўрсатади, деб тўғри айтишар экан-да.

Ниҳоят, опанинг кўзлари ёш тўкишдан тўхтабди, қараса ўрмон тугаган, қаршисида эса бир боғ турганмиш. Боғда ширин-шакар, қумоқ-қумоқ олмалар ҳил-ҳил пишиб ётганмиш.

Пастки шохлардаги олмаларни шундоққина оғиз билан олса бўлармиш. Опа битта олмани еб, иккинчисининг мазасини татибди, лекин учинчисидан ўзини тийипти. Унга умрида илк бор бировнинг нарсасини берухсат ейишга тўғри келган эди, агар очликдан силласи қуриб, ўлар ҳолатга келмаганида бундай қилмаган бўларди.

Шу пайт қоровул уни кўриб, шўрликни бўралаб сўка бошлапти.

— Вой, ярамас-эй!— депти у.— Бировнинг олмасини оғиз билан узиб ейдиган бу жодугар қайси гўрдан келиб қолди ўзи? Уттиз йилдан буён қоровуллик қилиб, бирон дона олма ўғирлатмаганман. Сен бўлсанг, индамай кириб олиб, паққос туширяпсан-а, беҳаё! Лаънати қўлсиз ўғри!

Қоровул чол сўкина-сўкина қўлсиз қизни хўжайини ҳузурига олиб кетипти.

Даразадан боққа қараб ўтирган хўжайиннинг ўғли бирдан юпун кийинган, озиб чўп бўлиб кетган қизни кўриб қолибди. Қиз кўримсизгина бўлса ҳам, юзу кўзидан қалби поклиги яқ-қол билиниб турганмиш, бу фазилат ҳуснига ҳусн, латофатига латофат қўшиб, йигитнинг кўзига қиёси йўқ дилбар сифатида кўрсатибди. Қизнинг жамолига маҳлиё бўлиб қолган йигитнинг юраги қувончдан қаттиқ-қаттиқ ура бошлапти.

— Қўйвор уни!— деб қичқирипти йигит қоровулга.

Ўзи бўлса ҳовлига тушиб, қизнинг ёнига борипти, қараса шўрликнинг иккала қўли йўқ эмиш. Барибир йигитнинг кўнгли қиздан совумабди, суюкли ёрнинг ҳеч бир нуқсони кўзга кўринмайди, деб бежиз айтишмас экан-да.

Лекин отасининг розилигини олишга кўзи етмагани учун азамат ўғлоннинг кўнгли ғаш бўлаверипти.

У отаси қошига бориб, унга эгилиб таъзим қилипти-да, шундай гап бошлапти:

— Отажон, икки оғиз сўз айтишга ижозат беринг. Сизга хушxabар олиб келдим. Қоровулимиз боғимизга тушган бир қизни тутиб олипти. Кўрдиму унга ошиқ бўлиб қолдим. Мен учун ундан азиз, ундан дилбар қиз йўқ бу дунёда. Юрак-бағримни хун қилманг, отажон, шу қизга уйланишимга розилик бериңг!

Ота ҳовлига чиқибди-да, қўлсиз қизни кўриб, ўғлига:

— Қизик экансану, ўғлим! Бундан чиройлироқ, бадавлатроқ қизлар бор-ку. Бунинг қўли йўқ, чўлоқ. Нима, абгор бўлиб, орқасидан тўрвасини кўтариб юрмоқчимисан?— депти.

Ўғил отага шундай жавоб қилипти:

— Тўғри, бундан чиройлироқ қизлар ҳам бор, аммо мен учун дунёда бундан эъозлироқ қиз топилмайди. Унинг чўлоқлиги масаласига келсак — начора, отажон, пешонамга ёзилгани шу экан-да.

Отаси ўйлaниб қoлипти:

— Унда ўзинг биласан, болам, — депти, — сенинг кўнглингга хўжайинлик қила олмайман. Билганингни қил.

Хуллас, тўй қилишиптию келин-куёв, эл қатори оила қуриб, тинч-тотув ҳаёт кечира бошлапти. Аммо уларнинг бу бахтли ҳаёти узоқ давом этмапти.

Уруш бошланиб, қўлсиз аёлнинг эрини ҳарбий хизматга олишипти. Йигит урушга жўнаб кетаркан, отасидан шундай илтимос қилипти:

— Отажон, хотинимни эътиборсиз қолдирманг! Ҳадемай унинг кўзи ёрийди, бола туғилган ҳамоноқ менга мактуб йўллаб хабар қилинг, хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, фарзанд кўрганимни билсам, кўнглим тоғдек кўтарилади.

— Асло ташвиш тортма, ўғлим, — дебди отаси, — урушда ўзингни эҳтиёт қил бўлар-бўлмасга ўзингни ўтга-чўққа ура-верма. Хотинингни соғинаверу илло сира қайғурма.


Шундай қилиб, азамат йигит урушга жўнаб кетипти. Қўлсиз аёл эса ой-куни етиб қўчқордай ўғил туғипти. Она ҳам, бобо ҳам чақалоққа тикилиб қарашса, унинг қўллари олтинданмиш, пешонасида тўлин ой порлаб турганмиш, кўксида, нақ юрагининг устида офтоб чарақлаётганмиш. Ўзингиз ўйлаб кўринг, она учун бундан азизроқ фарзанд, бобо учун бундан азизроқ набира бўлиши мумкинми?

Шу кунларда қайнота олмаларини сотгани пойтахт бозорига жўнаб кетипти. Шу сабабдан, қўлсиз она боғ қоровулини чақириб, ундан эрига мактуб ёзиб беришни илтимос қилипти. Бу чол бир вақтлар аскар бўлиб хизмат қилган, ўшанда хат-саводли бўлиб олган экан. Аёл хатнинг бошида ўзидан ва қайнотасидан эрига дуои салом йўллапти, ундан кейин, гулдек чиройли ўғил кўргани ҳақида ёзишни, чақалоқнинг жамики фазилатларини таърифлаб, уни кўрган одамларнинг кўзлари қувонгани тўғрисида ёзишни буюрипти.

Чол мактубни ёзиб бўлиб, уни буклабди-да, қўйнига солиб йўлга равона бўлипти.

У кетаверипти, кетаверипти, қуюқ ўрмондан, далаю даштдан ўтибди: бир вақт қараса, кеч кириб қоронғу тушиб қолипти, шу ўртадаги бир хонадон соҳибларидан тунаб қолиш учун руҳ-сат сўрапти.

Уй эгалари рози бўлишиб, чолнинг қорнини тўйғазишипти, бека жой ҳам солиб берипти. Мезбон ўринга ётиб бир зумда ухлаб қолибди, лекин бека алламаҳалгача мусофир билан гангир-гунгир гаплашиб ўтирибди, унинг кимлигини, қаёқдан келаётгани-ю, қайга кетаётганини сўрапти, кейин чолдан шу ёшга етгунча қандай кун кечирганини суриштирипти.



Йўловчи чол илгари қандай яшаганини ҳозир қандай ташвиш билан сафарга чиққанини сўзлаб берипти.

— Мана, — депти у, — бойваччага хушxabар олиб кетяпман: хотини ўғил туғди. Қўлсиз бўлсаям, чеҳраси бирам кўҳлик, бирам ёқимтой, кўнгли шунақанги тозаки, бунақа оққўнғил аёл дунёда йўқ.

Уй бекаси ҳайрон бўлиб сўрапти:

— Вой, бутунлай қўли йўқми?

— Ҳа, қўли йўқ, — депти чол. — Мишмишларга қараганда, ўз иниси жаҳл устида унинг қўлларини чопиб ташлаган экан.

Бека яна ажабланиб сўрапти:

— Буни қаранг-а, шунақа тошбағир одамларам бўларкан-да! Тавба қилдим! Қаёққа қўйгансиз мактубни? Эҳтиёт бўлинг, йўқотиб қўйманг тагин!

— Мактуб мана бу еримда, — депти чол, — қоғозга ўраб, қўйнимга солиб олганман.

— Сиз, — депти унга бека, — бир мўрчага тушиб, мириқиб буғлансангиз бўларкан: узоқ йўл юриб, роса ҳориб, терлагансиз. Ҳозир зум ўтмай ёқиб бераман.

Чол хурсанд бўлиб кетипти, ахир мўрча хузури жон-да.

Бека мўрчани тайёрлагач, чол суякларини тоблагани жўнабди. Аммо чолни мўрчага жўнатиш беканинг ҳийласи эди. Чунки беканинг эри ўша қўлсиз аёлнинг иниси бўлиб, у опасини шу уйдан ўрмонга олиб кетган ва чала ўлик қилиб ташлаб келган эди. Бека чолнинг ички кўйлагига тикилган хатни топиб, ўқиб чиққач, уни печга ташлапти-да, ўрнига бошқа хат ёзиб, яна жойига тикиб қўйипти. Бека мактубни, хотининг ўғил кўрди, аммо у олд томондан чўчқа боласига, орқа томондан кучуквачча, устидан типратиконга ўхшайди, болани нима қилайлик, маслаҳат бер, деган мазмунда ёзипти.

Тонг отипти, чол яна йўлга тушипти. Орадан анча-мунча вақт ўтгач, ўша йўлдан ортга қайтибди. Уни бека кўриб қолиб, уйга таклиф қилипти.

Чол таниш хонадонда яна ётиб қолипти. Бека ундан ҳолаҳвол сўрай бошлапти:

— Хўш, уйга қандай хабар билан қайтяпсиз, бойвачча сизга нима деди?

— Бойваччани кўрганим ҳам йўқ, — депти чол, — борганимда у жанг қилаётган экан, жанг тугагач, менга унинг ҳамма гаплари ёзилган мактубини тутқазишди.

— Нима гаплар ёзипти у? — деб сўрапти бека.

— Мен қаёқдан билай? — деб жавоб қилипти қария. — Бировнинг хатини ўқишга ҳаддим сиғмайди.

Чол уйқуга ётгани ҳозирлана бошлапти, вақт алламаҳал бўлиб қолган экан-да.

Шунда бека чолга:

— Кўйлагингизни беринг, бобо, тикиб бераман, қаранг, узоқ сафарда анчагина тўзиб кетишти, — дебди.

Чол кўйлагини ечиб бериб, бемалол ухлайверишти. Бека унинг кўйлагини ағдариб қараса, қўлтиғи остига бир парча қоғоз, яъни хат тикиб қўйилганмиш. Аёл уни очиб ўқий бошлапти. Эр ўзининг қўлсиз хотинига йўллаган мактубида, боламиз қанчалик бадбуруш туғилган бўлмасин, барибир, биз учун қимматли ва эъозли, ундан эҳтиёт бўл, авайлаб парвариш қил, деб буюрган экан; қўлсиз хотиннинг эри отасидан ҳам шуни, яъни чақалоққа кўз-қулоқ бўлишни, уни авайлаб ўстиришни илтимос қилипти.

— Йўқ, — деб пичирлапти бека, — отангга чақалоққа кўз-қулоқ бўлиш насиб этмайди.

Сўнг бека қўлсиз хотиннинг эри номидан кекса отасига бошқа мактуб ёзипти, хотинига бўлса икки энликкина ҳам хат ёзмапти; хатнинг мазмуни шундаймиш: хотинимни уйдан чақалоғи билан бирга ҳайдаб юборинг, менинг ундай хотиним йўқ, мендек жанговар аскарга қўлсиз хотин билан яшаш иснод, агар урушдан ўлмай тирик қайтсам, бошқа қизга уйланаман...

Бека чолнинг кўйлагини ямаб-ясқаб бўлгач, ўзи ёзган хатни кўйлакнинг ичига худди аввалгидек қилиб тикиб қўйипти, ҳақиқий мактубни ўзига олиб қолишти.

Чол жўнаб кетишти.

Мана, у қўлсиз аёлнинг қайнотаси бўлмиш ўз хўжайини хузурига келиб, унга хатни беришти.

Кекса боғбон хатни ўқиб чиқиб, қўлсиз келинини чақиртиришти.

— Саломатмисан, бека ойим! — депти у.

Қўлсиз аёл бўлса унга жавобан;

— Яхшимисиз, отажон! — депти. — Сиз бор ерда мен қанақасига бека бўлай. Мен бу хонадонда кичкина одамман.

Кекса қайнота бу жавобни эшитиб, ўйланиб қолипти.

— Мен ҳам хўжайин эмасман бу уйда, — депти у. — Сени қоровул тутиб келганида, уйимдан ҳайдаб чиқармоқчи бўлган эдим, лекин сени ўшанда олиб қолишди. Энди бўлса, тоабад шу хонадонда яшашингни истаyman, ammo сен энди бу ердан бутунлай бош олиб чиқиб кетишга мажбурсан.

Шундан кейин, қайнота ўғлидан келган мактубнинг мазмунини сўзлаб беришти.

— Сени уйдан ҳайдаб юборишни буюришти. Назаримда, унинг сендан кўнгли совиган кўринади.

Эртасига эрталаб қўлсиз аёл чақалоғини этагига солиб, этаги учидан тишлаб олганча, хонадонидан чиқиб кетишти. Борадиган бирон тайин ери бўлмаган одамлар қаёққа кетса у ҳам ўша ёққа, яъни боши оққан томонга кетаверишти.





Кекса қайнота уйда бир ўзи шўппайиб қолипти. Оқибат, у набирасини қўмсаб, қўлсиз келинини соғина бошлабди, сўнг қоровул чолни чақириб, келини билан набирасини қаердан бўлса ҳам қидириб топишни ва уйга олиб келишни буюрипти. Қоровул дала-даштни кезиб, ўрмон ичини қидириб узоқ вақт юрипти, ҳамма ерда қўлсиз аёлнинг отини атаб чақирипти. Лекин дунё кенг экан, денг, қоровул чол қўлсиз аёлни топа олмай, уйга ёлғиз қайтиб келипти.

Кекса боғбон келини билан набирасини соғина-соғина юракбағри эзилиб, бир куни уйқуга ётибди-ю, уйғонмапти — у ғам-андухдан уйқусида ўлиб қолипти.

Қўлсиз аёл бўлса, кўчага чиққач, боши оққан томонга тентираб кетаверипти. У кенг бир сайхонликдан ўтипти, сув ичгиси келиптию ўрмонга кирипти. Қараса — азим эман дарахти яқинида бир қудуқ бор экан. Қўлсиз аёл қудуққа энгашипти, аммо сувни қандай қилиб ичишнинг иложини топа олмапти — сув қудуқнинг тубида экан. Қўлсиз аёл, шояд бўйим етса, деб пастроқ энгашиб ҳам кўрипти. Оғзи сувга шундоққина яқинлашипти. «Ҳеч бўлмаса лабимни хўллаб оламан-ку», — деб ўйлабди Қўлсиз аёл. У яна озроқ энгашиб оғзини очган экан, этагидаги боласи қудуққа тушиб кетипти. Шўрлик она қудуққа талпинипти, аммо ўзининг қўлсиз эканлигини эслаб, йиғлаб юборипти. «Оҳ, шўрим қурсин, — деб ўйлапти Қўлсиз аёл. — Нима рўшнолик кўрдим бу ёруғ жаҳонга келиб? Не-не қайғу, не-не аламларга дош бериб, фарзанд кўрсаму лекин уни қутқара олмасам-а!»

Онаизор қудуқда ётган ўғилчасига кўзлари жавдираб тикилипти. Шу пайт у бирдан қўллари яна пайдо бўлганини кўрипти. Дарҳол уларни чўзиб, зилол сув остида ётган ўғилчасини тортиб олипти. Аммо боласини қудуқдан тортиб олган ҳамоноқ, яна иккала қўли йўқ бўлиб қолипти.

Қўлсиз аёл ўзи қутқарган чақалоғини этагига солиб, яна йўл юриб кетипти. Кеч кириб, қош қорайган пайтда бир қишлоққа етибди, тунаб қолиш учун одамлардан рухсат сўрапти. Эртаси куни эрталаб Қўлсиз аёл яна йўлга чиқмоқчи бўлган экан, бироқ саховатли қишлоқ аҳли қўлсиз онани жўнатмай, унга бошпана беришипти, ўғилчасини эса ўз тарбияларига олишипти.

Қўлсиз аёлнинг ўғли мана шу оқкўнгил одамлар қишлоғида ўсиб-улғайипти, боланинг отаси жанг қилаётган уруш эса, қануз тугамаган экан. Эски замонда урушлар узоқ давом этаркан-да.

Бир кун келиб Қўлсиз аёлнинг ўғлини ҳам урушга сафарбар қилишипти. Она ўғлини йўлга ҳозирлапти. Бу ишда унга қишлоқ аҳли ҳам ёрдам берибди. Навқирон жангчининг ҳеч нимадан камчилиги бўлмапти. Унинг учун от, қурол-яроқ, совут, озиқ-овқат сотиб олиб беришиб, ўзига оқ йўл тилашипти.

Шўрлик она яккаю ёлғиз ўғли билан хайрлаша бошлапти: — Борақол, ўғлим, — депти, — ой бориб омон қайт. Отанг ҳам ўша жанггоҳда жанг қиляпти. Энди сенга навбат, ўғлим. Агар душман бостириб келса — ҳаммамизни қиличдан ўтказди: бордию ёвни сен даф қилсанг, унда яна она-бола бирга яшай-верамиз.

Шундай қилиб ўғил урушга жўнаб кетипти. Ёлғиз қолган она ўғлини соғиниб, йўлига кўз тикиб ўтираверипти. Кундузлари у фақат ўғлини ўйлармиш, кечалари эса уни тушида кўрармиш. Гоҳ ўғли барча душманларни қириб ташлаб, онаси қошига елиб келаётгандай бўлармиш, гоҳ жанг майдонида бир ўзи ўлиб ётгани, қора қузғунлар унинг кўзини чўқиётгани тушига кириб чиқармиш.

Бир кун Қўлсиз аёлнинг сабри чидамабдию аскарлар либосини кийиб, у ҳам урушга жўнаб кетипти.

Мана, у уруш бўлаётган жанггоҳга етиб борипти. Уни аскарлар кўриб, эркак деб ўйлашипти ва бундай дейишипти:

— Э, ҳамюрт, тинчгина печка устида ўтирсанг бўларди, ногирон экансан, урушда нима ҳам қил олардинг? Довжурак экансану, аммо бу ер сенга тўғри келмайди!

Лекин Қўлсиз аёл ўзига иш топиб олипти. У ярадорларни, жони узилаётганларни юпатиб, уларга тасалли бера бошлабди, баъзан яшашдан умидини узганлар Қўлсиз аёлнинг тасалли берувчи эзгу сўзларини эшитиб, ҳаётдан умидвор бўлиб, тирик қолишипти. Қўлсиз аёл руҳи тушиб кетган жангчини кўрса, ўзи унинг олдига тушиб, душман устига бостириб борипти, буни кўрган жангчининг руҳи тетиклашиб, яна шамширини силкитиб олға отилипти. Қўлсиз аёл мана шундай ишлар қилипти.

Бир уни аёл ўз ўғлини кўриб қолипти. У жанггоҳнинг қоқ ўртасида ғанимлар билан олишаётган экан. Ёв лашкари ўғлининг шамшири зарбидан қирилиб, бирин-кетин унинг оёғи остига қулай бошлапти. Лекин ўғлининг аҳволи мушкул эмиш. Чунки у билан ёнма-ён туриб жанг қилган ўртоқларининг бари ҳалок бўлиб, ёв қаршисида якка ўзи қолипти. Қирилган душманлар ўрнига эса бошқалари бостириб келаверишипти. Онаизор, ўғлим ёвга бардош бера олармикан йўқми деб ундан кўзини узмай турипти. Лекин ўғли қанча қудратли бўлмасин, душман ундан ҳам кучлироқ эди. Ана, душманлар Қўлсиз аёлнинг ўғли устига мўр-малаҳдек бостириб келишибди, оқибатда, ўғил душманлар орасида кўринмай кетипти. Бу аснода, лашкарбошининг ўзи ҳам олисдан туриб жангни кузатиб турган экан. У ўз ёрдамчисига қараб бундай депти:

— Ёв билан мардона олишаётган паҳлавон ким бўлдийкин, кимнинг фарзандийкин, дарҳол билиб кел, яна унга мадад кучи юбор.

Мадад кучи ҳали қачон етиб бораркин! Ёрдам беришга улгурармикин ё фурсат ўтганда етиб борармикин. Шу пайт Қўлсиз аёл ўғлининг ўлик жасадлар орасидан қаддини ростлаб турганини кўрипти, лекин шу оннинг ўзида унинг устига яна қора кучлар ёпирилишипти. Она шунда ўғлига ёрдам бериш пайти етганини сезипти.

— Тўхта, ўғлим! — деб қичқирипти у. — Тўхта, ёлғизим! — Шундай ҳайқарибди-ю, ёрдамга отилипти.

У қўллари йўқлигини ҳам ўйламабди, фақат қалби душманларга ғазаб ва ўз фарзандига меҳр билан қаттиқ тепаётганини ҳис қилипти — шунда у ўз қўлларининг (гўё укаси ҳеч чопмагандек) ўз ўрнида эканлигини ва билакларида беқиёс куч пайдо бўлганини сезиптию ҳалок бўлган бир жангчининг ўткир шамширини қўлига олиб, ўғлини тўрт тарафдан қуршаб олаётган ғанимларни тутдай тўқа бошлапти. У ўғлини муҳофаза қилиб узоқ курашибди, ахири унинг қўллари толиқа бошлапти, ўғли ҳаммаёғи қонга беланиб, оёғида зўрға турганмиш. Худди шу маҳал лашкарбоши юборган мадад кучи етиб келиптию янги жангга кирган лашкарлар душман қолдиқларини қилич билан чопиб қийрата бошлаптилар. Қўлсиз аёл билан унинг ўғли қиличдан ўтказган ёвнинг жасадлари ҳар ёқда чўзилиб ётганмиш. Қўлсиз аёлнинг ўғли гарчи ўз онаси билан ёнма-ён туриб жанг қилса ҳам, уни таний олмабди, чунки у онасининг қўли йўқлигини биларди, бу жангчи бўлса, бақувват қўлларини ишга солиб жанг қилган эди.

Душманлар тутдай тўқилган мана шу жангдан сўнг орадан сал вақт ўтиши билан уруш тугабди. Шунда лашкарбоши энг жасур жангчиларни ўз ҳузурига чақирибди ва кимсан, қаерликсан, кимнинг фарзанди бўласан, деб сўраб, уларнинг ҳар бирини мукофотлай бошлабди. Шулар қатори у Қўлсиз аёлнинг ўғлини ҳам чақиртириб унга савол берипти:

— Кимнинг ўғлисан, азамат йигит? Отанг ким, онанг ким? Сендек ўғилни тарбиялаб ўстирганлари учун отанг биланг онангни ҳам тақдирлашим лозим.

Қўлсиз аёлнинг ўғли бошини эгибди.

— Менинг отам йўқ, — депти у, — отамнинг қанақалигини эслай олмайман. Гўдаклик чоғимдан онам билан бирга яшаганман, бизга замин тўшак, осмон кўрна бўлган, саховатли халқ менга оталиқ қилган.

— Халқ жамики оталарнинг отасидир, — депти лашкарбоши, — ўзим ҳам унинг олдида зиғирдаккиманан, шу боис халқни мукофотлай олмайман. Лекин сендек ўғилни ўстиргани учун онанг мукофотга лойиқ. Бориб айт, онанг келиб, мукофотни ўз қўли билан олсин!

— Онамнинг қўллари йўқ, — депти шунда ўғил.

Лашкарбоши ёш жангчининг юзига қаттиқ тикилиб қарабдида, сўнг маънос оҳангда депти:

— Майли, онангни бу ерга бошлаб келавер.

Шунда ўғил онасини бошлаб келгани қишлоққа борипти, лекин қишлоқ аҳли, онасининг жангда мажруҳ, майиб бўлганларга таскин бериш учун урушга жўнаб кетганини айтибди.

У лашкарбоши ҳузурига қайтиб келиб, онасининг шу ерда — қўшин ичида эканлигини айтипти.

Шунда лашкарбоши, ярадорларни, ўлим тўшагида ётган жангчиларни тузатишда, шифолашда кўмаклашган ҳамма одамларни чақириб келишни буюрипти ва уларнинг ҳар бирини мукофотлай бошлапти. Оддий солдат кийими кийган Қўлсиз аёл лашкарбоши қошига яқинлашганида, у аёлнинг юзига тикилиб туриб, ўз хотинини танибди. Қўлсиз аёл эса бу лашкарбошининг ўз эри эканлигига амин бўлипти — бутун умр эри билан жудоликда яшаган шўрлик аёл, шунда қўллари йўқлигини эслабди. Чунки, у ўғлини муҳофаза қилгандан кейин, яна қўллари ғойиб бўлган эди. Бироқ Қўлсиз аёл ортиқ чидаб тура олмай, эри томон отилипти. У эрини ҳамиша бирдай севар ва асло унута олмас экан. Худди шу пайт, унинг қўллари — бир вақтлардагидек бақувват қўллари гўёки қалбидан илдиз отиб чиққандай яна пайдо бўлиптию суюкли эрини маҳкам қучоқлаб бағрига босипти. Шундан буён аёлнинг қўллари ҳамиша ўзи билан бирга қолипти.

Шунда ота ўғлини ўз ёнига чақириб, бундай депти:

— Салом, ўғлим! Мен сенинг отанг бўламан, лекин сен мени танимасдинг, мен ҳам сени билмасдим. Бизни ёвуз одамлар бир-биримиздан жудо қилишган эди, лекин ёвузликдан ҳам қудратлироқ куч бор.

Ўғил отасининг чеҳрасига қараб суюниб кетипти, кейин онасига қарабди — онасининг қўллари бутмиш. Шунда у охири жангни ва ўз шамшири билан уни муҳофаза қилган жангчини эслабди. Эслабдию онаси қаршисида тиз чўкиб, унинг қўлларидан ўпа бошлапти — шу қўллар уни ўлимдан асраб қолган эди-да.

Тинчлик даври бошлангандан кейин сал вақт ўтгач, лашкарбоши хотини билан ўғлини ёнига олиб, бир вақтлар ўз отаси билан яшаган ва Қўлсиз қизни биринчи марта кўриб севиб қолган ўз қишлоғи томон йўл олипти. Йўл-йўлакай улар Қўлсиз аёлнинг укасиникига киришипти, чунки унинг қўрғони йўл ёқасида экан.

Ёвуз келин уйига кимлар келганини билиб, қўрққанидан уларнинг оёғига йиқилиб, ҳеч нима деб сўрамаса ҳам, ўзи Қўлсиз аёл билан унинг чақалоғини гумдон қилиш учун қандай найранглар ишлатганини бирма-бир гапириб берипти.

Шояд менга раҳм қилишса, деб ўйлапти у.

Қўлсиз аёл (гарчи эндиликда унинг қўллари бут бўлса ҳам, шу ном билан атаймиз) унинг тавбасини эшитиб бўлиб, унга жавобан ўз бошига қандай оғир савдолар тушганини сўзлаб берипти.

Аёлнинг иниси ўз опасига эгилиб таъзим қилиб, бундай депти:

— Ҳикоянг учун раҳмат сенга, опа, аммо ёвузлик уруғини асраб бўлмайди, уни қуритмоқ керак. Мени кечир, жигарим — опажон!

Уша куни тунда у меҳмонларга сездирмай отхонадан бир асов бияни етаклаб чиқибди-да, оёқ-қўли боғланган хотинини шу биянинг думига, ўзини хотинига қўшиб боғлабди, кейин бир ҳайқирган экан, от шаталоқ отиб чоғиб кетипти, оқибат, эрхотин икковини кенг далада судраб, тилка-тилка қилиб юборипти.

Эртаси куни эрталаб Қўлсиз аёл оиласи билан мезбонларни роса кутишипти, лекин даштдан фақат асов биянинг ўзи қайтиб келипти.

Кейин меҳмонлар ўз қишлоқлари, ўз қўрғонларига жўнаб кетишипти, у ерда узоқ умр кечиришипти.

Дунёда бахтсизлик бўлса ҳам вақтинча ва бемавриддир, аммо бахт абадийдир.



## ҒАРОЙИБ БОЛА

Ғароид замонда бир подшо ўтган экан. Унинг хотини вафот этиб, бир ўғил, бир қизи билан қолибди. Ўзи ҳам анча кексайиб қолипти. У бир куни ўғлини чақириб, шундай васият қилипти:

— Менинг тўримдан гўрим яқин қолди, ўғлим. Улсам сен подшо бўласан. Манави узукни ол — агар уйланмоқчи бўлсанг, шу узукка мос қаллиқ танла: бу қайси қизнинг бармоғига тўғри келса, сен ўшанга уйлан. Бордию бу узугим ҳеч кимнинг бармоғига тўғри келмаса, унда дунёдан тоқ ўт.

Сал вақтдан кейин подшо қазо қилипти. Ўғил отасини дафн этиб бир оз мотам тутипти, кейин у берган узукни қўйнига солибди-да, ўзига қаллиқ қидириш учун сафарга жўнабди. Битта-яримта ерни айтмаса бутун дунёни кезиб чиқипти, аммо ўзига қаллиқ тополмабди. Еш подшо сафарда не-не қизларни учратипти-ю, лекин улардан биронтасининг ҳам бармоғига отаси берган узук тўғри келмабди. Ҳолбуки, шаҳзода отасининг васиятига амал қилишга мажбур эди. У уйга қайтиб келибди-да,

узукни жаҳл билан стол устига ташлабди. Синглиси шу ерда экан: у узукни кўриб, қани, менинг бармоғимга тўғри келармикин, деб тақиб кўрипти. Узук унинг ўнта бармоғидан биронтасига ҳам тўғри келмабди, лекин бир қўлидаги бармоқлари олтита экан — узук шу олтинчи бармоққа лоппа-лойиқ келипти.

Буни кўрган акаси:

— Қалай, лойиқ келдими? — деб сўрапти.

— Лойиқ келди, акажон, лойиқ келди.

— Бундан чиқди, — депти акаси, — мен сенга уйланишим керак экан-да, отамизнинг хоҳиши шундай эди.

— Вой, нима деяпсан, акажон, — деб ёлборипти қиз, — ўз туғишган синглисига уйланган одамни қаерда кўргансан?

— Отам менга шундай васият қилган. Ахир узук ҳеч кимга тўғри келмади-ку, фақат сенинг бармоғингга лойиқ келди.

— Аммо отамиз менинг олтинчи бармоғим борлигини унутган бўлишлари мумкин, ортиқча бармоқ ҳисобга кирмайди.

Акаси қизга ўдағайлабди:

— Отамиз доно одам эди — нима деб васият қилишни билган ё сен отамдан ақллироқ бўлиб қолдингми?

Сингил бир оз ўйга толиб сўнг шундай депти:

— Майли, акажон, денгиз бўйида мен учун мўъжазгина бир уй қурдир. Ҳозирча ўша ерда яшаб турай, кейин... сен айтганингча бўлақолсин.

Ака синглисининг гапини инобатга олиб, денгиз бўйида бир уйча қуриш ҳақида фармон берипти. Подшоҳнинг синглиси шу уйчада бир жория қиз билан яшай бошлапти, у эртаю кеч ўз акамга хотин бўлишни истамайман, нима қилсам экан, ахир бу — кўз кўриб қулоқ эшитмаган гуноҳ-ку, деб ғам чека бошлапти.

Бир куни қараса, денгизда бир балиқчи балиқ тутаётган эмиш. Қиз уни чақирган экан, қайиғида соҳилга сузиб келипти. Малика балиқчидан каттакон бир балиқ сотиб олиб, уни жория қизга берипти-да:

— Бу балиқни акамга олиб бориб бер, унга айт: тўй тарадудини кўраверсин, — депти.

Жория жўнаши билан подшонинг синглиси балиқчига ёлборибди:

— Мени олис-олисларга, денгизнинг нариги қирғоғига олиб бориб қўй, бўлмасам подшо акам бошимга жуда оғир кулфат солмоқчи.

Саховатли балиқчи маликани денгизнинг нариги қирғоғига олиб бориб қўйипти, малика ўша бегона юртда ёлғиз ўзи қолипти. Кейин у қирғоқдан узоқлашиб, бир ўрмонга кирипти. У ерда бир дарактнинг ковагини ўзига маскан қилиб, ҳоли не кечишини билмай, кун кечира бошлапти. Ўрмон сокин, биронта

хам жонзод учрамасмиш. Навнихол малика ўрмонда ўсган ҳар турли ёввойи меваларни еб, бир амаллаб кунини ўтказиб юрипти: бора-бора у очликдан озиб, чўндай бўлиб қолибди, кийимлари титилиб, уада бўлиб кетипти. Мана шундай оч-яланғоч юрган кунларнинг бирида у ўрмонга қўзиқорин тергани келган бир кампирни кўриб қолипти. Малика югуриб бориб дарахт ковагига яшириниб олипти, лекин кампир уни олдинроқ кўриб қолган экан. Кампир кавакли дарахт тагига келиб бундай депти:

— Мендан қўрқиб, ўзингни панага олма. Агар кекса кампир бўлсанг эгачим дейман, ёш бўлсанг, қизим дейман. Қани, чиқақол, тасадуқ, ўзингни кўрсат!

Малика кавакда ўтирган еридан жавоб қилипти:

— Кийим-боши йўқ бир қашшоқ қиз бўлсам қандай чиқаман?

Кампир кулбасига қайтиб бориб, кийим-бош олибди ва қайтатуриб чолига мақтаниб депти:

— Ҳой чол, ўрмондан хазина — нақ онадан энди туғилган қиз топдим.

Чол суюниб кетипти:

— Э, жуда соз бўлипти-да. Болали уй бозор, дейдилар, кампир.

Шу-шу шоҳнинг сингиси чолу кампирнинг кулбасида яшай бошлапти. Чолу кампир меҳмон қизга разм солиб қарашса — у оқ кўнгил, мулойим табиат, сабр-қаноатли қизмиш, қўлида олтига бармоғи борлиги бўлса — бахт нишонаси. Чол-кампирнинг бир ўғли бор экан.

— Настасья (маликанинг исми шунақа эди), Настасья, — деб гап бошлашипти қариялар, — қарасак, бўйинг ҳам етиб қолипти, бизнинг ўғлимизга турмушга чиқақолмайсанми?

Лекин Настасья уларнинг ўғлини кўрмаган экан.

— Қани у ўзи? — деб сўрапти Настасья.

Маълум бўлишича, чол-кампирнинг ўғли ўн саккиз ёшда экан, нариги ўрмонда яшаб, ўша ерда чўчқа боқар экан.

Шунда малика Настасья, майли, ўғлингизни бошлаб келинг, депти қарияларга, ўзи бўлса: «Ўз туғишган оғамга теккандан кўра, чўчқабоқар билан турмуш қурганим минг карра афзал!» — деб кўнглидан ўтказибди.

Чол-кампир ўғилларини етаклаб келишипти, Настасья қараса, йигитнинг ҳаммаёғини пўпанак босиб, соч-соқоли ўсиб кетганмиш.

Малика йигитнинг аҳволини кўриптию аввалига ҳеч нима демепти, фақат чуқур хўрсиниб қўйипти. Кейин у ўз қўли билан чўчқабоқарнинг соч-соқолини олипти, ювибди, тарабди, эртаси куни кампир билан бозорга бориб, йигит учун кийимбош



сотиб олиб келипти ва чўчқабоқарни кийинтирипти. Кейин қиз унга ақл-фаросатдан сабоқ бера бошлапти. Шу сабоқ пайтида йигитга писанда қилиб депти:

— Агар хат-саводингни чиқарсанг, ҳалол яшасанг, сенга турмушга чиқишим мумкин.

Настасья йигитга ўзи билган илмларнинг ҳаммасини ўргатиб бўлибди-да, кейин қарияларга бундай депти:

— Майли, сизлар айтганча бўлсин, мен розиман...

Қариялар суюниб кетишипти, йигитнинг эса қувончдан боши осмонга етипти: у Настасьянинг аллақандай чўчқабоқарни севиб қолишига ҳеч ишонмай юраркан.

Орадан яна икки йил ўтипти, Настасья ўғил кўрипти. Бола шу қадар доно эмишки, ўтган ҳам, кетган ҳам унинг ақлу фаросатига ҳайрон қолармиш. У эмизиклик чақалоқ пайтидаёқ онаси билан суҳбатлашадиган, онаси билмаган нарсаларни унга айтиб берадиган бўлибди. Бола зеҳнли туғилган экан-да. Бобоси билан бувиси набираларининг бу зукколигини кўришса қандай қувонган бўлишарди-я, афсус улар оламдан ўтишган эди.

Бир куни боланинг отаси қишлоққа меҳмонга кетипти. Настасья уйда чақалоғи билан қолипти. У кўзлари тўрт бўлиб эрини кутаверибди, аммо ҳануз ундан дарак йўқ эмиш.

«Тағин бирон кор-ҳол бўлмадимикин,— деб ўйлапти Настасья. Ўзим қишлоққа бориб чақириб кела қолай, ўғлим беланчагида ёта туради, болам ақлли».

— Сен жим ётиб, уйга қараб тур,— депти у ўғилчасига,— мен бориб дадангни чақириб келаман.

— Майли, борақолинг, ойи,— депти унга ўғли.— Лекин эҳтиёт бўлинг, ҳадемай ҳаво айнийди.

Онаси бўлса:

— Гириллаб бораману қайтаман,— депти.— Ҳаво айнимасидан етиб келаман.

Она шундай деб, уйдан чиқиб кетипти. Салдан кейин ташқарида бўрон туриб, жала қуя бошлапти.

Алламаҳалгача отадан ҳам, онадан ҳам дарак бўлмапти. Бола беланчада ётавериб зерикибди, бунинг устига, қоронғи туша бошлабди.

«Биронта ўткинчи кирса яхши бўларди,— деб ўйлапти бола,— бир ўзим зерикиб ётавераманми?»

Бола шундай деб ўйлаши билан уйга кимдир кириб келипти.

Бола қараса — бир чол эмиш, унинг кичик соҳиби меҳмонни кўриб суюниб кетипти.

— Қани, ўтиринг,— депти у,— хўш, айтинг-чи, ким бўласиз, қаёқлардан сўраймиз...

Чол бу гапни эшитиб ҳайрон қолипти: «Во ажаб,— деб ўйлапти у,— ўзи беланчада ётган бир чақалоғу худди катталардек

гапиради-я. Аммо лекин бировнинг уйи — ёпиқ кўзача, у уйда одат ҳам ўзгача, дейдилар. Демак, ҳар ернинг ўз расм-таомили бор: эҳтимол бу ернинг чақалоқлари қариялардан донороқдир».

Чол ўз дардини айта бошлабди:

— Менинг печкамнинг тагида биров борга ўхшайди. Ҳар куни кечаси инграб: «Вой димиқиб кетяпман, вой нафасим қайтиб кетяпти!»— деб биз чол-кампирга тинчлик бермай чиқади. Шу ҳақда сўраб-суриштиргани шаҳарга, сеҳргар Асоннинг олдига кетяпман. Қишлоғимиздаги мўйсафидларнинг гапига қараганда, ўша Асон деган сеҳргарга ақл-фаросатда ҳеч ким тенг кела олмас эмиш, у билмаган нарса йўқ эмиш дунёда. Қариялар бир гапни билмай айтишмайди, улар кўпни кўрган кишилар, ёшлари меникидан анча улуғ — отам тенги.

Бола меҳмоннинг гапини диққат билан эшитиб бўлиб, унга бундай депти:

— Гапимни яхшилаб эшитиб олинг, буважон, сеҳргар Асон хизмат ҳақига печкангиз тагига кўмилган нарсанинг ярмини сўрайди, лекин сиз ярмини эмас, чорагини ваъда қилинг, ундан кейин мен ҳақимда «чурқ» этиб оғиз оча кўрманг. Энди токчадан нон олинг, ўша ерда квас ҳам бор, еб-ичиб ҳордиқ чиқаринг.

Чол қорнини тўйғазиб, бир оз дам олгач, болага раҳмат айтиб шаҳарга, Асоннинг ҳузурига равона бўлипти. Шаҳарда у сўраб-сўраб сеҳргар Асоннинг ҳовлисини топибди-да, унга ўз дардини сўзлай бошлабди:

— Жаноби сеҳргар, мен сизга айтсам, ҳар куни кечаси печкам тагида аллақандай қўрқинчли воқеалар юз бeryпти: у ерда нималар бўлаётганини билиб, биз — чолу кампирни бу фалокатдан қутқозишнинг иложи топиладими?

— Топамиз, — депти сеҳргар Асон. — Сен билан кампирингнинг бошидан фалокатни аритиш мумкин, фақат шарти шуки, сен менга печканг тагида ётган нарсанинг ярмини берасан.

— Йўқ, Асон, — депти чол унга, — чорагиям етади сенга. Асон бўлса чолга:

— Уч чораги бир ўзингга кўплик қилмайдами? — депти.

— Ҳай, йўқ, — депти унга чол, — нега кўплик қиларкан, бир бутунга чораги етмай тургандан кейин?

«Чол қурумсоқ кўринади, — дебди ичида Асон. — Ҳа, майли, барибир ўз ҳақимни қўймайман, илло ҳозир талашишнинг мавриди эмас».

Асон чол билан бирга унинг қишлоғига жўнаб кетипти. Мана, улар чол яшаб турган уйга киришипти, Асон печни бузишни буюрипти. Печь бузилгандан кейин қарашса, унинг тагида бир ўра бўлиб, унда олтину кумушлар лиқ тўла экан. Чол суюниб кетиб, хазинани тўрт қисмга тақсимлай бошлабди. Шунда сеҳргар унга дебди:

— Лекин сен, қария, ўз ақлинг билан иш тутмас экансан! Менга хазинанинг ярмини бермай, фақат чорагини бериш кераклигини сенга ким ўргатди?

Чол жавоб бермаслик учун ўзини уёққа ташлабди, буёққа ташлабди:

— Менинг ҳам ўзимга яраша ақлим бор, каллам бинойидай ишлайди, мана — дум-думалоқ,— деб гапни чалғитаверипти.

Лекин Асон жудаям айёр жодугар экан.

— Қани, айтақол,— дебди у яна,— ким ақл ўргатди сенга. Агар айтсанг, ўзимнинг чорак ҳисса улушимдан ҳам воз кечаман, бутун хазина ўзингга қолади.

Чол очкўзлик қилиб, Асоннинг бир чорак улушини ҳам ўзига олмоқчи бўлибди-ю, ҳамма гапни сўзлаб бериб, боланинг қаерда туришини ҳам айтиб берипти.

Жодугар Асон шу заҳоти аравага ўтириб, чўчқабоқар билан маликанинг ўғли турган уй томон йўл олипти.

— Кўрсатиб қўяман сенга!— деб дағдаға қилипти у чўпоннинг ўғлини орқаворатдан яниб.— Ҳали сен мендан ақллироқ чиқиб қолдингми? Ўргулдим сендақа доно туғилган гўдақдан, ҳали менинг нонимни яримта қилмоқчимисан?

Мана, у ўрмондаги уйга етиб келиб, ичкарига кирибди, уй эгаларига таъзим қилибди:

— Узоқ йўл босиб келяпман,— депти у,— ижозат берсангиз, бир хўплам чойингизни ичиб, бир оз ҳордиқ чиқариб олсам!

Оқкўнгил Настасья дарров столга сомса қўйибди, чой қайнатиб келибди.

Сеҳргар сомса еб, чой ичармишу бола ётган томонга кўз қирини ташлаб-ташлаб қўярмиш. Шу маҳал хонага бир хўроз учиб кирибди, у қанотларини патиллатиб, бирдан қичқириб юборипти.

— Э, овозинг ўчсин-а!— депти Асон.— Нима деб қичқиряпсан?

Бу пайт Настасьянинг ўғли беланчақдан тушиб, скамейкага келиб ўтирипти-да, бундай депти:

— Хўроз, сизнинг яқинда қашшоқ бўлиб қолишингиз, бутун бойлигингиз менга ўтиши ҳақида қичқирди.

Сеҳргар ҳеч нима деб жавоб қилмапти. У уй соҳиби билан уй бекасининг ташқарига чиқишини пойлаб туриб, шартта болани ушлабди-да, қичқиргани эшитилмасин деб, уни пўстинига ўрабди-ю, аравага ўтириб ура қочиб қолипти.

У уйига етиб кела солиб, ошхонадан ошпазини чақирипти.

— Манави болакайнинг жигари билан юрагидан менга овқат пишир,— деб буюрипти сеҳргар.

«Шундай қилсам, бир зумда бу зумрашадан ақллироқ бўлиб оламан»,— деб ўйлагандир-да.

Ошпаз болани ошхонага олиб кириб, пичоғини қайрай бошлапти.

— Амакижон, нега пичоқ қайраяпсиз? — деб сўрапти бола. — Узи шундоқ ҳам ўтқир-ку.

Ошпаз унга бундай жавоб қилипти:

— Қўзичоқ сўймоқчиман.

— Кап-катта кишисизу ёлғон гапиряпсиз-а, — депти бола. — Сиз қўзичоқни эмас, мени сўймоқчисиз.

Бу гапни эшитган ошпазнинг қўлидан пичоғи тушиб кетибди: шу муштдаққина бола шунча гапни қаёқдан била қолдийкин, деб юраги орқага тортиб кетипти. Унинг бу доно, бегуноҳ, мурғак болага раҳми келибди.

— Сени қўйиб юборардим, — депти ошпаз, — хўжайинимдан қўрқаман-да.

— Сиз қўрқманг! — депти Евсей (болага отасининг исми қўйилган экан). — Сира қўрқманг! Яхшиси, сиз битта кучук боласини топиб келинг-да ўшанинг жигари билан юрагини олиб, хўжайинингизга қовуриб беринг.

Ошпаз бола айтгандек иш тутипти. Евсейни эса ошхона ёнидаги қазноққа яшириб қўйипти.

(Худди шу кунларда ўша мамлакатнинг подшоси ғалати бир туш кўрипти. Тушида гўё унинг қасрида ҳар турли овқатлар уйилган учта олтин баркаш турганмишу бирдан қаёқдандир итлар пайдо бўлиб, баркашлардаги таомларни ея бошлаганмиш. Шоҳ, бу тушнинг маънисини нима экан, деб қолибди. Сўнг Асонни чақириб келишни буюрипти.)

— Тушимни таъбирлаб бер, — депти у Асонга. — Шу бугуноқ бошингни қотириб ўйла, токи мен тушнинг таъбирини эртагача билай, бўлмаса бутун мол-давлатингни тортиб олиб қашшоқларга бераман.

Асон уйига хуноб бўлиб қайтипти, кела солиб ҳаммага захрини соча бошлапти. Ошпазни кўриб қолиб, унга дағдаға қила кетипти:

— Бола фақирни сен гумдон қилувдинг-а? Эҳ, хомкалла, жаҳл устида нималар демайман мен!

— Мен хомкалла эмасман! — депти унга ошпаз. — Бола тирик, Евсейни қазноққа беркитиб қўйганман.

Асон ғириллаб Евсейнинг олдига борипти:

— Мен туш кўрдим, — депти у ва подшонинг тушини Евсейга сўзлаб берибди. — Бунинг маънисини нима экан-а?

Евсей унга жавоб берипти:

— Бунинг маънисини шуки — бу айтганларингиз, сизнингмас, подшонинг тушига кирган!

— О, баракалла, доно бола! — дебди Асон суюниб. — Сен тўғри топдинг! Энди сен шу тушнинг таъбирини менга сўзлаб бер! Ё қўлингдан келмайдими?

Евсей унга жавоб қилипти:

— Қўлимдан келади, — депти, — подшо кўрган тушнинг аллақачон мағзини чақиб, таъбириниям топиб қўйганман, лекин уни подшонинг ўзига айтаман, сиз уни икки дунёда ҳам топа олмайсиз.

Жодугар гўдак Евсейни бўғиб ташлагудек аччиғланипти, ammo ҳозир уни ҳаттоки черта ҳам олмас эди.

Эртасига эрталаб Асон Евсейнинг қўлидан етаклаб подшонинг ҳузурига олиб борибди.

Подшо Асонни кўрган заҳоти:

— Қани, Асон, тушимни таъбирлаб бер, — депти.

— Нима десам экан сизга, аъло ҳазрат, — деб гап бошлапти айёр сеҳргар. — Тушингизнинг таъбири қийин эмас, уни гўдак ҳам айтиб бера олади. Мана, масалан, ошпазимнинг дастёри Евсей: у сизга, аъло ҳазрат, ҳаммасини батафсил сўзлаб, таъбирлаб берди.

— Ростданми? — деб сўранти подшо. — Агар Евсей билса, майли, гапирсин.

— Мен таъбирнинг бошланишини эсимдан чиқариб қўйдим, — депти Евсей. — Асон бошлаб берсин, уёғини ўзим яқунлайман.

— Қани, Асон, ўзинг бошлаб бер! — деб буюрипти подшо.

Асон роса бош қотириб ўйлабди, лекин нима деб бошлашни сира билолмабди.

Шунда у подшонинг оёғига йиқилиб, ёлғон сўзлагани учун кечирим сўрай бошлапти.

Евсей бўлса подшога бундай депти:

— Яхши туш кўргансиз, тушингиз ўнгидан келади. Сизнинг учта қизингиз бор экан, яқинда учовларининг ҳам кўзи ёриб, сиз учта ўғил неварга кўрасиз.

Орадан кўп вақт ўтмай, ҳақиқатан ҳам подшо учта набирали бўлипти. Шунда у Евсейга кўп совға-саломлар инъом этибди, яна сийловига, Асоннинг бутун бойлигини унга олиб берипти, сеҳргарнинг ўзини бўлса, шоҳ ошхонасида чиқинди ва ювинди ташишга қўйибди, сеҳргарлик билан шуғулланишни унга бутунлай ман этибди.

Евсей Асоннинг бойлигини ҳам, подшо берган совға-саломни ҳам ўзини ўлимдан асраб қолган ошпазга берибдию кейин ўз ота-онасининг бағрига қайтиб борибди.

У яна аввалгидек ота-онаси билан бирга яшай бошлабди. Уларнинг уйига келган ҳар бир одам гўдак Евсей билан суҳбатлашармиш, унинг ақлу фаросатига, ўткир зеҳнига ҳайрон-ҳайрон қолармиш.

Ўткинчи бир мусофир боланинг гапларини эшитиб бундай депти:

— Охир замона бўлибди чоғи, қаранг-а, қандай доно бола-лар туғилишяпти... Хўш, Евсей, бу ақл-идрокни сен кимдан олгансан?

— Отам билан онамдан,— депти Евсей.

— Отанг оддий бир подачи-ку!

— Подачилару қўшчилар подшолардан донороқ бўлишади! Мусофир ундан яна сўрапти:

— Балки, сен ақлни онангдан олгандирсан. Ҳар қалай у малика.

Евсей унга жавоб қилипти:

— Гапингиз тўғри эмас. Менинг онам малика бўлиб туғилгани сабабли эмас, балки малика бўлиб қолишни хоҳламай, подачи билан турмуш қургани учун ақллидир.

— Хўш, бундан кейин нима бўлади?

— Бундан кейин,— депти унга бола,— подачилар подшо бўлишади, охирги подшолар подачилар билан тенг яшашади.

— Тенг дегин! Подшолар биз билан тенг яшашни хоҳлашмасачи?

— Хоҳлашмаса — очдан ўлиб қолишади,— деб жавоб қилишти Евсей.

Бир куни денгизда бўрон кўтарилиб, кечаю кундуз тўхтовсиз увиллайверипти. Балиқчилар ўз уйлари, ҳовлиларидан чиқмай қўйишипти, биров тўрларни тузатар, бошқа биров шамолнинг увиллашига қулоқ солиб бекор ўтирармиш. Денгиз бўлса тўхтовсиз шовуллар, ўкирар, ўрмондаги дарахтлар шамолнинг зўридан ғижирлаб, қасир-қусур синармиш.

Худди шу маҳал кимдир уй эшигини тақиллатипти. Евсей уйда ёлғиз ўзи қолган экан. Отаси билан онаси соз тупроқ олиб келгани жарликка кетишган экан — тупроқдан ғишт қуйиб, печкани тузатишмоқчи экан.

Евсей бегона одамни уйга таклиф қилиптию бир қарашдаёқ унинг кимлигини билибди: бу денгизнинг нариги томонидаги подшо тоғаси, яъни онасининг акаси экан.

Евсей печдан овқат олиб, тоғасини меҳмон қилипти.

Шоҳ овқат ермишу, лекин индамасмиш, нуқул ўй ўйлармиш.

Евсей ундан сўрапти:

— Нималарни ўйлаяпсиз, тоға?

— Қанақасига тоғанг бўлай? — депти шоҳ. — Мен сенга тоға эмасман!

«Подшолар нега бунча аҳмоқ бўлишади-я? — деб ўйлабди Евсей. — Агар тоғам подшоликдан воз кечганида, дарров ақли бўлиб қоларди».

— Нима ҳақда ўйлаётганингизни биламан,— депти Евсей.

Шоҳ мийиғида кулиб қўйиб депти:

— Қани, гапир, агар мендан ҳам яхшироқ билсанг.

Шунда Евсей шоҳнинг бошидан кечган воқеаларни бир бошдан гапириб берипти: у сайр қилгани қайиққа ўтириб денгизда сузган, шунда бирдан бўрон кўтарилиб, унинг қайиғини узоқ нотаниш соҳилга учириб кетгану қайиғи соҳилга урилиб чилпарчин бўлган: энди бўлса шоҳ уйига қандай қайтиб кетишни билолмай боши қотиб ўтирипти.

Подшо ҳайрон бўлиб: «Ие, жудаям доно бола экан-ку, — дебди ичида, — ҳеч ким билмаган нарсани қаёқдан билдийкин?»

— Мен бир балиқчи чолни биламан, — депти Евсей, — у денгизда кўп сузган, ўша чол сизни уйингизга олиб бориб қўяди. Лекин сиз мени ҳам бирга олиб кетинг, денгиз ортида одамлар қандай яшашини ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

Шоҳ рози бўлипти:

— Майли, — депти у, — бирга кетамиз! Қани, денгизни беш қўлдай билувчи ўша балиқчи чолнинг олдига бошла мени.

Евсей деразадан ташқарига қараса, бўрон тинипти.

— Юринг, кетдик, тоға.

Улар туриб, тўғри балиқчи чолнинг олдига боришипти.

Чол уларни ўзининг кемачасига чиқариб, сокин денгиздан нариги қирғоқ томон сузиб кетипти.

Нариги қирғоқда Евсейнинг тоғаси, гарчи подшо бўлса ҳам, жуда зерикарли кун кечираркан, бутун туриш-турмуши ғурбат экан. Унинг ёру дўстлари ҳам, хотини ҳам, сингиси ҳам йўқ, атрофини фақат хизматкорлар, ёрдамчилар, навкарлару саркорлар ўраб олган, бунинг устига, уларнинг ҳаммаси ғирт қаллоб экан.

Евсей подшонинг қайғули ҳаётини кўриб:

— Нега уй бекаси — хотинингиз йўқ? — деб сўрапти.

Подшо унга шундай жавоб қилипти:

— Узукка моси топилмади, кўнглимга ёқадиган қизни ҳам учратмадим.

— Қидириб топамиз, — депти унга Евсей. — Билишимча, катта денгизнинг нариги томонида бир сеҳргар қиз яшайди, унинг олдига денгиз орқали бориш, жамолини кўриш мушкул иш, лекин зарур экан — топамиз. Қани, беринг ўша узугингизни, мен уни сеҳргар қизнинг сўфи бармоғига тақиб кўраман: лойиқ келса, сизга қаллиқ қилиб олиб келаман.

Шоҳ унга узукни берибди-да:

— Яна нима керак бўлади сенга? — деб сўранти. — Айтавер — ҳамма сўраган нарсангни бажо қиламан.

— Янами, яна кема ясаш керак. Катта кема — жуда узоқ сафарга чиқамиз.

Шоҳ кема ясашни буюрипти. Кемасозлар ишга киришипти: биров дарахт кесган, биров рандалаган, биров йўнган, хуллас, одамлар кучини аямай ишлашибди, ахири кема битипти.

Евсей кемага чиқипти, ўзи билан юз нафар довюрак аскар ва юз бочка пиво олиб, олис-олисларга сузиб кетипти.

Улар сузиб кетаверишипти, кетаверишипти, лекин ҳамон ҳеч томонда ҳеч нима кўринмасмиш.

Евсей кема мачтасида туриб атрофни кузатаётган аскардан ҳар куни сўраркан:

— Бирон нарса кўринмаяптими?

— Йўқ, — деб жавоб қиларкан аскар. — Ҳаммаёқ ҳувиллаган — фақат сув.

Ниҳоят, бир кун келиб, аскар тўсатдан қичқириб юборипти:

— Кўриняпти!

— Нима?

— Қуруқлик кўриняпти, қуруқликда тоғ, тоғда шаҳар, шаҳарда олтин қаср.

— Кемани ўша ёққа бур! — деб буюрипти Евсей.

Кема бандаргоҳга сузиб кириши билан шаҳарда замбарак отилипти.

Бу шаҳардаги олтин қасрда Ефросинья исмли эрка малика яшаркан, унинг чеҳраси гўзал, аммо қалби ёвуз ҳам, сахий ҳам эмас (унинг қалбидаги ёвузлик билан сахийлик бир-бирига омихта бўлиб кетган экан), билимдонлик ва айёрликда эса сеҳргар экан.

Мана шу Ефросинья бандаргоҳга бегона кема сузиб кирганини кўриб отасига юзланибди:

— Қаранг, дадажон, бандаргоҳимизга берухсат кирган ким бўлдийкин — бунақанги беадаб кишини энди кўришим!

Подшо кемага ўз полковнигини юборибди:

— Ким келганини, қандай иш билан юрганини билиб кел.

Полковник кемага чиқиб: «Бошлиғингиз қаерда?» — деб сўрапти. Бошлиқ ким бўларди — Евсей-да. Полковник Евсейнинг олдига борибди: Евсей дегани бирон паҳлавон ё биронта акобирдир деб ўйлапти у, лекин қараса, қаршисида бир ўсмир турганмиш.

Полковник яна бояги саволини берипти:

— Бу кемада ким бошлиқ?

Евсей унга жавоб берибди:

— Бошлиқ қаршингизда — менман. Бошқа бошлиқ йўқ бу ерда.

— Мени лақиллатмоқчимисан, зумраша? — деб бақирипти полковник, — ёлғончию сурбетлар тўпланганга ўхшайди бу кемага!

Евсей аскарларни чақириб, у беадаб полковникни кемадан қувиб юборишни буюрипти.

Полковник подшо олдига югуриб борипти: уввало уриндим, лекин кемадагилар мен билан гаплашишням истапмади, деб шикоят қилипти у.



— Сен балки кема соҳибига қўиол гапиргандирсан! — депти шоҳ. — Аҳмоқлару кўрс одамлар ҳамма ерда калтак ейдилар! — Шундан кейин у кемага бошқа аъенини юборипти.

Бу аъён кемага чиқиб, биринчи навбатда Евсейга таъзим қилиб, уни подшо ҳузурига таклиф этипти.

Евсей ҳам шоҳ ҳузурига бориб, унинг саройида меҳмон бўлибди, ноз-неъматларга тўла стол атрофида шоҳ билан суҳбат қурипти. Олис ўлка подшоси Евсей билан суҳбатлашаркан, бу гўдак меҳмоннинг ақлу заковатига қойил қолипти.

Евсей ўзининг қайси мамлакатдан, қайси салтанатдан эканлиги, бу ёруғ дунёда нималарни кўргани ҳақида сўзлаб берипти, ammo бу юртга не мақсадда келганини сир сақлабди. Суҳбат охирида у шоҳ қизи Ефросиньяга эҳтиром билан таъзим қилибди-да: «Менда бир узук бор, у кимнинг бармоғига лойиқ келса, ўшани бизнинг навқирон подшо севиб қолади ва у қиз бахтиёр бўлади», — депти.

Шундан сўнг Евсей қўлидаги узук билан Ефросинья қошига борипти. Шоҳ қизи муғамбирона жилмайиб, Евсейга чап қўлини узатибди. Бола узукни тақмоқчи бўлиб қараса — шоҳ қизининг қўлида айнан сўфи бармоғи йўқмиш — таги тўқмоқ бўлиб қолганмиш. Евсей узукни қизнинг бошқа бармоқларига тақиб кўрипти — биттасигаям тўғри келмапти.

— Бармоғинг қани? — деб сўрапти Евсей.

— Гўдаклигимда қоқшол бўлиб узилиб тушган, — деб жавоб қилипти шоҳ қизи. — Менинг бир бармоғим етишмайди, тўрт бармоқ билан яшайман. Лекин олти бармоқли одамлар ҳам бўлади.

— Ҳа, бўлади, — депти Евсей. — Бировга керагидан ортиқ берилар экан, бировга керагича ҳам насиб бўлмас экан.

— Буям тўғри! — депти шоҳ қизи. — Ammo узугинг зўр экан, агар менинг сўфи бармоғим бўлганида, лоппа-лойиқ келарди.

— Унда бу сеники! — депти Евсей: у Ефросиньяга таъзим қилиб, узукни унинг кафтига қўйипти.

Шоҳ қизи — Ефросинья жуда бадавлат бўлса ҳам ялтироқ нарсаларга ўлгудек ўч экан.

Эртаси куни Евсей подшони ўз кемасига меҳмонга чақирипти. У подшога ва шоҳ қизи Ефросиньяга бу томонларда учрамайдиган ғаройиб нарсаларни кўрсатмоқчи бўлипти.

Мана, кемадаги аскарлар меҳмон чақирилган куни мол гўшти солиб карам шўрва пиширишипти, столларга май қўйишипти. Подшо қизи Ефросиньяни олиб тушликка етиб келипти, уларнинг ёнида шоҳ ёрдамчилари, мансабдорлари, оила аъзолари ҳам келишипти. Мезбонлар меҳмонларни ҳурмат-эҳтиром билан роса едириб, ичиришипти, натижада меҳмонлар ўтирган жойларида донг қотиб ухлаб қолишипти.

Шунда Евсей аскарларга, ҳамма меҳмонларни ёши ва амалига қараб, навбати билан оҳиста соҳилга олиб тушиб ётқизиб қўйишни буюрипти. Энг аввал подшони, ундан кейин бошқа меҳмонларни бирин-кетин олиб тушиб кетишипти. Ефросиньяни бўлса, Евсей бу ердан илгарироқ олиб кетиб, кемадаги энг чекка хонага ётқизиб қўйипти, ҳушига келганида томоша қилсин, деб гул солиб тикилган чиройли рўмол қолдирипти. Аскарларга эса, энг охирги меҳмон соҳилга туширилган ҳаманоқ елканларни кўтариб, денгизга чиқишни ва уй томон йўл олишни буюрипти. Евсей яна қўл остидагиларга: «Агар кемада биронта ҳайвон ё газандани кўриб қолгудек бўлсангиз, дарҳол уни чиққан ерига ҳайдаб киришиб юборинглар», депти.

Шундай ҳол содир бўлибди ҳам. Кема қирғоқдан узоқлашиши билан, ҳушига келган Ефросиньянинг ғазаби қайнаб, ўзини ерга отиптию бир думалаб, қўрқинчли ҳайвонга айланипти. Аскарлар қарашса кема палубасига бадбуруш бир махлуқ чиқиб келаётганмиш. Улар қўрқмай, уни пастга ҳайдаб туширишипти. Орадан сал вақт ўтмай, йўғон бир илон ўрмалаб чиқиб келаётганини кўришипти. Солдатлар уни ҳам пастга ҳайдаб туширишипти. Ефросинья ҳийла билан қочиб қутула олмаслигини билгач, юм-юм йиғлаб, яна аввалги гўзал малика қиёфасига кирибди.

Мана, ниҳоят кема доно Евсейнинг тоғаси ҳукмронлик қилаётган мамлакат бандаргоҳига етиб келипти. Шоҳ ўзи чиқиб кемани қарши олипти, бу ерда у соҳибжамол маликани, унинг тўмтоқ сўфи бармоғида отаси васият қилиб қолдирган табаррук узукни кўриптию шу заҳоти денгиз ортидан келган бу қизни астойдил севиб қолипти. Қувониб кетган шоҳ тўй тараддудини кўриб, бир оз вақтдан сўнг Ефросиньяга уланипти.

Тўй ўтгач, Евсей тоғасига бундай депти:

— Манави денгиз сувида пишитилган тасмани олинг. Агар Ефросинья, касалман, деб оҳ-воҳ қиладиган бўлса, қулоқ солиб ўтирманг. Мана шу тасма билан уни уч марта аямасдан уринг, у ўлмайди, оҳ-воҳига ишонманг. Агар аясангиз, унда мени бошқа кўрмайсиз, Ефросинья ҳам уйингиздан кетиб қолади.

Евсей тўғри айтган экан. Бир кун Ефросинья, у ерим оғрипти, бу ерим оғрипти, ҳаммаёғим қақшаб кетяпти, деб дийдесини бошлапти.

Шунда шоҳ уни аябгина бир марта урган экан, Ефросинья яна баттар «вой-вой» лабди. Шоҳ уни иккинчи марта урипти, шундан кейин Ефросинья оёқ-қўлларини чўзибди-да, ўлиб қолипти. Шоҳ қўрқиб кетганидан, хотинини учинчи марта уриш кераклигини унутиб қўйипти.

У малика Ефросиньяни дафн этиш учун қабр кавлатиб, қабрнинг ҳамма томонига мармар тош ўрнатибди. У Ефросинья-



ни олтин тобутга солиб дафн қилдирибди-да, йиғлаб юборипти: чунки у яна сўққа бош қолган, Евсей ҳам қаёққадир ғойиб бўлган эди.

Бу пайт Евсей денгиз атрофини ёқалаб ўз ота-онасининг олдига пиёда равона бўлиб, анча-мунча йўл босиб ҳам қўйипти. Бир куни у йўлда кетаётганида қоронғи тушиб қолипти, шунда йўл ёқасида уйилиб ётган бир тўп похол орасига кириб ухлабди. Эрталаб бир деҳқон келиб, похолни паншахаси билан ғарамлай бошлапти-ю, Евсейни уйғотиб юборипти.

— Ким у? — деб қичқирипти Евсей. — Ҳой, мени паншаханга илмай тур, ҳали ёруғ жаҳонда кам яшаганман.

Деҳқон ҳайратга тушиб, похолни титган экан, бир болага кўзи тушипти. У боланинг қўлидан ушлаб бундай депти:

— Юр мен билан қишлоққа, бизга ўғил бўласан, фарзандимиз йўқ.

Евсей розилик билдириб, деҳқон билан кетипти.

Улар уйга киришипти. Севинчдан оғзи қулоғига етган деҳқон остона ҳатлаб ўтар-ўтмас:

— Хотин, буёққа қара, мен сенга ўғил олиб келдим, — деб қичқирипти.

Хотин ҳам болани кўриб қувониб кетипти.

— Вой, салом, хуш келибсан, ўғлим! — депти у. Ахир дунёда энг яхши, энг ширин яна нима бор? Ўғилдан азизроқ нарса йўқ дунёда!

Шундай қилиб, Евсей бегона қишлоқда, яхши одамлар бағрида яшаб юраверипти. Унинг ҳар ер-ҳар ерда яшаши бежиз эмас экан, қаерга бормасин, ҳаётни ўрганиб, ақлини бойитар экан.

Бир куни деҳқон Евсейга ширинликлар, хотинига совға олиш учун пойтахт бозорига отланибди.

У шаҳардан қайтиб келиб, кўрганларини уйидагиларга ҳикоя қила бошлапти:

— Шоҳ шаҳарнинг қоқ ўртасига баланд устун ўрнатипти, устуннинг ҳаммаёғини шунақанги силлиқ қилиб локлабдики, унга сираям тирмашиб чиқиб бўлмайди — негаки сирпанчиқ, кимдаким шу устунга чиқса, подшо ўшанга бир ярим халта кумуш танга берармиш.

Евсей деҳқоннинг гапига қулоқ солиб ўтириб бундай депти:

— Назаримда шоҳ тентак бўлса керак, у зерикканидан шу бемаъни эрмакни ўйлаб чиқарган.

— Рост айтасан — зерикканидан шундай қилган, — депти деҳқон, — унинг хотини ўлган. Лекин устунда ақл йўқ, ақлсиз нарса билан юракни ёзиб бўларканми?

Евсей деҳқондан:

— Хўш, сизга керакми ўша бир ярим халта пул? — деб сўрапти.

— Ахир шоҳ текинга бермоқчи-ку — нега олмас эканман!  
Шунда Евсей деҳқонга қандай қилиб сирпанчиқ устунга тир-  
машиб чиқиш йўлини ўргатипти:

— Сиз устунга унинг бир томонидан тикка чиқишга урин-  
манг, — депти у. — Балки илонга ўхшаб, устун атрофидан бура-  
либ-буралиб чиқинг, ундан кейин, ҳар гал кафтингизни устунга  
шапиллатиб уринг, лок иссиқдан юмшаб, қўлингизга ёпиша бош-  
лайди, шунда чиқиш анча ўнғайлашади.

Деҳқон яна шаҳарга бориб, худди Евсей ўргатгандай иш тут-  
ган экан, устуннинг учигача чиқипти. Подшо унга бир ярим  
халта кумуш танга берипти, деҳқон пулни олган заҳоти дарров  
қишлоғига жўнаб қолипти: подшонинг феъли ҳар дақиқа айниб  
туради, тагин қайтариб олишмасин, деб қўрқипти-да.

Шаҳардан чиқаверишдаги қоровулхонада подшо соқчилари  
турган экан. Улар пул билан кетаётган деҳқонни тўхтатиб,  
кимсан, қаёқдан келяпсан, шунча пулни қаердан олдинг, деб  
сўроқ қила бошлашипти. Деҳқон гапнинг ростини айтипти,  
лекин унинг гапига ишонишмай, уни яна подшонинг олдига  
жўнатишипти. Деҳқон бундай қараса, рост гапириб қутула  
олмайдиган, шунинг учун энди ёлғон гапларни тўқий бошлапти.  
Подшо унга пул бераётганида, устунга тирмашиб чиқишни  
сенга ким ўргатди, деб сўрашни унутган экан, мана энди сўрай  
бошлапти. Шунда деҳқон: «Ўзим ўйлаб топдим», деб жавоб  
қилипти. Шоҳ аввалига унинг гапига ишонмапти, кейин аччиғи  
чиқиб кетиб, бегуноҳ деҳқон шўрликни қатл этишни буюрипти.  
Подшоларнинг ичи қора бўлади, ҳеч қандай важ, сабаб уни  
ёрита олмайди.

Хўш, кекса бир деҳқон бекордан бекорга ўлиб кетаверади-  
ми? У шундай деб ўйлаб, ҳақиқатни сўзлаб берипти:

— Менга буни бир бола ўргатди, — депти.

— Қанақа бола? — деб сўрапти шоҳ.

— Оддий бир бола, мен уни хашак ғарамидан топиб олу-  
дим.

Подшо деҳқоннинг пулини қайтариб берипти-да, у билан  
бирига қишлоққа йўл олипти.

Шоҳ келиб қараса — Евсей ерга ўтириб олиб, қумдан кул-  
чалар ясаётганмиш.

— Нега мени ташлаб кетиб қолдинг? — деб сўрапти подшо.

Евсей унга бундай жавоб қилипти:

— Нега ўзингиз гапимга қулоқ солмадингиз? Ё подшолар  
бошқаларнинг гапига қулоқ солишга одатланишмаганми? Ефро-  
синья қани?

— Қабрда, — депти шоҳ.

— Қабрда йўқ у, қочиб кетган!

Шоҳ ҳанг-манг бўлиб қолипти:

— Нега йўқ бўларкан, ахир ўлик ҳам қабрдан чиқа оладими?

Шоҳ Евсей билан бирга Ефросиньянинг қабрига бориб тобутнинг қопқоғини очдирипти: қараса, бўм-бўшмиш.

Улар қабрдан сал нари кетишипти, бирдан ўтлар орасида ўрмалаб юрган заҳарли илонни кўриб қолишипти, илон бошини кўтариб, оғзини очганча уларга ҳамла қилмоқчи бўлипти. Шунда шоҳ қиличини қинидан суғуриб, уни шартта чопиб ташламоқчи бўлган экан, илоннинг кўзлари ғилт-ғилт ёшга тўлипти.

— Улдирма мени, — деб ёлборибди илон шоҳга таниш овоз билан, — мен хотинингман!

Шоҳ қилични туширипти, Евсей эса, илоннинг думидан кўтариб, ерга бир урган экан, у яна гўзал Ефросиньяга айланибди.

Шоҳ хотинининг билагидан ушлаб саройга етаклаб кетипти. Ефросинья саройга келгач, яна ўзини касалга солиб инграй бошлабди. Шоҳ, эсингни йиғ, дегандек уни тасма билан бир марта урипти, лекин Ефросинья баттар инграб, оҳ-воҳ қила бошлапти. Шунда шоҳ уни иккинчи марта урган экан, қараса, Ефросинья ўликдек чўзилиб қолипти. Шоҳ яна йиғлаб юборипти, лекин шу чоғ Евсейнинг гапи эсига тушиб, хотинини тасма билан учинчи марта урипти.

Шунда бирдан Ефросинья кўзини очиб, жудаям хушчақчақ, мулойим табиат оддий бир аёлга айланипти, лекин бу узоқ давом этмапти. Негаки, дили заҳар одамнинг қалбида эзгулик учун жой топиламайди.

Эртаси куни эрталаб Евсей шоҳ билан хайрлашгани унинг хузурига боришти. У шоҳ ва Ефросиньяга таъзим қилиб, шундай депти:

— Яхши қолинг, тоға!

— Нима, шоҳ сенинг тоғангми? — деб сўрапти ундан Ефросинья.

— Ҳа, бўлмасам-чи, тоғам, — деб жавоб қилипти Евсей, сўнг ўзининг подачи отаси ҳақида, онасининг шоҳга туғишган сингил эканлиги ҳақида сўзлаб берипти.

Ана шунда шоҳ ўйга толиб қолипти. Кейин ўша куни кечқуруноқ Евсей ҳамда Ефросиньяни олиб кемага ўтириптию сингиси билан дийдор кўришгани денгизнинг нариги қирғоғига сузиб кетипти.

Мана, у сингисиникига етиб ҳам келипти: ҳаммалари ўрмондаги уйда тунашипти, эртаси куни эрталаб шоҳ ўрнидан туриб:

— Биз бу ерда қандай кун кечирамиз? — деб сўрапти.

Евсей унга бундай депти:

— Тоға, сиз деҳқончилик қилинг, Ефросинья эса жайдари деҳқон хотин бўлсин. Подшоликни бошингизга урасизми? Турган-битгани ғалва, ташвиш, бўҳтон, ундан кейин, деҳқонлар ҳам

ҳадемай эсларини йиғиб олишиб, сизни тахтдан ағдаришади. «Подшонинг бизга нима кераги бор? — дейишади. — Битта устун бўлса, уни ўзимиз ўрнатиб, ўзимиз локлай оламиз, сирасини айтганда, бизга устун ҳам, подшо ҳам керакмас». Ана унда хонавайрон бўлиб, кунингиз битади.

Шоҳ қўрқиб кетипти.

— Ҳа, майли, — депти у. — Унда мен нима қилай?

— Ҳозир жавдар пишган, далага чиқиб уни ўринг.

Шоҳ ғалла ўргани далага жўнапти. Мана, у чалғини бир силтаган экан, қўллари қовушмай, икки томонга ёйилиб, чалғи ерга тушипти: чунки унинг ўнг қўли фақат қошиқ ушлашга мослашган, чап қўлининг бармоғи эса деҳқонларга ғаллани қаердан ўришни кўрсатиши мумкин эди, холос.

Подшонинг оёқлари ҳам унга итоат этмабди: ўнг оёғи узала тушиб ётишни хоҳлабди, чап оёғи бўлса шу топда бирдан қичий бошлапти. Подшонинг калласи ҳам бутунлай ишламай қолипти, унинг бир кўзи ухлаб, шамолданми иккинчи кўзидан ёш оқа бошлапти. Хуллас, подшо ўзининг қанчалик «ишчан»лигига шоҳид бўлибди, у биттагина ҳам гиёҳни ўра олмапти, чунки у ўзини бошқара олмапти. «Йўқ, — депти у ўзича, — подшолик анчагина осон, қулайроқ ҳам, у терлатмайди, юзингга шамол ҳам уриб турмайди».

Кейин у Ефросиньяни чақирипти-да:

— Оддий деҳқон хотин бўлишни хоҳлайсанми? — деб сўрапти ундан.

Ефросинья бу гапни эшитиб, зардаси қайнаб кетибди, яна заҳарли илонга айланишига сал қолипти.

— Шу етмай турувди ўзи! — депти у. — Бизлар қадим-қадимдан подшолик қилиб келамиз, мен ҳам туғилганимдан маликаман! Менинг тишларим юмшоқ, ҳеч қандай овқатни чайнай олмайман — олдин хизматчи аёллар, чўри қизлар овқатни чайнашиб, кейин оғзимга солишади, мен лўққа-лўққа ютавераман. Маликалимгим шунинг ўзидан кўриниб турипти.

— Гапинг рост! — депти подшо. — Мен ҳам, ҳарҳолда, шоҳман, демак деҳқонлардек кун кечира олмайман.

Шу пайт бирданига Ефросинья шанғиллаб берипти:

— Ҳозироқ мени ўз салтанатимизга олиб кет! Тоқатим тоқ бўлди — мен ҳукмронлик қилишим лозим! Агар жаҳлим чиқса, кўрадиганингни кўрасан мендан!

Улар — эр-хотин туш пайтида кемага чиқишиб, ўз салтанатлари томон сузиб кетишипти. Кичкина Евсей уларни кузатаркан, жилмайиб қўйипти, подшо кемада туриб, ундан сўрапти:

— Нимага илжаясан?

— Нимага бўларди, — деб жавоб қилипти Евсей, — деҳқондан подшо чиқиши мумкин экану, аммо подшодан ҳеч қачон ҳеч

нима чиқмас экан, чунки у ҳеч бир ишни эплэй олмайди.

Улар сузиб кетишипти, кечаси денгизда бўрон кўтарилипти, кемани ҳар томонга силкитиб аста-аста буза бошлапти. Шоҳ бундай қараса — бўронда ўлиб кетадиган. Унинг аччиғи чиқиб, ҳамма бошқарувчию дарғаларни ҳайдаб юборишни буюрипти-да, ўзи рулга ёпишибди. «Мен подшоман, бинобарин, кема ҳам менга бўйсунмоғи керак», деб ўйлаб, рулни гоҳ у, гоҳ бу томонга айлантираверипти. Лекин унинг қўллари ҳам, оёқлари ҳам унга итоат этмасмиш, калласи бутунлай ишламай қўйипти, кўзлари бўлса қинидан чиқиб бақрайганча қолипти. Шоҳ руль чамбаранини ўнгга бурмоқчи бўлган экан, қўллари буни хоҳламай, чапга бурипти. Шоҳнинг хуноби чиқиб, чамбаракни чапга бурган экан, у ўз-ўзидан ўнгга бурилипти. Шунда шоҳ овозининг борича бақирмоқчи бўлиб, бир кучанган экан, пуфакдек шишиб бирдан «пақ» этиб ёрилибдию бўлак-бўлақларга бўлиниб кетипти: қўли бир томонда, калласи бошқа томонда ётганмиш, қулоғию оёғи — ҳамма-ҳамма аъзолари ҳар томонга сочилиб кетипти.

Шу пайт дарға руль олдига келибди-да, кемани бошқариб, тўлқинларни тикка кесиб бораверипти. Чунки дарғанинг ақли жойида экан, қўллари ўзига итоат этар экан, шунинг учун у кемани эсон-омон соҳилга олиб келипти.

Кема бандаргоҳга келиб тўхтагач, бу мамлакат аҳолиси малика Ефросиньяга бундай депти:

— Сенинг бизга нима керагинг бор? Сенсиз ҳам давлатни бошқара оламиз. Эрингни-ку турган-битгани зиён эди, сен ҳам керак эмассан.

Одамлар Ефросиньяни шалағи чиққан ташландиқ бир кемага ўтқазиишти-да, денгизга итариб юборишипти — шамолнинг ихтиёрига ҳавола қилишипти.



## АСКАР БИЛАН МАЛИКА

Кадим замонда бир баджаҳл малика яшаган экан. Унга ҳеч нима ёқмас экан. Утирганни ўпоқ, турганини сўпоқ деб ҳеч кимни ҳол-жонига қўймас экан. Ҳар куни эрталабдан кечгача маликанинг кўнглига ёқмаганларнинг ҳаммасини-хоҳ айбдор бўлсин, хоҳ айбсиз — савалашар, калтаклашар, дўппослашаркан: ваҳоланки, маликанинг кўнглига ҳеч ким ҳеч қачон ёқа олмас экан. Бу ҳол бора-бора одат тусига кириб қолипти. Айниқса, малика атрофида хизмат қилувчиларнинг шўри қурир экан. Саройдаги чўри қизлар, оқсочлар, йўлакда хизмат қилувчилар, озода ва қора иш билан шуғулланувчи мужиклар, кучерлару



кийим тикувчи хотинлар ҳар куни эрталаб кечаги еган хипчин ва калтакдан моматалоқ бўлган баданларини қашилаб уйғонишар ва бугунги «улуш»ларини олишга тайёрланишаркан.

Бир куни малика сайр қилгани боққа чиқипти, бу пайт бир аскар эшик олдида қоровулликда турган экан. У маликани илгари ҳеч кўрмаган экан, кўриптию: «Оббо сен-е!» — деб ўйлабди ичида ва мийиғида кулиб қўйипти. Аскарнинг қоровулликка биринчи марта туриши экан, шунинг учун, малика олдида иршайиш ҳам, хўмрайиш ҳам, унга хушомад қилиш ҳам мумкин эмаслигидан беҳабар экан: барига маликанинг фиғони чиқиб кетаркан. Ҳозир ҳам у аскарга қараб:

— Нега тиржаясан? — деб сўрапти.

Оддий бир аскар кимсан — маликадек олий зотга қандай жавоб бера оларди, дейсиз: у ҳеч нима дея олмапти, бунинг ўрнига — бехосданми, аҳмоқлик қилибми — яна тиржайибди. Буни кўрган малика, азбаройи қаҳри қайнаганидан, аввалига ҳеч нима дея олмабди. Кейин ўз аъёнларидан бирини чақирипти.

— Мана бу аскарга, — деб буюрипти у, — ҳар куни эрталаб йигирма таёқдан урилсин.

Шундан бери аскар эрталаб ўрнидан турган заҳоти ҳар куни-бегим куни ҳам, байрамда ҳам ҳеч қанда қилмай «наҳорга» йигирма таёқдан ейдиган бўлипти. Шўрлик бу азобдан эти суягига ёпишиб қолипти — унинг калтакланадиган соғ жойи қолмапти. Малика эса, уни ўша куниеқ унутиб юборган эди, чунки ғазабини бошқаларга ҳам сочиши керак-да.

Шўрпешона аскарнинг қўлидан нима ҳам келарди? Бу туришда калтак зарбидан ўлиб кетиши турган гап. У кўзига доно кўринган одамларга зорланиб, улардан маслаҳат сўрабди, лекин у доноларнинг ҳаммаси бир хилда: — Сабр қил, — деб маслаҳат беришипти, — маликага қарши нима ҳам қила олардинг, ўлгудек заҳар хотин бўлса...

Аскар донолар маслаҳатини эшитибди-да, ўзича: э, сизларнинг жонингиз ачишармиди, калтакни мен еганимдан кейин, деб ўйлаб, тентакнинг олдида маслаҳатга борипти.

Қўшин орасида бир тентак бор экан, аскарлар уни ўз ошоналаридаги овқат билан боқишар, эскирган кийимларини унга бериб туришар экан.

Аскар ўз дардини шу тентакка сўзлаб беришга борибди-ю, кейин қилган ишидан пушаймон бўлиб:

— Э, менга нияям ёрдам қила олардинг! — депти аскар. — Бир тентак бўлсанг!

Шунда тентак хахолаб кулиб юборипти.

— Нега ёрдам беролмас эканман! Агар ёрдамим тегмаса, зиёним ҳам тегмайди, қандоқ бўлсанг шундоқлигингча қоласан.

Менга бир тийин бер!

Аскар унга бир тийин чиқариб берипти. Тентак уни шаҳар чаккасига бошлаб кетипти. Улар жуда узоқ юришипти, шаҳарнинг ҳашаматли бинолари орқада қолиб, атрофида нуқул ғарибона кулбалар кўрина бошлапти.

«Эҳ, аттанг, — деб ўйлапти аскар, — бир тийиндан ҳам айрилганга ўхшайман, жуда узоққа кетиб қолдик».

Улар бир хароба уй олдида тўхташипти. Бу ерда бир этикдўз хотини билан тураркан. Этикдўзнинг хотини маликага худди эгизак опа-сингилдек жудаям ўхшаб кетаркан: агар уни малика билан ёнма-ён қўйиб қарашса, қай бири маликаю қай бири этикдўзнинг хотини — сира фарқ қилиб бўлмас экан.

Этикдўз одамлардан, масалан, савдогар, косиб, гумашталардан бир тийиндан олиб, хотинини кўрсатар экан, аскарлару майиб-мажруҳлардан пул олмас экан, кейин топган пулига ароқ ичиб кайф қиларкан.

Тентак этикдўзга бир тийин тўлабди, аскардан эса этикдўз ҳақ олмапти. Улар хонага киришипти. Қарашса, каравотда бир аёл ухлаб ётганмиш, аскар бир сесканиб, қаққайиб туриб қолипти: каравотда ётган аёл худди қуйиб қўйгандек маликанинг ўзгинаси эмиш.

— Агарда шу хотин малика бўлганидами, — депти тентак, — сени калтакламасди.

Аскар ҳам унинг фикрига қўшилиб депти:

— Ҳа, калтакламасди! Афсус, оддий этикдўзнинг хотини-да. Агар малика бўлгандаям зўр малика бўларди-да!

Тентак кулиб юбориб депти:

— Ундан бинойидай малика чиқади!

Аскарнинг кўнгли кўтарилибди.

— Ие, қанақасига?

Тентак тагин хахлаб кулиб юборипти, шунда аскар, этикдўзнинг хотини уйғониб кетмасин, деб аҳмоқни тез уйдан олиб чиқибди.

Улар шаҳарга қайтишипти.

Шунда тентак:

— Бугун тунда қаерда қоровулда турасан? — деб сўрапти солдатдан.

— Қасрда, маликанинг кўшикида.

— Бўлмаса, гапни эшит, — депти унга тентак, — мен кечаси олдинга этикдўзнинг хотинини опичлаб олиб келаман!

— Нимага энди? Этикдўз сезиб қолади-ку!

— Э, қаёқда, — депти тентак. — Этикдўз ҳеч нимани сезмайди. Кун бўйи ишлаб итдай чарчайди, кейин вино ичиб тарракдек қотиб ухлайди, устига қийшиқ мих қўйиб тўғриласанг ҳам сезмайди.

— Айт-чи, бошимга ураманми унинг хотинини?

— Ие, қанақасан ўзи! Тағин мени тентак дейишади-я! Малика ухлаб қолган бўлади, сен гафлатда ётган маликани олиб чиқиб берасан, мен эса сенга этикдўзнинг маст уйқуда ётган хотинини тутқазаман. Кейин мен маликани этикдўзнинг уйига олиб кетаман, сен этикдўзнинг хотинини, уйғониб қолмасидан, дарров маликанинг кўшкига олиб кириб ётқизиб қўясан.

Солдат ўйланиб қолипти.

— Қўрқинчли-ку бу? Маликанинг ҳузурида ҳатто бош қашиш ҳам мумкин эмас-у, сен эса уни этикдўзнинг уйига кўтариб олиб кетмоқчи бўляпсан! Бирдан уйғониб кетиб, жиноятни сезиб қолса борми, нақ икковимизнинг ҳам калламиз кетади-я!

Тентак бошқача режа тузиб қўйган экан:

— Бе, қаяқдан дейсан! Малика эрталабдан кечгача тинмай ғазабланиб, роса чарчайди, шунинг учун кечаси хурракни отиб, оғзидан кўпик сочиб ухлайди. То вақт-соати етмагунча уйғонмайди. Мабодо пайқаб қолганида ҳам ҳечқиси йўқ: мени тентак ҳисоблашиб, жавобгарликка тортиша олмайди.

Аскар унинг фикрига қўшилипти.

— Оббо сен-е! Тентак бўлсанг ҳам фаросатинг зўр экан! Гапинг маъқул. Майли, қоронғу тушганида олиб келавер этикдўзнинг хотинини.

Тентак кечаси билан зир югуриб кўзлаган режасини бажарипти: этикдўзнинг хотинини қасрга олиб келиб кўшкка ётқизибди, маликани эса, этикдўзникига олиб кетипти — лекин малика ҳам, этикдўзнинг хотини ҳам уйғонишмапти.

Тонг отганда, биринчи бўлиб этикдўз уйғонипти, уйғониб ёнида ётган хотинининг биқинига туртипти. Кечқурунги майхўрликдан кейин томоғи қақраб сув ичгиси, тамаки тутатгиси келипти, бунинг устига, боши лўқ-лўқ оғриётганмиш: бунақа пайтда унга хотини сув олиб келиши, мундштугини топиб бериши, эрини юпатувчи бирон илиқ сўз айтиши керак-да.

Малика турткидан уйғониб, кўзини очипти, ҳеч нимага тушунмай яна ухлаб кетипти.

Этикдўз: «Нима, эшитмадингми?» — демоқчи бўлгандек яна туртипти.

— Тур, хотин! — депти этикдўз. — Вақт бўлди!

Малика яна кўзини очипти.

— Қанақа вақт? — деб сўрапти у. — Кимсан ўзинг?

Этикдўз ҳам:

— Ўзинг кимсан? — деб сўрапти ундан.

Шунда малика бир шанғиллаб берипти:

— Вой ярамас-эй! Вой бадбахт-эй! Билмайсанми, ахир мен маликаман-ку!

Этикдўз каравотдан «дик» этиб туриб кетипти:

— Аҳҳа, ҳали маликаман, дегин!

Шундай деб у қўлига камар билан касиблик тасмасини олибди-да, маликанинг пўстагини қоқиб қўйипти.

— Ҳали сиз малика бўлиб қолдингизми? Вой ярамас, ялқов хотин-эй! Сенга фақат донг қотиб ухлаш бўлса-а? Кўрсатиб қўяман сенга маликаликни: эрни ҳурмат қилмаслик мана бунақа бўлади!

Шунда малика қичқирибди:

— Ҳой, ким бор! Манави касофат ўлгунича калтаклансин!

Лекин ҳеч ким кирмапти — ҳеч зоғ йўқмиш. «Нима гап ўзи? — деб ўйлай бошлапти малика. — Мен ўлиб қолиб, дўзага тушганга ўхшайман. Манави эса шайтон бўлса керак».

Малика яна кўзларини юмибди: шояд ўз салтанатимда, ўз қасримда уйғонсаму мана бу нарсалар йўқолиб, зора кўрганларим туш бўлса, деб умид қилипти у.

Йўқ, бўлмапти, шайтон-этиқдўз энди камарни қўйиб, муштини маликанинг биқинига ниқтапти:

— Ҳой, хотин, турасанми, йўқми?

— Мунча хиралик қиласан, касофат, тур, кет, мен маликаман!

— Ие, ҳалиям маликаликдан воз кечмадингми? — депти этиқдўз ва хотинини яна дўппослай бошлапти, ўлгудек бефаросат эканда ўзиям. — Қани, тур деяпман сенга, картошка пишир, самовар қўй, уйни супуриб-сидир, иштонимни ямаб бер! Вой ишёқмас муғамбир-эй!

«Бу яшшамагур шайтон мени яна дўппослайдиган, савалайдиганга ўхшайди», — деб ўйлапти бояги еган калтакларидан юрак олдириб қўйган малика. Этиқдўзнинг калтагидан баданлари ҳалиям зирқираб оғриётган экан — ахир малика бунақа оғриқни илгари тушида ҳам кўрмаган эди-да. Шунинг учун у ўрнидан туриб, этиқдўз хотинининг қўйлагини кийипти-да ишга киришипти. Бироқ ҳеч қўли қовушмасмиш — қайси ишни бошласа, нуқул чаппадан кетармиш; ўзи шунақа бўлиши керак эди-да: малика фақат одамларга захрини сочишгаю ҳукмронлик қилишга одатланган эди. Унинг қўлидан шундан бошқа ҳеч нима келмас эди.

Этиқдўз қараса — хотини ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқмаётган эмиш — шунда уни яна дўппослай бошлабди.

Малика энди чурқ этмапти, ўзининг маликалигини ҳам пеш қилмай, тиришқоқлик билан ишлашга уринипти.

Мана, у бир амаллаб овқат пишириб келипти, аммо уни оғизга олиб бўлмапти — гўшти пишмаган, ўзи шўр, ичида ҳар балолар сузиб юрганмиш.

Этиқдўз карам шўрвадан бир қошиқ ичиб кўриб бундай депти:

— Сен ростданам маликага ўхшайсан: ҳеч бир ишни билмайсан. Бунақа карам шўрвани ит ҳам ичмайди.

Шундан кейин у: овқат пиширишни билмаганнинг жазоси мана бунақа бўлади, деб яна хотинини дўппослабди.

Малика бутунлай юрак олдириб қўйипти: у этикдўз рўпарасига чўққайиб ўтириб, қўрққанидан дағ-дағ титрармиш.

Этикдўз тушлик овқатдан кейин каравотга ётипти:

— Хотин, — депти, — тароқни олиб сочимни тара, мен бир оз мизғийман.

Малика этикдўзнинг сочини тарай бошлапти: илож қанча, йўқ деса яна балога қолади.

Эртаси куни этикдўз унга кир ювдирипти. Умрида кир ювиш нималигини билмаган маликанинг момик қўллари шилиниб кетибдиямки, аммо кийим оқармапти.

Малика этикдўзнинг уйида шу зайлда уч кун яшабди.

Энди гапни этикдўзнинг хотинидан эшитинг: у маликанинг тўшагида уйғонибди, кўзини очиб атрофга қараса — ҳаммаёқ шинам, озодамиш. Каравотда пар тўшак, пар ёстиқлар, кийимлар шойи, кимхобдан, кўзгулар ярақлармиш, кўшк саришта, ҳар ёқдан гулларнинг муаттар ҳиди гуи-гуи келиб турганмиш.

«Вой, жаннатга тушиб қолибманми? — деб ўйлапти этикдўзнинг хотини. — Бу ердаги нарсаларни умрим бино бўлиб кўрмаганман».

Шу маҳал маликанинг оромгоҳига тўртта оқсоч қиз кириб келипти-ю, маликага яқинлашишга юраклари дов бермай, остонада туриб қолишипти.

— Сизларга нима керак? — деб сўрапти этикдўзнинг хотини.

Қизлар шундай жавоб беришипти:

— Яхши ётиб турдингизми, малика зоти олиялари! Биз сизни ювинтириб, кийинтиргани келдик!

Этикдўзнинг хотини бўлса:

— Мен ўзим кийинавераман, нима, шолмидим! — депти.

Лекин қизлар чиқиб кетмасдан, тураверишипти.

Этикдўзнинг хотини уларга депти:

— Нима қилиб турибсизлар? Нима, қиладиган ишларингиз йўқми, ишёқмаслар?

Қизлар бўлса каравот ёнидаги курсига кўз қирларини ташлаб-ташлаб қўйишармиш: курсида таёқ билан қамчи ётган экан.

— Бизни қачон савалайсиз, онахон? — деб сўрашипти қизлар. — Ҳозирми ё кейинроқми?

— Нима учун энди сизларни савалаш керак экан? Жонингиз оғрийди-ку!

— Шунинг учунки, малика зоти олиялари, сиз ғазабланишингиз керак!

Ана шунда этикдўз хотинининг жаҳли чиқиб кетишти:

— Нима, жинни-минни бўлганмисизлар! Йўқолинглар кўзимдан, бориб ишларингни қилинглар.

Қизлар чиқиб кетишпти. Шунда эдикдўзнинг хотини ўрнидан туриб, ювинибди, кийинибди-да, ошхонага чиқибди, у ерда тешик кулчалар еб, чой ичипти. Бу ерда эркагу аёл ошпазлар этикдўз хотинига юраклари дағ-дағ титраб, ҳурмат-эҳтиром билан хизмат қилишармиш, у истаганча қанд қўйишармиш, чунки саройдаги ҳар қайси хизматкор уни малика деб ўйлаган эканда. Натижада, этикдўзнинг хотини ўзини малика деб ҳисоблай бошлапти.

«Нима бало, — депти у ичида, — маликаман шекилли? Ростданам шунақага ўхшайди. Ҳа, майли, малика бўлиб бир оз яшаб кўрай, этикдўз ўзимнинг эрим — қочиб кетмайди, қайтага мени соғиниб, кўпроқ яхши кўради. Малика бўлиш осонроқ ҳар қалай!»

Мана, у бир кун малика бўлиб яшапти, икки кун яшапти. Эрталабдан кечгача унинг орқасида бир мансабдор юриб, маликанинг барча буйруғу истаklarини ёзиб борармиш ва адо этармиш. Малика энди бу мансабдорга кўниқиб ҳам қолипти: кимда-ким маликага бирон илтимос ё арз билан юзланса, у фақат қўли билан ишора қилиб:

— Орқамда келаётганга айт, у бажаради! — дермишу яна йўлида кетаверармиш.

Кетатуриб у нуқул писта чақармиш. Пистани мансабдор қисимида ушлаб, қўлини маликага узатганча эргашиб борармиш.

Бу маҳал бизнинг аскар ёғоч уйча олдида қоровулликда турган экан. Қараса — этикдўз хотини-малика сайр қилиб юриб шу томонга келаётганмиш. Аскар бояги-боягидай ҳар куни калтак еб турармиш, бугун эрталаб ҳам уни калтаклашган экан.

Аскар этикдўз хотини-маликага ялт этиб қараб, қовоғини солиб олмоқчи бўлиптию, лекин кутилмаганда тиржайиб қўйипти.

Этикдўз хотини-малика ундан сўрапти:

— Нимага тиржайасан? Мени кўриб қувониб кетдингми?

— Ҳа, онахон! — деб жавоб қилипти солдат.

— Нега энди қувониб кетдинг — сенга ҳеч қандай яхшилик қилмаган бўлсам. Хўш, нима тилагинг бор?

— Тилагим шуки, онахон, мени калтаклашни бас қилишсин. Бир йилдан ошди, ҳар куни эрталаб тонг отар-отмас мени калтаклашади, этим шилиниб, қуруқ устихоним қолди.

— Қайси гуноҳинг учун калтаклашади?

— Гуноҳим — жилмайганим, онахон.

— Орқамда келаётганга айт, бундан буён сени калтаклашмасин.

— Э, йўқ, онахон, — депти аскар этикдўз хотини-маликага, — орқангда келаётганга айтмайман, сен ҳаммамиздан олдиндасан, ўзинг унга айтиб буйруқ чиқартир.

Малика аскар олдига келиб тўхтапти:

— Оббо сен-эй, жудаям қайсар экансан-а! Майли, ўзим фармон чиқариб, ўзим имзо чекаман — сени бошқа калтаклашмайди!

— Буюр, онахон, бошқаларни ҳам калтаклашмасин!

— Калтак ейдиганлар кўпми бу ерда?

— Деярли ҳаммани калтаклашади, онахон. Одамлар сарой хизматида адоий тамом бўлишдию, лекин тишларини тишларига қўйиб чидаб келишяпти.

— Нима, жинни-минни бўлишганми улар? — деб сўрапти этикдўз хотини-малика.

— Билолмадим, онахон!

Этикдўз хотини-малика ўша куниёқ, менинг салтанатимда бундан буён биронта одамни ҳатто чертишга ҳам ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди, деган маънода фармон чиқарипти. Аскарларга бўлса йигирма беш сўмдан пул, бунинг устига ярим челақдан пиво беришни амр этиб, уч кун ўйнаб-кулишларига ижозат берибди.

Этикдўз хотини ўз ҳукмронлигининг учинчи кунига келганда эрини соғиниб қолипти. «Бориб, узоқроқдан бир қарай-чи, — деб ўйлапти у, — эрим нима қилаётган экан, балки мени йўқотиб қўйганидан ғамга ботиб ўтиргандир».

Малика йўлга отланибди-да, саройдан чиқиб, тўғри этикдўзнинг кулбаси томон йўл олипти, мансабдор зот унинг орқасидан борипти.

Мана, малика узоқда ўзининг ғарибона кулбасини кўрипти. Худди шу пайт дарвозадан кўчага этикдўз чиқибди, лекин у бир ўзи эмасмиш, ёнида бошқа бир биққидаккина аёл ҳам бормиш, бунинг устига у аёл ҳусну жамол, қадду қоматда этикдўзнинг хотинидан қолишмасмиш, ундан кейин, этикдўзнинг чеҳрасида ҳеч қандай ғам-ташвиш аломати кўринмапти.

Этикдўз хотини — малика бу ҳолни кўриб шанғиллаб кетипти:

— Вой беҳаё, вой яшшамагур гўрсўхта!! — деб у эрининг гарданига бир мушт туширган экан, эрининг бошидаги кепкаси учиб кетипти.

Этикдўз эсанкираб қолипти: гоҳ униси, гоҳ бунисига тикилармишу иккови ҳам икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайдиган бу аёлларнинг қай бири ўзининг хотини эканлигини ҳеч билолмасмиш. Фақат этикдўз хотини — малика унинг елкасига яна бир мушт туширганидан кейингина этикдўз ўз хотинини таниб олипти.

Этиқдўз хотини эрининг қўлидан ушлаб, уйга етаклаб кириб кетибди, у ўзининг салтанат ҳокимаси эканлигини шу заҳотиёқ унутибди.

Малика бўлса, этиқдўз хотинини кузатиб келган мансабдорга ўқрайиб қараб, тишларини ғижирлатипти-да, у ҳам ўз уйига, саройга қараб йўл олипти.

У саройга келиб, энди одамларни уриш, савалаш, калтаклаш, дўпослаш мумкин эмаслигини (бу ҳақда гўё ўзи фармон чиқарганини) билиб, ғазабдан қони қайнаб кетибди.

Малика биронта одамни калтаклаб хумордан чиқиш мақсадида: «Ҳой, ким бор?» — деб ҳайқирган экан, ошпаз хотин кириб келипти, малика уни урмоқчи бўлиб қўлини кўтарипти, кўтариптию бирдан ўз қўлларининг кир ювавериб, қаримсиқ бўлиб қолганини, ишлайвериб қавариб кетганини кўрипти-да, қўлини туширипти, ҳеч кимни урмапти.

У этиқдўзнинг уйида қандай яшаганини эслапти: малика яна иккинчи марта этиқдўзга хотин бўлиб қолмаслик учун, ўша фармонни кучда қолдирипти.

Аскар билан тентак ўз қилмишларидан роса суюнишипти. Аммо лекин маликага ишонч йўқ, бўлмайти ҳам.



## ҚАЙСАР ХОТИН

ир одамнинг ўлгудек қайсар хотини бор экан, у доим эри айтганининг тескарисини қиларкан. Масалан, эр: «Буғдой ўрилди», деса, хотини албатта: «Йўқ, қайчиланди!» — деб шанғилларкан. Эр-хотиннинг бир куни ҳам жанжалсиз ўтмас экан. Хуллас, қайсар хотин эрининг жонига тегиб кетиптию эр ундан қутулиш йўлини ахтара бошлапти.

Мана, бир куни эр-хотин дарёдан ўтиш учун тўғон бошига боришипти, қарашса, кўприк ўрнига бир хода ташлаб қўйилганмиш.

«Хап саними, — дебди ичида эр, — мана энди қасдимни оламан сендан».

Хотини яккачўп устидан юриб ўтаётган экан, эр унга гап котипти:

— Эҳтиёт бўл, хотин, чайқалма, бўлмаса йиқилиб сувга чўкиб кетасан!

— Шу гапингга, энди атайлаб чайқаламан!

Хотин яккачўп устида чайқалиб-чайқалиб юриб, бирдан «шалоп» этиб сувга тушиб кетипти!

Шунда эрнинг яна хотинига раҳми келипти: ўзини сувга



ташлаптию оқимга қарши юриб, хотинини қидира бошлапти.  
— Ҳой, нима қидиряпсан? — деб сўрашипти ўткинчи мужиклар.

— Анави яккачўпдан йиқилиб, хотиним сувга чўкиб кетди!

— Вой, тентаг-е! Ахир оқимга қараб қидирмайсанми, нега тескари юрасан: хотинингни аллақачон сув оқизиб кетган бўлса керак.

— Э, биродарлар, сизлар билмайсизлар! Хотиним доим тескари иш қиларди, ҳозир ҳам оқимга қарши кетган бўлиши керак.



## СОПОЛ ДЕКЧА

ор экан, йўқ экан, бир мужик билан унинг хотини бор экан. Икковлари бирам ялқов эканки... нима қилишса ҳам қўлларини совуқ сувга урмасликка, ўзларининг ишларини бошқанинг елкасига юклашга уринишаркан. Ҳатто кечқурун ётишаётганда эшикнинг илгагини илишга ҳам эринишаркан: эрта-лаб уйғонганда барибир уни туширишга тўғри келади... Илгаклай яшайверамиз, бало ҳам урмайди, дейишаркан.

Бир куни хотин бўтқа пиширипти. Бўтқа дам еб, дона-дона бўлиб қизариб пишипти! Хотин декчани печдан олиб стол устига қўйипти, сариёғ солиб, бўтқани хушхўр қилипти. Мана, овқатланиб бўлиб, қошиқларни ҳам ялаб қўйишипти... Лекин бундоқ қарашса, декчанинг таги билан бир ёни озгина қирмоч олганмиш, демак декчани ювиш керак. Шунда хотин депти:

— Мана, эр, мен ўз ишимни қилиб бўлдим — бўтқа пиширдим. Энди декчани сен ювишинг керак!

— Бе, гапингни қара-ю! Декча ювиш эркак кишининг иши эмас! Узинг ювиб қўясан.

— Ювишни хаёлимга ҳам келтирмайман!

— Мен ҳам ювмайман.

— Ювмасанг — ювиқсиз қолсин!

Хотин шундай дептию декчани печка олдига «дўқ» этиб қўйиб, ўзи дераза тагига қўйилган суянчиқсиз узун ўриндиққа узала тушиб ётиб олипти.

Печка олдида декча ювилмай тураверипти.

— Хотин, ҳой, хотин! Декчани ювиб қўйсанг бўларди!

— Айтдим-ку — декчани ювиш сенинг ишинг, деб. Узинг юв!

— Ундай бўлса, хотин, шартлашамиз: ким эртага биринчи бўлиб ўрндан турса ва биринчи бўлиб гапирса, декчани ўша ювади. Лафзидан қайтган одаммас.

— Бўпти, печь устига чиқиб ётавер, эртага бир гап бўлар. Шундай қилиб, эр печь устида, хотин ўриндиқда ётиб, ухлашипти. Кун ботибди, сўнг қоронғу тун бошланиб, кейин тонг ҳам отипти.

Кун ёйилиб кетибди ҳамки, на эр, на хотин ётган еридан жилипти — иккалови ҳам «қимир» этмай ётаверипти — декча ювишни хоҳлашмапти-да.

Хотиннинг қиладиган ишлари кўп: сигирни суғориши, соғиши, далага ҳайдаб чиқиб, подага қўшиши керак, шундай бўлса ҳам у қўзғолмай, бақрайиб ётганмиш.

Қўшни хотинлар аллақачон сигирларини ҳайдаб чиқиб подага қўшиб юборишипти.

— Негадир Маланьядан дарак йўғ-а? Касал-пасал бўлиб қолмадимикин?

— Ҳа, ҳаяллади. Қайтаётганимизда учратиб қолсак ажаб эмас.

Лекин хотинлар қишлоққа қайтишипти ҳамки, Маланья кўринмапти.

— Э, йўқ! Бир гап бўлганга ўхшайди!

Қўшни хотин хабар олгани эшик олдига борипти. Қараса — эшик занжирланмаган ҳам. Бирон кор-қол бўлганов, деб ичкарига кириб ҳар томонга кўз югуртирипти.

— Маланья, онагинам!

Хотин бўлса ўриндиқда кўзларини бақрайтириб ётганмишу лекин ўзи қимир этмасмиш.

— Нега сигирингни подага олиб чиқиб қўшмадинг? Ё тобинг қочиб қолдими?

Хотин чурқ этмапти.

— Вой, ўлмасам, сенга нима бўлди ўзи? Бундоқ гапирсангчи?

Хотин лом-мим демай ётаверипти.

— Ё худо, ўзинг раҳм қил! Эринг қаёқда? Василий, ҳой Василий!

Қўшни хотин печь устига қараса, Василий кўзини шифтга тикиб, узала тушиб ётганмиш.

— Хотинингга нима бўлди, а? Ё бирон гап бўлдими?

Эр худди оғзига сўк солиб олгандек «чурқ» этмасмиш. Бу ҳолни кўрган қўшни хотин ваҳимага тушипти.

— Бориб хотинларга хабар қилай! — дептию физиллаганича эшикма-эшик югуриб кетипти.

— Вой эгачилар, Маланья билан Василийга бир бало бўлганга ўхшайди: хотини ўриндиқда, эри печь устида ерпарчин бўлиб ётишипти. Шўрликларнинг кўзи очиқ-у, илло гапга келганда, чурқ этиб товуш чиқаришмаяпти. Жин-пин тегмаганмикин мабодо?

Хотин-халаж югуриб келиб, уларнинг теппасида чуввос сола бошлашипти:

— Вой, бечоралар-е! Ахир нима бўлди ўзи сизларга? Ҳой, Маланьюшка! Гапирсанг-чи, Васильюшка! Ахир нега гапирмай-сизлар?

Эру хотин худди мум тишлагандек гунг бўлиб ётганмиш.

— Попни чақириб келиш керак, эгачилар! Айниб қолишган кўринишади!

Гириллаб бориб попни чақириб келишипти.

— Мана, тақсир, қимир этмай ётишипти иккалови: кўзлари очик, аммо «чурқ» этиб овоз чиқаришмаяпти. Инс-жинс теккан бўлса-я!

Поп соқолини силаб қўйиб печка олдига боришти:

— Худонинг бандаси Василий! Нима бўлди ўзи?

Эр гунгмиш.

Поп ўриндиққа яқинлашипти:

— Худонинг ожиза бандаси! Эрингга нима бўлди?

Хотин ҳам гунгмиш.

Кўшни хотинлар бир оз гўнғир-гўнғир гаплашиб туришгач, бирин-кетин тарқала бошлашипти. Ахир ҳамманинг уйида ўзига яраша иши бор-да: биров печкага ўт ёқиши, биров болаларини боқиши, бошқаси жўжаларга дон, чўчқаларга терт бериши керак.

Поп бундай депти:

— О, ожизалар, буларни шу алфозда қаровсиз қолдириш хатарли, биронтангиз тепаларида ўтирсангиз бўларди.

Лекин хотинлар, уйда ишимиз қалашиб ётипти, вақтимиз йўқ, деб айтишипти.

— Ҳа-я, мана, — дейишипти улар, — Степанида буви ўтириб тура қолсин. Уйида йиғлаб қолган боласи йўқ — сўққа бош хотин.

Степанида кампир бўлса, попга таъзим қилиб, бундай депти:

— Э, йўқ, отахон, текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди!

Сиз менга хизмат ҳақи тайинланг, шунда, майли, қараб тураман.

— Хўш, хизматинг эвазига сенга нима берсам экан-а — депти поп ва уйнинг ҳаммаёғига кўз югуртириб чиқишти. Қараса, эшик олдида, қозиқда Маланьянинг титилиб, пахталари оқиб ётган увада камзули осилиб турганмиш. — Мана, — депти поп, — манави камзулни оларсан. Анча эскириб қолипти, аммо ҳеч бўлмаса, ётганингда оёғингни ўрашга ярайди.

Поп ганини тугатмасдан, уй бекаси худди устидан қайноқ сув қуйилгандек, дик этиб туриб кетишти ва хонанинг ўртасида икки қўлини биқинига тираб туриб:

— Бу нима қилганингиз, а! — депти. — Менинг молимни бошқаларга улашяпсизми? Уни ҳали ўзим кияман, кийиб-кийиб, кимга хоҳласам, ўшанга совға қиламан!

Ҳамма ҳангу манг бўлиб қолипти. Эр бўлса бамайлихотир оёғини печкадан осилтириб, энгашиб бундай депти:

— Ана, хотин, биринчи бўлиб сен гапирдинг — энди декчани ўзинг ювасан.



## ҚУРБАҚА МАЛИКА

— адим замонда бир подшонинг уч ўғли бор экан. Уғиллар балоғатга етганларидан кейин подшо уларни бир ерга йиғиб, шундай дебди:

— Суюкли болажонларим, ҳали ҳозирча кўзимда нур, белимда қувватим бор, сизларни уйлантириб, набиралар кўрсам дейман.

Уғиллар оталарига:

— Ихтиёр сизда, отажон, — деб жавоб беришибди. — Бизни кимга уйлантирмоқчисиз?

— Гап бундай, ўғлонларим, биттадан камону ўқ олинглар, яйдоқ далага чиқиб, отинглар; ўқларинг қаерга бориб тушса, тақдирларингни ўша ердан изланглар.

Уғиллар оталарига таъзим қилишиб, биттадан ўқ олиб, яйдоқ далага чиқишибди. Камонни тортиб, отишибди. Катта ўғилнинг ўқи бир зодагон ҳовлисига тушибди. Уқни унинг қизи олибди. Уртанча ўғилники савдогарнинг ҳовлисига тушибди, уни савдогарнинг қизи олибди.

Кичик ўғил — шаҳзода Иваннинг ўқи эса ҳавога кўтарилибди-ю, ўзи ҳам билмаган томонга учиб кетибди. Йигит кетаверибди, кетаверибди, бир ботқоқ бўйига етиб келибди. Қараса, бир қурбақа унинг ўқини ушлаб ўтирганмиш. Шаҳзода Иван унга қараб:

— Қурбақажон, қурбақа, менинг ўқимни бер, — дебди.

Қурбақа эса унга:

— Менга уйлансанг бераман, — дебди.  
 — Нималар деяпсан, қандай қилиб сенга уйланаман, қурбақажон?

— Начора, пешонангда бори шу экан-да.

Шаҳзода Иван бир оҳ тортибди-да, қурбақани олиб, уйига жўнабди.

Подшо учта тўй қилибди: катта ўғилни зодагоннинг, ўртанчасини — савдогарнинг қизига уйлантирибди, шўрпешона шаҳзода Иванни эса қурбақага қўшибди.

Бир куни подшо ўғилларини чақириб:

— Қани кўрай-чи, қайси келиним чевар экан. Менга эрталабгача биттадан кўйлак тикиб беришин, — дебди.

Ўғиллар оталарига таъзим қилиб, чиқиб кетишибди.

Шаҳзода Иван уйга қайтгач, бошини қуйи солибди. Қурбақа сакраб-сакраб келибди-да:

— Нима гап, шаҳзода Иван, нега бошинг эгилди? Еки бирон мусибат тушдимми? — деб сўрабди.

— Отам, келиним менга эрталабгача кўйлак тикиб келтирсин, деб буюрди.

Қурбақа эса:

— Қайгурма, шаҳзода Иван, кечаси ётиб уйла, эрталаб туриб сўйла, деганлар, — дебди.

Шаҳзода Иван ётибди, қурбақа эса сакраб эшик олдига чиқибди-да, қурбақа терисини ташлаб, оқила Василисага айланибди, у шундай гўзал эмишки, эртақда ҳам бунақаси йўқ экан.

Оқила Василиса чапак чалиб, қичқирибди:

— Ойижонлар, энагалар, тез-тез бўлинглар, шайланинглар! Менга эрталабгача ўз отам устида кўрган кўйлақдан тикиб беринглар.

Шаҳзода Иван эрталаб уйғониб қарасаки, қурбақа яна полда сакраб юрибди. Стол устида эса сочиққа ўралган кўйлак турганмиш. Шаҳзода Иван суюниб кўйлакни олибди-да, отасига элтибди. Шу чоқ отаси катта ўғилларидан совға қабул қилаётган экан. Тўнгич ўғил кўйлакни ёзибди, подшо кўрибдию:

— Бу кўйлакни мотам куни кийиш керак, — дебди.

Ўртанча ўғил кўйлакни ёзгач, подшо:

— Буни фақат ҳаммомга кийиб бориш мумкин, — дебди.

Шаҳзода Иван кўйлакни ёзибди. У тиллаю кумуш иплар билан ажиб, жимжимали гуллар солиб тикилганмиш. Подшо бир қарабди-ю:

— Ҳа, буни кўйлак деса бўлади — байрамда шуни кийиш керак, — дебди.

Ака-укалар уйларига тарқалишибди. Икки каттаси эса бири-бирига:

— Йўқ, биз шаҳзода Иваннинг хотини устидан беҳуда кул-

ганга ўхшаймиз: у қурбақа эмас, қандайдир айёр, — дермиш.

Подшо яна ўғилларини чақиртирибди:

— Келинларим нонуштамга нон ёпишсин, қайсиси яхши пазандалигини билмоқчиман, — дебди.

Шаҳзода Иван бошини эгиб уйига келибди. Қурабақа ундан:

— Нега хафа кўринасан? — деб сўрабди.

Шаҳзода эса:

— Подшо нонуштага келинларига нон ёпиб келишни буюрди, — деб жавоб берибди.

— Диққат бўлма, шаҳзода Иван, кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла, деганлар.

Аввалига қурбақа устидан кулган анави икки келин энди хизматкор кампирлардан бирига, бориб қарагин-чи, қурбақа нонни қанақа ёпаркин, деб жўнатишибди.

Қурбақа қув экан, буни дарров пайқабди. Хамир қорибди, печнинг устини бузибди-да, бор хамирни ўйилган жойдан ағдарибди.

Хизматкор кампир ҳаллослаб келиб, кўрганларини икки келинга айтибди, улар ҳам худди шунақа қилибди.

Қурбақа эса бир сакраб ташқарига чиқибди-да, гўзал Василисага айланиб, чапак чалибди:

— Ойижонлар, энагалар, тез-тез бўлинглар, ишга тушинглар! Нонуштага мен отамникида еб юрган оқ нонга ўхшаган юмшоқ, оппоқ нон ёпинглар, — дебди.

Шаҳзода Иван эрталаб уйғонибди, қараса, стол устида жим-жимадор безаклар солинган нон турганмиш: ноннинг ён томонлари гулдор, устида эса қопқали шаҳарлар сурати бор эмиш.

Шаҳзода Иван севиниб кетибди, нонни сочиққа ўрабди-да, отасига олиб борибди. Шу пайт отаси катта ўғилларидан нонни қабул қилиб олаётган экан. Уларнинг хотинлари хизматкор кампир айтганидек, хамирни печга ағдарганлари учун нон кулга беланиб, куюк чиқибди. Подшо катта ўғлидан нонни олибдию уёқ-буёғини қарабди ва хизматкорларга жўнатибди. Уртанча ўғилдан ҳам олибди-ю, яна ўша ёққа юборибди. Шаҳзода Иван узатиши билан:

— Мана буни нон деса бўлади. Бунақасини байрамда ейиш керак, — дебди.

Шундан кейин подшо уччала ўғлига, эртага зиёфатга келинларим билан келинглар, деб буюрибди.

Шаҳзода Иван яна диққат бўлиб, бошини солинтириб, уйга қайтиб келибди. Қурбақа полда сакраб:

— Вақ-вақ, шаҳзода Иван, нимага хафасан? Ёки отангдан бирон ёмон гап эшитдингми? — деб сўрабди.

— Қурбақажон, нега қайғурмайин ахир? Отам зиёфатга келинимни олиб кел, деди, ахир сени одамларга қандоқ кўрсатаман.



Қурбақа эса:

— Хафа бўлма, шаҳзода Иван, зиёфатга бир ўзинг боравер, мең кетингдан бораман. Қасир-қусур, гумбирлаган овозни эшитсанг, кўрқиб юрма тагин. Сендан сўрашса: «Менинг қурбақам шалоқ аравасида келяпти», дегин.

Шаҳзода Иван бир ўзи борибди. Акалари башанг кийинган, ясан-тусанни ўринлатган, атир-упалар, сурмаларни суртиб, ўзларига оро берган хотинлари билан келибди. Улар шаҳзода Иваннинг устидан кула бошлашибди.

— Сен нега бир ўзинг келдинг? Ҳеч бўлмаса дастрўмолчага ўраб олиб келмайсанми? Бунақа соҳибжамолни қаёқдан топдинг? Ботқоқда роса юрганга ўхшайсан.

Подшо ўғиллари, келинлари, меҳмонлари билан заранг столга ёзилган гулдор дастурхон атрофига ўтиришибди. Ногаҳон қалдир-қулдур, гумбур-гумбур бошланиб, бутун сарой ларзага келибди. Меҳмонларнинг ўтақаси ёрилиб, ўринларидан туриб кетишибди, шаҳзода Иван эса:

— Қўрқманглар, азиз меҳмонлар: бу — менинг қурбақам, шалоқ аравасида келяпти, — дебди.

Шу пайт подшо эшиги олдига олтита оқ от қўшилган заррин карета учиб келибди, ундан гўзал Василиса тушаётган эмиш. Эғнида юлдузчалари йилтиллаётган ҳаворанг кўйлак, бошида ярқираган ой, шундай гўзал, барно эмишки, бунақаси фақат эртакларда бўларкан. У шаҳзода Иваннинг қўлидан ушлабди-да, гулдор дастурхонлар ёзилган заранг стол ёнига бошлаб борибди.

Меҳмонлар ўтиришиб, овқатланишга, ичишга, ўйин-кулги қилишга тушишибди. Гўзал Василиса шаҳзода Иванни ўйинга тортибди. У шундай рақсга тушиб, шундай ўйнабди, шундай гиргир айланибдики, ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолибди. Сўл қўлини силтаган экан, тўсатдан кўл пайдо бўлибди, ўнг қўлини силтаган экан, кўлда оққушлар суза бошлабди. Подшо билан меҳмонлар анграйиб қолишибди.

Катта келинлар ўйинга тушишибди: бир қўлларини силташса, дастурхондаги нарсалар сочилиб, сачраб меҳмонларни булғабди, бошқа қўлларини силташса, суяклар ҳар томонга учиб, биттаси подшонинг кўзига тегибди. Подшонинг жаҳли чиқиб, иккала келинини ҳайдаб юборибди.

Шу вақтда шаҳзода Иван секин чиқибди-да, уйига чопибди, қурбақа терисини топиб, печга ташлабди-ю, ёқиб юборибди.

Гўзал Василиса уйга қайтиб қараса қурбақа териси йўқ эмиш. У харракка ўтирибди-да, қайғу-ғамга ботибди, дили сиёҳ бўлиб, шаҳзода Иванга:

— Эҳ, шаҳзода Иван, нима қилиб қўйдинг-а! Агар сен яна уч кунгина сабр қилганингда умрбод сеники бўлардим. Энди



хайр. Мени дунёнинг нариги чеккасидан, Улмас Кошчей ҳукмронлик қилаётган ерлардан қидир.

Гўзал Василиса кулранг каккуга айланибдию учиб кетибди. Шаҳзода Иван йиғлаб-сиқтабди, тўрт томонга таъзим бажо келтириб, хотини гўзал Василисани қидириб, дунёнинг нариги чеккасига жўнабди. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, туну кун юрибди, этиги ейилиб, кийими титилибди, ёмғирда телпаги тақир бўлиб кетибди. Йўлда унга бир қария учрабди ва:

— Салом, яхши йигит! Нима қидиряпсан, қаёққа кетяпсан? — деб сўрабди.

Шаҳзода Иван бошига тушган кулфатни гапириб берибди. Қария унга:

— Эҳ, шаҳзода Иван, нега қурбақа пўстинини ёқасан? Ахир уни сен кийгизганинг йўқ эди-ку, шунинг учун куйдирмаслигинг керак эди. Гўзал Василиса отасидан кўра ҳам айёрроқ, донороқ эди. Шу боисдан отаси ундан жаҳли чиқиб, уч йилгача қурбақа бўлиб юришни буюрганди. Ҳай, майли, манави коптокни ол, у қаёққа думаласа сен ҳам кетидан дадил боравер.

Шаҳзода Иван қарияга миннатдорчилик билдириб, копток кетидан кетаверибди. Копток думалайверибди, шаҳзода ҳам бораверибди. Яйдоқ далада олдидан айиқ чиқибди. Шаҳзода Иван отмоқчи бўлиб мўлжалга олибди. Айиқ эса одам сингари жавоб берибди:

— Мени отма, шаҳзода Иван, вақти келиб кунингга яраб қоламан.

Шаҳзода Иван унинг айтганини қилиб, йўлида давом этибди. Бир маҳал бундоқ қараса, тепасидан ўрдак учиб ўтаётганмиш. Шаҳзода нишонга олибди, ўрдак эса одамга ўхшаб дебди:

— Мени отма, шаҳзода Иван, керак бўлиб қоламан.

Шаҳзода бунинг ҳам гапига кириб йўлида кетаверибди. Олдидан қуён чиқибди. Шаҳзода Иван шоша-пиша уни отмоқчи бўлибди, қуён эса одамдай овоз чиқарибди:

— Мени ўлдирма, шаҳзода Иван, бир кунингга яраб қоламан.

Шаҳзода қуённи ҳам отмай, йўлида кетаверибди. Юра-юра мовий денгиз бўйига келибди. Қараса, қирғоқдаги қумда зўрға нафас олаётган чўртан балиқ ётганмиш, у одам сингари дебди:

— Эҳ, шаҳзода Иван, раҳминг келсин, менга ёрдам бер.

У балиқни денгизга ташлабди-да, соҳилдан кетаверибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, копток думалаб ўрмонга кирибди. У ерда ялмоғиз кампирнинг уйчаси бор экан, уйча уёқдан-буёққа айланармиш.

— Уйча, уйча, орқанг ўрмонга, олдинг менга қарасин, — дебди Шаҳзода.

Уйча орқасини ўрмонга, олдини унга қаратибди. Шаҳзода Иван уйчага кириб қараса, баланд печка устида ялмоғиз кампир ётганмиш, оёқлари хоодадай, тишлари токчадай, бурни шифтга тиралиб турганмиш.

— Ҳой, яхши йигит, менинг олдимга нимага келдинг? — дебди унга ялмоғиз кампир. — Иш қидириб келдингми ё ишдан қочиб келдингми?

Шаҳзода Иван жавоб берибди:

— Эҳ, сен, қари алвасти, аввал овқат бериб қорнимни тўйдир, ҳаммомга тушир, кейин сўрасанг ярашади.

Ялмоғиз кампир уни ҳаммомга туширибди, едириб-ичирибди, ўрин солиб берибди, шундан кейин шаҳзода Иван хотини гўзал Василисани қидириб юрганини айтиб берибди.

— Биламан, биламан, — дебди ялмоғиз кампир. — Хотининг ҳозир Улмас Кошчейникида. Уни қўлга киритиш амримаҳол, Кошчей билан олишиш қийин: унинг жони игна учида, ўша игна тухумда, тухум ўрдақда, ўрдақ қуёнда, қуён тош сандиқда, сандиқ эса баланд заранг дарахтида. Уша дарахтни Улмас Кошчей кўз қорачиғидай асрайди.

Шаҳзода Иван шу қуни ялмоғиз кампирникида тунаб қолибди, эрталаб эса ялмоғиз кампир зарангнинг қаердалигини кўсатибди унга. Кунни кун демай, тунни тун демай, шаҳзода Иван ўша ерга борибди, қараса баланд заранг шовуллаб турганмиш, тош сандиқ эса унда осифлиқ эмиш, уни олиш қийин эмиш.

Ногаҳон қаёқдандир айиқ югуриб келибди-да, зарангни илдиз-пилдизи билан кўпориб ташлабди. Сандиқ ерга тушибди-ю, парча-парча бўлибди. Сандиқдан қуён сакраб чиқибди-да, жони борича қочиб қолибди. Унинг кетидан бошқа қуён қувлабди-да, етиб олиб уни бурда-бурда қилибди. Қуён ичидан ўрдақ учиб чиқибди-да, жуда баланд кўтарилибди. Шаҳзода қараса, бошқа ўрдақ кўтарилибди-да, бир урибди, ундаги тухум мовий денгизга тушибди.

Шунда шаҳзода Иван тухумни денгиздан қандай топаман, деб аччиқ-аччиқ кўзёши тўкибди. Ногаҳон чўртан балиқ қирғоққа сузиб келибди. Тухумни тишлаб турганмиш. Шаҳзода Иван тухумни синдириб, нинани олибди ва учини синдира бошлабди. У нинани синдираётганда Улмас Кошчей ўзини уёқдан-буёққа ташлаб тўлғанармиш. Душман қанчалик тўлғаниб, билтангламасин, шаҳзода Иван нинанинг учини синдирибди, шундан кейин Кошчей ўлибди.

Шаҳзода Иван Кошчейнинг оқ тошдан қилинган уйига борибди. Олдига гўзал Василиса югуриб чиқибди. Шаҳзода Иван билан гўзал Василиса уйга қайтиб келишибди ва умрларининг охиригача бахтиёр яшашибди.



## ҲАЙВОНЛАР ҚИШЛОВИ

ир ҳўкиз ўрмонда кетаётган экан, олдидан қўчқор чиқиб қолибди.

— Қаёққа кетяпсан, қўчқорвой? — деб сўрабди ҳўкиз.

— Қишлов қидириб кетяпман, — дебди қўчқор.

— Юр мен билан.

Улар бирга кета бошлабди, рўпараларидан чўчқа чиқибди.

— Қаёққа кетяпсан, чўчқавой? — деб сўрабди ҳўкиз.

— Қишлов қидириб кетяпман, — жавоб берибди чўчқа.

— Юр биз билан.

Учовлон йўлда ғозга дуч келишибди.

— Қаёққа кетяпсан, ғоз? — деб сўрабди ҳўкиз.

— Қишлов қидириб кетяпман, — жавоб берибди ғоз.

— Юр биз билан.

Ғоз ҳам уларга эргашибди. Йўлда хўроз учрабди.

— Қаёққа кетяпсан, хўроз? — деб сўрабди ҳўкиз.

— Қишлов қидириб кетяпман, — деб жавоб берибди хўроз.

— Юр биз билан!

Улар йўл-йўлакай ўзаро гаплашиб кетишибди

— Оғайнилар, совуқ кунлар бошланиб қолди, иссиқ жойни қаердан топамиз, а? — дебди улардан бири.

— Менга қаранглар, келинглар, ўзимиз бир бошпана қуриб олайлик, худо кўрсатмасин: қишда ростдан ҳам музлаб қолишимиз мумкин, — дебди ҳўкиз.

Қўчқор эса:

— Менинг пўстиним қалин, кўрдингми қанча юнгим бор! Мен шундоқ ҳам қишдан чиқаман, — дебди.

— Менга деса қахратон бўлмайдими — қўрқмайман: ерни қазиб кириб оламан-да, кулбасиз ҳам қишни ўтказаман, — дебди чўчқа.

— Мен арчазорга кираман-да, бир қанотимни остимга ёзсам, иккинчисини устимга ёпаман, ҳеч қанақа совуқ ўтмайди, шундоқ ҳам қишлайвераман, — дебди ғоз.

— Менда ҳам қанот бор, — дебди хўроз, — қишни бир амалларман!

Ҳўкиз қараса иш чатоқ, бир ўзи ҳаракат қилмаса бўлмай-дигандек.

— Майли, — дебди ҳўкиз, — ўзларинг биласизлар, мен эса ўзимга уй қуриб оламан.

Ҳўкиз кулбани қуриб, яшайверибди. Қиш ҳам бошланибди, совуқ қаттиқ бўлиб, аъзойи бадандан ўтибди. Шунда қўчқор ҳўкизнинг олдига ялиниб келибди:

— Биродар, кулбангга кириб, исиниб олай.

— Сенинг пўстининг иссиқ, қишни шундоқ ҳам ўтказа ола-сан-ку. Бор, йўлингдан қолма, — дебди хўкиз.

— Агар киритмасанг, югуриб келаман-да, бир калла қила-ману кулбангни бузиб ташлайман. Унда ўзингдан кўр.

Хўкиз: «Кел, киритай, йўқса бу мени ҳам совуқда қотиради», деган ўйга бориб, қўчқорни киритибди.

Совуқ чўчқанинг жонидан ҳам ўтгач, хўкизнинг олдига ке-либ:

— Оғайни, ичкари кирит, исиниб олай, — деб ялинибди.

— Нима, нима? Сен ахир ерни қазиб пастга тушиб оласану қишни ўтказаверасан-ку. Бор, йўлингдан қолма, — дебди хўкиз.

— Агар киритмасанг, тумшуғим билан бир уриб кулбангни ағдариб ташлайман.

Хўкиз, начора, деб ўйлаб уни ҳам киритибди.

Шундан кейин ғоз билан хўроз келиб қолибди.

— Эй оғайни, ичкари кирит, исиниб олайлик, — дейишибди улар.

— Сенларда қанот бор-ку, бирини остиларингга ёзиб, бири-ни устиларингга ёпиб, қишдан чиқаверинглар, — дебди хўкиз.

— Агар киритмасанг, кулбангдаги йўсинларни юлиб ташлай-ман. Узингга қийин бўлади, — дебди ғоз.

— Киритмайсанми? — дебди хўроз. — Киритмасанг, томга учиб чиқаман-да, бутун тупроқни титиб тушираман. Унда ўзинг-га жабр бўлади.

Хўкиз шўрлик нима қилсин? Кулбасига ғозни ҳам, хўрозни ҳам киритибди.

Улар кулбада яшай бошлашибди. Баданига иссиқ югурган хўроз аста-секин қўшиғини бошлабди.

Тулки бу қўшиқни эшитибди-да, бир маза қилиб хўроз гўшти егиси келиб қолибди. Аммо уни қандай тутади? Тулки айёрлик йўлига ўтибди. У айиқ билан бўрининг олдига бориб-ди-да, дебди:

— Э, қадрдон биродарлар! Мен ҳаммамизга етарли ўлжа топдим: сенга, айиқвой — хўкиз; сенга, бўривой — қўй; ўзимга эса хўроз.

— Жуда соз, тулкижон! — дебди айиқ билан бўри. — Биз сенинг яхшилигингни асло унутмаймиз. Бориб бўғизлаймизу паққос тушираверамиз!

Тулки уларни кулбага бошлаб келибди. Айиқ бўрига қараб:

— Олдин сен кир! — дебди.

Бўри эса чинқариб:

— Йўқ, аввал ўзинг кир, мендан кучлироқсан! — дебди.

Айиқ хўп дебди-да, олдинга ўтибди; у эшикка етиши билан хўкиз бошини эгибди-да, шохлари билан деворга ёпиштириб-ди. Қўчқор эса сакраб келиб, айиқнинг биқинига калла қўйиб-

ди-ю, ерга ағанатибди. Чўчқа чинқириб, бурда-бурда қилишга тушибди. Ғоз учиб келиб, кўзини чўқилай бошлабди. Хўроз эса ёғочда ўтириб:

— Буёққа олиб келинглар, буёққа олиб келинглар! — дермиш.

Бўри билан тулки бақир-чақирни эшитиб, ура қочишибди!

Айиқ урина-урина зўрға қутулиб чиқибди, бўрига етиб олибди-да:

— Э, бўладиганим бўлди!.. Умримда бунақа қўрқмагандим. Кулбага киришим билан бир хотин қаёқдандир пайдо бўлди-ю, айриси билан деворга қаништирди қўйди! Дув этиб йиғилган оломонни кўрсанг: бири туширяпти, бири юляпти, бири кўзга бигиз тикяпти. Биттаси эса ходада ўтириб: «Буёққа олиб келинглар! Буёққа олиб келинглар!» — деб қичқиргани-қичқирган. Агар унинг қўлига тушганимда, ўлиб кетишим ҳам ҳеч гап эмасди!



## АЙТИЛМАГАН ТУШ

Бор экан-да, йўқ экан, бир савдогарнинг иккита ўғли бор экан. Бирининг исми Димитрий, иккинчисиники Иван экан. Бир кун отаси уларга шундай дебди:

— Ўғилларим, бугун ким қандай туш кўрса, эрта билан менга айтсин, кимда-ким тушини айтмаса ўзидан кўрсин.

Эрта билан катта ўғли отасининг ёнига келиб, кўрган тушини айтиб берибди:

— Отажон, тушимда Иван баланд осмонда ўн иккита бургутнинг устида учиб юрганмиш, ундан кейин яхши кўрган қўйнинг йўқолиб қолганмиш.

— Сен-чи, Ваня, қандай туш кўрддинг?

— Айтмайман, — дебди Иван.

Отаси уни зўрлаб, айттиришга қанчалик уринмасин, у ўжарлик қилиб:

— Айтмайман, дедимми, айтмайман, — деб туриб олибди.

Савдогар жаҳли чиқиб гумашталарини чақиртирибди-да, ўжар ўғлини қипяланғоч қилиб катта йўл ёқасидаги устунга боғлаб қўйишни буюрибди.

Гумашталар чолнинг айтганини қилиб яланғоч Иванни катта йўл ёқасидаги устунга боғлаб қўйишибди. Йигит бечоранинг тортмаган азоби қолмабди. Бир ёқдан қуёш қиздирса, иккинчи томондан пашша чақармиш, очлик, чанқоқлик уни ҳолдан тойдирибди.

Бир пайт кўчадан ёш шаҳзода ўтиб қолибди. У савдогар-

нинг ўғлини кўриб қолиб раҳми келибди-ю, уни ечиб юборишни буюрибди. Шаҳзода унга ўз кийимларидан берибди-да, саройига олиб келиб суриштира бошлабди:

— Устунга сени ким боғлаб қўйди?

— Отам, жаҳли чиқиб шундай қилди.

— Нима гуноҳ қилиб қўйган эдинг?

— Кўрган тушимни айтмаган эдим.

— Отанг аҳмоқ экан-ку, арзимаган ишга шунчалик жазолай-дими? Нима туш кўрган эдинг?

— Айтмайман, шаҳзодам.

— Айтмайсанми? Сени ўлимдан қутқарсам-у, менга қўрслик қиласанми? Айт ҳозир, бўлмаса таъзирингни бераман!

— Отамгаки айтамадимми, сизга ҳам айтмайман.

Шаҳзода Иванни зиндонга ташлашни буюрибди. Шу заҳотиёқ навкарлар уни зиндонга олиб бориб ташлашибди.

Орадан бир йил ўтгач, шаҳзода уйланмоқчи бўлибди. У тараддудланиб гўзал Еленага уйланиш учун узоқ бир мамлакатга равона бўлибди. Шаҳзоданинг бир синглиси бор экан. Акаси кетгандан кейин ўйнаб юриб, зиндоннинг ёнига бориб қолибди. Иван қизни кўриб қолибди-да, баланд товуш билан қичқирабди:

— Э, малика, раҳм қил. Мени озод қилиб юбор, яхшилингни унутмайман. Шаҳзоданинг гўзал Еленага уйланмоқчи бўлиб кетганини биламан: менсиз у уйлана олмайди, ҳалок бўлади. Балки гўзал Еленанинг айёрлигини, совчи бўлиб борган неча-неча йигитларни йўқ қилиб юборганини ўзинг ҳам эшитгандирсан.

— Шаҳзодага ёрдам берасанми?

— Ердам-ку берардим-а, лекин зиндондаман-да.

Малика дарҳол уни зиндондан чиқариб юборишни буюрибди. Савдогар ўғли Иван ёнига ўн битта йигит олиб йўлга тушибди. Улар икки томчи сувдек бир-бирларига ўхшар эмишлар. Уларнинг устларидаги кийимлари ҳам бир хил эмиш: ҳаммалари чакмон кийишиб, ғалати тулпорларга миниб олишганмиш.

Улар тўртинчи куни қалин бир ўрмонга етиб боришибди, бирдан қўрқинчли бақириқ-чақириқларни эшитиб қолишибди.

— Оғайнилар, тўхтанглар! — дебди Иван, — шу ерда бир оз тура туринглар. Мен товуш эшитилаётган жойга бориб келаман.

У отдан тушиб ўрмон ичига кириб кетибди: қараса, ўтлоқда учта чол жанжаллашаётган эмиш.

— Салом, отахонлар! Нега баҳслашяпсизлар?

— Э, жон болам! Отамиздан бизларга учта ажойиб нарса: сирли телпак, учар гилам ва тез юрар этик мерос бўлиб қолган эди. Баҳс бошлаганимизга роса етмиш йил бўлди-ю, лекин ҳеч бўлишиб ололмаётимиз.

— Мен бўлиб берсам нима дейсизлар?

— Жуда соз бўлади-да, раҳмат деймиз.

Савдогар ўғли Иван камонини олибди-да, уч томонга учта ўқ отибди. Кейин бир чолни ўнг томонга, иккинчисини чап томонга, учинчисини бўлса тўғрига юбориб:

— Камоннинг ўқини биринчи бўлиб олиб келган одам сирли телпакни, иккинчиси учар гиламни, учинчиси этикни олади,— дебди.

Чоллар ҳар томонга чопиб кетишибди, савдогар ўғли Иван бўлса бу сеҳрли нарсаларни олиб, ўртоқларининг ёнига қайтиб келибди.

— Оғайнилар,— дебди у,— ҳаммаларингиз ҳам отларингизни бўшатиб юборинглар-да, мана бу учар гиламга ўтиринглар.

Шоша-пиша учар гиламга ўтириб олишибди-ю, гўзал Елена салтанатига учиб кетишибди. Шаҳар четида ерга тушишиб, шаҳзодани қидириб кетишибди, уни бир саройдан топишибди.

— Хўш, хизмат?— дебди шаҳзода.

— Бизларни ишга қабул қил, астойдил ишлаймиз, кўнглингни хушлаймиз,— дейишибди улар.

Шаҳзода уларни ишга олибди: бирини ошпаз, бирини отбоқар қилиб тайинлабди. Ўзи эса башанг кийиниб, гўзал Еленанинг олдига кетибди. Гўзал Елена уни очиқ чеҳра билан қарши олибди, турли ноз-неъматлар ва қимматбаҳо ичимликлар билан меҳмон қилибди, кейин сўроққа тутибди.

— Очиғини айт, шаҳзода, нима учун бу ерга келдинг?

— Гўзал Елена, сенга уйлангани келдим, менга тегасанми?

— Майли, аммо учта шартим бор, шу шартимни бажарсанг ихтиёримни сенга топшираман, бажаролмасанг, бошингни кесаман.

— Айт шартингни.

— Эртага сендан яшириб бир нима олиб келаман, лекин нималигини айтмайман: қани, мард бўлсанг ўша мендаги нарсанинг жуфтини топиб кел-чи.

Шаҳзода уйига қовоқ-тумшуғи осилиб келибди. Шунда савдогар ўғли Иван ундан:

— Шаҳзода, нега хафасан? Гўзал Елена сени ташвишга солиб қўйдими дейман? Юрагингдаги ҳасратингни менга айтсанг бир оз ёзилармидинг,— дебди.

Шаҳзода, хўп, деб ҳамма гапни гапириб берибди. Кейин: — гўзал Еленанинг шартини ҳеч қандай донишманд ҳам бажаролмайди,— дебди.

— Шу ҳам ишми! Ётиб ухла, эрталаб бир гап бўлар,— дебди савдогар ўғли.

Шаҳзода ётиб ухлабди, савдогар ўғли Иван бўлса, сирли қалпоқ билан югурдак этикни кийибди-да, гўзал Еленанинг

саройига кетибди. Тўғри ётоқхонасига кириб қулоқ сола бошлабди. Шу вақт гўзал Елена хизматкор қизга буйруқ бераётган экан...

— Мана бу қимматбаҳо газламани кавушдўзга олиб бор, оёғимга лойиқ кавуш тикиб берсин, ҳа, иложи борича тезроқ битказсин.

Хизматкор қиз кавушдўзникига кетибди, унинг кетидан Иван ҳам бораверибди. Уста шу заҳотиёқ ишга тушиб, бирпасда кавушни битирибди-да, деразага қўйибди. Савдогар ўғли Иван бўлса билинтирмай уни олибди, чўнтагига солибди. Бечора кавушдўз тумшугининг тагида турган нарсаси йўқолиб қолганига ҳайрон бўлармиш. Унинг қидирмаган ери қолмабди, аммо кавушни тополмабди.

— Ажабо, жин-пин ҳазиллашдими нима бало! — деб ўйлабди кавушдўз.

Начора, яна ишга тушиб бошқа кавуш тикибди-да, гўзал Еленага олиб борибди.

— Мунча ношуд бўлмасанг. Битта кавушни шунча вақт тиканми, — деб дағдага қилибди гўзал Елена.

Кейин иш курсисига ўтирибди-да, кавушга тилла ипдан гуллар сола бошлабди, дур, лаъл-ёқутлар қадабди. Иван ҳам унинг ёнига ўтириб олибди-да, кавушни чиқариб, гўзал Елена нима қилса, у ҳам такрорлайверибди: у тошларнинг қайсинисидан олса, Иван ҳам шунисидан олармиш, у дур, лаъл-ёқутни қаерига қадаса, Иван ҳам шу ерига қадармиш. Гўзал Елена ишини тугатгач, илжайиб:

— Кўрамиз, эртага шаҳзода нима кўтариб келаркин! — дебди. Иван бўлса: — «Сабр қил, жўжани кузда санайдилар», — деб ўйлабди-да, уйга қайтиб келиб ухланга ётибди. Эрталаб азонда ўрнидан туриб, шаҳзодани уйғотиб кавушни берибди:

— Гўзал Еленанинг ёнига боргин-да, унга мана шу кавушни топшир. Унинг биринчи шarti шу, — дебди.

Шаҳзода ювиниб-таранибди ва яхши кийинибди, кейин қаллиғининг ёнига от суриб кетибди. Гўзал Еленанинг уйи казо-казо мансабдорларга тўла эмиш. Шаҳзода келиши билан музыка чалиниб, меҳмонлар ўрниларидан турибдилар, соқчилар саф тортибди. Гўзал Елена дур, лаъл-ёқутлар қадалган кавушни олиб чиқибди-да, шаҳзодага қараб заҳархандалик билан илжайибди. Шунда шаҳзода унга:

— Аттанг, зап кавуш экан-у, бир пойи йўқ экан-да. Ҳай майли, бир пойини мен бера қолай! — дебди-да, чўнтагидан кавушнинг иккинчи пойини олиб, стол устига қўйибди. Шунда меҳмонлар чапак чалиб юборишибди, ҳаммалари бир овоздан:

— Балли, отанга раҳмат, шаҳзода! Ҳақиқатанам бизнинг маликамиз гўзал Еленага муносиб экансан, — деб олқишлашибди.



— Сабр қилинглар,— дебди гўзал Елена,— иккинчи шартни ҳам бажарсин.

Шаҳзода кечқурун алламаҳалда, аввалгидан ҳам маънос қайтиб келибди.

— Ғам ема, шаҳзодам,— дебди савдогар ўғли Иван,— ётиб ухла. Эрталаб бир гап бўлар.

У шаҳзодани ётқизибди-да, ўзи югурдак этик билан сеҳрли қалпоқни кийиб, гўзал Еленанинг ёнига югурибди. У худди шу пайтда хизматкор қизга:

— Югургилаб паррандахонага бор-да, битта ўрдак олиб кел,— деб буюраётган экан. Хизматкор қиз паррандахонага чопибди. Иван ҳам унинг кетидан югурибди. Хизматкор қиз мода ўрдак олган экан, Иван нар ўрдак олибди. Шу йўсунда саройга қайтиб келишибди. Гўзал Елена иш жойига ўтирибди-да, ўрдакни қўлига олиб, унинг қанотларини ленталар билан, патларини жавоҳирлар билан безатибди. Савдогар ўғли Иван ҳам худди ўшандай қилиб ўзининг ўрдагини ясатаверибди.

Эртаси куни Гўзал Еленанинг саройига яна меҳмонлар йиғилишибди, тагин музика чалинибди. Малика ўзининг ўрдагини қўйиб юбориб:

— Шартимни бажардингми?— деб сўрабди.

— Бажардим, гўзал Елена. Мана сенинг ўрдагинга жуфт,— дебди-ю, қўлидаги нар ўрдакни кийиб, гўзал Еленанинг саройига барча боёнлар бир овоздан:

— Баракалла, шаҳзода! Гўзал Еленага муносиб йигит экансан,— дейишибди.

— Сабр қилинглар, учинчи шартимни ҳам бажарсин,— дебди гўзал Елена.

Кечқурун шаҳзода қовоқ-тумшуғини солиб қайтиб келибди.

— Кўп куйинаверма, шаҳзода, яхшиси ётиб ухла: эрталаб бир гап бўлар,— дебди савдогар ўғли Иван ва дарров сирли қалпоқ билан югурдак этикни кийиб, гўзал Еленанинг саройига кетибди. Гўзал Елена бўлса денгизга бориш учун ҳозирлик кўраётган экан. У фойтунга ўтирибди-да, отга қамчи уриб, йўлга тушибди. Иван ҳам у билан қорама-қора бораверибди.

Гўзал Елена денгиз қирғоғига етиб келгач, бобосини чақирибди. Тўлқинлар мавжланиб, сувнинг ичидан бир чол чиқиб келибди. Унинг соқоли олтиндан, сочлари кумушдан эмиш. Чол қирғоққа чиқиб:

— Салом, набирам! Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди, бир бошимни боқиб қўйгин,— дебди.

У гўзал Еленанинг тиззасига бош қўйиб, мизғибди. Гўзал Елена унинг бошини боқиб ўтираверибди. Иван бўлса, маликанинг орқасида турибди.

Гўзал Елена бир вақт қараса чол ухлаб қолибди, шунда бобо-

сининг кумуш сочидан уч тола юлиб олибди. Савдогар ўғли Иван бўлса учтагина эмас, бир тутам юлиб олибди. Чол уйғониб кетиб:

— Бу нима қилганинг, ақлингни едингми! Жуда оғритиб юбординг-ку, — деб бақирибди.

— Кечиринг, бобожон. Анчадан бериб тарамганимга сочларингиз патак бўлиб кетибди.

Чол тинчланиб, бир оздан кейин яна хуррак ота бошлабди. Гўзал Елена унинг олтин соқолидан уч тола юлиб олган экан, савдогар ўғли Иван соқолни тутамлаб, сал бўлмаса ҳаммасини юлиб олай дебди. Чол ваҳима билан қичқириб юборибди-да, ўрнидан ирғиб туриб ўзини сувга отибди.

«Энди шаҳзода қўлга тушди, — деб ўйлабди гўзал Елена, — бундай толаларни у қаердан ҳам топарди».

Эртасига маликанинг уйига меҳмонлар яна йиғилишибди, шаҳзода ҳам етиб келибди. Гўзал Елена унга уч дона кумуш тола билан уч дона олтин толани кўрсатиб:

— Бундақанги ажойиб нарсани ҳеч қаерда учратганмисан? — деб сўрабди.

Шаҳзода бўлса пинагини бузмай:

— Шунга мақтаняпсанми? Хоҳласанг бундан бир тутам топиб бераман сенга, — дебди. Ҳамёнидан бир тутам олтин, бир тутам кумуш толалар чиқариб берибди. Гўзал Елена тутақиб кетиб, тўғри ётоқхонасига кирибди-да, бу ишларни шаҳзоданинг ўзи ўйлаб топяптими ёки унга бошқа бир киши ёрдам беряптими деб сеҳрли китобига қарабди. Кўриб билса, айёрлик қилаётган у эмас, унинг хизматкори — савдогар ўғли Иван эмиш. У меҳмонларнинг олдига қайтиб келиб шаҳзодага:

— Ҳузуримга сеvimли хизматкорингни юборасан, — деб туриб олибди.

— Менинг ўн иккита хизматкорим бор, — дебди шаҳзода.

— Иван деганини юбор.

— Ҳаммаларининг исми Иван.

— Яхши, — дебди қиз, — ҳаммалари келиша қолсин.

Кўнглида бўлса: «Барибир гуноҳкорни топиб оламан!» — деб қўйибди.

Шаҳзоданинг буйруғи билан саройга худди икки томчи сувдек бир-бировига ўхшаган ўн иккита йигит кириб келибди.

— Қайси бирингиз каттасиз? — деб сўрабди гўзал Елена.

Уларнинг ҳаммалари бирдан:

— Мен каттаман, мен каттаман! — деб қичқиришибди.

«Гуноҳкорни топиш осон ишга ўхшамайди», — деб ўйлабди у. Ун битта оддий қадаҳ ва ўзи ичиб юрадиган олтин қадаҳини олиб келишни буюрибди. Қиз қадаҳларга ўтқир май қуйиб, йигитларга тутибди. Улар оддий қадаҳни олмай олтин қадаҳга

ёпишишибди. Бир-бирларининг қўлларидан тортиб олишиб, тўс-тўполон кўтаришибди, майни бир томчи ҳам қолдирмай тўкиб юборишибди.

Гўзал Еленанинг бу ҳийласи ҳам фойда бермабди; кейин у йигитларни ичириб, маст-аласт қилиб саройда олиб қолишни буюрибди.

Кечаси улар қаттиқ уйқуга кетишган пайтда қиз йигитларнинг ёнига ўзининг сеҳрли китобини олиб келибди-да, китобга қараб гуноҳкорни топибди ва қайчи билан унинг чаккасидаги сочини қирқиб қўйибди.

«Эртага уни шу белги билан топиб оламан-да, ўлимга буюрман», — деб ўйлабди у.

Савдогар ўғли Иван эрталаб туриб бошини пайпаслаб қараса, чаккасидаги сочи олинган эмиш. У ўрнидан ирғиб турибди-ю, ўртоқларини уйғота бошлабди.

— Туринглар тезроқ, балонинг оғзига келиб қолибмиз! Қани, қўлларингга қайчи олиб, чаккаларингдаги сочларингни қирқиб қўйинглар.

Орадан бир соат ўтгач, Гўзал Елена уларни ўз ҳузурига чақиртириб, гуноҳкорни қидира бошлабди. Лекин ҳаммасининг ҳам чаккасидан сочи олинган эмиш. У алам қилганидан сеҳрли китобини печкага қалаб юборибди. Шундан кейин ноилож, шаҳзодага тегишга мажбур бўлибди. Катта тўй-томоша қилишибди. Халойиқ уч кечаю уч кундуз маишат қилибди, ҳар ким келиб текинга еб-ичиб кетаверибди.

Тўй ўтгандан кейин шаҳзода қаллиғи билан ўз мамлакатига кетадиган бўлибди. Ун иккита баҳодир йигитни ўздан илгари жўнатиб юборибди. Улар шаҳардан чиқишгач, учар гиламга ўтиришибди-да, осмону фалакка кўтарилиб учиб кетишибди. Учиб-учиб бир вақт отларини қўйиб юборишган қалин ўрмоннинг яқинида ерга тушишибди. Тушиб бундай қарашса, мўйсафидлардан бири камоннинг ўқини кўтариб келаётган эмиш. Иван унга сеҳрли қалпоқни берибди. Унинг кетидан иккинчи мўйсафид келиб учар гиламни олибди; учинчисига этик тегибди. Иван нарсаларни эгаларига улашиб бўлгач, ўртоқларига:

— Оғайнилар, йўлга тушишимиз керак, отларингизни эгарланглар! — дебди.

Улар шу заҳотиёқ отларини тутиб, эгарлашибди-да, ўз ватанларига жўнаб қолишибди, етиб келиб тўппа-тўғри маликанинг ҳузурига боришибди. Малика уларнинг қайтиб келишганини кўриб беҳад қувонибди, акасини, унинг уйланганини, яқин орада келиш-келмаслигини суриштирибди.

— Шунча хизматингиз учун қандай инъомлар берай? — деб сўрабди у.

Шунда савдогар ўғли Иван:

— Мени илгариги жойим — зиндонга ташлаб қўй,— дебди.

Малика, қўй, нима қиласан у ерда, деб қанча ёлвормасин, барибир у ўз сўзида туриб олибди.

Навкарлар Иванни зиндонга элтиб қўйишибди.

Орадан бир ой ўтгач, шаҳзода ўзининг қаллиғи билан кириб келибди. Уни жуда яхшилаб кутиб олишибди, карнай-сурнайлар чалишибди, замбараклардан ўқ отилибди, қўнғироқлар чалинибди, тумонат одам тўпланибди. Шаҳзоданинг қаллиғи билан танишишга боёнлар-у, ҳар хил мансабдаги кишилар келишибди. Шаҳзода ҳаммага бирма-бир разм солиб чиқиб:

— Содиқ хизматкорим Иван қаерда?— деб сўрабди.

— У зиндонда ётибди,— дейишибди.

— Нега зиндонда ётади? Уни ким қамаб қўйди?

Шунда малика акасига шундай дебди:

— Акажон, ахир ўзингиз жаҳлингиз чиқиб қамаб қўйишни буюрган эдингиз-ку! Эсингиздами, ундан аллақандай туш ҳақида сўраган эдингиз, у айтмаган эди?

— Наҳотки ўша Иван шу бўлса?!

— Худди ўшанинг ўзи, мен уни бир оз вақтга бўшатиб, сенинг ёнинга юборган эдим.

Шаҳзода савдогар ўғли Иванни чақиртириб, ундан эски гиналарни унутишни сўрабди. Унга олтинлар берибди-да, ўз уйига жўнатиб юборибди.

Иван уйга борса, оиласи қашшоқлашиб, ота-онаси бошқа жойга кўчиб кетишган экан. Иван қидира-қидира кечаси уларнинг кулбаларига кириб борибди-да, тунаб кетишни сўрабди. Отаси уни танимабди.

Иван эрта билан ўрнидан турса, онаси унга ювиниш учун сув тутибди, отаси бўлса сочиқ ушлаб турганмиш.

— Салом, отажон, салом, онажон,— дебди Иван,— ўз ўғилларингизни танимадиларингизми? Отажон, энди кўрган тушимни айтиб берайми?

— Айт, қандай туш эди, ўғлим.

— Тушимда онам қўлимга сув қуйиб, сиз сочиқ тутган эдингиз. Худди шундай бўлиб чиқди. Ушанда сизларни хафа қилгим келмаган эди.

Отаси энди билса, ўғли тушини айтмай яхши иш қилган экан. Шунинг учун у ўғлини кечирибди. Ўзи ҳам ўғлидан кечирим сўрабди.

Иван шаҳзода инъом қилган олтинларни отасига берибди, улар камбағалчилик нималигини билмай фароғатда умр кечиришибди.



## СЕҲҲРИ УЗУК

уда қадим замонда, кун чиқар томонда ошини ошаб, ёшини яшаган чол билан кампир ўтган экан. Уларнинг Мартинка исмли ўғиллари бўлган экан. Чолнинг бутун умри овчилик билан ўтган экан. У турли хил ҳайвон ва паррандалар отиб келар, кампир уларни пишириб ширин-шакар таомлар тайёрлар экан. Шу тахлит кун кечиришаркан. Бир куни чол бетоб бўлиб қолибди. Кўп ўтмай оламдан ўтибди. Кампир билан Мартинка роса йиғлашибди, дод-фарёд қилишибди, аммо начора? Улган одамни тириштириб бўлармиди?! Орадан бир ҳафта ўтибди. Уйдаги озрок кўр-кут ҳам тугабди. Кампир бундай қараса еб-ичгани ҳеч нарса қолмабди, навбат пулга келибди. Раҳматли чолидан икки юз сўм пул қолган экан. Кампир бу пулни харжлашга қарор қилибди. Чунки бошқа даромад бўлмагандан кейин одам оч ўтиравермайди-ку? У пулнинг юз сўмини ажратибди-да:

— Уғлим, мана бу юз сўмга қўшнилардан от-арава сўраб, шаҳардан дон-дун олиб кел. Бир амаллаб қишдан чиқиб олсак, кунимизни кўриб кетармиз, — дебди.

Мартинка шаҳарга қараб йўл олибди. У қассоблик дўконлари ёнидан ўтиб кетаётиб ур-сур, тўполоннинг устидан чиқиб қолибди. Нима гап деб одамлар орасини ёриб ўтиб қараса, қассоблар бир ов итини қозикқа боғлаб қўйишиб, таёқ билан роса савалашаётган эмиш. Ит бечора ўзини уёқдан-буёққа уриб, ангиллармиш, талпинармиш... Мартинка қассобларнинг ёнига югуриб борибди-да:

— Оғайнилар! Бу бечора итни нега бунчалик уряписизлар, рақмларингиз келмайдими? — деб сўрабди.

— Бу лаънати бир нимта гўштини ҳаром қилди-ю, яна урмайликми, — дейишибди қассоблар.

— Шунча урганингиз ҳам етар, яхшиси менга сотиб қўя қолинглар.

— Майли, сотсак сотайлик, — дебди улардан бири ҳазиллашиб, — юз сўм бериб ола қол.

Мартинка қўйнидан юз сўм чиқариб қассобларга берибди-да, итни ечиб олиб кетибди. Ит бўлса эркаланиб унинг оёқларини ялармиш, атрофида гир-гир айланармиш, нега деганда ўзини ким ўлимдан қутқарганини билибди-да.

Мартинка уйга қайтиб келиши билан онаси сўрабди:


— Нима олиб келдинг, болам?

— Биринчи дуч келган бахтни олиб келдим.

— Бу нима деганинг, ўғлим, бахтинг нимаси?

— Мана бу — Журка! — деб онасига итни кўрсатибди у.

— Бошқа ҳеч нарса олмадингми?



-- Пулдан қолганда-ку, олар әдим-а, лекин итни юз сўмга сотиб олдим-да.

Кампирнинг фиғони фалакка чиқибди.

-- Ейишга ҳеч вақомиз йўқ-ку, қилган ишингни қара-я: бугун супрадаги унни қоқиб-суқиб нон ёпган әдим, әнди нима қиламиз.

Эртасига кампир ўғлига яна юз сўм бериб:

-- Шаҳарга бориб, мана бу пулга буғдой олиб кел, яна кўчага ташлаб келмагин,— деб тайинлабди.

Мартинка шаҳарга келиб, кўчаларни томоша қилиб юрган экан, бир шум болани кўриб қолибди: у бир мушукни тутиб, бўйнидан боғлаб, анҳорга судраб кетаётган эмиш.

-- Тўхта,— деб қичқирибди Мартинка,— Бароқни қаёққа олиб кетяпсан?

— Бу лаънати чўктириб юбормоқчиман.

— Бу сенга нима ёмонлик қилди?

— Столнинг устидаги пирогни олиб қочди.

— Уни сувга ташлагандан кўра менга сотиб қўя қол.

— Ҳа, майли, сотсам сотай, юз сўмга ола қол.

Мартинка ўйлаб ўтирмай қўйнидан пулини чиқарибди-да, болага бериб, мушукни тўрвасига солиб уйига олиб кетибди.

-- Нима олдинг, ўғлим? — деб сўрабди онаси.

— Бароқ мушук олдим.

— Бошқа ҳеч нарса олмадингми?

— Пулдан қолганда-ку, яна бирон нарса олган бўлар әдим-а.

— Эй эси паст аҳмоқ! — деб бобиллаб берибди кампир, — йўқол кўзимдан, ишлаб ўз нонингни ўзинг топиб егин.

Мартинка иш қидириб қўшни қишлоқларга кетибди. Бароқ билан Журка ҳам орқасидан эргашиб бораверибди. Бир пайт олдидан пон чиқиб қолибди.

— Қаёққа кетяпсан, чироғим? — деб сўрабди у.

— Иш қидириб кетяпман.

— Бўлмаса, юр мен билан, лекин бир шартим бор: хизмат ҳаққини уч йилдан кейин бераман.

Мартинка рози бўлиб, уч йилгача чарчаш нималигини билмай, поннинг хизматини қилибди: ҳақ тўлаш пайти келганда хўжайин уни чақириб олибди-да:

— Қани, Мартинка! Кел әнди, хизмат ҳақингни ол,— деб уни омборга бошлаб кирибди ва иккита тўла қопни кўрсатибди. — Хоҳлаганингни ол!

Мартинка бундай қараса, қопларнинг биринчиси тўла кумуш, иккинчиси бўлса қум эмиш. Шунда у:

«Бунда бир гап бўлса керак! Хизматим бекорга кетса кетар, синаш учун қумни олиб боқай-чи, нима бўларкин?» деб ўйланиб қолибди.

Кейин хўжайинга:

— Отахон, мен қумли қопни оламан,— дебди.

— Чироғим, кўнглинга хуш келганини қил, агар кумушдан ҳазар қилсанг, қумни ола қол, майли.

Мартинка қопни орқалаб йўлга тушибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, охири адашиб, бир қоронғи ўрмонга кириб қолибди. Дарахларнинг орасида бир яланглик жой бор экан. У ерда олов ёнаётган эмиш, оловнинг ўртасида чиройли, ойни уялтирадиган гўзал бир қиз ўтирган эмиш.

— Эй тул хотиннинг ўғли Мартин! — дебди ҳалиги қиз. — Агар бахтли бўлишни истасанг мени қутқар: уч йилги хизматинг учун олган қумингни сениб мана бу ўтни ўчир.

Мартин:

«Ростдан ҳам бундай оғир юкни кўтариб юргандан кўра бир инсонни ҳалокатдан қутқарганим яхши-ку! Қум деган нима экан, уни ҳар қаердан ҳам топса бўлади!» — деб қопнинг оғзини очибди-да, ўтга сепи бошлабди, ўт ўчибди, гўзал қиз эса бир думалаб илонга айланибди, кейин йигитнинг кўкрагига сапчиб, томоғига ўралиб олибди. Мартинка қўрқиб кетибди.

— Қўрқма,— дебди илон унга,— энди фалон жойдаги ер ости мамлакатига бор, у ерда менинг отам подшолик қилади. Саройга киришинг билан у сенга жуда қўн олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар беради, сен уларнинг ҳеч қайсисини олмай, жимжилоғидаги узукни сўра. Узук оддий эмас, уни у кафтингдан, бу кафтингга ирғитсанг шу заҳотиёқ ўн иккита баҳодир йигит пайдо бўлади, уларга қандай хизмат буюрма, бир кечанинг ўзида муҳайё қилишади.

Йигит йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ахири қиз тайинлаган жойга етиб борибди, қараса каттакон бир тош турганмиш. Илон шу ерда унинг бўйнидан тушиб, бир думалаб яна сулув қиз бўлиб қолибди.

Қиз:

— Орқамдан келавер,— деб уни тошнинг тагига олиб кириб кетибди.

Улар ер тагида анча йўл юришгандан кейин милтиллаб чироқ кўринибди. Яқинлашишган сари чироқ равшанлашаверибди. Охири улар кўм-кўк осмон тагига, қонг бир майдонга чиқишибди: майдонда ҳашаматли бир сарой қад кўтариб турганмиш, саройда бўлса ҳалиги сулув қизнинг отаси — ер ости мамлакати-нинг подшоиси яшаркан.

Улар мрамардан қурилган қасрга кириб боришган экан, подшо уларни жуда самимий кутиб олибди.

— Салом, қизим,— дебди у,— шунча йилдан бери қаерларда юрибсан?

— Отажоним! Агар мана бу йигит учрамаганда мен бутунлай

йўқ бўлиб кетардим, у мени ўлимдан қутқариб, ватанимга олиб келди.

— Раҳмат сенга, баҳодир ўғлон,— дебди подшо,— сенинг бу хизматингга ҳар қанча бойлик берса ҳам арзийди, олтин дейсанми, кумуш дейсанми, қимматбаҳо тошлар дейсанми, истанингни ол.

Шунда Мартин бундай дебди:

— Э, подшоҳи олам! Менга олтин ҳам, кумуш ҳам, қимматбаҳо тошлар ҳам оғирлик қилади. Агар мукофотламоқчи бўлсангиз, жимжилоғингиздаги узукни беринг. Мен бўйдоқ йигитман: тез-тез узукка боқиб, қаллиғ тўғрисида хаёл сураман, шу билан зерикмай овуниб юраман.

Подшо шу заҳотиёқ жимжилоғидаги узукни олиб Мартинга узатибди.

— Мана, ола қол, яхшиликка буюрсин. Ҳа, эсингда бўлсин: узук тўғрисида ҳеч кимга оғиз очма, йўқса бошингга бало ортирасан!

Мартин подшога қуллуқ қилиб, йўлга бир оз пул олибди-да, орқасига қайтибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ўз ватанига етиб келибди, онасини қидириб топибди. Шундан кейин улар ҳеч қандай ташвишсиз, ғам емай, бир бурда нонни кам емай кун кечиришаверибди.

Кунлар ўтиб, Мартинканинг уйлангиси келибди-да, онасига қараб:

— Ойи, қиролнинг саройига бориб, унинг гўзал қизини менга унаштириб келинг,— дебди.

— Э, ўғлим, катта гапиргандан кўра нонни катта тишлаган фойда. Топган гапингни қара-я! Қиролниқига бориб нима қиламан? Гапимни эшитиб сени ўлимга буюриши турган гап-ку.

— Ҳечқиси йўқ, қўрқманг, ойижон! Мен юборганимдан кейин дадил бораверинг. Қиролнинг жавобини менга келиб айтасиз, жавобсиз қайтманг.

Кампир тараддуд кўриб йўлга тушибди, саройга келиб, эшикдан тўппа-тўғри ичкари кириб кетаётган экан, уни соқчилар ушлаб олишибди.

— Тўхта, шум кампир! Эсингни едингми, қаёққа кетяпсан? Бу ердан ҳатто лашкарбошилар ҳам сўроқсиз ўтишолмайди-ку...

— Э, қанақа одамсанлар ўзи,— деб айўханнос солибди кампир,— мен қиролнинг ёнига яхши ният билан келяпман, унинг қизи — қироличани ўғлимга олиб бермоқчиман, сенлар бўлсаларинг йўлимни тўсасанлар.

У шундай тўполон кўтарибдики, асти қўясиз! Қирол бу жанжални эшитиб, деразадан қараб, кампирни ўтказиб юборишни буюрибди. Кампир қиролнинг ҳузурига кирибди-да, унга таъзим қилибди.





— Қандай иш билан келдинг, кампир? — деб сўрабди қирол.

— Даргоҳингизга бир хизмат билан келдим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман. Менда бир булбул, сизда бир гул бор, айланай. Булбул — менинг ўғлим. Гул бўлса сизнинг қизингиз, ҳоқоним. Қизингизни ўғлим Мартинкага сўраб келдим, худди узукка кўз қўйгандек бўлади.

— Нималар деяпан ўзи, мияси ачиган кампир, эсингни еб қўйдингми? — деб ўдағайлабди қирол.

— Эс-ҳушим жойида, қирол ҳазрати олийлари! Жавобингизни кутаман. — Қирол шу заҳотиёқ ҳамма аёнларини чақиртириб келибди-да, бу кампирга қандай жавоб берай деб маслаҳат солибди.

Охири шундай қарорга келишибди: Мартин бир кечада катта бир қаср қуриши даркормиш. Қасрдан қиролнинг саройигача биллурдан кўприк бўлиши керакмиш, кўприкнинг икки томонида олтин ва қумуш олма дарахлари бўлсинмиш, бу дарахларда булбуллар сайраб турсинмиш. Бунинг устига яна никоҳ ўқиладиган, тўй маросими ўтказиладиган алоҳида беш гумбазли ибодатхона қурсинмиш. Агар ўғлинг шу шартларни бекаму кўст бажара олса, у жуда ақлли одам бўлади. Қироличани берсак арзийди, борди-ю, уддасидан чиқолмаса, гуноҳларинг учун сен билан ўғлингнинг бошини танасидан жудо қиламиз, деб кампирга жавоб бериб юборишибди, у бечора уйига қайтар экан, йўл-йўлакай боши айланиб, гандираклаб, аччиқ кўзёшлари тўкибди. Мартинкани кўрибди-ю:

— Айтмадимми, ўғлим, ортиқча даҳмазани қўй десам, гапингни маъқуллаб туриб олдинг. Мана энди бошимиздан айриламиз, эртага бизни қатл этишади, — дебди.

Ғам еманг, онажон, балки тирик қолармиз: ётиб ухланг, эртага бир гап бўлар.

Мартинка қоқ ярим кечада ўрnidан турибди-да, ҳовлига чиқибди. Узукни у кафтидан бу кафтига ирғитган экан, бир зумда ўн иккита бирини биридан ажратиб бўлмайдиган баҳодир йигитлар пайдо бўлибди.

— Тила тилагингни, бева хотиннинг ўғли Мартин.

— Менга эрталабгача худди шу ерга бир ҳашаматли қаср қуриб беринглар, бу қасрдан қиролникигача биллур кўприк бўлсин. Кўприкнинг икки томонида қатор дарахлар ўсиб, уларнинг устида олтин ва қумуш олмалар пишиб ётсин. Шохларида булбуллар сайраб турсин, иннайкейин, беш гумбазли ибодатхона ҳам қурилинглар, унда никоҳ ўқишга алоҳида, тўй маросимини ўтказиш учун алоҳида жойлар бўлсин.

Баҳодирлар унга:

— Эрталабга ҳаммасини муҳайё қиламиз, — дейишибди.

Кейин улар ҳар ёққа тарқалишиб, усталару дурадгорларни

топиб келишибди-да, ишга тушишибди. Ҳаш-паш дегунча барча буюрилган нарсалар тахт эмиш. Эрталаб Мартин кўзини очса оддий кулда эмас, безатилган қасрда ётганмиш; баланд пиллапояга чиқиб бундай қараса, қаср ҳам, ибодатхона ҳам, биллур кўприк ҳам, олтин ва кумуш олмалар ҳам -- хуллас, ҳамма буюрган нарсалари кўз ўнгида турганмиш. Шу пайтда қирол ҳам болохона айвонига чиқиб дурбин билан қараб ҳайратда қолибди, нимаики буюрган бўлса ҳаммаси муҳайё эмиш. Шунда қизини ёнига чақиртирибди-да, никоҳга ҳозирлик кўришни буюрибди.

Мен, — дебди у, — сени оддий бир мужикнинг ўғлига беришни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, начора, бўлар иш бўлди.

Қирол қизи ювиниб-тараниб, қимматбаҳо либосларини кияётганда Мартин каттакон ҳовлига чиқиб, узукни у кафтидан бу кафтига ирғитган экан, худди ердан чиққандек қаршисида ўн иккита баҳодир пайдо бўлибди.

— Тила тилагингни!

— Гап бундай, оғайнилар, менга боёнларнинг чакмонидан кийгизинглар ва чиройли фойтун билан олтига от тайёрлаб кўйинглар.

— Ҳозир ҳаммаси муҳайё бўлади.

Кўз очиб юмгунча чакмон олиб келишибди, уни кийиб кўрса, худди ўзига тикилгандек лоп-лойиқ эмиш. Угирилиб бундай қараса, эшик олдида фойтун турганмиш, унга бир ёқ ёли олтин, бир ёқ ёли кумуш отлар қўшилганмиш. Фойтунга ўтириб, ибодатхонага борса: у ерда ибодат қилиш учун қўнғироқ чалинаётган эмиш, ибодатхонага одам сиғмасмиш. Куёвнинг кетидан келин ҳам ўзининг энагаю янгалари билан, отаси бўлса вазир-вузаролари билан етиб келишибди. Ибодатдан кейин бева хотиннинг ўғли Мартин қирол қизини қўлтиқлаб, бирга яшашга аҳд-паймон қилишибди. Қирол қизига қимматбаҳо сеп берибди, куёвни катта мансабга ўтказибди. Кейин элу юртга тўй берибди, тўймаганга қўй берибди.

Ёшлар бир қанча вақт бирга умр кечиришибди. Мартинка кундан-кун янги саройлар қурабмиш, боғлар яратармиш. Лекин шаҳзода ёки подшовакчага эмас, оддий бир мужикка теккани қироличанинг юрагида барибир армон бўлиб қолаверибди. Шунинг учун ҳам қиролича қандай қилиб бўлмасин эрини йўқотиш пайига тушибди-ю, муғамбирлик йўлига ўтибди. Эрининг у ёнидан кириб, бу ёнидан чиқиб, нуқул унинг сирини билиб олишга уринармиш. Мартинка маҳкам туриб сирини бой бермабди.

Кунларнинг бирида у қиролникида зиёфатда роса ичибди-да, уйига қайтиб келиб ётибди. Шунда қиролича унга ширин-



шакар сўзлабди, ёмонликни кўзлабди, ёлғон-яшиқ билан Мартинкани эритибди. Мартинка унга сеҳрли узуги ҳақида гапириб берибди.

«Хап сеними,— деб ўйлабди қиролича,— энди адабингни бераман».

У қаттиқ уйқуга кетди дегунча, жимжилоғидан узукни олиб, ҳовлига чиқибди-да, у кафтидан бу кафтига иргитибди. Шу заҳоти ўн иккита баҳодир ҳозир бўлибди.

— Нималар истайсиз, нималар хоҳлайсиз, қироличам?

— Қулоқ солинглар, йигитлар, эрталабгача бу ерда на сарой, на ибодатхона, на биллур кўприк, хуллас, ҳеч нарсани қолдирманглар-да, илгаридек эски кулбани ўрнатиб қўйинглар. Эрим камбағаллигича қолаверсин, мени бўлса жуда узоққа — сичқонлар мамлакатига олиб бориб ташланглар. Бу номусга чидолмайман.

Хўй бўлади, айтганларингизни бажо келтирамиз!

Шу тондаёқ уни шамол учириб, узоқ элатга — сичқонлар яшайдиган мамлакатга олиб кетибди.

Эрталаб қирол уйқудан уйғониб, дурбини билан қараса на биллур кўприк, на сарой, на беш гумбазли ибодатхона бормиш. Уларнинг ҳаммаси ғойиб бўлиб, ўрнида фақат эски бир кулбагина турганмиш.

«Бу не синоат?— деб ўйлабди қирол,— буларнинг ҳаммаси қаёққа кетди?»

Фурсатни бой бермай дарров қандай ҳодиса рўй берганини билиб келиш учун чопарини юборибди. Чопар отга миниб борибди-ю, воқсадан хабардор бўлгач, қайтиб келиб қиролга хабар берибди.

— Ҳазрати олийлари! Улкан саройнинг ўрнида илгаригидек битта кичкинагина кулба турибди. Унинг ичида куёвингиз онаси билан ўтирибди. Гўзал маликамдан ному нишон йўқ, унинг қаердалиги номаълум.

Қирол катта кенгаш чақириб, қизини сеҳр-жоду билан алдаганлиги ва ҳалок қилгани учун куёвига жазо ўйлаб топишни буюрибди. Мартинкани баланд қилиб гиштдан ишланган каталакка қамаб, сув ҳам, нон ҳам бермасликка қарор қилишибди: шу ҳолича ўлиб кетсин, дейишибди. Усталар келишибди-да, гиштдан баланд минора қуришибди. Унинг тепасига бир каталак қуриб Мартинкани ўша ерга қамаб қўйишибди. Каталакнинг ҳаммаёғи маҳкамланиб, фақат ёруғ тушиб турсин учун кичкина бир дарча ўрнатиб қўйишибди. У бечора ўша ерда очдан оч, кўзёши тўкиб ётаверибди.

Бу фалокатдан ити Журка хабар топиб кулбага чопиб кирса, Бароқ печканинг устида хуриллаб ётган эмиш, шунда ит уни койиб кетибди:

— Эй Бароқ, мунча бепарвосан? Сенга фақат печканинг устида ётиш бўлса, хўжайинимизнинг каталакка тиқиб қўйилгани билан ишинг ҳам йўқ. Юз сўм тўлаб сени ўлимдан қутқариб қолгани эсингдан чиқиб кетганга ўхшайди: у қутқармаганда сен аллақачон қурт-қумурсқаларга ем бўлиб кетардинг! Тур ўринингдан тезроқ! Кучимиз етгунча унга ёрдам беришимиз керак.

Бароқ печканинг устидан дик этиб турибди, кейин икковлари хўжайинларини қидириб кетишибди. Миноранинг тагига келишгандан кейин Бароқ тирмашиб дарчага чиқибди:

— Салом, хўжайин! Соғ-саломатмисан?

— Бир нав яшаб турибман, — деб жавоб берибди Мартинка, — очликдан силлам қуриди, ўладиган бўлдим.

— Узингни тут, хафа ~~бўлма~~ биз сенга сув ҳам, овқат ҳам олиб келиб берамиз, — шундай деб сакраб ерга тушибди Бароқ.

— Ошнам Журка, ахир хўжайинимиз очдан ўляпти-ку, қай йўл билан ёрдам берсак экан?

— Эсинг йўқ экан-у, Бароқ! Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Шаҳарни айлаиб юрамиз-да, сават кўтариб кетаётган нонвойни учратиб қолсак, мен дарров унинг оёғига урилиб, бошидан саватини тушириб юбораман. Шунда сен анқаймай, дарров нонлардан оласану тўғри хўжайинга олиб бориб берасан.

Шу маслаҳат билан улар йўлга тушишган экан, қаршилари-дан сават кўтариб келаётган бир нонвой чиқиб қолибди. Журка чопиб бориб ўзини унинг оёғига урган экан, нонвой гандираклаб кетиб, саватини қўлидан тушириб юборибди. Нонлар сочилиб кетибди, нонвой ит қутурган бўлса, тагин бирор фалокат юз бериб ўтирмасин деб қўрқиб кетиб қочиб қолибди. Бароқ шу заҳоти ҳан этиб нонга ёпишибди-ю, Мартинка ёнига жўнабди. Биттасини олиб бориб қайтиб келибди-да, яна иккинчисига ёпишибди, уни бериб келиб, учинчисига ташланибди.

Улар Мартинкага бир йилга етарли қилиб кулча, қотган нон дегандек озиқ-овқат ғамлаб беришибди-да:

— Хўжайин, ҳисоби билан тановул қил, шу нарсалар бизлар қайтиб келгунча етсин, — дейишиб, хайрлашишиб, йўлга тушишибди.

Шундан кейин Журка билан Бароқ бир амаллаб сеҳрли узукни топиб келгани узоқ элатга — сичқонлар мамлакатига отланишибди.

Йўл юришиб, йўл юришса ҳам мўл юришиб охири бир денгиз бўйига етиб келишибди. Шунда Журка Бароқдан:

— Мен нариги қирғоққа сузиб ўта оламан, сен-чи? — деб сўраган экан, Бароқ:

— Мен сузишни унча яхши билмайман, тошдан ҳам тез чўкаман, — деб жавоб берибди.

— Бўлмаса, устимга чиқ!

Бароқ Журканинг устига чиқибди, йиқилмай деб тирноқлари билан итнинг жунига маҳкам ёпишиб олибди, шу йўсин улар денгиз бўйлаб сузиб кетишибди. Нариги қирғоққа ўтиб олишибди. Шундай қилиб улар узоқ сичқонлар мамлакатига етиб боришибди.

У ерда биронта одам яшамас экан: лекин сичқон деган шунчалик кўп эканки, санаб саноғига етиб бўлмасмиш. Қаяққа қарасанг, гала-гала сичқонлар юрармиш.

Шунда Журка Бароққа дебди:

— Қани, ошнам, ов қилишга киришавер, сен мана шу сичқонларни тутиб бўғиб ташлайверасан, мен уларни бир ерга тўплаб тахлайвераман.

Бароқ бундай овларга устаси фаранг эмасми, сичқонларнинг роса додини берибди, у сапчиди дегунча сичқоннинг жойи жаҳаннам бўлаверибди. Журка эса бўғиб ташлаган сичқонларни тахлаб улгуролмасмиш. Улар бир ҳафтада каттакон ғарам қилишибди. Шундай қилиб подшоликнинг бошига оғир мусибат тушибди: сичқонларнинг подшоси бундай қараса, одамлари камайиб кетганмиш, кўпчилиги нобуд бўлганмиш. Шунда сичқонлар подшоси инидан чиқиб Журка билан Бароққа:

— Сизларнинг олдингизда бош эгаман, эй қудратли паҳлавонлар. Менинг халқимга раҳмингиз келсин, уларни ўлдирманглар, ундан кўра мақсадларингни айтинглар, сизларга нима керак? Қўлимдан келган ишимни аямай, хизматларингга тайёрман,— деб ёлворибди.

Журка унга жавобан шундай дебди:

— Сенинг мамлакатингда бир қаср бор. Уша қасрда бир гўзал қирол қизи яшайди. У хўжайинимизнинг сеҳрли узугини ўғирлаб кетган. Агар ўша узукни олиб беролмасанг ўзингни ҳам, подшолигингни ҳам ер билан яксон қиламиз. Биронта ҳам жониворни тирик қўймаймиз!

— Тўхтанглар,— дебди сичқонлар подшоси,— мен фуқароларимни чақиртириб суриштириб кўрай-чи.

У ўша топдаёқ каттадан-кичик ҳамма сичқонни чақиртирибди-да, саройга, қирол қизининг ёнига кириб сеҳрли узукни олиб чиқадиغان азамат борми,— деб сўрабди. Битта митти сичқон ўртага чиқибди:

— Мен,— дебди у,— саройга тез-тез бориб тураман: қирол қизи кундузлари узукни жимжилоғида тақиб юради, кечалари оғзига солиб ётади.

— Шунга олиб келишга ҳаракат қил! Олиб келолсанг шоҳона совғалар оласан.

Сичқонбой тун бўлишини кутибди-да, саройга кирибди. Кейин секин-аста уйга бош суқиб қараса, қиролича қаттиқ уйқуда ётганмиш. У эмаклаб қирол қизининг тўшаги устига чиқибди,

унинг бурнига думини тиқиб ликиллаибди. Қиролича бурни қичиб, аксириб юборган экан, узук оғзидан учиб бориб гиламга тушибди. Сичқонбой дарров ўзини каравотдан отиб, узукни тишлабди-да, уни подшога элтибди. Сичқонлар подшоҳи узукни қудратли паҳлавонлар Бароқ билан Журкага топширибди. Улар подшога миннатдорчилик билдиришиб, узукни ким яхши сақлай олади, деган маслаҳат қилишибди.

— Менга бера қол,— дебди шунда Бароқ,— мен ҳечам йўқотмайман.

— Хўп, майли,— дебди Журка,— эҳтиёт бўл, кўз қорачингдек сақла.

Мушук узукни оғзига солиб олибди, кейин улар орқаларига қайтишибди.

Улар денгиз бўйига етиб боришгандан кейин Бароқ Журканинг устига чиқиб, унга иложи борича маҳкам ёпишиб олибди. Журка сувга тушиб сузиб кетибди. Орадан бирмунча вақт ўтибди, шунда қаёқдандир бир қора қарга учиб келиб, Бароқнинг боши устида айланиб, уни чўқийверибди. Бечора мушук нима қиларини, ўзини қандай ҳимоя этишни билмасмиш. Борди-ю, кўлини ишга солса, сувга йиқилиб чўкиб кетади, ижирганиб қаргага тишларини кўрсатай деса узукни йўқотиб қўяди. У анчагача тишини-тишига қўйиб келибди-ю, охири сабри тугабди. Қарга чўқийвериб бечоранинг бошини қонатиб юборибди, шунда Бароқнинг жаҳли чиқиб, қаргани тишламоқчи бўлган экан, узук денгизга тушиб кетибди. Қора қарга эса тепага кўтарилиб, қалин ўрмонга учиб кетибди.

Журка дарё қирғоғига чиқиши билан узукни сўрабди. Бароқ бўлса бошини қуйи солиб турганмиш.

— Кечир мени, ошнам,— дебди у,— олдинда гуноҳкорман, узукни сувга тушириб юбордим.

Шунда Журка оғзига келган гапни қайтармай уни ҳақорат қила бошлабди.

— Эҳ, лаънати, меров. Яхши ҳам олдинроқ билмаганим, бўлмаса тўғри денгизга чўктириб юборардим! Энди хўжайинимизнинг олдига қайси юзимиз билан борамиз? Ҳозир сувга тушиб ё узукни топиб чиқ, ёки ўзинг ҳам даф бўл!

— Даф бўлиб кетганимнинг нима фойдаси бор? Яхшиси яна бир ҳийла қила қолайлик: худди сичқонлардақа қилиб энди қисқичбақалар овлайлик, балки улар узукни топишимиз учун ёрдам беришар.

Журка бу гапга кўнибди. Улар денгиз бўйида юриб қисқичбақаларни бўға бошлашибди, ўлганларини тўплаб бир ерга уяверишибди. Шундай қилиб улар каттакон уюм қилишибди. Шу вақтда сувдан ҳаво олиб, ҳордиқ чиқаргани бир улкан қисқичбақа чиқиб қолибди. Журка билан Бароқ унга баб-баравар ташланиб, ушлаб олишган экан, у бечора жон-жаҳди билан талпиниб:

— Мени ўлдирманглар, эй баҳодир паҳлавонлар, мен қисқичбақаларнинг подшоси бўламан: нимаики буюрсанглар, бажонидил бажараман,— деб ялиниб-ёлворибди.

— Денгизга узугимизни тушириб юбордик. Ушани қидириб топиб берсанг берганинг, бўлмаса бутун подшолигингни остинустун қилиб ташлаймиз.

Қисқичбақалар подшоси шу дамдаёқ бутун фуқароларини чақиртириб узукни суриштирибди. Битта кичкинагина қисқичбақа ўрнидан турибди-да:

— Узукнинг қаердалигини мен биламан,— дебди. — Узук денгизга тушиши билан бир туя балиқ уни ютиб юборган, бунни ўз кўзим билан кўрганман.

Шунда ҳамма қисқичбақалар туя балиқни қидириб кетишибди. Улар балиқни топишиб жон-ҳолига қўймай ҳар томондан қисқичлари билан чимчилашаверишибди. Туя балиқ қаёққа бормасин, қисқичбақалар унинг орқасидан қолишмабди, у бечорага бир дам ҳам тинчлик беришмабди. Балиқ уёқдан-буёққа айланавериб, охири сакраб қирғоққа чиқиб кетибди. Қисқичбақалар подшоси ҳам дарров қирғоққа чиқиб Журка билан Бароққа:

— Эй қудратли паҳлавонлар, узукларингизни ютиб юборган балиқ олдиларингизга чиқди. Уни аяб-нетиб ўтирмай, бурда-бурда қилиб ташланглар,— дебди.

Журка балиқнинг дум томонидан ея бошлабди.

— Зап иш бўлди-да,— деб ўйлабди у,— роса тўйиб овқатланамиз энди! — Қув Бароқ узукни қаерда туришига ақли етибди-да, балиқнинг қорнини ёриб ичак-чавоғини чиқарибди. Кейин фурсатни қўлдан бой бермай, узукни оғзига солибди-ю, оёғини қўлига олиб қочиб қолибди.

«Хўжайинимнинг ёнига илгарироқ бориб унга узукни берман-да, бутун ишни ёлғиз ўзим қилдим, дейман, шундан кейин хўжайин Журкадан кўра мени кўпроқ эркалатади», деб ўйлабди у.

Журка қорнини тўйғазиб бундай қараса мушук йўқ. У дарров ўртоғининг нияти бузилганлиги, хўжайинга ёлғон-яшиқ гаплар билан ўзини яхши кўрсатмоқчи бўлганини сезибди.

«Мени лақиллатмоқчи бўпсан-да, Бароқ! Етиб олсам дабдалангни чиқариб ташлайман».

Журка Бароқни қувлаб кетибди. Югура-югура охири унга етиб олибди-да, худди еб қўядигандек дўқ урибди. Бароқ ўтақаси ёрилиб яланглиқда қад кўтариб турган қайин дарахтини кўриб қолибди-ю, унинг учига чиқиб ўтириб олибди.

— Ҳа, майли,— дебди Журка,— бир умр дарахтнинг устида ўтиролмайсан-ку, ахир пастга тушасан, мен бўлсам дарахт тагидан бир қадам ҳам жилмай, пойлаб ўтираман.

Бароқ дарахтнинг устидан тушмай уч кун ўтирибди. Журка



ҳам пастда ҳақ деб уч кунгача кутибди. Охири икковларининг ҳам қоринлари очиб, ярашишга жазм қилишибди.

Улар ярашибди-да, биргалиқда хўжайинларининг ёнига қараб йўл олишибди. Минорага етиб келишгандан кейин Бароқ дарчага чиқибди-да:

— Хўжайин, соғ-саломатмисан? — деб сўрабди.

— Салом, Бароқвой! Мен энди сизлар қайтиб келмассизлар деб ўтирган эдим. Уч кундан бери очман.

Мушук унга сеҳрли узукни берибди. Мартинка қоронги тушишни кутибди-да, кейин узукни у кафтидан бу кафтига иргитган экан, ўн иккита баҳодир йигит пайдо бўлиб қолибди.

— Тила тилагингни, нима хоҳлайсан?

— Оғайнилар, ўша илгариги саройимни ҳам, биллур кўприкни ҳам, беш гумбазлик ибодатхонани ҳам жой-жойига ўрнаштириб қўйинглар-да, бевафо хотинимни олиб келиб беринглар. Эрталабгача ҳаммаси тайёр бўлсин.

Эрталаб айтганларининг барчаси муҳайё бўлибди. Қирол эрталаб болохона айвонига чиқиб дурбин билан қараса, илгариги кулбанинг ўрнида катта қаср турганмиш, у ердан қиролнинг саройигача биллур кўприк бор эмиш, кўприкнинг икки томонига олтин ва кумуш олма дарактлар экилганмиш.

Қирол от-арава тайёрлашни буюрибди, кейин: «Булар ростдан ҳам илгариги аслига келдими ёки кўзимга шундақа бўлиб кўриндими?» - деб ўйлаб, анигини билиб келгани борибди.

Мартинка унга пешвоз чиқиб кутиб олибди-да, қўлтиқлаб ўзининг нақшинкор қасрига олиб кириб бошидан ўтганларни бирма-бир гапириб берибди, қизингиз бошимга шундай кулфатларни солди, дебди.

Қирол қизини ўлимга буюрибди. Унинг буйруғи билан бевафо хотинни ёввойи отнинг думига боғлаб, дала-даштга қўйиб юборишибди. От ўқдек учиб, жарликлардан, саҳролардан ўтибди, хотиннинг танаси қийма-қийма бўлиб кетибди. Мартинка эса мурод-мақсадига етибди.



## ЭЧКИ КҮМИШ МАРОСИМИ

ор экан-да, йўқ экан, бир чол билан кампир бўлган экан. Улар фарзандсиз бўлиб, пешоналарида биттаю битта эчкилари бор экан. Чолнинг қўлидан фақат чипта кавуш тўқиш келар, улар шуни сотиб кун кечирар эканлар.

Чол қаёққа борса, эчки ҳам унинг кетидан эргашар, унга жуда ўрганиб қолган экан. Кунларнинг бирида чол ўрмонга йўл олган экан, эчки ҳам унинг ортидан жўнабди.

Чол ўрмонга келиб пўстлоқ шилишга киришибди, эчки бўлса

ўтлаб кетибди. Ҳтлаб юрганида оёғи бирдан юмшоқ жойга ботиб кетибди. Ҳша ерни ковласа бир хум олтин чиқиб қолибди.

Эчкининг қилиғини кўриб, унинг ёнига келган чол олтинга кўзи тушибди-ю, ўзида йўқ қувониб, пўстлоқларни четга улоқтирибди. Сўнг олтинни олиб уйига келибди ва воқеани кампирига сўзлаб берибди.

— Ана чол, — дебди кампир, — бу хазина иккимизнинг камбағалчиликда торган азобларимиз учун топилган. Энди қариганимизда хўп роҳат қилиб яшайдиган бўлдик-да.

Йўқ, кампир, — дебди чол, — бу тиллаларни биз эмас, эчки тонди, энди ўзимиздан ҳам кўра кўпроқ уни авайлашимиз лозим.

Улар эчкидан айланиб-ўргилиб парвариш қила бошлашибди, ўзлари ҳам яхши турмуш кечиришибди. Чол чипта кавуш тўқишни ҳам унутиб юборибди. Чолу кампир ғам-ташвишсиз кун кечираверишибди.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин эчки касалга чалиниб ўлиб қолибди. Чол-кампир уни нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлашибди.

Итларга ташласак гуноҳга ботамиз. Нега деганда эчки туфайли бой бўлдик. Яхшиси мен поининг ёнига борай-да, уни одамдай кўмишга рухсат сўрай.

Чол отланиб поининг ёнига борибди-да, таъзим қилиб:

— Салом, отахон, — дебди.

Салом, чироғим! Хўш, хизмат?

Шуцдай, отахон, даргоҳингизга бир илтимос билан келдим. Хонадонимизда бир бахтсизлик рўй берди, эчкимиз ўлиб қолди. Кўмиш маросимига чақиргани келган эдим.

Бу гапни эшитган поп тутатиб кетиб, унинг соқолидан маҳкам ушлабди-да, уйда гир айлантира бошлабди.

— О, бадбахт! Уйлаб топган гапингни қара-я! Сассиқ эчкини кўмармиш-а!..

— Отахон, у жуда ғалати эчки эди-да, одамлардек васият қилиб, сизга икки юз сўм бериб қўйишимни айтиб кетган.

Э, ачиган чол! — дебди поп, — аввалроқ қаерда эдинг, сени эчки кўмишга чақирганинг учун ураётганим йўқ, унинг вафот этганлиги ҳақида вақтлироқ хабар бермаганинг учун уряпман, эҳтимол, ўлганига анча вақт бўлиб қолгандир.

Поп чолдан икки юз сўмни олгач:

Қани, югурганча дьяконнинг ёнига югур, тайёргарлик кўриб турсин, ҳозир эчкини кўмгани борамиз, — дебди.

Чол дьяконнинг ёнига келиб:

Отахон, сизни бир оз безовта қиладиган бўлдим, ўлик чиқармоқчимиз, бизникага борсангиз, — дебди.

Киминг вафот этди?

Ҳша ўзингиз кўрган эчким ўлиб қолди!

Бу гапни эшитган дьякон бечоранинг қулоқ-чаккасига шапа-лоқ тортиб юборибди!

— Отахон, мени урманг,— дебди чол,— ахир у жуда ғалати эчки эди, ўлаётган пайтида одамлардек васият қилиб, сизга юз сўм бериб қўйишимни айтиб кетган.

— Эй нодон, ачиган чол,— дебди дьякон,— ахир нега унинг вафоти ҳақида вақтлироқ хабар қилмадинг? Қани, энди дьячокнинг ёнига югур.

Чол дьячокнинг ёнига келиб:

— Эчкига жаноза ўқиб берсанг деб келган эдим,— дебди. Бу гапни эшитган дьячокнинг жаҳли чиқиб, чолнинг соқолидан торта бошлабди. Чол бўлса:

— Соқолимни қўйиб юбор, биродар, ахир у чакана эчкилардан эмас эди, ўлиш олдидан сенга эллик сўм васият қилиб кетди,— дебди.

— Эй аҳмоқ, бўлмаса нега бунақа ивирсиб юрибсан? Тезроқ келиб айтсанг ўлармидинг? Мен жанозага одам тўплардим.

Дьячок шу заҳоти бутхонанинг қўнғироқларини жаранглатиб юборибди.

Поп билан дьякон чолни келиб, эчкини қўмишга тайёрлик кўришибди. Уни тобутга солиб мазорга олиб боришибдида, қўмишибди.

Бу ҳангома черков қавми ўртасида гап бўлиб, охири олий кашиш — архиерейнинг қулоғига бориб етибди. Архиерей поп билан чолга жазо бериш учун уларни ўз ёнига чақиртирибди.

— Эчкига жаноза ўқишни ким чиқарди, имонсизлар!

— Ахир, бу эчки жайдари эчкилардан эмас эди. У ўлиш олдида сиз жанобларига минг сўм васият қилиб кетди.

— Эй эсини еган чол! Мен сени эчки қўмганинг учун эмас, уни тириклик вақтида яхшилаб боқмаганинг учун уришяпман!

У минг сўмни олиб, чол билан попни уй-уйларига жўнатиб юборибди.





## МАРЬЯ МОРЕВНА

ор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, узоқ бир мамлакатда Иван деган бир шаҳзода ўтган экан. Унинг учта синглиси бўлиб, каттасини Марья, ўртанчасини Ольга, кичигини Анна дер эканлар.

Ота-оналари дунёдан ўтар чоғларида Иванга:

— Сингилларингга ким биринчи совчи қўйса, йўқ демай, ўшанга бер, узоқ сақлаб турма, — деб васият қилишган экан.

Шаҳзода ота-онасини кўмибди-да, ғам-ғуссага ботиб сингилларини олиб, яшил боққа сайр қилгани кетибди.

Тўсатдан осмону фалакни қора булут қоплаб олиб, қаттиқ момақалди роқ қалдирабди.

— Юринглар, уйга кетамиз, сингилларим, — дебди шаҳзода Иван.

Улар саройга етиб келишлари билан осмон шундай қаттиқ гумбурлабдики, уйларининг шипи қоқ иккига ажралиб кетибди-да, ичкарига бир лочин учиб кирибди. Бир думалаб, ажойиб паҳлавон йигитга айланиб:

— Салом, шаҳзода Иван, мен илгарилари меҳмон сифатида келардим, энди эса совчи бўлиб келдим. Синглинг Марьяга уйланмоқчиман, — дебди.

Шаҳзода бундай жавоб берибди:

— Синглимни яхши кўрсанг, мен унинг қўлидан ушламайман — кетаверсин!

Марья бунга кўнибди. Лочин уни ўз мамлакатига олиб кетибди.

Ҳаш-паш дегунча орадан бир йил ўтибди. Шаҳзода Иван икки синглисини олиб, сайр қилиб келгани яшил боққа кетибди. Бирдан осмонни яна қора булут қоплаб, қуюн кўтарилиб, чақмоқ чақибди.

— Юринглар, сингилларим, уйга кетдик, — дебди шаҳзода.

Улар саройга киришлари билан момақалди роқ қаттиқ гумбурлаб, томни учуриб юборибди, уйнинг шипи иккига ажралиб кетибди-да, ичкарига бир бургут учиб кирибди. Бир думалаб, ажойиб паҳлавон йигитга айланиб:

— Салом, шаҳзода Иван, мен илгарилари меҳмон сифатида келардим, энди эса ўртанча синглингга совчи бўлиб келдим, — дебди.

У шундай деб Ольгага уйланмоқчилигини айтибди.

Шаҳзода:

— Агар Ольгани яхши кўрсанг, ола қол, ихтиёри ўзида, сенга турмушга чиқишни хоҳласа чиқаверсин, — деб жавоб берибди. Ольга ҳам бунга кўнибди, бургутга турмушга чиқибди.

Бургут уни мамлакатига олиб кетибди.

Орадан яна бир йил ўтибди. Шаҳзода Иван кичик синг-  
лисига:

— Юр, синглим, яшил боққа бориб, бир айланиб келайлик, —  
дебди.

Улар боққа кириб, бир оз сайр қилишган экан, яна осмонни  
қора булут босиб, қуюн кўтарилиб, чақмоқ чақибди.

— Қайтамиз, синглим! — дебди шаҳзода.

Улар уйга қайтишибди, ҳали ўтирмаслариданоқ момақалди-  
роқ гумбурлаб, уйнинг шипини иккига ажратиб юборибди-да,  
ичкарига бир қарға учиб кирибди. Қарға бир думалаб, ажойиб  
пахлавон йигитга айланибди. Буниси илгаригилардан ҳам яхши  
экан. У тилга кириб:

— Гап бундай, шаҳзода Иван, мен авваллари меҳмон сифа-  
тида келардим, энди эса совчи бўлиб келдим, менга Аннани  
бер, — дебди.

— Синглимнинг ихтиёри ўзида, агар уни яхши кўрсанг,  
майли, сенга тега қолсин, — деб жавоб берибди шаҳзода.

Анна қарғага турмушга чиқибди, у Аннани ўз мамлакатига  
олиб кетибди.

Шаҳзода Иваннинг ёлғиз ўзи қолибди. Роса бир йил ёлғиз  
яшабди, сингилларини жуда соғинибди.

Бир куни у:

— Сингилларимни бир қидириб келай, — деб сафарга чиқиб-  
ди. Йўл юриб, юрса ҳам мўл юриб, бир жойга етиб келибди,  
қараса, лак-лак лашкар қирилиб ётганмиш.

Шаҳзода Иван:

— Бу ерда тирик одам бўлса, айтсин, шундай каттакон  
қўшинни ким қириб ташлади? — деб сўрабди.

Унинг саволига тирик қолган бир одам жавоб берибди:

— Бу катта қўшинни гўзал малика Марья Моревна қириб  
ташлади.

Каттакон бир қўшиндан фақат шу одам тирик қолган экан.

Шаҳзода Иван юриб-юриб оқ чодирга дуч келиб, унинг  
олдига гўзал малика Марья Моревна пешвоз чиқибди-да:

— Салом, шаҳзода, йўл бўлсин, ўз ихтиёринг билан юриб-  
санми ёки бировнинг амри биланми? — деб сўрабди.

Шаҳзода Иван:

— Баҳодир йигит бировнинг амри билан иш қилмайди, — деб  
жавоб берибди.

— Агар ишинг тиғиз бўлмаса, бир кеча чодиримда тунаб,  
меҳмон бўлиб кет.

Шаҳзода Иван хурсанд бўлиб кетибди: чодирда икки кеча  
тунабди. У Марья Моревнани яхши кўриб қолиб, унга уйла-  
нибди.

Гўзал малика Марья Моревна уни мамлакатига олиб кетибди: анча вақт бирга яшашибди: бир куни малика тўсатдан урушга жўнайдиган бўлиб қолибди. У ўзининг бутун давлатини шаҳзода Иванга топшириб, кетар чоғида:

— Барча нарсаларга кўз-қулоқ бўлиб юр, лекин мана бу омборчага зинҳор қарай кўрма,— деб тайинлабди.

Шаҳзода юраги тошиб Марья Моревна жўнаб кетиши билан омборчага югурибди: эшикни очиб қараса, Улмас Кошчей ётганмиш, у ўн икки қават занжир билан боғлаб ташланганмиш.

Кошчей шаҳзода Иванга:

— Раҳм қил менга, сув бер, бу ерда ўн йилдан бери азоб чекман, на овқат, на сув кўраман, сувсизликдан томоқларим қуриб кетди,— деб илтижо қилибди.

Шаҳзаданинг раҳми келиб унга бир челак сув берибди; Кошчей сувни ичиб:

— Бир челак сув билан чанқоғим босилмайди, яна бер,— деб ёлворибди.

Шаҳзода яна бир челак сув берибди. Кошчей ичиб бўлиб, яна сўрабди, шаҳзода яна бир челак сув берибди, у учинчи челак сувни ичиб олиб, ўзининг илгариги кучига келибди ва бир силтаб ўн икки қават занжирни шартта узиб юборибди. Сўнгра Улмас Кошчей:

— Раҳмат, шаҳзода Иван, энди сен ўз қулоғингни кўролмаганингдай, Марья Моревнани ҳам бир умр кўролмайсан,— дебди-да, деразадан қуюндай учиб чиқиб кетибди. Ҳаш-паш дегунча гўзал малика Марья Моревнага етиб олиб, уни тутибди-да, уйига олиб кетибди.

Шаҳзода Иван бўлса аччиқ-аччиқ йиғлаб:

— Нима бўлса ҳамки, Марья Моревнани топмасдан қўймайман!— деб шайланибди-да, йўлга тушибди.

Орадан бир кун ўтибди, икки кун ўтибди, учинчи кун эрталаб ажойиб бир саройни кўрибди. Сарой ичидаги бир туп эман дарахти устида лочин ўтирганмиш. Лочин учиб тушибди-да, бир думалаб, ажойиб баҳодир йигит бўлиб қолибди ва шаҳзода Иванни кўриб:

— Оҳ, меҳрибон қайнағагинам!— деб қичқириб юборибди.

Синглиси Марья югуриб чиқиб, акасини қувониб қарши олибди, соғ-саломатлигини сўрабди, ўзининг юриш-турмушидан гапирибди. Шаҳзода уларникида уч кун меҳмон бўлибди, кейин:

— Бундан ортиқ туролмайман, хотиним гўзал малика Марья-ни излаб кетяпман,— дебди.

— Уни топишинг қийин,— дебди лочин,— ҳар эҳтимолга қарши, кумуш қошиғингни қолдириб кет: сени ўйлаганимизда ана шунга қараб қўямиз.

Шаҳзода Иван лочинларникида кумуш қошиғини қолдириб, ўзи йўлга равона бўлибди.

У бир кун йўл юрибди. Икки кун йўл юрибди, учинчи кун эрталаб яна бир саройни кўрибди, бу аввалгисидан ҳам ажойиб эмиш: сарой олдидаги бир туп эман устида бургут қўниб турган эмиш.

Бургут дарахтдан учиб тушиб, бир думалабди-да, ажойиб паҳлавон йигитга айланиб:

— Урнингдан тур, Ольга, азиз акамиз келди! — деб қичқирибди.

Ольга дарров югуриб чиқибди, акасини қучоқлаб ўпибди, тани соғлиғини сўрабди, ўзининг туриш-турмушидан гапириб берибди. Шаҳзода Иван уларникида уч кун меҳмон бўлиб турибди, кейин:

— Ортиқ туropolмайман, вақт зик, мен хотиним гўзал малика Марья Моревнани қидириб кетяпман, — дебди.

Бургут унга бундай дебди:

— Уни топишинг қийин; бизникида кумуш санчқингни қолдириб кет: эсимизга тушганингда, унга қараб қўямиз.

У кумуш санчқисини қолдириб, йўлга тушибди.

Бир кун юрибди, икки кун юрибди, учинчи кун эрталаб ажойиб бир сарой кўрибди, бу аввалги иккита саройдан ҳам ҳашаматли эмиш: сарой олдидаги бир туп эман устида қарға ўтирганмиш.

Қарға шаҳзодани кўрган заҳоти дарахтдан учиб тушибди-да, бир думалаб ажойиб паҳлавон йигитга айланиб:

— Анна, тез чиқ, акамиз келди! — деб қичқирибди.

Анна югуриб чиқиб, акасини севиниб қарши олибди, уни ўпиб қучоқлабди, соғлиғини сўрабди, ўзининг турмушидан гапириб берибди.

Шаҳзода Иван уларникида уч кун меҳмон бўлиб турибди, сўнг:

— Яхши қолинглар, мен хотиним гўзал малика Марья Моревнани излаб кетяпман, — дебди.

Қарға:

— Уни топишинг қийин; бизникида кумуш тамакидонингни қолдириб кет: унга қараб сени кўргандек бўламиз, — деб айтибди.

Шаҳзода унга кумуш тамакидонини бериб, хайрлашиб, йўлига кетибди.

Бир кун йўл юрибди, икки кун йўл юрибди, учинчи кун деганда Марья Моревнани топибди.

Гўзал Марья азиз ёрини кўриб, ўзини унинг бўйнига ташлабди, сўнгра кўзёши тўкиб бундай дебди:

— Эҳ, шаҳзода Иван, нега гапимга кирмадинг, омборга қарамаганингда Улмас Кошчей чиқиб кетмаган бўларди.

— Марья Моревна, кечир мени, ўтган гапни эслама, яхшиси

Улмас Кошчей келмасдан қочиб қолайлик: зора қутилиб кетсак, дебди.

Сафар тайёрлигини кўриб, жўнаб қолишибди. Кошчей овда экан: кечқурун уйига қайтиб келаётганида тагидаги оти ҳадеб қоқилаверибди.

— Нега қоқиласан, ҳаром ўлгур қирчанғи? Бирон фалокатни сезяпсанми? — деб отини койибди у.

Оти бўлса:

— Шаҳзода Иваң келиб, Марья Моревнани олиб кетди, — деб жавоб берибди.

— Уларга етиб олиш мумкинми? — деб сўрабди Кошчей.

— Бемалол. Буғдой экиб, у униб чиқиб бош тортгунча кутиб, ўриб-янчиб, тегирмонда тортиб, беш тандир нон ёпиб, уни еб бўлиб йўлга чиққаннимизда ҳам қувиб ета оламиз, — дебди оти.

Кошчей от чоптириб, шаҳзода Иван кетидан қувиб етибди да:

— Майли, яхшилик қилиб сув берганинг учун биринчи марта кечираман, иккинчи марта ҳам кечираман, лекин учинчи марта эҳтиёт бўл, нақ гўштингни бурда-бурда қилиб ташлайман, — дебди.

У Марья Моревнани тортиб олиб, уйига жўнабди. Шаҳзода Иван бўлса тош устида ўтириб, йиғлаб-йиғлаб қолаверибди.

Йиғлаб-йиғлаб Марья Моревнани олиб қочиш учун яна орқасига қайтибди. Шаҳзода келганда Кошчей йўқ экан.

— Кетамиз, Марья Моревна, — дебди у.

— Эҳ, шаҳзода Иван, у барибир қувиб етади, — дебди Марья Моревна.

— Майли, жиллақурса бир-икки соат бирга бўламиз-ку! — дебди шаҳзода.

Улар ҳаш-паш дегунча ҳозирлик кўриб, жўнаб қолишибди.

Улмас Кошчей уйига қайтаётса, оти яна ҳадеб қоқилармиш.

— Нега қоқиласан, ҳаром ўлгур қирчанғи? Бирон фалокатни сезяпсанми? — деб отини койибди.

— Шаҳзода Иван келиб, Марья Моревнани олиб кетди, — дебди оти.

— Уларни қувиб етиш мумкинми?

— Мумкин, ерга арпа экиб, ўстириб, уни ўриб-янчиб, пиво қайнатиб, пиво тайёр бўлгач, йиқилиб қолгунча ичиб, тўйгунча ухлаб, сўнг орқасидан қувсак ҳам бемалол етиб оламиз, — дебди.

Кошчей от чоптириб кетибди. Шаҳзодани қувиб етибди ва унга:

— Мен сенга ўз қулоғингни кўрмаганингдек, Марья Моревнани ҳам кўролмайсан, деб айтган эдим-ку, — дебди.

У Марья Моревнани тортиб олиб, уйига жўнабди.



Шаҳзода Иван ҳўнг-ҳўнг йиғлаб қолаверибди, сўнг яна Марья Моревнанинг кетидан йўлга тушибди, у етиб борса, Кошчей йўқ экан.

— Кетдик, Марья Моревна, — дебди.

— Оҳ, шаҳзода Иван, у барибир етиб олиб, сени қийма-қийма қилиб ташлайди! — дебди гўзал Марья.

— Қиймалаб ташласа ҳам майли, мен сенсиз яшай олмайман!

Улар сафар ҳозирлигини кўриб жўнаб қолишибди. Улмас Кошчей уйга қайтаётганида оти тагин қоқилаверибди.

— Нега қоқиласан? Бирон фалокатни сезяпсанми? — деб отини койибди.

— Шаҳзода Иван келиб, яна Марья Моревнани олиб кетди, — дебди от.

Кошчей от чоптириб, тезда шаҳзода Иванни қувиб етибди-да, уни қийма-қийма қилиб, қорамойли бочкага солибди, сўнгра бочкани темир ҳалқалар билан ўраб маҳкамлаб, Кўк денгизга итқитиб юборибди. Марья Моревнани эса уйига олиб кетибди.

Шунда шаҳзода куёвлариникида қолдириб кетган кумуш нарсалар бирдан қорайиб қолибди.

— Эвоҳ, шаҳзоданинг бошига бир фалокат тушганга ўхшайди! — дейишибди улар.

Бургут ўзини Кўк денгизга ташлабди-да, бочкани топиб, соҳилга олиб чиқибди.

Лочин обиҳаёт суви олиб келгани жўнабди, қарға бўлса шифобахш сувга кетибди.

Уларнинг уччаси бир жойга учиб боришибди-да, бочкани ёриб, ичидан шаҳзода Иваннинг қиймаланган танасини олишибди, уни ювиб-тозалаб бир жойга йиғишибди.

Қарға шифобахш сув сепган экан, тана ўсиб, бир-бирига қўшилиб кетибди. Лочин обиҳаёт сувидан сепган экан, шаҳзода Иван сесканиб, ўрnidан турибди-да:

— Эҳ, узоқ вақт ухлабман! — дебди.

— Биз келмаганимизда бир умр ухлардинг, — деб жавоб беришибди куёвлари. — Бизникига юр, меҳмон бўлиб кетасан.

— Йўқ, биродарлар, мен Марья Моревнани ахтариб кетман, — дебди шаҳзода.

Шаҳзода Марья Моревнанинг олдига келиб, ундан:

— Улмас Кошчейдан сўраб бил-чи, бунақа учқур отни у қаёқдан олган экан, — деб илтимос қилибди.

Марья Моревна қулай пайт топиб, Кошчейдан отингни қаёқдан олгансан, деб сўраб уни ҳол-жонига қўймабди. Шунда Кошчей ноилож айтибди:

— Узоқ бир мамлакатда ёнар дарё бор, ана шу дарёнинг нарёғида бир ялмоғиз кампир яшайди. Унинг бир бияси бор, шу бия билан ҳар куни дунёни кезиб чиқади. Унинг бошқа ажойиб

биялари ҳам бор. Мен ўша кампирникида уч кун отбоқар бўлганман, шу уч кун ичида биронта бияни ҳам йўқотмаганман, шу хизматим учун ялмоғиз кампир менга бир той берган. Ҳозирги отим ўша той.

— Ёнар дарёдан қандай қилиб ўтгансан?

— Бир рўмолчам бор... уни ўнг томонимда уч марта силкитсам, дарё четида ниҳоятда баланд кўприк пайдо бўлади, унга олов ҳам етмайди.

Марья Моревна бу гапларни оқизмай-томизмай шаҳзода Иванга етказибди.

Рўмолчани бир амаллаб ўғирлаб олиб, шаҳзодага берибди.

Шаҳзода Иван ёнар дарёдан ўтиб, ялмоғиз кампир олдига жўнабди. У оч-наҳор йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Кетаверса олдидан бир қушнинг уяси чиқибди, шаҳзода Иван она қушга:

— Битта болангни ейман, — дебди.

Она қуш:

— Боламни еб нима барака топасан, шаҳзода Иван, ундан кўра емай қўя қол, бир кун мен ҳам кунингга яраб қоларман, — деб ёлворибди.

Шаҳзода хўп деб, яна йўлида кетаверибди: ўрмонга кирса, олдидан асалари уяси чиқибди.

— Бир оз асал олай, — дебди у.

— Асалимни олиб нима барака топасан, шаҳзода Иван, вақти келиб бир кунингга яраб қоларман, — деб жавоб берибди ариларнинг подшоши.

Шаҳзода асалга қўл урмай, яна йўлида давом этаверибди: кетаверса, олдидан бир урғочи шер боласи билан чиқиб қолибди.

— Ҳеч бўлмаса шер боласини ей: қорним очиб, жуда кўнглим айниб кетяпти.

— Тегма, шаҳзода Иван, бир кун мен ҳам кунингга яраб қоларман, — деб илтимос қилибди она шер.

— Майли, сенинг айтганингча бўла қолсин! — деб шаҳзода оч кетаверибди. Юриб-юриб, охири ялмоғиз кампирнинг уйига етиб борибди: уй ўн иккита хода билан ўралган эмиш, шундан ўн биттасига одамнинг калласи илинган-у, фақат биттаси бўш эмиш.

— Ассалому алайкум, она! — дебди шаҳзода.

— Ваалайкум ассалом, шаҳзода Иван! Уз ихтиёринг билан келдингми ёки мажбуранми?

— Хизматингни қилиб, учқур отингдан олгани келдим, — деб жавоб берибди шаҳзода.

— Майли, шаҳзода, меникида бир йил эмас, атиги уч кун хизмат қилсанг бас. Агар бияларимни боқсанг, сенга учқур отимни бераман, агар боқолмасанг, унда ўзингдан кўр, каллангни охирги ходага иламан.

Шаҳзода Иван рози бўлибди. Ялмоғиз кампир уни едириб-ичириб, кейин ишга киришишни буюрибди.

У бияларни далага ҳайдаб чиққан экан, биялар думларини хода қилиб ўт қидириб дайдиб кетибди, шаҳзода бундай қараса, биялар йўқмиш.

У ағрайганча хафа бўлиб, йиғлаб қолаверибди, сўнг тош устига ўтириб, уйқуга кетибди.

Кун ботар пайтида олдига йўлда кўрган қуши учиб келиб:

— Ўрнингдан тур, шаҳзода Иван, ҳозир бияларингнинг ҳаммаси уйда, — деб уйғотибди.

Шаҳзода ўрнидан ирғиб туриб, уйга жўнабди. У уйга келса, ялмоғиз кампир ҳадеб бияларига:

— Нега уйга қайтиб келдинглар? — деб бақириб-чақириб ётганмиш.

Биялар бўлса:

— Нима қилайлик ахир! Ҳар томондан қушлар дув ўраб олиб, нақ кўзларимизни ўйиб олишига оз қолди-ку! — дейишармиш.

— Ундай бўлса, эртага Кўк денгизга кетиб қолинглар! — дебди ялмоғиз кампир.

Шаҳзода Иван яна бир кеча ухлаб турибди: эрталаб уни ялмоғиз кампир яна бия боқишга юборибди.

— Агар боқиб келмасанг, бошинг хомага осилади. — У бияларни далага ҳайдаб чиқибди. Биялар думларини хода қилиб, кўз очиб юмгунча ғойиб бўлибди ва Кўк денгизга қараб чопиб кетибди: ҳаммаси денгизга тушиб, бўйнигача сувга кириб турганмиш.

Шаҳзода Иван тош устига ўтириб, йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибди. Офтоб ўрмон орқасига оққан пайтда асалари учиб келиб:

— Тур, шаҳзода, бияларнинг ҳаммаси тўпланган, уйга боргач ялмоғиз кампирнинг кўзига кўринма, отхонага кириб, охур орқасига яшириниб ёт. У ерда бир қўтир той бор, гўнгда ағнаб ётибди: уни олиб ярим кечада жўнаб қол, — дебди.

Шаҳзода Иван ўрнидан туриб, отхонага етиб келибди-да, охурларнинг орқасига ўтиб яшириниб ётибди. Ялмоғиз кампир:

— Нега қайтиб келдинглар? — деб бияларига бақириб-чақирармиш. Биялар бўлса:

— Нима қилайлик, ахир! Ҳар томондан сон-саноксиз арилар учиб келиб, талаб, баданимизни чақаверди, — дейишармиш.

Ялмоғиз кампир маст уйқуда ётганида шаҳзода Иван ярим кечада турибди-да, қўтир отни эгарлаб, тўғри ёнар дарёга қараб қочиб қолибди. Дарёга етгач, рўмолчани ўнг томонида уч марта силкитган экан, дарё устида ажойиб бир кўприк пайдо бўлиб қолибди.

Шаҳзода кўприкдан ўтиб, рўмолчани сўл томонида икки

марта силкитган экан, дарёда қил кўприк пайдо бўлиб қолибди.

Ялмоғиз кампир эрталаб туриб қараса, қўтир тойи кўринмас эмиш! Шунда шаҳзода Иванни қувиб кетибди. Отини қамчилаб, қуондай учибди.

Ёнар дарёга югуриб бориб, бундай қарабди-да: «Роса яхши кўприк эканми»,— деб ўйлаб кўприкнинг ўртасига борган экан, кўприк синиб кетиб, ялмоғиз кампир дарёга қулаб тушибди; шу ерда шафқатсиз ажалга гирифторм бўлибди.

Шаҳзода Иван тойни кўм-кўк ўтлоқзорларда боқибди, у ажойиб от бўлиб етишибди.

Сўнгра Марья Моревнанинг олдига келибди. Гўзал Марья югуриб чиқиб, ўзини шаҳзоданинг бўйнига ташлабди.

— Улимдан қандай қутулиб келдинг? — дебди у.

Шаҳзода бошидан ўтганларини гапириб бериб:

— Бўл, жўнаймиз, — дебди.

— Қўрқаман, шаҳзода Иван, Кошчей тутиб олса, сени яна қиймалаб ташлайди! — дебди гўзал Марья.

— Йўқ, етолмайди! Энди менинг ажойиб учқур отим бор, худди қушдек учади.

Улар учқур отга миниб, ҳайё-ҳайт деб жўнаб қолишибди.

Улмас Кошчей уйга қайтиб келаётса, оти ҳадеб қоқилармиш.

— Нега қоқиласан, ҳаром ўлгур, қирчанғи?! Бирон фалокатни сезяпсанми? — деб койибди отини.

— Шаҳзода Иван келиб, Марья Моревнани олиб кетди, — дебди от.

— Қувиб етиш мумкинми?

— Билмадим, ҳозир шаҳзода Иваннинг остидаги от мендан ҳам учқур.

— Йўқ, бу аҳволга чидаёлмайман, — дебди Улмас Кошчей, — етиб оламан!

У йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, охири шаҳзода Иванга етиб олибди, отдан сакраб тушиб, кескир қиличини урмоқчи бўлиб турганда, шаҳзода Иваннинг оти бор кучини тўплаб, бир тепган экан, Улмас Кошчей калласи мажақланиб кетибди, шунда шаҳзода гурзиси билан бир уриб уни ўлдирибди.

Кейин шаҳзода Кошчейнинг кўкрагига ўтин тахлаб, ёқиб юборибди, Улмас Кошчей куйиб битибди, шамол келиб кулини кўкка совурибди.

Марья Моревна Кошчейнинг отига, шаҳзода Иван эса ўзининг отига миниб, аввал қарғаникига, кейин бургутникига, шунақаси лочинникига меҳмонга боришибди. Улар қайси бириникига боришмасин, хурсандлик билан қарши олишиб:

— Оҳ, шаҳзода Иван, бормисан, сени яна кўрадиган кун бор экан-ку. Тинмай ҳаракат қилганингча бор экан. Марья Моревнадек гўзални етти иқлимни ахтариб ҳам тополмайсан! — дейишармиш.

Улар меҳмон бўлиб, айш-ишрат қилиб, сўнг ўз мамлакатларига жўнаб кетишибди. Мамлакатларига келиб, мол-дунё орттириб, сув ўрнига асал ичиб, мурод-мақсадларига етиб, фароғатда умр кечира бошлашибди.



## Х А З И Н А

Кадим замонда бир чолу кампир яшаган экан, улар жуда қашшоқ эканлар. Вақт-соати етиб кампир қазо қилибди. Уша йили қиш қаттиқ келган экан.

Чол қўни-қўшни, таниш-билишларникага бориб, кампирига гўр ковлашга кўмаклашинглар деб ёлворибди. Улар чолнинг қашшоқлигини кўра-била туриб, ёрдам беришмабди.

Чол кейин руҳонийнинг уйига борибди. У шунақанги очкўз, тамагир эканки, бунақаси камдан-кам бўларкан.

— Тақсир, кампиримни кўмишга қарашиб юборинг, — дебди чол.

— Кўмиш маросимини ўтказиш учун пулинг борми? Бўлса, чироғим, олдин буёққа чўзиб қўй, — дебди руҳоний.

— Сиздан яширадиган сирым йўқ: менда пул нима қилсин. Бир оз кутаман десангиз ишлаб пул топардим-да, фойдаси билан тўлардим. Чин сўзим, фойдаси билан тўлайман, — дебди чол.

Руҳоний чолнинг сўзини эшитишни ҳам истамабди.

— Пулинг бўлмаса, уйимга қадамингни ҳам босма!

«Энди нима қиламан? — деб ўйлабди чол. — Қабристонга бораман-да, бир амаллаб гўр ковлаб кампирни ўзим кўманам».

У болта билан белкурак олиб қабристонга борибди. Келиб, ишга тушибди: ернинг музлаган устки қатламини болта билан чопиб, тагини белкурак билан ковлай бошлабди. Бир маҳал қараса, бир қозонча чиқибди, ичи тўла тилла эмиш, ҳаммаси чўғдек ёниб турганмиш.

Чол жуда қувониб кетиб:

— Узингга шукр, эй парвардигор! Кампиримни дафн этишга керак бўладиган пулни ўзинг етказдинг! — дебди.

У гўр ковлаб ўтирмай, бир қозонча тиллани олиб, шошганича тўғри уйига жўнабди.

Пул бўлса ишлар юришиб кетаверади. Дарров яхши одамлар топилиб, гўр ҳам, тобут ҳам бирпасда тайёр бўлибди. Чол келинини юбориб вино, таомлару ҳар хил газаклар — хуллас, маъракага керакли ҳамма нарсани олиб келтирибди. Ўзи битта ўн сўмлик тиллани олиб, руҳонийнинг уйига борибди.

Чол остонага қадам қўйиши билан у:

— Сенга пулсиз бу ерга қадам босма деган эдим-ку, калаварам чол, яна келдингми? — деб бақирибди.

— Жаҳлингиз чиқмасин, тақсир, — дебди чол, — мана бу тиллани олиб, кампиримни кўмишга ёрдам беринг. Бу яхшилингизни ўла-ўлгунимча унутмайман.

Руҳоний тиллани олиб, чолни қаерга ўтқазишини, қандай сўзлар билан кўнглини олишни билмай шошиб қолибди.

— Оқсоқол, ташвиш чекманг, ҳаммаси кўнглидагидек бўлади.

Чол таъзим қилиб, уйига кетибди, руҳоний эса хотинига бундай дермиш:

— Оббо, қари шайтон-эй! Камбағалман-камбағалман дейди-ю, олтинни назарига илмайди-я! Умримда кўп мартабали зотларни кўрганману, лекин биронтаси бунчалик кўп ҳақ бермаган эди.

Руҳоний ўзининг ёрдамчилари билан келиб, кампирни жуда эъозлаб дафн этибди.

Дафн маросимидан кейин чол уларни марҳуманинг дуойи фотиҳасига таклиф этибди. Улар уйга келиб, стол атрофига ўтиришибди-ю, анқайиб қолишибди, стол устида вино, дейсизми, ҳар хил овқату газаклар, дейсизми, хуллас, нима десангиз ҳаммаси бор эмиш.

Меҳмонларнинг ҳар бири уч кишининг овқатини тушириб, яна бировларнинг нарсасига кўз олайтириб ўтиришибди.

Меҳмонлар овқатланиб бўлиб, уй-уйларига тарқала бошлашибди. Руҳоний ҳам ўрнидан турибди. Чол уни кузатиб қўйгани чиқибди, ҳовлида икковидан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўриб, руҳоний чолдан суриштириб қолибди:

— Гапимга қулоқ сол, чироғим, менга ростини айт, тавба қил, кўнглингни гуноҳдан фориг эт, худди худо олдида тургандек жавоб бер: қандай қилиб бунча тез бойиб кетдинг? Бир камбағал деҳқон эдинг, энди кўриб ҳайрон бўлиб қолдим! Тавба қил, чироғим, кимнинг жонини олдинг, кимни таладинг?

— Нима деяпсиз, тақсир?! Ҳақ гапни айтсам, ўғирлик ҳам қилганим йўқ, босқинчилик ҳам, бировни ўлдирганим ҳам йўқ. Хазина топиб олдим. — Хуллас, чол ҳамма гапни айтиб берибди.

Буни эшитган руҳоний ҳасаддан титраб кетибди. Уйига қайтгач, ҳеч ишга қўли бормаи, кечаю кундуз ўйлайверибди.

«Бир бедаво деҳқон шунча пулга эга бўлиб ўтирса-я! Энди қандай ҳийла ишлатиб унинг қўлидан тиллаларини шилиб олсам экан?»

Буни хотинига айтибди. Иккаласи биргаллашиб, хўп маслаҳатлашибди. Ахири шундай бир қарорга келишибди:

— Менга қара, хотин, бизда эчки бор-а?



- Бор, — дебди хотини.
- Бўлди! Кеч кирсин, ишни дўндирамиз.

Кечкурун алламаҳалда руҳоний эчкисини сўйибди, терисини, шохи, соқолини шилиб олибди. Кейин эчки терисини ёпишиб, хотинига:

— Нина-ип олиб, терини яхшилаб тик, устимдан тушиб қолмайдиган бўлсин, — дебди.

Хотини йўғон игна билан ип олиб, унинг устига эчки терисини тикиб қўйибди.

Ярим кечада руҳоний тўғри чолнинг уйига йўл олибди. Дераза тагига бориб, ойнани тақиллатиб, тимдалай бошлабди.

Чол эшитиб, ўрнидан ирғиб туриб:

— Ким у? — дебди.

— Шайтонман, — дебди руҳоний.

— Худоё ўзинг асрагин, — деб чол чўқиниб, дуо ўқий бошлабди.

— Менга қара, чол, дуо ўқисанг ҳам, чўқинсанг ҳам, барибир мендан қутулолмайсан. Яхшиси тилла солинган қозонимни чўз, бўлмаса таъзирингни бериб қўяман! Сени қара-я, бошингга мусибат тушганда раҳмим келиб, хазинамни кўрсатгандим, инсоф қилиб дафн маросимига ярашасини олар деб ўйловдим, сен бўлсанг ҳаммасини ташиб кетдинг.

Чол деразага қараса, эчки шохи билан соқоли диккайиб турганмиш, шайтоннинг ўзгинаси.

«Э, пули билан бирга даф бўлсин, — деб ўйлабди чол. — Илгари пулсиз ҳам куним ўтар эди, бундан кейин ҳам бир куним ўтар!»

Чол тилла солинган қозонни кўтариб, кўчага олиб чиқибди-да, ерга ташлаб, ўзи уйига қараб қочиб қолибди.

Руҳоний қозонни олиб жўнабди.

Уйига олиб келиб хотинига:

— Мана, пул ҳам қўлга кирди! Ма, хотин, сал кўздан четроққа яшириб қўй: энди дарров ўтқир пичоқ олиб, ҳеч ким кўрмасдан ипни кесиб, устимдаги терини ечиб ол, — дебди.

Хотини пичоқ билан терининг чокини тила бошлаган экан, қон оқиб кетибди, шунда поп:

— Вой, жоним огрияпти, кесма! — деб бақириб юборибди.

Хотини терининг бошқа жойини сўкса, яна додлайверибди. Попнинг баданига эчки тери ёпишиб, битиб қолган экан.

Улар ундай қилиб кўришибди, бундай қилиб кўришибди, пулни чолга қайтариб элиб ҳам беришибди, лекин ҳеч фойда чиқмабди. Шундай қилиб, эчки тери руҳонийнинг устида қолаверибди.





## МУШУК БИЛАН ТУЛКИ

Адим замонда бир деҳқон ўтган экан. Бу деҳқоннинг мушуги ҳам бўлган экан. Мушук ўлгудай жонига текканидан, деҳқон ўйлаб-ўйлаб, охири уни ушлаб қопга тиқибди-да, ўрмонга олиб борибди. Адашиб қолса яхши иш бўларди, деган ўй билан уни ўша ерга ташлаб қайтибди.

Мушук ўрмонда санқиб-санқиб бир кулбага дуч келибди. Кулбанинг чордоғига чиқиб узала тушиб ётиб олибди. Мабодо қорни очгудай бўлса, ўрмонга тушармиш-да, турли қушларни, сичқонларни тутиб тўйгунича ермиш, сўнгра ортига қайтиб, чордоққа яхшироқ ўрнашиб олиб, пинакка кетармиш!

Бир куни мушук сайрга жўнабди. Йўлда унга тулки йўлиқибди. Тулки мушукни кўрган заҳоти ҳайратини яширолмай: «Ўрмонда шунча йил яшаб, бундай ҳайвонни биринчи бор кўришим!» — дебди.

Тулки мушукка таъзим қилибди-да, сўрабди:

— Айтинг-чи, саховатли паҳлавон, сиз ўзи кимсиз? Бу ерларга қандай қилиб кеп қолдингиз? Сизни қандай исм билан аташади?

Бу сўзларни эшитган мушук пахмоқ юнгларини ҳурпайтириб жавоб қайтарибди:

— Мени Котофей Иванович дейишади. Мен Сибирь ўрмонларидан сизларга сараскар сифатида юборилганман.

— Вой, Котофей Иванович! — дебди тулки. — Сиз ҳақингизда эшитгандим, сизни ҳеч кўрмагандим. Қани, юринг меникига, меҳмоним бўлинг!

Мушук тулки билан жўнабди. Тулки уни ўз уясига бошлаб кириб, ҳар турли ёввойи қушлар гўштидан тайёрланган таомлар билан сийлабди, ўзи эса суриштишини қўймабди:

— Котофей Иванович, уйланганмисиз ё...

— Бўйдоқман.

— Мен ҳам турмуш қурмаганман! Мени никоҳингизга ола қолинг!

Мушук рози бўлибди. Улар базму жамшид қуришибди, ўйинкулги қилишибди.

Эртаси куни тулки овга жўнабди. Мушукбой эса уйда пойлоқчилик қилиб қолибди.

Тулки изғиб-изғиб ўрдак тутибди. Уни уйга олиб қайтаётса, йўлда унга бўри учраб:

— Тўхта, тулки! Ўрдакни чўз! — деб дўқ урибди.

— Бекорларни айтибсан! — жавоб қилибди тулки.

— Унда тортиб оламан.

— Мен сени Котофей Ивановичга айтаман, кунингни кўрсатади.

— Котофей Иванович деганинг ким бўлди?

— У ҳақда эшитмаганмисан? Котофей Иванович бизга Сибирь ўрмонларидан сараскар қилиб жўнатилган! Мен илгари турмушга чиқмагандим, мана энди ўрмонимиз сараскарининг жуфти ҳалолиман!

— Йўқ, эшитмагандим, Лизавета Ивановна. Уни кўрсам бўлармикин?

— У-ўў! Менинг Котофей Ивановичим шундай сержаҳларки: ким у кишига ёқмаса дарров еб қўядилар! Сен ҳузурларига борганигда ўзинг билан битта қўй ҳам олиб бор; аммо қўйни кўринадиган жойга ташлаб, ўзинг бекиниб ол, сени улар кўриб қолмасинлар, йўқса ҳолингга маймунлар ййғлайди.

Бўри қўй ахтариб кетибди, тулки йўлга равона бўлибди.

Йўлда унга айиқ йўлиқибди:

— Тўхта, тулки, ўрдакни кимга опкетяпсан? Қани, буёққа чўз-чи!

— Йўлингдан қолма, айиқ, яхшиликча айтяпман, акс ҳолда Котофей Ивановичга арз қиламан, кунингни кўрсатади!

— Котофей Иванович деганинг ким бўлди?

— Уми? Сибирь ўрмонларидан бизга сараскар қилиб юборилган! Мен илгари турмуш қурмагандим, мана энди ўрмонимиз сараскари Котофей Ивановичнинг жуфти ҳалолиман!

— У кишини кўриш мумкинмикин-а, Лизавета Ивановна?

— Йў-ўқ! Менинг Котофей Ивановичим шундай сержаҳларки: кимни жинлари суймаса дарров еб қўядилар! Сен ҳузурларига бормоқчи бўлсанг, ўзинг билан битта буқаям олиб бор. Шундаям эҳтиёт бўл, буқани кўринадиган жойга қўй-да, ўзинг зинҳор-бозинҳор яқинларига йўлама. Котофей Иванович сени кўриб қолгудай бўлсалар тамом-вассалом, соғ қолишинг амримаҳол-ов!

Айиқ буқа излаб кетибди, тулки — уйига.

Мана, бўри қўй олиб келиб, терисини шилиб турган экан, қараса айиқ ҳам шуёққа буқа судраб келаётганмиш.

— Салом, Михайло Иванович! — дебди бўри.

— Салом, укагинам, салом, Левон! Сен тулкихоннинг эрини кўрмадингми?

— Йўқ, Михайло Иванович. Уларни ўзимам кутиб турибман.

— Сен уларникига кир-да, чақириб кел,— дебди айиқ бўрига.

— Йўқ, бормайман, Михайло Иванович! Мен лапашангроқман, яхшиси сен ўзинг борганинг маъқул!

— Йўқ, мен сенданам баттарман, иним Левон! Мен пахмоқ, мен маймоққа йўл бўлсин!

Ҳеч қутилмаганда шу томонга қуён югургилаб келиб қолибди. Бўри билан айиқ унга қараб чунон ҳам дўқ уришибдики, қуённинг ўтакаси ёрилаёзибди.

— Қани, буёққа кел-чи, шалпанг қулоқ!

Турган ерида дир-дир титраётган қуён қулоқларини шалпайтириб, итоаткорлик билан уларга яқин борибди.

— Қуёнжон, қулоқ сол. Чаққонликда сенинг олдингга тушадигани йўқ: тулкиникига югуриб бор-да, унга, Михайло Иванович иниси Левон Иванович билан бирга аллақачоноқ келишиб, сен билан эринг Котофей Ивановичга таъзим қилишга тайёр турибдилар, яна улар ўзлари билан буқа ва қўй ҳам опкелишибди, дегин, — деб буйруқ беришибди.

Қуён уларнинг қўлидан эсон-омон қутулганига шукр қилиб, шахт билан тулкиникига югуриб кетибди. Бу пайтда айиқ билан бўри қаерга яширинишини ўйлаб бош қотиришга тушишибди.

Айиқ:

— Мен манави қарағайга чиқиб оламан, — дебди.

Бўри эса унга:

— Мен қаёққа яширинаман? Мен ахир дарахтга чиқолмайман-ку! Мени бирон ёққа кўмиб қўйсанг-чи! — деб ёлворибди.

Айиқ бўрини буталар орасига яшириб, уни қуруқ барглар билан ёпибди-да, ўзи қарағайнинг учига чиқиб олиб, Котофей Иванович билан тулкини кутиб ўтирибди.

Қуён бу пайтда тулкининг туйнугига келиб хабар етказибди:

— Айиқ — Михайло Иванович билан бўри — Левон Иванович сизларга таъзим қилиш учун ташриф буюришибди, совғага буқа ва қўй ҳам опкелишибди, — дебди.

— Кетавер, шалпанг қулоқ! Биз ҳозир етиб борамиз! — дебди тулки уясидан туриб. У қуённинг олдига чиқишни ўзига эп кўрмабди.

Мушук билан тулки салдан кейин йўлга чиқишибди. Айиқ уларни кўриши ҳамон бўрига сўз қотибди:

— Котофей Иванович қанақасига сараскар бўлсин, ахир у жуда кичкина-ку!

Мушук ҳовлиқиб келиб буқага ташланибди-да, юнгини ҳурпайтирганча тишлари, панжалари билан гўштни тортқилашга тушибди, ўзи эса худди дарғазаб бўлгандай пихиллабди:

— Мяу, мяу!..

Айиқ яна бўрига:

— Кичкина бўлсаям ебтўймас экан-э! Шунча гўштни биз еёлмаймиз-у, унинг бир ўзига камлик қилаётганга ўхшайди. Ҳали ўзимизгаям навбат келмаса гўрга эди!

Бўри ҳам Котофей Ивановични кўргиси келибди-ю, аммо

устидаги барглар халал бергани туфайли бу шарафга муяссар бўлмайди. Шунда бўри устидаги баргларни оҳиста тушира бошлабди. Мушук баргларнинг шитирлаётганини эшитиб қолиб, бу сичқон бўлса керак деган ўйга бориб, ўша ёққа шундай ташланибдики — тирноқлари билан бўрининг тумшугини юлиб олаёзди.

Эсхонаси чиқиб кетган бўри тура солиб қочиб қолибди.

Мушукнинг ўзи ҳам қўрқиб кетиб, айиқ ўтирган дарахтга чиқиб олибди.

«Мени қўриб қолди шекилли. Навбат менга етибди-да!»

Ана шундай ўйга борган айиқ дарахтдан сакрабди. Ерга гурсиллаб тушиб, жигарини чангаллаган кўйи жуфтакни ростлаб қолибди.

Тулки уларнинг ортидан мана бундай деб қичқирибди:

— Тезроқ қочинглар, тезроқ, тагин у етиб олиб ғажиб ташламасин!..

Ушандан буёқ ўрмон ҳайвонлари мушукдан қўрқадиган бўлишибди. Мушук билан тулки эса бутун қишлоқ гўштарини ғамлаб олиб, тинч-тотув яшай бошлашибди. Улар ҳозир ҳам бор эмиш.



## ТУЛКИ БИЛАН БҮРИ

уда қадим замонда бир чолу кампир яшаган экан. Бир куни чол кампирига:

— Кампир, сен сомса ёпиб тур, мен чанани шайлаб, балиқ тутиб келаман,— дебди.

Чол дарёга бориб, чанаси тўлгунча балиқ тутибди. Уйга қайтаётса, йўл ўртасида кулча ётган тулкига дуч келибди.

Чол чанадан тушибди-да, унинг тепасига борибди, тулки қимир этмай, худди ўлиб қолгандай ётганмиш.

— Жуда антиқа ўлжа бўлди-ку! Кампирнинг пўстинига ёқамисан ёқа бўлади-да!— дебди чол қувончи ичига сигмай.

У тулкини чанага ташлаб, яна йўлга тушибди.

Тулки эса вақтдан фойдаланиб, аравадаги балиқларни сездирмайгина битта-битталаб йўл устига ташлаб кетаверибди.

Ҳамма балиқни ташлаб бўлгач, ўзи ҳам чанадан сездирмасдан тушиб қолибди.

Чол уйига етиб келиб, кампирини чақирибди:

— Кампир, пўстинингга антиқа ёқа олиб келдим, буни қара!

Кампир чанага қараса, унда на ёқа, на балиқ бор эмиш. Сўнг у чолини қарғашга тушибди:

— Уҳ, эсипаст чол, шошмай тур! Ҳали шундай адабингни берайки, мени алдаш қандай бўлишини билиб қўйгин!

Чол бу тулкининг найранги эканлигини фаҳмлабди-ю, «аттанг, аттанг!»— дегандай пешонасига урибди, ичи ачибди, лекин начора — тақдирга тан берибди.

Бу орада тулки балиқларни бир ерга йиғиб, ўтириб олибди-да, паққос тушира бошлабди.

Қаердандир пайдо бўлган бўри:

— Салом, эгачи! Ош бўлсин, — дея тамшаниб қўйибди.

— Нарироқ тур, булар меники!

— Менгаям балиғингдан бер.

— Ўзинг тутиб еявер.

— Тутишни билмайман-да.

— Аҳа! Менинг ўзим тутдим-ку! Сен, эгачи, дарёга бор. Муз устидаги тешикка думингни тиқиб:

— *Эй балиқлар, кичикмисиз ё кабир,  
Келаверинг, келинг, менга барибир,*—

деб ўтиравер. Балиқларнинг ўзи келиб думингга ёпишиб қолаверади. Қанча узоқ ўтирсанг, шунча кўп балиқ тутасан.

Бўри дарёга бориб, думини тешикчага тиқиб қўйиб, ўзи:

— *Эй балиқлар, кичикмисиз ё кабир,  
Келаверинг, келинг, менга барибир!*—

деб ўтираверибди.

Тулки эса бўрининг атрофида ўралашиб:

— *Порлайверсин кўкнинг барча нуҷуми,  
Музлайверсин бўрининг пахмоқ думи!*—

деб минғирлармиш.

Тоқати тоқ бўлган бўри тулкидан сўрабди:

— Эгачи, ҳадеб нималарни минғирляяпсан?  
— Мен сенга кўмаклашяпман, балиқларни чақиряпман,—  
деб жавоб қайтарибди тулки.

Ўзи эса:

— *Порлайверсин кўкнинг барча нужуми,  
Музлайверсин бўрининг пахмоқ думи!*—

деб минғирлагани-минғирлаган эмиш.

Бўри тешикка думини тиқиб тун бўйи ўтириб чиқибди. Думи музлаб қолибди. Эрталаб ўрнидан турмоқчи бўлибди-ю, аммо уддасидан чиқолмабди. Шунда: «Э-ҳа, жуда кўп балиқ илинганга ўхшайди-ёв, кўтаришга ҳам кучим етмаяпти-я!»— деб ўйлабди у.

Худди шу маҳал кампир пақир кўтариб сувга келаётган экан, бўрига кўзи тушибди-ю:

— Бўри, бўри! Уринглар уни!— деб қичқаришга тушибди.

Бўри дам у томонга, дам бу томонга қочмоқчи бўлармишу ҳечам қимирлолмасмиш. Кампир қўлидаги пақирни ташлаб, бўрини обкаш билан савалай кетибди. Чунон савалабдики, бўри тўлғана-тўлғана думсиз қочишга мажбур бўлибди, шунда ҳам кампирнинг қўлидан омон қутулганига минг бор шукр қилибди.

«Шошмай тур, эгачи, менам сендан ўчимни оларман!»— деб шум ниятни кўнглига тугибди бўри.

Тулки эса кампир яшайдиган уйга кириб олиб, тоғорага қориб қўйилган хамирдан тўйгунча ебди, кейин бошига ҳам хамирдан суртибди, йўлга чопиб чиқиб ётиб олибди-да, инграй бошлабди.

Бўри унинг тепасига келиб:

— Эгачи, балиқ тутишни ўргатишинг зўр экан-а! Аҳволимга қара, калтак еб ўлиб бўлдим-ку!— дебди.

Тулки унга:

— Нолима, эгачи! Думинг йўқ бўлса, бошинг бутун-ку ахир! Менинг эса бошимни ёришди. Қара: миямнинг қатигини чиқариб юборишди, аранг судралиб кетяпман,— дебди.

— Бу гапинг рост,— дебди унга бўри.— Бу аҳволда, эгачи, қандай қилиб кетасан. Қани, устимга мин, ўзим сени обориб қўяман.

Тулки унинг устига миниб олибди. Бўри йўлга тушибди.

Бўрининг елкасида кетаётган тулки яна ўша хиргойисини бошлабди:

— *Дўппосланган дўппосланмаганни опичиб кетяпти.*

— Ҳадеб нималарни минғирляяпсан, эгачи?  
 — Вой эгачи-ей, дардинга малҳам бўладиган гаплар гапириб келяпман-ку, — жавоб қайтарибди тулки.

Ўзи эса яна:

— *Дўппосланган дўппосланмаганни опичиб кетяпти.*  
*Дўппосланган дўппосланмаганни опичиб кетяпти!* —

деб хиргойисини давом эттирибди.



## ЎТКИР ТИШЛИ ЧЎРТАНБАЛИҚ

Ўртанбалиқ Иван куни<sup>1</sup>га ўтар кечаси Шекснада туғилди. Яна шундай ўткир тишлар билан туғилдики, худонинг ўзи сақласин-е!

Лешлар, олабуғалар, ёршлар бундай мўъжизани кўриб ҳайратланганларидан анграйиб қараб қолдилар:

— Бу чўртанбалиқ ўткир тишли бўлиб туғилибди-я!

У кун сайин эмас, соат сайин улғая бошлади: ҳар куни бир вершок<sup>2</sup>данга ўсаверди.

Шундай қилиб, чўртанбалиқ Шекснада лешлар ортидан қувадиган, олабуғаларни эса тутадиган бўлди: узоқдан лешни кўрдими, албатта уни қўлга туширади — лешдан фақат унинг тишлари орасида қарсиллаган суякчалар қолади, холос.

Мана шундай ғалати ҳодиса юз берди Шекснада!

Бечора лешлар билан олабуғалар энди нима қилишсин? Жуда оғир бўлди-да уларга! Чўртанбалиқ ҳаммаларини еб битиргачгина уйқуга кетиши аниқ.

Бўтун майда балиқлар йиғилишиб, ўткир тишли чўртанбалиқни қандай қилиб инсофга келтириш, ҳимматли балиққа айлантириш чорасини излашди.

Ерш Ершович келиб, шоша-пиша мана бундай деди:

— Ҳар турли бўлмағур ўйлар билан бошни қотирмайлик-да, менинг манов фикримга қулоқ солинг. Очиғини айтганда, Шекснада яшаш ҳаммамиз учун хавфли бўлиб қолди. Келинлар, яхшиси кичик дарёчалар — Сизма, Конома ва Славенкага кўчиб ўтайлик, у ерда бизга ҳеч ким тегмайди, тинч-фаровон, шоду хуррам ҳаёт кечирамиз.

Шундан сўнг барча ёршлар, олабуғалар, лешлар жамоаси

<sup>1</sup> Иван куни — эски ҳисоб бўйича 24 июнь. Эртакда йиртқич чўртанбалиқнинг туғилиш мавзуи ҳазил мазмунида сўз ўйини қилинган.

<sup>2</sup> Леш — балиқ турларидан.

<sup>3</sup> В е р ш о к — 4,4 сантиметрга тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги.

Шекснадан кичик дарёчалар — Сизма, Конома ва Славенка томон сузиб ўтишди.

Йўлда майда балиқларнинг кўпи айёр балиқчининг қармоғига илди. Балиқчи уларни шўрвага солиб юборди.

Шундан бери Шекснада майда балиқлар деярли қолмади. Ўткир тишли чўртанбалиқ кўп ташвиш келтирди, охири ўзи ҳам панд еди.

Майда балиқлар қолмагани учун чўртанбалиқ чувалчангларга ҳамла қиладиган бўлди-ю, қармоққа илди. Балиқчи ундан шўрва қайнатди, уни хўплаб, роса таърифини келтириб мақтади: бай-бай-баёв, ажойиб ёғли шўрва бўлибди-да!

Уша ерда мен ҳам бор эдим, бирга шўрва ичдим, ёғлари мўйловимдан томчилади-ю, аммо оғзимга бориб тушмади.



## ШЕР, ЧЎРТАНБАЛИҚ ВА ОДАМ

ир дарё бўйида шер билан чўртанбалиқ суҳбатини улардан сал наридаги одам эшитиб турган экан.

Чўртанбалиқ одамни кўриши билан дарҳол сувга шўнғиб кетибди.

Шер ундан:

— Нега ўшанда зим ғойиб бўлдинг? — деб сўрабди.

— Одамни кўриб қолдим.

— Хўш, нима қипти?

— У айёр-да, шунинг учун.

— Одам? Ким ўзи у? — сўрабди шер. — Уни менга бир кўрсат. Мен уни ейман.

Шер одамни ахтариб кетибди. Унга қарама-қарши ёқдан бола келаётган экан.

— Одам деганлари сенмисан? — сўрабди ундан шер.

— Йўқ, мен ҳали одам эмасман! Мен боламан. Ҳали одам бўлишимга... эҳ-ҳе, қанча бор!

Шер болага тегмай, шундоққина ёнидан ўтиб кетибди. Тўғридан келаётган қариядан:

— Одам деганлари сенмисан? — деб сўрабди.

— Йўғ-е, отагинам! Энди менинг одамлигим қолдими! Қачонлардир одам бўлгандим!

Шер унгаям тегмабди.

— Бу қанақаси бўлди, — дебди шер ўзига-ўзи, — наҳотки би-



порта одамни тополмасам!

Шер йўл юрибди, йўл юрсаям мўл юрибди, ниҳоят қўлига милтиқ ва шамшир ушлаб олган аскарга йўлиқибди.

— Одам деганлари сенмисан?

— Ҳа.

— Унда мен сени ейман!

— Сен шошилма,— дебди унга аскар.— Сал нарироқ бориб тур, ўзим оғзингга кирман. Фақат оғзингни каттароқ очиб турсанг бас!

Шер сал нарироқ бориб, оғзини кериб очиб турибди. Аскар уни нишонга олиб, варанглатиб ўқ узибди. Кейин югуриб бориб шамшир билан унинг қулоғини кесибди. Шер орқа-олдига қарамай қочибди.

Дарёга югуриб келгач, чўртанбалиқ сув тубидан сузиб чиқиб:

— Хўш, қалай, одамни кўрдингми? — деб сўрабди.

— Нимасини айтасан,— дебди шер,— улар ҳақиқатда айёр экан! Топишим бир оз қийин кечди: бири одам бўлган эдим дейди; яна бошқаси ҳали вақт бор дейди; уни топганимдан кейин ҳам кутганимдек бўлмади. У менга нарироқ боришни ва оғзимни очиб туришимни сўради, кейин оғзимга чунонам тупурдики, ҳалиям ловуллаши тўхтамаяпти. Шундан сўнг тилини чиқарди-да, мана бу қулоғимни ялаб қўйди.

— Ана шунақа-да! Мен сенга айтмабмидим, одам жудаям айёр бўлади, деб...



## АНТИҚА ТУХУМ

адамда бир чол кампири билан яшаб ўтган экан. Уларнинг олачипор товуғи ҳам бор экан. Товуқ пол тагига хол-хол, чўзинчоқ, суякка ўхшаш қаттиқ, жуда антиқа тухум туғибди. Уни чол уриб синдиrolмабди, кампир ҳам синдиrolмабди, сичқон эса югуриб келиб, думи билан бир урган экан, тухумнинг пачағи чиқиб кетибди. Шунда чол йиғлаб юборибди, кампири ҳам йиғлабди, товуқ келиб қу-қулабди, дарвоза ғирчиллаб, ташқаридан пайраҳалар учиб кириб, осмону фалакка ўрлабди.

Сув олиб келгани ўтиб кетаётган бир руҳонийнинг қизлари чол билан кампирдан:

— Нима учун йиғлаяпсизлар? — деб сўрашибди.

— Ҳеч сўраманглар! — жавоб қилибди чол.— Бир олачипор товуғимиз бор. Шу товуқ пол тагига хол-хол, чўзинчоқ, суякка ўхшаш қаттиқ, жуда антиқа тухум қўйганди. Уни мен уриб

синдиrolмадим, кампир ҳам уриб синдиrolмади, сичқон эса чопқиллаб келиб, думи билан бир урган әди, пачағи чиқиб кетди.

Буни эшитиб, қизларни чуқур қайғу босибди, қўлларидаги челақларни ерга улоқтириб, обкашларни синдириб, уйларыга қуруқ қайтишибди.

— Вой, энажон! — дейишибди улар оналарыга. — Сиз ҳеч нимани билмайсиз, ҳеч нимани кўрмайсиз, оламда кўп ғалати ишлар бўляпти: бир чол билан кампир бор экан. Уларнинг олачипор товуғи бор экан. Товуқ пол тагига хол-хол, чўзинчоқ, суякка ўхшаш қаттиқ, жуда антиқа тухум қўйибди. Уни чол уриб синдиrolмабди, кампир ҳам уриб синдиrolмабди, сичқон эса чопқиллаб келиб, думи билан бир урган экан, пачағи чиқиб кетибди. Шунда чол йиғлаб юборибди, кампир ҳам йиғлабди, товуқ қу-қулабди, дарвоза ғирчиллаб, ташқаридан пайраҳалар учиб кириб, осмону фалакка ўрлабди. Биз эса, сувга кетатуриб, челақларни улоқтирдик, обкашларни синдирдик!

Руҳонийнинг хотини тоғорада хамир қораётган экан. Чолнинг йиғлаётганини, кампирнинг йиғлаётганини, товуқнинг қу-қулашдан тўхтамаётганини эшитган заҳоти, чуқур қайғуга ботиб, тоғорани тушириб юбориб, хамирни пол билан битта қилибди.

Руҳоний шу пайт китоб кўтариб келиб қолибди.

— Вой, тақсирим! — дебди унга хотини. — Сиз ҳеч нимани билмайсиз, ҳеч нимани кўрмайсиз, оламда кўп ғалати ишлар бўляпти: бир чол билан кампир бор экан. Уларнинг олачипор товуғи бор экан. Товуқ пол тагига хол-хол, чўзинчоқ, суякка ўхшаш қаттиқ, жуда антиқа тухум қўйибди. Уни чол уриб синдиrolмабди, кампир ҳам синдиrolмабди, сичқон эса чопқиллаб келиб, думи билан бир урган экан, пачағи чиқиб кетибди. Шунда чол йиғлаб юборибди, кампир ҳам йиғлабди, товуқ қу-қулабди, дарвоза ғирчиллаб, ташқаридан пайраҳалар учиб кириб, осмону фалакка ўрлабди. Сувга кетаётган қизларимиз эса челақларни улоқтиришибди, обкашларни синдиришибди, мен чуқур ғамга чўкиб, қораётган хамиримни тушириб юбориб, пол билан битта қилдим!

Руҳоний ҳам қайғурибди-ёнибди, қўлидаги китобини эса парча-парча қилиб йиртиб ташлабди.



## СОПОЛ ЙИГИТ

адим замонда бир чол-кампир ўтган экан. Уларнинг фарзандлари йўқ экан. Бир куни кампир:

— Чол, лойдан йигитча ясагин, ўғил қилиб оламиз-қўямиз, — дебди.

Чол лойдан йигитча ясабди. Уни печка устига қўйиб қуритибди. Йигит яхши қуригач, овқат сўрабди:

— Бувижон, қувачада сут, халтада нон бер!

Кампир у сўраган нарсаларни муҳайё қилибди.

Йигит ҳаммасини еб бўлгач, тагин сўрабди:

— Қорним очди! Овқат ейман!

У чол-кампирнинг барча нонини еб қўйиб, сутини ичиб тугатса ҳам қичқиришини қўймабди:

— Овқат! Овқат ейман! Овқат!..

Унга берадиган нарсанинг ўзи қолмабди. Сопол йигит печкадан сакраб тушибди-да, чарх йигириб ўтирган кампирни, ҳассага энгак тираб ўтирган чолни еб, кўчага чиқиб кетибди.

Унинг рўпарасидан буқа ўтиб қолибди. Сопол йигит буқага қараб:

— Беш халта нон едим, беш қувача сут ичдим, кампирни чархи, чолни ҳассаси билан ютиб юбордим, ҳозир сениям ейман, — дебди.

Шундай деб буқани ҳам еб қўйибди.

Яна йўлга тушибди. Кўп ўтмай унга болта кўтарган ўтин ёрувчилар йўлиқишибди. Сопол йигит уларга:

— Беш халта нон едим, беш қувача сут ичдим, кампирни чархи, чолни ҳассаси билан ютдим, шоҳдор буқани едим, ҳозир сизларни ҳам ейман, — дебди.

Шундай деб ўтин ёрувчиларни болталари билан бирга еб қўйибди.

Яна йўлга тушибди. Кўп ўтмай унга чалғи-ўроқли деҳқонлар, хаскаш кўтарган қиз-жувонлар дуч келишибди. Сопол йигит уларга қараб:

— Беш халта нон едим, беш қувача сут ичдим, кампирни чархи, чолни ҳассаси билан ютдим, шоҳдор буқаю ўтин ёрувчиларни болтаси билан едим, ҳозир сизларниям ейман, — дебди.

У шу гапни айтиб, чалғи-ўроқли деҳқонларни, хаскаш кўтарган қиз-жувонларни еб қўйибди ва яна йўлига равона бўлибди. Сопол йигит такани учратиб қолиб:

— Беш халта нон едим, беш қувача сут ичдим, кампирни чархи, чолни ҳассаси билан ютиб юбордим, шоҳдор буқанию ўтин ёрувчиларни болтаси билан едим, чалғи-ўроқли деҳқонларни, хаскаш кўтарган қиз-жувонларни тинчитдим — ҳозир сениям ейман, — дебди.

Тақа бунга жавобан:

— Сен овора бўлиб ўтирмай, ҳув анави тепалик тагига бориб тур, мен тепаликка чиқаман-да, у ердан чопиб келиб оғзингга кириб кетаман! — дебди.

Сопол йигит унинг айтганини қилиб, тепалик тагига бориб турибди. Така тепаликдан югуриб тушиб, қорнига қараб шундай калла қўйибдики, сопол йигит чил-чил синиб ҳар тарафга сочилиб кетибди.

Унинг қорнидан чархини кўтарган кампиру ҳасса тутган чол, шоҳдор буқаю болта ушлаган ўтин ёрувчилар, чалғи-ўроқли деҳқонлару хаскаш кўтарган қиз-жувонлар чиқиб келишибди.

Уларни така ана шундай йўл билан қутқарган экан.



## ҒОЗЛАР-ОҚҚУШЛАР

уда қадим замонда чолу кампир яшаган экан. Уларнинг бир қизчалари ва кичкинтой ўғиллари бор экан.

— Қизалоғим-оппоғим! Биз ишга кетяпмиз, сенга ширин нон онкеламиз, кўйлак ҳам тикиб берамиз, рўмолча сотиб олиб келамиз; ақлли бўл, укангни эҳтиёт қил, ҳовлидан узоққа кетма! — дейишибди ота-она.

Катталар ишга жўнашибди. Қизча уларнинг панд-насиҳатини жуда тез унутиб, укасини дераза тагидаги майсага ўтқизибди-да, ўзи кўчага шаталоқ отиб чиқиб кетибди, анчагача ўйнаб, сайр қилибди. Шу атрофдан учиб ўтаётган ғозлар-оққушлар болани кўриб қолиб, қанотларига ўтқизиб олишибди-да, учиб кетишибди.

Қизча уйига қайтибди. Қараса — укаси йўқ эмиш! Дод-вой қилиб уёққа югурибди, буёққа югурибди — ҳеч қаердан тополмабди! Бор овозда чақирибди, ёлғон кўзёши билан кўрқитибди, отаси билан онасидан калтак ейишини айтибди, аммо укасидан ҳеч садо чиқавермабди. Кенг далага югуриб чиқибди; олисда ғозлар-оққушлар элас-элас кўринишибдию қалин ўрмон ортига ғойиб бўлишибди.

Ғозлар-оққушлар ёш болаларни ўғирлашга одатланиб қолган эканлар. Уларнинг бу бадфёълигини ҳамма биларкан. Қизча ҳам укасини ана шулар олиб кетганини фаҳмлаб, уларнинг ортидан қувишга тушибди. Югурибди, югурибди, қараса йўлида тандир турганмиш.

— Тандир, тандир, ғозлар қаёққа учиб кетишганини айтолмайсанми? — сўрабди қизча.

— Жавдар унидан қилинган сомсамдан есанг айтаман, — деб шарт қўйибди тандир.

— Э, йўқ, бизнинг ота-боболар ҳатто буғдой унидан қилинганлариниям ейишмаган!

Тандир ҳеч нарса айтмабди.

Қизча яна югуриб кетибди. Йўлда унга олма дарахти учрабди.

— Олма, олма, ғозлар қаёққа учиб кетишганини айтолмайсанми?— сўрабди қизча.

— Менинг жайдари олмамдан есанг айтаман, — дебди дарахт.

— Э, йўқ, бизнинг ота-боболар ҳатто боғ олмалариниям ейишмаган.

У шундай деб югуришда давом этибди. Салдан кейин тўғрисида сутли сой, киселли қирғоқлар чиқиб қолибди.

— Сутли-киселли қирғоқлар, ғозлар қаёққа учиб кетганларини айтиб беролмайсанми?— ўтиниб сўрабди қизча.

— Менинг киселимдан сутга қўшиб ичсанг айтаман!— дебди қирғоқ, унинг шартини маъқуллабди сой.

— Э, йўқ, бизникилар сой сутини ичишмайди!

Унинг бахтига типратикан йўлиқибди, йўқса анчагача далаларда югуриб, ўрмондан-ўрмонга санқиб юрарди. Қизча уни оёғи билан итариб юбормоқчи бўлибди-ю, аммо тикани кириб кетишидан чўчибди, бундан ҳам бир сўраб кўрай-чи дебди:

— Кирпи, кирпи, сен ғозлар қаёққа қараб учиб кетишганини билмайсанми?

— Ҳув анави ёққа!— дебди типратикан.

Қизча у кўрсатган томонга чопибди. Бориб қараса — товуқ оёқ кулба турганмиш, гоҳ уёққа, гоҳ буёққа бурилармиш. Кулбада юзини қат-қат ажин босган, оёқлари лой бир ялмоғиз кампир бор экан. Укаси ҳам курсичада ўтириб, олтин олмаларни ўйнаётган экан. Қизча секингина унинг ёнига бориб, белидан маҳкам тутибди-да, олиб чиқиб кетибди. Ғозлар эса унинг кетидан қувишибди; ёвузларнинг қўлига тушмаслик учун қаерга яшириниш мумкин? Сутли сой шитоб билан, киселли қирғоқ ҳам тез оқарди.

— Эна сой, яшир мени!

— Киселимдан еб, сутимдан ичсанг!

Қизча чор-ночор киселдан еб, сутдан ичибди. Сой уни қирғоқча тагига яширибди, ғозлар кўрмай учиб кетишибди. Қизча у ердан чиқибди-да: «Раҳмат!»— деб яна укасини етаклаб чопиб кетибди; ғозлар эса ортларига қайтиб, уларга қарама-қарши тарафдан учиб келишибди. Нима қилиш керак? Фалокат! Рўпарада олма дарахти турарди:

— Олма, олма, яшир мени!

— Менинг жайдари олмамдан есанг!

Қизча шоша-пиша олмадан ебди. Дарахт уни шохлари билан пана қилибди, барглари билан яширибди; ғозлар кўрмай ўтиб кетишибди. Қизча беркинган еридан чиқибди-да, укасининг қўлидан маҳкам ушлаб олиб яна югуришда давом этибди, ғоз-

лар тағин опа-укани қувишга тушишибди: уларга етиб олишларига озгина қолибди, қизчани қанотлари билан уриб, укасини тутиб олиб кетишга уринишибди. Қизчанинг бахтига йўл устида тандир турарди:

— Тандир, тандиржон, яшир мени!

— Жавдар унидан қилинган сомсамдан есанг яшираман!

Қизча сомсадан апир-шапир ебди-да, укаси иккови тандирнинг ичига кириб олишибди. Ҳозлар тандирнинг тепасида гир айланиб учишибди, овозларининг борича қичқаришибди, аммо фойдаси бўлмабди.

Қизча эса укаси билан уйига қараб югурибди, яхшиям вақтида етиб келгани, йўқса... сал ўтиб ота-оналари ҳам кириб келишган экан-да.



## С Е Ҳ Р Л И Н А Й

ртакни қандай эшитган бўлсам шундай ҳикоя қилиб бераман.

Жуда қадим замонларда бир эр-хотин яшаган экан. Уларнинг хушрўйгина қизлари ҳам бор экан. Қиз балоғатга етган бўлиб, баланд бўйли, барваста, сарвқомағ, меҳнатсевар экан.

Одамлар уни кўрсалар хурсанд бўларканлар. Чунки қиз улар билан бирдай — мулойим, ширингина гаплашар, қўлидан келган ёрдамани аямас экан.

Лекин унинг бошига оғир мусибат тушибди. Қизнинг онаси вафот этибди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай отаси бир бева аёлга уйланибди. Угай она қизини ҳам эргаштириб келибди. Энди улар бир уйда тўрт киши яшай бошлашибди.

Етимликда кун кўриш осон эмас, аммо ўгай онанинг қўл остида яшаш ундан ҳам мушкул.

Угай она ўз қизини ўтирғизгани жой тополмас, етим қизни эса отгани ўқи йўқ экан.

Қиз тонгда, хўрозлар қичқариғи билан уйғонар, ярим кечага қадар куймаланар: ип йигириб бўз тўқир, сув ташиб, ўтин ёрар ва сигирни ҳам соғаркан.

Угай она учун барибир, ўша-ўша — ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ эмиш:

— Уқувсиз, ношуд, текинтомоқ! Бошга битган бало бўлдинг-ку!

Кунлардан бир кун отаси қизининг онасидан мерос қолган сандиқни очибди. Унда мўйна ҳошияли нимча, дур билан безатилган телпак, қимматбаҳо тошчали олтин узук, яна ҳар турли кийим-кечак бор экан.



— Баб-баравар тақсимласак иккала қизимизга сеп бўлади-қўяди, — дебди ота.

Ҳасадгўй ўғай она билан қизининг ниятлари бузилибди.

— Фақат аҳмоқларгина бунча бойликни иккига бўлади, — қизига шивирлабди у. — Бунча сеп билан сени савдогарнинг ўғлига узатаман! Эски чориқли деҳқон сенинг тенгинг эмас, қизим. Фақат ҳушёр тур!

Уша суҳбатдан бир неча кун ўтгач, қизлар ўрмонга мева теришга отланишибди. Ота уларни кузатар экан, ҳазиломуз тарзда:

— Кимда-ким мевадан кўпроқ териб келса, сепни тақсимлаганимизда ўшанга ортиқчароқ берамиз, — дебди.

Қизлар ўрмонга мева териш учун ажралишибди. Лекин узоқдан бир-бирларига овоз бериб туришибди. Кечга бориб улар очиқ майдонда учрашибди. Ўғай онанинг қизи етим қизнинг саватига ўгринча назар ташлабди. Қай кўз билан кўрсинки, унинг савати йирик-йирик меваларга тўла эмиш. Узининг савати эса ярим ҳам эмас экан. Шунда у онасининг гапини эслабди: фақат аҳмоқларгина бунча бойликни иккига бўлади! .

Йўл ботқоқликдан ўтар экан. Улар яккачўп кўприқдан ўтиб бораётганларида ўғай онанинг қизи етим қизнинг қўлидаги саватни тортиб олибди-да, унинг ўзини ботқоқликка итариб юборибди.

— Чўкяпман, ўляпман, кўмак бер, сингилжон! — дея ёлборибди у.

— Сенга ёрдам бераманми-я! Илоё иловандо ўлигинг мана шу ботқоқда чирисин! — деб қарғанибди ўғай онанинг қизи. — Сепнинг бари ёлғиз меники бўлади, фақат ўзимники!..

У кўприқдан ўтиб олиб, уйига қараб югуриб кетибди. Йўлда у ўғай сингисининг саватидаги йирик, яши пишган меваларни битта-битталаб териб ўз саватига солибди-да, шундан сўнг унинг саватини ўтлар орасига кўмиб қўйибди.

— Эсли қизим, ҳушли қизим! — эркалаб-суйиб кутиб олибди уни онаси. — Ҳой чол, буёққа кел, менинг қизим қанча мева териб келганини кўриб қўй!

— Нега синглинг билан келмадинг? — сўрабди ота.

— Мевани бошқа-бошқа тергандик, — жавоб қайтарибди ўғай қизи, — уни роса чақирдим, овозим бўғилаэзди, ҳеч зоғ жавоб қайтаравермагач, мендан аввал саватни тўлдириб уйга қайтган бўлса керак деб ўйладим.

— Бу ишни сендан олдин уддалашга унга йўл бўлсин, сал ўйлаб гапирсанг-чи, — ўғай қизининг устидан кулибди ўғай она. — У бирор ерда уйқуни уриб ётгандир, шунинг учунам сенинг овозингни эшитмаган!

Тун ўтиб, тонг отибди — қиздан дарак йўқ эмиш.

Чол эрталаб шошилиб ўрнидан турибди.



— Уни қидириш керак, — дебди, — бирор фалокат юз берган кўринади!

Қўшнилари чақириб чиқибди. Биргалашиб ўрмонга жўнашибди. Угай онанинг қизи ҳам уларга эргашибди.

— Мана шу ерда ажралишгандик, — дебди у, — бошқа учрашмадик.

Шу куни эрталабдан кечга довури қизни излаб ўрмонда санқишибди, аммо ҳеч қаердан уни топишолмабди. Чор-ночор орқаларига қайтишибди.

Ёз охирида қолган экан. Қизлар юрган йўлдан бир дарвиш чол ҳам ўтиб қолибди. У ботқоқлик устидаги яккачўпдан ўтиб бораётиб, қиз чўккан жойдан ўсиб чиққан қамишни кўриб қолибди-да, кесиб олиб, ундан ажойиб най ясабди. Найни лабига теккизган заҳоти ундан нафис, мунгли овоз таралибди:

*Чал найингни, чала қолгин, бобожон,  
Чўзиб-чўзиб чалавергин, меҳрибон.  
Угай опа-сингил эдик иккимиз  
Жонимга қасд қилди ўша раҳмсиз.  
Терган мевам эди ларзон-ларзон-эй,  
Сеп олдида одам қадри арзон-эй,  
Ботқоқ менинг қабрим бўлди, бобожон,  
Чал найингни, чалавергин, меҳрибон.*

Дарвиш чол кечга томон шу яқин-атрофдаги қишлоққа кириб келибди. У қишлоқ чеккасидаги кулбага келиб, бир кеча шу ерда тунаш учун ижозат сўрабди. Бу уй худди ана шу етим қиз йўқолган хонадон экан.

Кечки овқатдан сўнг чол уй соҳибига дебди:

— Қишлоғингиз яқинидан най учун қамиш кесиб олгандим, антиқа чиқиб қолди: ўзи куй чалиб, ўзи қўшиқ айтади-я! Ишонмасангиз мана ўзингиз бир синаб кўринг!

Уй соҳибни найни оғзига олиб бориб пуфлаган экан, у тилга кириб қўшиқ бошлабди:

*Чал найингни, чала қолгин, бобожон  
Чўзиб-чўзиб чалавергин, меҳрибон.  
Угай опа-сингил эдик иккимиз,  
Жонимга қасд қилди ўша раҳмсиз.  
Терган мевам эди ларзон-ларзон-эй,  
Сеп олдида одам қадри арзон-эй,  
Ботқоқ менинг қабрим бўлди, бобожон,  
Чал найингни, чалавергин, меҳрибон.*

Бу қўшиқни эшитган чолнинг ранги ўзгарибди. Шунда у найни ўгай қизига узатибди:

— Қани, сен ҳам чалиб боқ-чи!  
Угай қиз найни лабларига яқинлаштириб пуфлаши билан у куй чалиб, қўшиқ айта бошлабди:

*Чал, чал найни, эй ўгай сингил,  
Чўзиб чалгин, эй маккор сингил,  
Чалавергин одимхўр ёвуз .  
Мен ўлганман, афсус, минг афсус...  
Сен итардинг сассиз ботқоққа,  
Терган сархил мевам олмоққа,  
Онамдан қолганди бир сандиқ сен,  
Сен ўлдирдинг мени шу сандиқни деб.*

Ота гувоҳларни чақириш учун югуриб кетибди. Маккор қизни, унга қўшиб онасини ҳам чилвир билан уйнинг устунига боғлашибди, ёнларига пойлоқчи ҳам қўйишибди.

Ота, гувоҳлар ва дарвиш чол ботқоқликка қараб югуриб кетишибди. Қидириб, қидириб, ахири қизни топишибди, ботқоқдан чиқариб олишибди. Уни ювинтиришибди, тарантиришибди. Шунда у кўзини очибди-да, нолий кетибди:

— Вой-бў, шундай қаттиқ ухлаб қолибман, устига-ушак, узундан-узоқ туш ҳам кўрибман! Отажон, қадрдоним, маккор ўгай онамни ҳам, унинг ёвуз қизини ҳам бошқа тутиб турма. Уларнинг дастидан сенгаям, менгаям кун бўлмайди, шунинг учун бу ерда ортиқ қолишмасин.

Ота қувониб кетганидан ёвуз хотинининг ва маккор ўгай қизининг гуноҳидан ўтибди. Аммо уларни ҳовлидан қувиб чиқарибди:

— Қаердан келган бўлсаларинг ўша ерга жўналаринг!



## К У Н Ч И Н И К И Т А

у воқеа жуда қадим замонларда юз берган экан. Киевдан сал нарида бир даҳшатли аждаҳо пайдо бўлибди. Аждаҳо шаҳарга бало-қазодай ҳар куни бир бостириб кирарканда, кўп одамларни ўлжа олиб, инига ташиб кетар экан. Кейин уларни битта қўймай паққос туширар экан. Бир куни у подшоҳнинг қизини ҳам олиб кетибди. Лекин аждаҳо подшоҳнинг қизини емабди, балки қочиб кетолмайдиган қилиб, қамаб қўйибди. Малика билан бирга унинг яхши кўрган бир лайчаси ҳам эргашиб келган экан. Эртасига уёқдан аждаҳо ўлжа қидириб кетибди-ю, буёқдан малика лайчасининг бўйнига хат

боғлаб, уйига жўнатибди... Шу тариқа лайча сарой билан аждаҳо ини ўртасида хат ташувчилик қила бошлабди. Хатларнинг бирида подшоҳ билан хотини ўз қизларига шундай уқдиришибди.

— Қизим, сен бирров аждаҳодан сўраб кўр-чи, дунёда энг кучли ўзимикан ёки ундан ҳам кучлироқ бирон зот бормикан? Бор бўлса, унинг кимлиги ёки нималигини суриштириб бил.

Аждаҳо кечқурун инига қайтиб келганда малика пайт пойлаб туриб унга савол берибди:

— Ҳой аждаҳо, назаримда, дунёда сендан кўра кучлироқ ҳеч бир махлуқ йўқдир-а? Ахир, сен ҳеч кимдан кўрқмайсан-ку.

Аждаҳо бирпас ўйланиб турибди-да, кейин маликага қараб жавоб қайтарибди:

— Йўқ десам, ёлгон гапирган бўламан. Киевда яшайдиган кўнчи Никита деган киши мендан зўр.

Аждаҳо овга чиқиб кетиши ҳамон малика отаси билан онасига шундай хат ёзиб юборибди:

«Киевда кўнчи Никита деган одам яшар экан, аждаҳо фақат ўшандан кўрқар экан. Уни буёққа юборинглар, мени аждаҳо чангалидан қутқариб олсин».

Подшоҳ ҳаял ўтмай Никита кўнчининг қаерда туришини дараклатибди-ю, хотинини ёнига олиб, унинг ёнига равона бўлибди. Бу пайтда кўнчи бирварақайига ўн иккита кўтос терисини битта қилиб ийлаб ўтирган экан.

Подшога кўзи тушиши билан Никита кўрқиб кетибди, қўллари титраб, ўн иккита терининг ҳаммасини йиртиб юборибди. Бечора, терилари бирданига ишдан чиқиб, қанчалик чиқимдор бўлганини унинг ўзию худо билади. Бу нарса унга қаттиқ алам қилибди. Аммо жаҳлини билдирмасликка тиришиб, аламини ичига ютибди. Подшо билан хотинининг гапини жим туриб эшитибди-ю, лекин қизни қутқаргани боришга кўнмабди. Подшо билан хотини шунча ялиниб-ёлборса ҳам икки оёғини бир этикка тиқиб олибди.

Шунда тадбиркор подшо уни кўндиришнинг бошқа чорасини ўйлаб топибди. У ота-оналарини аждаҳо ютган беш мингта етим болани бир жойга тўплаб, уларни Никитанинг олдига юборибди. «Бориб кўнчидан илтимос қилинглар, рус диёрини бу балодан халос қилсин, аждаҳони ўлдирсин», деб уларнинг қулоғини пишитибди.

Етимлар келиб, Никитага кўзёши қилишибди, диёримизни бу балодан қутқаринг, деб ялиниб-ёлворишибди. Кўнчи ҳам жуда унақа бағритиш одам эмас экан, етимларнинг зор қақшаб турганини кўриб кўзига ёш олибди. У уч юз пуд қипиқ топибди-да, мум эритиб, қипиқни мумга қорибди. Кейин аъзойи

баданини қипиқли мумга белаб олиб, йўлга тушибди. Никита аждаҳо инига яқин борибди, бироқ аждаҳо ичкарига бекиниб олиб, унинг олдига чиқишдан бош тортибди. Бу ҳам етмагандай, инига кириш йўлини ходаю ғўлалар билан маҳкам тўсиб қўйибди.

— Мард ўзини майдонда кўрсатади,— дебди унга Никита кўнчи,— яхшиликча ташқари чиқ, бўлмаса ин-пинингга қўшиб, ўзингни ҳам теридай ийлаб, абжағингни чиқараман!

Аждаҳонинг жавоб беришини ҳам кутиб ўтирмай, у ходаларни ҳар томонга қараб улоқтиришга тушибди.

Аждаҳо қараса, иш чатоқ, кўнчидан қочиб қутулишнинг иложи йўқ эмиш. Ноилож, судрала-судрала инидан ташқарига чиқиб келибди ва Никита билан олиша кетибди. Улар анчагача олишибди, гоҳ униси устун келса, гоҳ буниси устун келармиш. Охири Никита кўнчи аждаҳони бир амаллаб ерга йиқитибди-да, тиззаси билан бўйнидан босиб, бор кучи билан бўға бошлабди. Шунда аждаҳо паҳлавон кўнчига қараб ялинишга тушибди:

— Жон Никита, мени ўлдирма! Дунёда сенга бас келадиган ҳеч бир кучнинг ўзи йўқ. Кел, муросяю мадора қилайлик, дунёни қоқ иккига бўлайлик-да, ярмига сен эгалик қил, қолган ярмига мен эгалик қилай.

— Бўпти,— дебди Никита кўнчи.— Лекин бир шартим бор. Кейин ўртамизда низо чиқиб, жанжаллашиб юрмаслигимиз учун аввало марза кўтариб олишимиз лозим бўлади.

Бу шартга аждаҳо дарров кўнибди. Никита уч юз пудлик омов сўқасини ясабди, омовга аждаҳонинг ўзини кўшибди-да, Киевдан бошлаб марза торта бошлабди. Омов ерга оз эмас, кўп эмас, нақ иккию чорак саржин чуқурликка ботиб борармиш. Шу тариқа Никита кўнчи омовни то Қора денгизгача олиб борибди-да, кейин аждаҳога қараб дебди:

— Қуруқликни бўлашиб олдик, энди орамизда низо чиқиб, жанжаллашиб юрмаслигимиз учун денгизни ҳам тақсимлаб олайлик!

Улар шундай қилибдилар ҳам. Никита кўнчи аждаҳони Қора денгиз ичига қараб ҳайдабди. Денгиз -- денгиз-да. Аждаҳо сувга қадам қўйиши ҳамон қутуриб турган тўлқинлар уни бир ҳамладаёқ суриб, сув тагига думалатиб кетибди. Аждаҳо сувга бир ағдарилганича қайта қорасини кўрсатмабди.

Никита қутлуғ ишни адо этиб бўлгандан кейин Киевга қайтиб келибди ва яна ўзининг сеvimли касби -- кўнчилигини давом эттирибди. Қилган қаҳрамонлиги учун эса ҳеч кимдан ҳеч қанақа мукофот олмабди. Малика отаси билан онаси бағрига ўқдай учибди.

Эл орасида Никитанинг омовчи деган нақл шундан қолган экан. Ҳозир ҳам унда-мунда марза қолдиқлари учраб туради.

Улар икки саржин баландликдаги деворга ўхшайди. Ҳар куз ва баҳорда деҳқонлар марзаларнинг ён-теварагида ер ҳайдайдилар, деҳқончилик қиладилар, лекин марзага тегмайдилар: уни кўнчи Никитадан қолган ёдгорлик деб эъвозлайдилар.



## БИЛЛУР ТОҒ

ор экан-да, йўқ экан, бир подшо бўлган экан. Подшонинг уч ўғли бор экан. Кунларнинг бирида уч ўғил оталари ҳузурига киришибди-да, шундай дейишибди:

— Падари бузрукворим, сиз бизни дунёга келтирдингиз, боқиб катта қилдингиз, ҳамма нарсадан беками кўст ўстирдингиз. Энди бизлар катта бўлдик. Толеимизни синайдиган пайтимиз етди. Отажон, бизлар олис сафарга чиқишни ихтиёр қилдик. Оқ фотиҳа берсангиз.

Ўғилларининг гапларини эшитиб, подшонинг кўнгли кўтарилибди, уларнинг балоғатга етиб, ақлли-ҳушли бўлганларини кўриб димоғи чоғ бўлибди. Юрагида оталик меҳри жўш урибди. Қўлини фотиҳага кенг очиб, ўғилларига оқ йўл тилаб, шундай дебди:

— Ой бориб, омон қайтинглар, олинглар, олдирманглар. сизларга тангри ёр бўлсин.

Шундан кейин ўғиллар ҳар томонга тарқаб кетишибди.

Энди гапни кенжа ўғилдан эшитайлик.

Кенжа ўғил йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир ялангликдан чиқиб қолибди. Қараса, ўртада бир от ўлиб ётибди. Отнинг ўлиги атрофида бир талай паррандаю дарранда уймалашиб, ўлакساني бўлишолмай, ўзаро катта можаро қилишаётган эмиш. Шу пайт бир лочин шаҳзоданинг олдига учиб келибди-да, унинг елкасига қўниб, одамлардай тилга кириб, шундай дебди:

— Ҳой шаҳзода, худо хайрингни берсин, мана шу отни бизларга тақсимлаб бергин. Ўттиз уч йилдирки, отнинг ўлиги шу ерда ётибди, бизлар эса тортишганимиз-тортишган, лекин сира мурсага келолмайман.

Шаҳзода отидан ирғиб тушибди-да, ўлакساني тақсимлай бошлабди — йиртқичларга суягини, қушларга гўштини, терисини даррандаларга, бошини қурт-қумурсқаларга инъом қилибди.

— Раҳмат, умрингдан барака топ, шаҳзода Иван, — дебди лочин миннатдорлик билан. — Бу хизматинг эвазига катта сеҳргар бўлдинг. Энди хоҳлаган пайтингда лочинга, хоҳлаган пайтингда чумолига айланишинг мумкин.

Шу заҳотиёқ Иван юмшоқ ерда бир ўмбалоқ ошибди-

да, чиройли лочинга айланибди. Сўнг қанот қоқиб кўкка кўтарилибди-ю, салтанатни бир айланиб чиқибди. Салтанатнинг тенг ярми Биллур тоғда жойлашган экан.

Лочин тўғри шоҳ саройига учиб келиб, азамат йигитга айланибди ва сарой дарвозабонига:

— Сўраб кўр-чи, шоҳ мени ўзига мулозим қилиб олармикан ё йўқми? — дебди.

— Шундай йигитга ҳам ноз қиладими?

Шоҳ уни галга солиб ўтирмай дарров ўзига мулозим қилиб олибди. Шаҳзода Иван шоҳ саройида хизмат қилишни бошлаб юборибди. Орадан бир неча ҳафталар ўтибди.

Кунларнинг бирида шоҳнинг қизи отаси ҳузурига кириб:

— Отажон, сиздан бир нарсани ўтиниб сўрайман, мулозимингиз шаҳзода Иван билан Биллур тоғини томоша қилиб келсам майлими? — дебди.

Шоҳ рози бўлибди. Қиз билан шаҳзода учқур отларда Биллур тоққа қараб йўл олишибди. Етиб келишгач, олдиларидан бир эчки чиқиб қолибди. Эчки бўлганда ҳам қанақа денг, бошдан-оёқ олтин эмиш. У одамларни кўриб, ура қочибди. Шаҳзода эчкини тутиш учун орқасидан от солиб қувлабди. У қувлаб кетаверибди, кетаверибди, лекин сира етолмабди. Охири ҳолдан тойиб, қувлашдан тўхтабди-да, орқасига қайрилиб қарабди, бироқ маликадан ном-нишон йўқ эмиш. Оббо, энди нима қилдим-а, шоҳга бориб нима дейман? Унга қандай кўринаман?

Шаҳзода дарров қари чол қиёфасига кирибди. Уни ҳеч ким таниёлмабди. У тўғри саройга кириб бориб, шоҳга шундай дебди:

— Олампаноҳ, мени подачи қилиб хизматингизга олсангиз, ҳамма молингизни сидқидилдан боқиб юраман.

— Бўпти, — деб розилик билдирибди шоҳ, — подачим бўлсангиз бўла қолинг. Менга қаранг, сизга бир гапни айтиб қўяй, агар олдингизга уч бошли илон келса, унга учта, борди-ю, олти бошли илон келгудек бўлса, унга олтига, агар ўн икки бошли илон келса, ўн иккита сизгир беринг.

Шаҳзода Иван подани ўр оша, қир оша, яйлову ўтлоқлар оша ҳайдаб кетибди. Бир вақт қараса, кўлдан уч бошли илон чиқиб, тўғри шу томонга қараб келаверибди. Илон шаҳзодага қараб, худди одамлардай тилга кириб, шундай дебди:

— Ҳой шаҳзода Иван, бу нима гап? Ўзингга муносиб иш қилсанг бўлмайдими? Шундоқ тоғни урса талқон қиладиган аш-йигит подачилик қилиб юргани уялмас экан-да. Қани, учта сизгирни буёққа чўз-чи?

Илоннинг бундай кеккайиб гапириши шаҳзода Иваннинг ғашини келтирибди. Шунинг учун у пинагини ҳам бузмай, тўнглик билан шундай дебди:

— Иштаҳалари чакки эмас-ку. Мен бир кунда бор-йўғи биттагина ўрдак жўжасини тановул қиламан, сен бўлсанг бирваракайига учта сигир ер экансанми? Тушингни бориб сувга айт. Битта ҳам сигир йўқ сенга.

Илоннинг жаҳли чиқибди. У даҳшатли тишларини кўрсатиб, оғзини катта очибди-да, учта эмас, бирданига олтига сигирни комига тортибди. Шаҳзода бир ўмбалоқ ошиб яна лочинга айланибди-да, илоннинг учала бошини чўрт узиб ташлабди. Кейин подани уйга ҳайдаб кетибди.

Шоҳ уни кўриши билан сўрабди:

— Хўш, бобо, ишлар қалай? Олдингизга уч бошли илон келдими? Уни рози қилиб юбордингизми?

Чол шоҳга тик боқиб дебди:

— Йўқ, шаҳаншоҳ, мен унга биронта ҳам мол бермадим.

Эртаси куни ҳам шаҳзода ўру қир, ўтлоғу яйловлар оша подани ўтлатиб кетаверибди. Бир вақт қараса кўлдан олти бошли илон чиқиб келаётган эмиш. Илон тўғри унинг олдига келибди-да, олтига сигир берасан деб туриб олибди.

— Ҳе, сендақа мечкайдан ўргилдим,— дебди шаҳзода илонга қараб.— Мен бир кунда бор йўғи биттагина ўрдак жўжасини еб кунимни ўтказаману сен бирваракайига олтига сигир ер экансанми? Тушингни бориб сувга айт, битта ҳам сигир бермайман сенга.

Илоннинг қаттиқ ғазаби келибди ва олти сигирга човут солибди. Шунда шаҳзода дарров лочинга айланибди-да, илонга ташланибди. Унинг олтига бошини ҳам чўрт-чўрт узиб ташлабди. Сўнг подани уйга ҳайдаб кетибди.

Шоҳ уни кўриб:

— Хўш, бобо, ишлар қалай? Олдингизга олти бошли илон келдими? Уни рози қилиб юбордингизми?— дебди.

— Илон келишга-ку келди-я, аммо унга биттаям сигир бермадим,— деб жавоб берибди шаҳзода.

Қош қорайганда шаҳзода Иван чумолига айланибди-да, бир кичкина тешиқдан Биллур тоққа ўрмалаб чиқибди. Бундай қараса, Биллур тоғнинг устида малика ғамгин ўтирган эмиш.

— Салом, малика,— дебди шаҳзода,— бу ерга қандай келиб қолдинг?

— Мени ўн икки бошли илон олиб қочди. У отамга

қарашли кўлда яшайди. Унинг қорнида бир сандиқ, сандиқда қуён, қуённинг қорнида ўрдак, ўрдакнинг қорнида тухум, тухумнинг ичида уруғ бор. Агар ўн икки бошли илонни ўлдириб, ўша уруғни қўлга туширсанг, иш сеники. Биллур тоғи уваланиб кетиб, мен озод бўламан.

Шаҳзода тоғдан тушибди-да, подачи чол қиёфасига кириб, подани ҳайдаб кетибди. Шу пайт қаршисида ўн икки бошли илон пайдо бўлибди.

— Ҳой шаҳзода Иван, сохт-сумбатингга яраша ишни қилсанг-чи! Тоғни урса талқон қиладиган паҳлавон йигит пода боқиб юргани уялмайсанми?.. Ҳай майли, қани, ўн икки сигирни чўз-чи.

— Э, нафсингга ўт тушсин! Мен бир кунда бор-йўғи биттагина ўрдак жўжасига қаноат қиламан-у, сен бўлсанг оз эмас, кўп эмас ўн иккита сигир ейсанми? Тушингни бориб сувга айт!

У шундай дейиши билан илон унга ташланибди. Икки ўртада катта олишув кетибди. Жанг узоқ давом этибди. Хуллас, шаҳзода илоннинг танасини нимта-нимта қилиб ташлабди. Бир томонда эса малика айтган сандиқ, сандиқнинг ичида қуён, қуённинг қорнида ўрдак, ўрдакнинг қорнида тухум, тухумнинг ичида уруғ ётганмиш. Шаҳзода уруғни олибди-да, уни ёқиб, Биллур тоғига қараб чопибди. Зум ўтмай Биллур тоғи майда-майда бўлиб уваланиб, ўрнида озгина қум қолибди, кейин у ҳам тептекис бўлиб кетибди. Шаҳзода у ердан маликани етаклаб чиқибди-да, тўғри шоҳнинг ҳузурига олиб борибди. Шоҳ ўз қизини соғ-саломат кўриб севинганидан йиғлаб юборибди. Кейин шаҳзодага қараб дебди:

— Қизимни сенга бердим, бугундан қуёвим бўлдинг!

Шу ернинг ўзида никоҳ ҳам ўқилибди, тўй-томоша ҳам бошланибди.

Шаҳзода билан маликанинг тўйида мен ҳам бор эдим. Болу шароб мўл бўлди, соқол-мўйлов хўл бўлди, оғзимизга эса қатраси ҳам тушмади.



## СЕҲРЛИ КҮЙЛАК

ор экан-да, йўқ экан, қадим замонда бир бой савдогар яшар экан. Савдогарнинг куни битиб, дунёдан ўтибди. Ундан уч нафар эр етган ўғил қолибди. Тўнғич ўғил билан ўртанча ўғил ҳар куни шикорга чиқар экан. Кунлардан бирида



оналаридан ижозат сўраб укалари Иванни ҳам бирга ола кетишибди. Уни қалин ўрмонга бошлаб боришибди-да, ўша ерда адаштириб кетишибди. Чунки оталаридан қолган меросни ўзаро тақсимлаб олишиб, укаларини насибасидан қуруқ қолдирмоқчи бўлишган экан-да. Иван ўрмонда анча вақтгача сарсон кезибди, бечоранинг роса қорни очибди. У ҳар хил мевалару гиёҳларнинг томирини ебди. Юриб-юриб бир ялангликдан чиқиб қолибди. Унинг ўртасида бир уй бор эмиш.

Иван уйга кириб, хоналарини айланиб чиқибди, тирик жондан асар йўқ, ҳаммаёқ шипшийдом эмиш. Фақат хоналарнинг бирида уч одамга мўлжаллаб тузалган дастурхон ёзиғлиқ эмиш. Ундаги учта ликопчанинг ҳар бирида нон, ёнида эса бир шишадан шароб турганмиш. Иван нонлардан озгина-озгинадан ушатиб ебди, ҳар бир шишадан бир-бир ҳўплаб шароб ичибди-да, кейин эшик ортига бориб беркиниб олибди.

Шу вақт аллақаердан бир шунқор учиб келибди-да, ерга бир ағанаб азамат йигитга айланибди. Бир оздан кейин лочин, кейин бир чумчуқ учиб келибди. Улар ҳам ерга бир ағанаб, норғул-норғул йигитларга айланишибди-да, дастурхон атрофига ўтиришибди.

— Ие, нонимиздан, шаробимиздан кимдир тотиб кўрибдику,— дебди шу вақт шунқор йигит.

Рост-а,— жавоб берибди лочин йигит,— қандайдир меҳмон ташриф буюрганга ўхшайди.

Шундан кейин йигитлар меҳмонни қидириша бошлашибди. Шунқор эса атрофга қараб:

Ҳой номаълум меҳмон, хижолат тортмай чиқавер! Агар чол бўлсанг отамиздек ардоқлайлик. Ўз йигит бўлсанг ака-ука туғинишайлик, кампир бўлсанг онамиз бўл, бордию тўлин ойдек қиз бўлсанг жондек синглимиз бўлгин,— дебди.

Иван бу самимий гапларни эшитиб, эшик ортидан чиқибди. Мезбонлар уни бағоят очиқ чеҳралик билан кутиб олишибди, ака-акалаб, иззат-икром билан тўрға ўтқазишибди.

Эртасига шунқор Ивандан илтимос қилиб дебди:

— Бизга бир холис хизмат қилсанг, яъни сен шу ерда қолсанг-да, бизни кутиб ўтирсанг. Биз роса бир йилдан сўнг қайтиб келамиз. Фақат биз келганда мана шундай дастурхон тузаб, пойлаб ўтирасан.

— Хўп бўлади,— дебди Иван ҳозиржавоблик билан,— пойлаб ўтираман.

Шундан сўнг йигитлар яна шунқор, лочин ва чумчуққа айланишибди-да, учиб кетишибди.

Кетишдан олдин шунқор ҳамма хоналарнинг калитларини унга топширибди, бемалол айланиб, томоша қилавер, деб руҳсат ҳам берибди, фақат деворда осиглиқ бир калитни кўрсатиб,

шунга тега кўрма, деб огоҳлантирибди. Бир куни Иван ҳовлини айланиб юриб оёғи остида каттакон қулф урилган эшикка кўзи тушибди. Иван бу хонанинг ичида нима бор экан, деб қизиқиб қолибди ва очмоқчи бўлибди. У ҳамма калитларни бир-бир қулфга солиб кўрибди, қани энди биронтаси тўғри келса. Охири шартта уйга кирибди-да, девордан ҳалиги калитни олибди ва сирли эшикни очибди. Не кўз билан кўрсинки, ертўлада учқур бир тулпор гижинглаб турганмиш, эгар-абзалларининг оҳанжамалари кўзни қамаштирармиш, устидаги хуржуннинг бир кўзида лиммо-лим олтин, иккинчисида қимматбаҳо тошлар ярақлармиш.

Иван аста бориб отни эркалаб сийпаган экан, от бир тепиб уни ертўла эшигидан улоқтириб юборибди. Тепкининг зарби шунчалик бўлган эканки, Иван то уй эгалари келади-ган кунгача ўзига келмай ётиб қолибди. У ҳушига келиши билан дарров эшикни қулфлабди-да, калитни жойига илиб қўйибди. Кейин уч одамга мўлжаллаб дастурхон тузабди. Мана, шунқор ҳам, лочин ҳам, чумчуқ ҳам учиб келишибди, ерга бир ағанаб азамат йигитларга айланишибди, ҳаммалари ҳолаҳвол сўрашиб бўлгач, дастурхонга ўтиришибди.

Эртаси куни лочин Ивандан илтимос қилибди:

— Дўстим, яна бир хизматингни аямасанг биздан, бир йилга қол,— деган экан, Иван бу гал ҳам қолишга рози бўлибди.

Оғайнилар яна қушларга айланиб, учиб кетишибди. Иван тагин ҳовли айлангани чиққан экан, оёғи остида бошқа бир эшикни кўриб қолибди, уни ҳам бояги калит билан очибди. Ертўлада бир тулпор турганмиш, эгар-жабдуқлари нақ кўзни қамаштирармиш, устидаги хуржуннинг бир кўзида тилло, иккинчисида қимматбаҳо тошлар лиммо-лим эмиш. Иван ҳаваси келиб отни сийпалаган экан, от зарб билан унинг кўксига тепибди. Шўрлик Иван ертўладан учиб чиқиб, ҳув нарига бориб тушибди. Ҳушидан кетиб, яна роса бир йил ўзига келмай ётиб қолибди. Худди оғайнилар келадиган куни Иван ўрнидан турибди. Апил-тапил эшикни қулфлабди-да, калитни деворга илиб қўйибди.

Кўп ўтмай шунқор, лочин ва чумчуқ қайтиб келиб, ерга бир-бир ағанаб йигит қиёфасига киришибди, салом-алик қилиб дастурхонга тизилишибди.

Эртасига эса чумчуқ Ивандан илтимос қилибди:

— Яна бир йил тура тургин, кел, йўқ дема. Қирқига чидадинг, қирқ бирига ҳам чида.

Иван бу гал ҳам қолишга рози бўлибди. Оғайнилар қушларга айланибди-да, парвоз қилиб кетишибди. Иван роса бир йил танҳо ўзи ҳувиллаган уйда қолиб кетибди. Ниҳоят, белгиланган кун келиши билан дастурхон тузаб, оғайниларини кута

бошлабди. Оғайнилари келиб дастурхон атрофида давра қуриб ўтиришибди. Тушлиқдан сўнг тўнғич оғайни шундай дебди:

— Хизматинг учун минг раҳмат, Иван. Эвазига эса мана шу тулпорни сенга инъом қилдим. Устидаги эгар-жабдуқлари, тилла ва қимматбаҳо тошларга тўла хуржун ҳам сеники бўлсин.

Лочин бўлган ўртанча оғайниси унга иккинчи тулпорни ҳаё қилибди. Навбат чумчуққа келган экан, у бир кўйлак тортиқ қилибди.

— Бу, — дебди чумчуқ, — оддий кўйлак эмас, ўқ ўтмайдиган сеҳрли кўйлак. Буни кийган одамнинг кураги асло ерга тегмайди.

Иван сеҳрли кўйлакни кийибди, тулпорга минибди ва қайдасан гўзал Елена деб йўлга тушибди. Гап шундаки, сал олдин жарчилар дунёни бошларига кўтариб: — Кимда-ким аждаҳо Горинични енгса, гўзал Елена ўшанга насиб этади, — деб жар солган экан-да.

Иван тўғри аждаҳо Горинич олдига етиб борибди-да, у билан жангга киришиб кетибди. Аждаҳони бир ёқли қилиб, бошини дуб тўнкаси ёриғига понадай тиқмоқчи бўлган экан, аждаҳо Горинич ялина бошлабди:

— Жон Иван, мени ўлдирма, яхшиси хизматингга ол, ўлаўлгунча садоқатли хизматкоринг бўлай.

Иваннинг аждарҳога раҳми келибди, уни ёнига олиб, гўзал Елена қошига жўнабди. Кўп ўтмай гўзал Еленага уйланиб, аждаҳо Горинични ошпаз қилиб тайинлабди.

Бир куни нима бўлибдию Иван овга кетибди. Аждаҳо Горинич эса гўзал Еленанинг бошини айлантириб, йўлдан урибди. Кейин ундан Иваннинг бу даражада оқил ва қудратли эканлигининг боиси нимада, шу сирни билиб берсанг, деб илтимос қилибди. У гўзал Елена билан гапни бир жойга қўйиб олгандан кейин биргаликда тадбир ишлата бошлабди. Аждаҳо Горинич бир ўткир ичимлик тайёрлабди, гўзал Елена уни эрига тўйдириб ичирибди, сўнг аста саволга тутибди.

— Айт-чи, Иван, сенинг бу қадар ақлу заковатли бўлишинг сири нимада?

— Э, бунинг ҳаммаси ошхонадаги супурги бор-ку, ўшандан, — дебди Иван.

Гўзал Елена секин супургини олибди, ошхонага чиқибди-да, уни гуллар билан обдон безабди, сўнг кўзга кўринарли жойга қўйиб қўйибди. Эртасига Иван овдан қайтиб келгандан кейин гулли супургини кўриб, ҳайрон бўлибди.

— Нега супургини бу кўйга солдинг? — деб сўрабди у хотинидан.

— Вой ўлмасам, — дебди гўзал Елена. — Ахир сенинг ҳамма ақлу идрокинг, кучу қудратинг шунда бўлса-ю, мен уни хор қилиб, тупроққа ташлаб қўяйми?

— Ие, тентакмисан? Ахир, қандай қилиб менинг ақлу идроким, кучу қудратим сунургида бўлсин?

Гўзал Елена эрини яна ўткир ичимликка тўйғазиб, аста сўрабди:

— Ҳой Иван, тўғрисиани айтақол, сен шунча ақлу заковатни қаердан оласан, а?

— Ҳўкизнинг шохидан!

Гўзал Елена тезда ҳўкизнинг шохларини зар билан безашни буюрибди. Эртаси куни Иван овдан қайтиб келиб кўзи ҳўкизга тушибди-ю, ҳайратдан оғзи очилиб қолибди.

— Бу нима қилиқ? Нега ҳўкизнинг шохларини зар билан безаб қўйдиларинг?

— Ахир,— деб жавоб берибди гўзал Елена, — кучу қудратинг, ақлу заковатинг шу шохларда-ку!

— Вой тентаг-эй! Менинг кучу қудратим, ақлу заковатим ҳўкизнинг шохидан нима қилади?

Гўзал Елена эрини яна ўткир ичкилик билан маст қилиб, қистаб сўрай бошлабди:

— Айта қол, жонгинам, ақлу заковатинг, кучу қудратинг нимада?

Мастлик кор қилдими ё хотинининг ҳадеб тиқилинч қилавергани жонига тегдими, бир вақт Иван оғзидан гуллаб қўйибди:

— Менинг ақлу заковатим, кучу қудратим мана шу қўйлақда!

Шундай дебди-ю, Иван ухлаб қолибди.

Гўзал Елена секин унинг устидан қўйлагини ечиб олибди-да, ясовулларга унинг танасини қийма-қийма қилиб, овлоқ далага олиб бориб ташлашни буюрибди. Ўзи эса аждаҳо Горинич билан яшай бошлабди.

Иваннинг чопилган танаси уч кечаю кундуз яйдоқ далада ётибди, атрофига қузғунлар йиғила бошлабди. Нима бўлибди-ю, иттифоқо шу ердан лочин, шунқор, чумчуқ учиб ўтиб қолибди. Бундоқ қарасалар, қадрдон биродарлари бийдай далада ўлиб ётганмиш. Учалаларининг ҳам юраклари орқага тортиб кетибди. Шунда лочин бир қари қарғага қараб амр қилибди:

— Тез бориб ажал суви ва тириклик суви келтир!

Қарға бир зумда унинг айтганини бажо келтирибди.

Шунқор, лочин, чумчуқ Иваннинг жасади бурдаларини бир-бир йиғишибди, кейин устига ҳалиги сувлардан сепишибди. Шу заҳоти Иван ҳеч нима кўрмагандай ирғиб ўрнидан туриб кетибди ва биродарларига миннатдорчилик билдирибди. Оғайнилари ҳам севинчдан териларига сиғмай, унга олтин узук тақдим этишибди. Иван узукни қўлига тақиши ҳамон арғумоққа айланибди-да, гўзал Елена ҳовлиси сари учиб кетибди. Аждаҳо Горинич Иванни узоқданоқ таниб қолибди. У, тез бу отни тутиб отхонага боғланглар-да, тонг билан сўйинглар, деб буюрибди.

Гўзал Еленанинг ёшгина оқсочи бор эди, унинг арғумоққа раҳми келиб, отхонага кириб қон қақшаб ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлабди.

— Вой бечора тойчоқ-эй, эртага сени сўйишади.

Шу пайт тойчоқ одамлардай тилга кириб:

— Эй гўзал қиз, эртага мени сўйишмоқчи бўлган жойга келгин-да, қоним сачраган ерни оёғинг билан босиб тур: сўнг бу қонни тупроққа қориб озгинасини ол-да, қаср атрофига олиб келиб, сочиб юбор, — дебди.

Эрталаб отни сўйиладиган жойга келтиришиб, калласини танасидан жудо қилишибди. Ҳалиги сулув қиз эса қон сачраган ерни оёғи билан босиб турибди, кейин қонни тупроққа қориб, ердан озгинасини сидириб олибди, қаср олдига бориб сочиб юборибди. Уша кунининг ўзидаёқ тупроқ тушган жойдан мевали дарахтлар ўсиб чиқиб, бутун қаср кўм-кўк боғ-роғга бурканибди. Аждаҳо Горинич дарахтларни битта ҳам қолдирмай томир-помири билан суғуриб, ёндириб юборишни буюрибди. Оқсоч кўзига ёш олиб, боғни сўнгги бор томоша қилгани чиқибди. Шунда бир дарахт одам овозида:

— Менга қара, сулув қиз! Боққа қирон келтирганда сен битта тарашани олиб, кўлга ташлаб юбор, — деб тайинлабди.

Қиз шундай қилибди. Тараша сувга тушиши билан олтин суқсурга айланибди-ю, сузиб кетибди.

Аждаҳо Горинич кўл бўйида ов қилиб юриб, олтин суқсурни кўриб қолибди. «Эҳ, шуни тириклайин тутсам-чи», деб кўнглига келтирибди. У шартта устидаги сеҳрли кўйлакни ечибди-ю, ўзини сувга отибди. Суқсур соҳилдан узоқлашиб сузиб кета-верибди, кетаверибди. Охири аждаҳо Горинични кўлнинг энг чуқур жойигача эргаштириб борибди-да, ўзи ғирра изига қайтибди. Соҳилга чиқиб дарров сеҳрли кўйлакни кийиб олибди. Энди аждаҳо Горинични ўлдириш унга нима деган гап! Аждаҳо-ни бир ёқли қилиб, қасрга қайтиб келибди-да, гўзал Еленани қувиб юборибди. Узи эса сулув оқсоч қизга уйланиб, муроду мақсадига етибди.



## ТЎҒРИВОЙ БИЛАН ЭГРИВОЙ

унлардан бир кун, тўғрилиқ билан яшаган яхшими, эгрилик билан, дея Тўғривой ва Эгривой тортишиб қолибди. «Алдамчилик билан яшаган яхши-да», — деб ўзиникини маъқуллабди Эгривой. «Тўғри яшашга не етсин», — деб унинг гапларига қўшилмабди Тўғривой. Иккалови роса таланиб-тортишишиб-

ди-ю, барибир бир ажримга келишолмабди.

— Юр, мирзага борамиз, баҳсимизни ўша ажрим қилсин,— дебди шунда Эгривой.

— Юр,— дебди Тўғривой ҳам!

Улар мирзанинг олдига келишибди.

— Баҳсимизни бир ёқлик қил,— дебди Эгривой,— тўғри яшаш яхшими ё эгри яшаш.

— Нимадан гаров ўйнадинглар? — дебди мирза.

— Юз сўмдан.

— Сени қара-ю, Тўғривой,— дебди мирза.— Бизнинг замонда тўғри яшаб бўларканми.

Тўғривой ҳамёнидан юз сўм олиб, Эгривойга берибди, ўзи бўлса қаттиқ туриб тўғри яшаган яхши деяверибди.

— Юр, энди қозига борамиз,— дебди Эгривой,— қани, у қандай ҳукм чиқарар экан. Агар сенинг гапинг тўғри бўлса, минг сўм берганим бўлсин, агар ҳукм менинг фойдамга ҳал бўлса, иккала кўзингни менга берасан.

— Бўпти, юр.

Улар қозининг олдига келиб, қандай яшаган яхши, деб сўрай бошлашибди.

Қози ҳам мирзанинг гапини такрорлабди:

— Бизнинг замонда тўғри яшаб бўлармишми.

— Қани, кўзларингни буёққа чўз!— деб хитоб қилибди Эгривой. Кейин унинг иккала кўзини ўйиб олибди.

Бечора Тўғривой кўзсиз қолибди, ётиб ерни пайпаслаганча эмаклаб кетибди. Ботқоққача судралиб борибди ва майса устига ётибди. Ярим тунда у ерга бир гуруҳ ёвуз руҳлар тўпланишибди. Каттаси ҳаммадан бирма-бир нима ишлар қилганини сўрай бошлабди. Бирови фалончини ўлдирдим деса, бирови пистончини гуноҳга ботирдим дебди. Эгривой бўлса, навбати келганда:

— Мен гаров бойлашиб Тўғривойнинг юз сўмини ютдим, кўзларини ҳам ўйиб олдим,— деб мақтанибди.

— Нима бўпти? — дебди каттаси,— шу ердаги гиёҳни кўзига сурса, яна очилиб кетади.

Тўғривой ҳамма гапни эшитиб ётибди.

Шу пайт хўрозлар қичқириб, ёвуз руҳлар кўздан ғойиб бўлибди. Тўғривой гиёҳдан юлиб, кўзларига ишқалай бошлабди. Аввал бир кўзига, кейин иккинчи кўзига ишқалабди. Кўзлари аввалидек яхши кўрадиган бўлиб қолибди. Гиёҳдан юлиб, кўйнига солибди-да, йўлга равона бўлибди.

Уша кунлари бир подшонинг қизи кўр бўлиб қолган экан. У кимда-ким маликани тузатса, уни ўзимга куёв қиламан, деб жар солдирибди. Тўғривой гиёҳни маликанинг кўзларига суртган экан, унинг кўзлари очилиб кетибди. Подшо севиниб, қизини Тўғривойга никоҳлаб бериб, унга саройидан жой берибди.



## Ш А Б А Р Ш А

изга бир эртак айтиб берайми? Эртагим эртак, олтин беланчак, ажойибу фаройиб, қарол Шабарша эса ғирт ёлгончи, кирнида бор бўйинча, эртак тингланг бугунча.

Шабарша қаролликка ёлланибди. Кунлардан бир кун балою офат ёнишибди. Ёйишга бир бурда нон, ичишга бир қултум сув қолмабди.

— Бу балони қандай даф этса бўларкин? Пулни қаердан оламиз. Нима еб, нима ичамиз?— деб хўжайин чуқур ўйга чўмибди.

— Э, хўжайин, куйинаверманг,— дебди Шабарша,— тонг отса, пул ҳам, нон ҳам топилади.

Шабарша шундай деб тегирмон тўғонига қараб жўнабди. «Балиқ тутаман,— ўйлабди у,— сотсам пул бўлади. Эҳе, қармоқ қилиш учун ип йўқ-ку. Ҳозир тўқиб оламан».

Тегирмончидан бир қучоқ каноп сўраб олибди-да, арқон тўқишга ўтирибди.

Тўқийверибди, тўқийверибди, бир маҳал сувдан қирғоққа қизил қалпоқча, қора камзулча кийган шайтонвачча сакраб чиқибди.

— Амакижон! Бу ерда нима қиялпсиз?— деб сўрабди у.

— Арқон тўқияпман,— дебди Шабарша.

— Нима учун?

— Кўлни тозаламоқчиман, кейин сиз шайтонларни сувдан тортиб чиқармоқчиман.

— Э, йўқ! Бирпас шошмай туринг, мен бобомга айтай-чи.

Сўнг шайтонча сувга шўнғибди. Шабарша бўлса ишини давом эттираверибди. «Шошмай турларинг,— ўйлабди у,— мен сен лаънатиларга бир томоша кўрсатайки, олтин-кумушларни ўзларинг қўшқўллаб келтириб берларинг».

Шабарша чуқур кавлабди-да, унинг оғзига шапкасининг тепасини тешиб, қўйиб қўйибди.

— Шабарша, ҳой Шабарша! Бобом сен билан гаплашишни буюрди. Бизнинг сувдан ҳайдаб чиқармаслигинг учун нима оласан?

— Мана бу шапкани олтин-кумушга тўлдиришлар.

Шайтонча шўнғиб кетибди ва бир зумда қайтиб чиқибди.

— Бобом айтдики, сен билан аввал курашиб кўрарканман.

Э-ҳе, сен она сути оғзидан кетмаган жинқарчанинг мен билан курашишингга йўл бўлсин. Сени ҳатто укам Мишкага ҳам кучинг етмайди-ку.

Мишканг қасерда?

Ҳов ана, жарликда, бута тагида қорнини қашлаб ётибди.

- Уни қандай қилиб чақирсам бўлади?

- Бориб, биқинига бир тушир, ўзи ўрнидан туриб кетади. Шайтонча жарликка бориб, айиқни бир тепибди ва тўқмоқ билан унинг биқинига бошлаб туширибди. Мишка орқа оёқларида туриб, шайтончани шунақанги гижимлабдики, унинг суяклари қирсиллаб кетибди: «Вой-бў, агар Шабаршанинг ўзи билан олишганида адо бўларканман-а?» — деб юборибди у.

- Ҳм, — дебди бобоси бунга эшитиб. — Энди Шабарша билан пойга ўйна. Қани, ким ўзғир экан.

Қизил қалпоқча кийган шайтонча яна Шабаршанинг олдида пайдо бўлибди: унга бобосининг топшириғини айтибди. Унга Шабарша шундай дебди:

- Ҳе-ҳе, мен билан пойга ўйнашга сенга йўл бўлсин! Менинг кичик укам Қуёниддиннинг ҳатто чопганига ҳам етолмайсан.

- Укам Қуёниддин қаерда?

- Ҳув ана, ўтлоқда ётибди, дам оляпти шекилли. Яқинига бориб қулоғидан тортигин — чопишини кўрасан.

Шайтонча қуённинг ёнига чопибди. Унинг қулоғидан тортибди: қуён шундай жуфтакни ростлаб қолибдики... Шайтонча унинг изидан югуриб:

- Шошма, шошма, аввал етиб олай. Эҳ, кетиб қолди-я!.. — дермиш.

- Эҳ, бобо, — дебди у сув остига тушиб. — Мен у билан чопишга ҳаракат қилдим. Қаёқда! Ҳатто етиб ололмадим. Яхшиямки Шабаршанинг ўзи билан эмас, укаси билан чопувдим.

- Ҳм, — дебди қари шайтон, қовоқлари уюлиб, — Шабаршанинг олдида бор. Яна куч синашинглар, қани ким кучли ҳуштак чалар экан!

- Шабарша, эй Шабарша, — дебди шайтонча сувдан чиқиб. — Бобом яна гаров бойлашни буюрди. Қани, қайси биримиз кучли ҳуштак чалар эканмиз.

- Ҳўп, бўлмаса биринчи бўлиб ўзинг ҳуштак чалақол.

Шайтонча бор кучи билан ҳуштак чалибди. Шабарша зўрға ўзини тутиб қолибди. Дарахтлардаги барглар ерга тўкилибди.

- Яхши чаларкансан, — дебди Шабарша, — барибир менчалик эмас. Ҳуштак чалишим билан ўзингни тутиб туролмай йиқиласан, қулоқларинг чинна битиб қолади. Яхшиси, ерга ётиб, қулоқларингни маҳкам беркитиб ол.

Шайтонча ерга ётиб, қулоқларини беркитиб олибди. Шабарша тўқмоғини олиб айлангириб туриб унинг гарданига туширибди. Ўзи бўлса фю-фю-фю, деб ҳуштак чалиб қўярмиш.

- Оҳ, буважон, буважон! Шабарша шунақанги зўр ҳуштак-боз эканки! Кўзларимдан ўт чақнаб кетди. Зўрға ўрнимдан турдим. Умуртқам, гарданым шунақанги оғрияптики, суякларим синиб кетди-ёв, — дебди шайтонча.



— Эҳ-ҳе, демак, сен жинқарча, кучли эмас экансан. Бор, ана, қамишларнинг тагида менинг темир тўқмоғим ётибди. Олиб бориб Шабарша билан бас бойлашгин: қани, ким уни баландроқ-қа ирғитаркин?

Шайтонча тўқмоқни елкасига қўйиб, Шабаршанинг ёнига келибди.

— Хўш, Шабарша, бувам, охирги марта сен билан куч синашишимни буюрди. Қани, мана бу тўқмоқни қайси биримиз баландга ирғитамиз?

— Аввал ўзинг от, мен бир кўрай-чи.

Шайтонча тўқмоқни осмонга отибди — у шунчалик баландлаб кетибдики, осмонда қора нуқтага ўхшаб қолибди. Ерга қайтиб тушгунча роса кутишибди.

Шабарша тўқмоқни қўлига олибди — оғир! Уни оёғининг остига қўйиб, осмонга тикилиб қарай бошлабди.

Нега отмаянсан? Нимани кутяпсан? — дебди шайтонча.

Ҳов анави булут яқин келишини кутяпман. Ўша ерда менинг укам темирчилик қилади. Ирғитиб юбораман, темир тўқмоқ унинг жонига ора кириб қолар.

Э, йўқ, Шабарша, тўқмоқни булутга отиб юборма, буваминг жаҳли чиқади.

Шайтонча тўқмоқни олиб, сувга шўнғиб кетибди. Буваси неварасидан Шабарша сал бўлмаса тўқмоқни булутга ирғитиб юбораёзганини эшитиб, жуда қўрқиб кетибди ва ўпқондан ақча олиб чиқиб тўлашни буюрибди.

Шайтонбачча пулни ташийверибди, ташийверибди — роса кўп олиб чиқибди — шапка ҳеч тўлмасмиш.

Бува, ҳой бува, Шабаршанинг шапкаси жуда аломат-ку. Бутун хазинани олиб чиқиб солсам ҳам тўлмаяпти. Сенинг охирги сандиқчанг қолди, холос.

— Уни ҳам олиб чиқиб бер. Ҳалиям арқон тўқияптимиз?

— Тўқияпти, бува.

— Буни қара-я!

Шайтонбачча бошини қашлаб, бувасининг сандиқчасини олиб чиқибди, ундан олтин-кумушларни Шабаршанинг шапкасига солаверибди, солаверибди, охири шапка тўлибди.

Шундан бери қарол шоҳона яшаётганмиш: мени ҳам яқинда асал ейишга, пиво ичинга чақиришувди, бормадим: асали аччиқ эмиш, пивоси қуюқ эмиш. Қайдан келди-я бундоқ кўнгилсизлик?



## ИВАНУШКА ТЕНТАК

ор экан-да, йўқ экан, бир чол билан кампир бўлган экан. Уларнинг уч ўғли бор экан. Иккитаси эсли-хушли, учин-

чиси — Иванушка ғирт тентак экан. Ақллилар яйловда қўй боқишар, тентак бўлса ҳеч нарса қилмас, печка устида ўтириб, пашша тутар экан.

Бир куни кампир қора ундан чўзма пиширибди-да, тентакка:

— Қани, мана бу овқатни акаларингга олиб бор, ейишсин, — дебди.

Хурмачани тўлдириб овқат сузибди-да, унинг қўлига берибди. У акаларининг ёнига йўл олибди. Қуёшли кун экан, Иванушка уйдан чиқиши билан ўзининг соясини кўрибди ва ўйлаб кетибди:

«Ким бўлдийкин бу? Мен билан ёнма-ён юради, бир қадам ҳам орқада қолмайди. Чўзма егиси келиб қолгандир».

У соясига чўзмалардан ташлайверибди. Ҳаммасини ташлабди. Қараса сояси ҳали ҳам ёнма-ён келаётганмиш.

— Эҳ, тўймас очофат! — дебди тентак ғазабланиб ва уни хурмача билан бошлаб туширибди. Сопол парчалари ҳар ёққа учиб кетибди.

Иккала қўлини бурнига тиқиб, акаларининг ёнига келибди. Акалари ундан сўрашибди:

— Нега келдинг, тентак?

— Сизларга тушлик олиб келдим.

— Қани? Тезроқ берақол.

Биласизларми, акажонлар, йўлда менга бир нотаниш киши илашиб қолиб, овқатни еб қўйди.

— Ким экан у?

— Мана у! Қаранг, ёнма-ён турибди.

Акалари уни тутволиб бошлаб саваллашибди. Кейин уни қўй боқишга қўйиб, ўзлари қишлоққа тушлик қилгани кетишибди.

Тентак қўй боқа бошлабди. Қараса, қўй-қўзилар ҳар ёққа тарқаб кетаётганмиш. Тентак уларни бир ерга йиға бошлабди. Кейин ҳаммасининг кўзларини ўйиб олибди. Бемалол ёнбошлаб, худди бир ишни қойил қилгандек ётаверибди.

Акалари овқатланиб, яйловга қайтиб келишибди.

— Нима бало қилдинг, тентак? Нега қўйларнинг кўзи кўр? — сўрашибди улар.

Уларга кўзнинг нима кераги бор? Сизлар кетишинглар билан қўйлар ҳаммаёққа тарқала бошлади. Мен ўйлаб-ўйлаб, уларни бир ерга йиғиб, кўзларини ўйиб олдим. Бор гап шу.

— Шошма, ақлингни бир пешлаб қўяйлик! — дейишибди акалари ва уни яна мушт билан сийлай бошлашибди. Тентакнинг бошида роса ёнғоқ чақишибди.

Бирмунча вақт ўтгач, ота-онаси Иванушкани байрам дастурхонига у-бу харид қилиш учун шаҳарга юборишибди. Иванушка ҳамма нарсани сотиб олибди: стол ҳам, қошиқ ҳам, коса ҳам, туз ҳам. Аравани бўлар-бўлмас юк билан лиқ тўлдирибди. От аравани зўрға-зўрға тортармиш.



«Ә-ҳа, — ўйлабди Иванушка. — Отда тўрт оёқ бор, столда ҳам тўрт оёқ бор, демак столнинг ўзи юриб бораверади».

Стolni олиб, йўлга қўйибди. Кетаверибди-кетаверибди, узоқ юрибдими, яқин юрибдими, ким билсин қанча юрибди, қараса тепасида қарғалар айланиб учиб, ҳадеб қағиллаётганмиш.

«Қарғаларни қорни очган, бўлмаса бунчалик қичқиримасди», — деб ўйлабди Иванушка ва турли емиш олиб, қушларни чақирибди:

— Келақолинглар, еб олақолинглар.

Ўзи бўлса яна олға юриб кетаверибди.

Иванушка кесилган ўрмондан ўта бошлабди. Қараса, куйиб қорайиб кетган тўнкалар шумшайиб туришганмиш.

«Әҳ, — деб ўйлабди Иванушка, — бола бечоралар шапкасиз қолибди! Совуқ еб қолишади-ку!»

Хурмачаларни олиб уларга кийгазиб қўйибди.

Иванушка дарё бўйига етиб келибди. Отини суғормоқчи бўлган экан, сув ичмабди. «Туз солмасам, ичмайдиганга ўхшайди», — деб ўйлабди-да, Иванушка сувга бир қоп тузнинг ҳаммасини ағдарибди. От барибир ичмасдан тураверибди.

— Нега ичмаянсан, гўштингни бўри егур? Мен бир қоп тузни бекорга солдимми?

Қўлига кетмон олиб отнинг бошига бир туширибди — от тил тортмай ўлибди. Иванушкада тоғорача билан қошиқларнинг ўзи қолибди. Кетаверибди, кетаверибди, юрган сари қошиқлар тоғорачага тегиб тақиллармиш: «тақ-тақ, тарақ, тақ-тақ, тарақ». Иванушкага худди қошиқлар: «Иванушка аҳмоқ, Иванушка аҳмоқ», деяётгандек туюлибди. Иванушка қошиқларни ерга отиб, тепкилабди.

— Мана сенларга Иванушка аҳмоқ! Мана сенларга Иванушка аҳмоқ! Яна жиғимга тегасанлар-а, ярамаслар!

Уйга келиб акаларига дебди:

— Ҳамма нарсани сотиб олдим, акалар.

— Яша, тентак, аммо қани олганларинг?!

— Стол ўзи чопиб келяпти, орқада қолди чоғи: овқатларни сингилларим еяпти, хурмачаларни ўрмондаги болаларга кийгазиб қўйдим; тузни от сув ичсин деб дарёга ағдардим; қошиқлар жонимга теккан эди — йўлда отиб юбордим.

— Йўқол, аҳмоқ, бориб тезроқ йўлга ниманики ташлаган бўлсанг, ҳаммасини йиғиштириб кел.

Иванушка ўрмонга бориб тўнкалардан ҳамма хурмачаларни йиғиштириб олибди, қулоғидан битта узун таёққа илиб, елкасига қўйибди-да, уйга қайтибди. Акалари уни бошлаб дўшпослаб, ўзлари шаҳарга йўл олишибди, тентакни уйни қўриқлашга қолдиришибди. Тентак қулоқ солса ёғоч бочкадаги пиво қайнаб кетаётганмиш.

— Пиво, қайнама! Тентак билан ўйнашма!— дебди Иванушка.

Пиво бўлса қулоқ солмасмиш: шартта ҳаммасини бочкадан ағдариб ташлабди. Узи тоғорага ўтириб, кулбанинг у бошидан-бу бошидан бораверибди, яна қўшиқ ҳам айтармиш.

Акалари келиб, чунонам дарғазаб бўлибдиларки, асти қўяверасиз. Иванушкани чипта қопга солиб, оғзини маҳкамлаб боғлашибди-да, дарё бўйига олиб келишибди. Қопни қирғоқда қолдириб, ўзлари муз ёриғини кўргани кетишибди.

Шу пайтда бўз отлар қўшилган тройкада бир бой ўтиб қолибди. Иванушка бор овози билан қичқирибди:

— Мени қози бўласан, бошқарасан, дейишяпти. Мен бўлсам қозиликни ҳам, бошқаришни ҳам уdda қилолмайман!

— Шошма, тентак,— дебди барин,— мен боплайман бу ишни. Қани, чиқ қопдан!

Иванушка дарров қопдан чиқиб, ўрнига баринни ўтказибди, ўзи эса чанага ўтириб дарров кўздан ғойиб бўлибди. Акалари келишиб, қопни муздаги тешикка туширишибди ва қулоқ тутишибди: сув нуқул билқ-билқ этармиш.

— Демак, чўкяпти!— дейишибди акалари ва уйларига йўл олишибди.

Ердан чиқибдими, осмондан тушибдими уларнинг рўпарасидан тройкада Иванушка чиқиб қолибди. Акаларини кўриб мақтанибди:

— Қаранг, қандай зўр отларни тутиб олдим. Эҳ-ҳе, қанчаси қолди у ерда. Ҳаммаси ажойиб.

Акаларининг ғайирлиги келибди. Тентакка ёпишибди:

— Энди сен бизни қопга солиб, дарёга ташла. Отларнинг бирортаси ҳам биздан қочиб қутулолмайдими,— дейишибди.

Иванушка уларни муз ёриғига ташлабди ва уйга қараб зинғилабди. Пиво ичиб, акаларини хотирлабди.

Шу билан эртак тамом, вассалом.



## ҚАЙИН ВА ТЕНТАК

Бизнинг адим ўтган замонда, номсиз шоҳлик томонда, бир чол яшаб ўтган экан. Унинг уч ўғли бор экан: иккиси эсли-ҳушли, унингчиси ғирт тентак экан. Чол оламдан ўтибди. Ўғиллар меросни чек ташлаб бўлиб олишибди. Ақллиларга анча-мунча яхши нарсалар тегибди. Тентакка эса териси устихонига ёпишган ҳўкиз насиб бўлибди.

Кунлардан бир кун ярмарка келибди. Ақллилар савдо-со-тиққа тайёрлана бошлашибди. Буни кўриб тентак:

— Мен ҳам, акалар, ўз хўкизимни сотаман, — дебди.

Хўкизнинг шохига арқон боғлаб, шаҳарга жўнабди. Ўрмондан ўтишга тўғри келибди. Ўрмонда қари, қуриб қолган қайин бор экан. Шамол эсди дегунча ғичирлайвераркан.

«Қайин нима деб ғичирляпти? — ўйлабди тентак, — хўкизимнинг нархини сўрамайтимикин?».

— Хўш, — дебди, — сотиб олмоқчимисан, олақол. Ўзим ҳам бунга қарши эмасман. Йигирма сўм тўла, вассалом. Камига бўлмайди. Қани, пулни чиқар.

Қайин ҳеч нима демай, ҳадеб ғичирлайверибди. Тентакка бўлса хўкизни қарзга сўраётгандек туюлибди.

— Майли, эртага берарсан.

Хўкизни қайинга боғлаб, у билан хайрлашиб, уйига қайтибди. Акалари уйга келиб, ундан сўрай бошлашибди:

— Хўш, тентак, хўкизни сотдингми?

— Сотдим.

— Қиммат кетдими?

— Йигирма сўмга.

— Пул қани?

— Ҳали олганим йўқ, эртага кел, деди.

— Эҳ, сен лақма.

Эртасига тентак эрталаб туриб, отланибди ва пулни олгани қайиннинг ёнига жўнабди.

Ўрмонга келиб қараса, қайин шамолда силкиниб турибди, хўкиз йўқ эмиш. Уни кечаси бўрилар еб қўйган экан-да.

— Хўш, оғайни, пулни чўз-чи. Узинг эртага тўлайман, деб ваъда қилувдинг.

Шамол туриб, қайин ғичирлай бошлабди. Тентак бўлса вайсаб кетибди:

— Эҳ, сени қара-ю, қанақа ёлғончисан ўзи? Кеча: «Эртага бераман», девдинг, бугун ҳам шундай деяпсан. Хўп, майли, яна бир кун сабр қилай. Кейин бир соат ҳам кутмайман, пул ўзимга ҳам керак.

Тентак уйига қайтибди. Акалари яна сўрай бошлашибди:

— Пулни олдингми?

— Йўқ, акалар. Яна бир кун кутишимга тўғри келди.

— Ўзи кимга сотувдинг?

— Ўрмондаги қуриган қайинга!

— Эҳ, ғирт аҳмоқ экансан.

Учинчи кун тентак болтани олибди-да, ўрмонга кетибди. Келиб, пулни талаб қила бошлабди. Қайин бўлса ғирчиллагани ғирчиллаган эмиш.

— Йўқ, оғайни. Эртага, эртага деяверсанг, сендан ҳеч қачон пул ололмайман шекилли. Мен ҳазиллашишни ёқтирмайман, ҳозир адабингни бериб қўяман.

Қўлига болта олиб, қайинни чопа бошлабди, пайрахалар ҳар томонга уча бошлабди.

Қайинда кавак ҳам бор экан. Кавакка қароқчилар бир хурмача олтинни беркитиб кетишган экан. Дарахт иккига ажрабди. Тен-такнинг кўзи ярқираб турган олтинга тушибди. Этагини тўлдириб, уйига олиб келибди. Акаларига кўрсатибди.

— Қаёқдан олдинг, тентак, шунча олтинни?

— Оғайним ҳўкиз учун тўлади. У ерда ҳали жуда кўп. Мен ярмини ҳам олганим йўқ. Юринглар, қолганини ҳам олиб келамиз.

Урмонга бориб, ҳамма пулни уйга келтиришибди.

Шу билан эртак адоқ, менга асал бир товоқ.



## ЛУТОНЮШКА

ор экан-да, йўқ экан, бир чол билан кампир бўлган экан. Уларнинг Лутоня деган ўғиллари бор экан. Кунлардан бир кун чол билан Лутоня ҳовлида ишлашаётганда кампир кулбада ўтирган экан. У ўтинлар орасидан тараша олаётганда қўлидан тушириб юборибди-ю, бор овози билан қичқириб, уввос солибди. Чол унинг овозини эшитиб, уйга югуриб кирибди-да, кампирдан нима гаплигини сўрабди. Кампир йиғлай-йиғлай:

— Агар биз Лутонюшкамизни уйлантирганимизда, у ўғил кўрганида, ўғли чамбаракда ўтирганида мен тушириб юборган тараша уни майиб қиларди, — дебди.

Чол ҳам кампирга қўшилиб йиғлай бошлабди:

— Тўғри айтасан, кампир. Чиндан ҳам майиб қиларди.

Энди иккови ўтириб йиғлай бошлашибди. Ҳовлидан Лутоня келиб сўрабди:

— Нимага бунча қичқиряпсизлар?

— Агар биз сени уйлантирганимизда, сен ўғил кўрганинда, у мана бу ерда ўтирганида кампир тушириб юборган тараша уни ўлдириб қўйган бўларди: у худди мана шу ерга, тагин тикка тушди.

— Эҳ, — дебди Лутоня, — жин урсин сизларни!

Кейин шапкаси билан чакмонини олиб:

— Хайр! Агар сизлардан ҳам тентакроқ кимсани топсам, албатта қайтмб келаман, мабодо топмасам, мени кутманглар, — дебди.

У уйдан чиқиб йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Қараса бир гала деҳқонлар сигирни уйга киргизмоқчи бўлишаётганмиш.

— Сигирни нега судраяпсизлар?— сўрабди Лутоня.  
— Кўрмаяпсанми, у ердаги ўтларнинг ўсиқлигини?!— дейишибди улар.

— Эҳ, қип-қизил аҳмоқ экансизлар-ку!— дебди Лутоня. Кейин кулбага кириб, ўтни юлибди-да, сигирнинг олдига ташлабди.

Дехқонлар унинг ақлига тозаям ҳайрон қолишибди ва шу ерда қолиб бизни мулла қилиб қўй, деб ялина бошлашибди.

— Э, йўқ,— дебди Лутоня,— ёруғ дунёда бунақанги аҳмоқлар истаганча топилади.

У яна йўлга тушибди. Бир қишлоқда у яна бир тўда деҳқонларни кўриб қолибди. Улар дарвозага бўйинчани осиб қўйиб, унга отни киргизмоқчи бўлишаётганмиш. От бечорани уравериб чалажон қилиб қўйишибди.

— Нима қиляпсизлар?— сўрабди Лутоня.

— Шу отни қўшмоқчимиз.

— Эҳ, аҳмоқлар! Қани, қочинглар-чи, мен қўшиб берай,— деб бўйинчани олиб, отнинг бўйнига кийгазибди.

Булар ҳам ҳайратга тушишиб, ундан шу ерда ҳеч бўлмаса бир ҳафта қол, деб астойдил ўтина бошлашибди. Лутоня рад қилиб йўлда давом этибди.

Юриб-юриб охири чарчабди ва карвонсаройга кирибди. У ерда нима кўрибди денг: кекса бека атала пиширибди-да, болалари олдига қўйгач, қошиқ кўтариб ертўлага қаймоқ олиб келиш учун тушиб кетаётганмиш.

— Кампиршо, нега сен бекорга оёгингни оғритаётибсан?— дебди Лутоня.

— Нега бекорга бўларкан?— эътироз билдирибди хирилдоқ овоз билан кампир.— Кўриб турибсан-ку, отахоним, атала столда, қаймоқ ертўлада.

— Кампиршо, қаймоқни буёққа келтирсанг ишинг хамирдан қил суғургандек битади-ку.

— Шундай қилсам ҳам бўлади.

Қаймоқни олиб келгач, Лутоняни ҳам таклиф қилибди. Лутоня қорнини тўйғазиб, сўрига чиқиб ётиб, ухлаб қолибди. У қачон уйғонса, эртагимизни давом эттирамиз, ҳозирча тамом, вассалом.



## Ғ А М

ир қишлоқда икки ака-ука яшар экан. Бири бой, бири камбағал экан.

Бой — ака шаҳарга кўчиб кетибди. Узига каттакон, ҳашамат-



ли уй қуриб олибди. Савдогарчилик қила бошлабди. Уканикида бир бурда нон ҳам гоҳида бор, гоҳида йўқ экан. Катта-кичик болалари бўлса нон деб йиғлашар экан. Ука эрта тонгдан қоронғи тушгунча ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урар экану ҳеч нарса тополмас экан.

Кунлардан бир кун у хотинига:

— Шаҳарга бориб, акамдан у-бу сўраб кўрай, бирон егулик нарса берар, — дебди.

У бойвачча акасиникига келиб:

— Оҳ, акажон! Сал-пал дардимни енгиллат, мушкулимни осон қил. Болаларим, хотиним, бир бурда нонга зор, кун бўйи оч ўтирибди.

— Уйимда бир ҳафта ишласанг, кейин ёрдам бераман.

На илож, камбағал ука ишга тушибди: ҳовли тозалабди, отларни ювиб-тарабди, сув ташибди, ўтин ёрибди. Бир ҳафтадан кейин ака унга бир юмалоқ нон берибди-да:

— Мана меҳнат ҳақинг! — дебди.

— Шунга ҳам раҳмат! — дебди камбағал ва таъзим қилиб уйига кетмоқчи бўлибди.

— Шошма, — дебди акаси, — эртага меникига меҳмонга кел. Хотинингни ҳам ола кел. Эртага туғилган куним.

— Эҳ, акажон, менга йўл бўлсин! Ўзинг биласан, сеникига ясанган савдогарлар келишади, мен бўлсам эски чориқ билан эски жомакорда юраман.

— Ҳечқиси йўқ, келавер, сенга ҳам жой топилади.

— Раҳмат, ака, албатта келаман.

Камбағал уйига келиб, хотинига нонни берибди ва:

— Хотин, эртага бизни меҳмонга таклиф қилишяпти, — дебди.

— Меҳмонга? Ким чақирди?

— Акам, эртага туғилган куни экан.

— Майли, борақоламиз.

Эр-хотин эрталаб шаҳарга қараб йўл олишибди. Бой акани табриклаб, ёғоч ўриндиққа ўтиришибди. Стол атрофида манаман деган меҳмонлар ўтиришаркан. Ҳаммасини хўжайин жуда боплаб сийлабди. Камбағал укаси билан унинг хотинини ўйламабди — уларнинг олдига дастурхон ҳам ёзмабди. Улар бошқалар еб-ичганини томоша қилиб ўтиришибди.

Зиёфат тугабди. Меҳмонлар хўжайин билан бекага раҳмат айтиб, ўринларидан қўзғалишибди. Камбағал ҳам акасига таъзим қилибди. Меҳмонлар уйга маст, хурсанд қайтишибди. Йўлда қий-чув кўтариб, ашула айтишибди.

Камбағал бўлса оч қорин билан қайтибди.

— Кел, — дебди у хотинига, — биз ҳам қўшиқ айтамыз.

— Эҳ, аҳмоқ! Одамлар ширин таом еб, кайф-сафо қилгани

учун қўшиқ айтяпти. Сен нимага ашула айтасан?

— Барибир, акамнинг туғилган кунига бордим. Қўшиқ айтмасам уят бўлади. Агар айтсам, одамлар мени ҳам роса меҳмон қилибди деб ўйлашади.

— Айтсанг айтавер, мен овозимни ҳам чиқармайман.

Камбағал ашула айтибди. Унга овоз иккитадек туюлибди. У хотинидан сўрабди:

— Сен ингичка овоз билан менга жўр бўлдингми?

— Мутлақо. Ўйлаганим ҳам йўқ.

— Бўлмаса ким?

— Билмайман, — дебди хотини, — қани айт-чи, мен эшитаман.

У яна қўшиқ айтибди: битта ўзи айтармишу иккита овоз эшитилармиш. Тўхтаб:

— Э, менга жўр бўлаётган сенмидинг, Ғам? — деб сўрабди.

— Ҳа, хўжайин, мен жўр бўляпман, — деб жавоб қайтарибди Ғам.

— Хўш, Ғамжон, биз билан бирга юрақол.

— Кетдик, хўжайин. Энди мен сендан айрилмайман.

Улар уйга келишибди. Ғам бўлса уни қовоқхонага судрармиш.

— Пулим йўқ, — дебди камбағал.

— Эҳ, тентак! Пулни нима қиласан? Эгнингда пўстининг бор-ку? Ҳадемай ёз келади, барибир уни киймайсан. Юр, қовоқхонага, пўстинни гаровга қўямиз.

Улар қовоқхонага кириб, пўстинни пуллаб ичишибди.

— Бошим оғрияпти, юр қовоқхонага, вино ичамиз, — деб эртасига Ғам саҳарданоқ оҳ-воҳ бошлабди.

— Пул йўқ, — дебди мужик.

— Пулнинг нима кераги бор бизга? Арава билан чанани ол, пулига тўйгунча ичамиз.

На илож, камбағал Ғамдан қутулолмабди. Улар чана билан аравани қовоқхонага олиб келишибди. Ғам билан тўйгунча ичишибди. Қовоқхонага бориб бош оғриғи қиламан, деб эртасига эрталаб Ғам баттар дод-вой қилибди. Улар омоч билан сих-молани ҳам сотиб ичишибди.

Бир ой ўтар-ўтмас ҳаммаёқ шип-шийдам бўлибди. Ҳатто кулбасини ҳам қўшнисига гаровга қўйиб, пулини қовоқхонага сарфлабди.

Ғам бўлса:

— Юр, қовоқхонага юр, — дея ғингшигани ғингшиган эмиш.

— Қўйсанг-чи, Ғамжон, кўриб турибсан, қўлга илинадиган ҳеч вақо қолмади.

— Нега ҳеч нима бўлмас экан? Хотинингнинг иккита кўйлаги бор-ку. Биттасини сотиб ичамиз.

Камбағал кўйлакнинг ҳам пулига ичиб қўйгач:

— Ана энди тамом! Уй ҳам йўқ, тўй ҳам йўқ, мен ҳам мир-куруқ, хотиним ҳам яланғоч,— деб ўйлабди.

Ғам эрталаб туриб қараса, хўжайинида сотиб ичгулик ҳеч вақо қолмабди.

— Хўжайин,— дебди у.

— Нима дейсан, Ғам?

— Қўшнингдан от-аравасини сўраб чиқ.

Камбағал қўшнисиникига борибди.

— От-аравангни бериб тур. Ҳақиқа бир ҳафта ишлаб бер десанг ҳам майли.

— Нима қиласан?

— Урмондан ўтин олиб келмоқчиман.

— Олақол. Фақат кўп юк ортма.

— Нималар деяпсан, валинеъматим.

От-аравани уйига олиб келибди. Ғам иккови аравага ўтириб, далага чиқиб кетишибди.

— Хўжайин,— дебди Ғам,— даладаги катта тошни биласанми?

— Уни ҳамма билади.

— Бўлмаса тўғри ўша ёққа қараб ҳайда.

Тошнинг олдига келиб, аравадан тушишибди. Ғам мужикка тошни кўтаришни буюрибди. Мужик бор кучи билан тошни қўзғатибди. Ғам унга қарашибди. Тошнинг тагидаги ўра олтинга лиқ тўла эмиш.

— Нега қараб турибсан?— дебди Ғам.— Тезроқ аравага орт.

Камбағал ишга тушибди. Аравани олтинга тўлдирибди. Охири тангасигача олибди. Ҳеч нарса қолмагандан кейин:

— Қара-чи, Ғам, у ерда бошқа пул қолмабдими?— дебди.

Ғам энгашибди.

— Қани? Мен кўрмаяпман-ку!

— Хув ана, бурчакда бир нима ялтираяпти.

— Йўқ, кўрмаяпман.

— Ўрага тушиб қара, кўрасан.

Ғам ўрага тушибди. Тушиши билан мужик ўранинг оғзини тош билан ёпибди.

— Шундай қилсам яхши бўлади,— дебди мужик.— Агар сени бирга олиб юрсам, бу пулларни ҳам бугунми-эртами ичиб тамомлайсан, Ғамжон.

Камбағал уйига келиб, пулларни ертўлага яширибди, от-аравани қўшнисига қайтариб берибди. Утириб ўйлай бошлабди. Ёғоч-ускуна сотиб олибди, ҳашаматли уй қуриб олибди. Ака-сидан ҳам икки баравар кўпроқ бой-бадавлат яшай бошлабди.

Кунлардан бир кун у шаҳарга бориб, акаси ва унинг хотини зиёфатга айтиб келибди.

— Топган гапингни қара-ю, — дебди акаси, — ейишга ҳеч вақонг йўғу тагин зиёфатга айтасан-а.

— Ҳа, бир пайтда йўқ эди, ҳозир, худога шукр, бор. Молмулким сеникидан кам эмас. Борсанг кўрасан.

— Бўпти, бораман.

Эртасига бойвачча ака хотини билан ясаниб-тусаниб укасиникига йўл олибди. Қараса, камбағал-қашшоқнинг кулбаси ўрнида ҳашаматли уй турганмиш. Унча-мунча савдогарда ҳам бунақаси бўлмаган. Камбағал уларни турли-туман ноз-неъматлар билан сийлабди, асалу шаробни мўл қилибди. Акасининг ичи куйиб, укасида:

— Айт-чи, қандай қилиб бунақа бойиб кетдинг? — деб сўрабди.

Камбағал ундан бор гапни яширмабди. Ғамга қандай қилиб йўлиққанини, бор-йўғини қовоқхонада ичганини, фақат жони қолганини, Ғам қандай қилиб унга даладаги хазинани кўрсатганини, у хазинани олиб Ғамдан қандай қутулганини айтиб берибди.

Бойнинг ҳасади келибди.

«Ҳозироқ — ўйлабди у, — далага бораман-да, тошни кўтариб, Ғамни чиқариб юбораман. Укамни хонавайрон этиб, бойлигини менга кўз-кўзламайдиган бўлсин».

Хотинини уйга жўнатиб юбориб, ўзи далага қараб кетибди. Катта тошнинг олдида бориб, уни бир четга суриб қўйибди ва ўрада нима борлигини билмоқчи бўлиб энгашибди. Бошини кўтармасданоқ Ғам лип этиб унинг елкасига ўтириб олибди.

— А, — қичқирибди у. — Сен мени шу ерда очимдан ўлдирмоқчимидинг? Энди сендан ҳеч қачон ажралмайман.

— Қулоқ сол, Ғам, — дебди савдогар, — сени мен ўрага тикқанам йўқ.

— Бўлмаса ким?

— Менинг укам қамаган. Мен бўлсам сени атайлаб озод қилишга келганман.

— Йўқ, алдаяпсан. Бир марта алдаганинг етади, иккинчи марта лақиллатолмайсан.

Ғам унинг елкасига маҳкам ёпишиб олибди. Бой билан унинг уйига келибди. Шу кундан бошлаб бойнинг иши орқага кетаверибди. Ғам эрталабдан ўзиникини маъқуллар, ҳар куни савдогарни қовоқхонага судраркан. Жуда кўп пул ичкиликка сарф бўлибди.

«Бунақа ҳаётни жин урсин! — деб ўйлабди бир куни савдогар, — Ғамни роса хуморидан чиқардим. Энди у билан хайрлашсам ҳам бўлади. Лекин қандай қилиб?»

Уйлаб-уйлаб топибди: ҳовлига чиқибди-да, эмандан яхшилаб иккита пона йўнибди, янги гилдирак олиб бир томонига понани қоқибди. Кейин Ғамнинг олдида келибди.

— Етибсанми, ёнбошлаб?  
 — Бошқа нимаям қилардим?  
 — Нима қиламан дейсанми? Юр ҳовлига, бекинмачоқ ўй-наймиз.

Ғам хурсанд бўлиб кетибди. Ҳовлига чиқишибди. Биринчи гал савдогар бекинибди. Ғам уни дарров топибди. Бекиниш гали унга келибди.

— Э,— дебди у,— мени топиб бўпсан. Шундай кавакка беркинайки!

— Бўлмағур гапни қўйсанг-чи!— дебди савдогар,— сен манави ғилдиракка ҳам сиғмайсану кавакни айтасан-а.

— Ғилдиракка сиғмайман? Қараб тур, сени шундай лол қилайки!

Ғам ғилдиракка кириб олибди. Савдогар бўлса унга иккинчи томондан эман понасини қоқиб қўйибди. Ғилдиракни олиб бориб Ғам билан бирга дарёга ташлабди.

Ғам чўкиб кетибди. Савдогар бўлса яна аввалгидек яшай бошлабди.



## З О Д А Г О Н В А И Т

Бир қишлоқда бир деҳқон бор экан, ундан сал нарида бир зодагон ўз чорбоғида яшаркан. Деҳқон бир гал унинг уйи олдидан ўтиб қолибди. Зодагоннинг ғайр ити бор экан, унга ташланибди. Деҳқон паншаха билан урган экан, ит ўлиб қолибди.

Зодагон уни судга берибди. Деҳқонни зодагон билан судлашгани чақиришибди. Судьялар зодагондан:

— Сен бу деҳқондан нима хоҳлайсан, унга қандай жазо берайлик?— деб сўрашибди.

— Гап бундай, унинг одамлигини бекор қиласизлар, гапиришни ҳам тақиқлайсизлар, у ит бўлиб менинг чорбоғимни қўриқласин, ҳовлимда яшасин.

Албатта, суд шундай ҳукм чиқарибди. Деҳқонни инсонликдан маҳрум этиб, зодагонникида яшашга мажбур қилишибди, бариннинг мол-мулкани қўриқлайсан, дейишибди.

Деҳқон зодагонникига келиб итнинг ўрнини эгаллабди, кечалари ҳуриб, уйни қўриқлабди.

Бир куни у ўғрилар билан келишибди:

— Уғрилар, тунда келинлар, яхшилаб талон-тарож қилинлар, кейин менинг улушимни ҳам берасизлар.

Уша тунда ўғрилар келишибди. Эрталаб зодагон туриб қараса, мол-мулки талон-тарож қилинганмиш. У ҳовлимни яхши кўриқламади, мана, ўғрилар ҳаммаёқни талон-тарож қилиб кетди, деб итга айб қўйибди ва уни судга берибди. Судга келишганда судьялар ундан сўрашибди:

— Хуш, айт-чи, ўша тунда ит акилладими?

— Ҳа, ўша тунда ит роса акиллади, жон-жаҳди билан ҳурди.

Шунда судьялар унга:

— Ундан итдан нима истайсан? У бундан ортиқ нима қилиши керак? Ахир у одамликдан маҳрум этилган бўлса? — дебди.

Судьялар итни оқлашибди, унга одамга ўхшаб юриш ҳуқуқини хатлаб беришибди.

Зодагон суддан норози бўлиб, деҳқонни шаҳарга олиб борибди. Қайта суд қилмоқчи бўлибди-да. Улар бирга кетишаётган экан. Ўрмонга етишганда, қоронғи тушиб қолибди. Деҳқон зодагонга:

— Қара, йўлда айиқ турибди, — дебди.

— Қани, деҳқон, бир ҳуриб, уни кўрқит-чи.

— Э, йўқ, энди ҳурмайман — мен энди одамман. Мана, қозим бор. Энди ўзинг вовулла, бўлмаса айиқ еб қўяди.

— Майли, аввал сал вовуллаб, менга ўргатиб қўй.

Деҳқон бир оз вовуллаб, дебди:

— Энди ўзинг вовулла. Бўлмаса айиқ бизни еб қўяди.

Зодагон вовуллай бошлабди. Мужик бўлса нуқул:

— Вовулла, зодагон, вовуллайвер. Айиқ яқинга келиб қолди, — дермиш.

Ўзи бўлса ўтирволиб кулармиш. Зодагон тонг ёришгунча вовуллабди.

— Бўлди, тўхта, зодагон. Тўнка бизга айиқ бўлиб кўринган экан, — дебди унга деҳқон тонг отгач.

Зодагоннинг жаҳли қўзиб:

— Ҳали мени алдадингми? Сени яна судга бераман, — дебди.

— Берсанг беравер. Мен ҳаммага кечаси билан ҳуриб чиқди деб айтаман.

— Қулоқ сол, деҳқон, сени уйга қўйиб юбораман. Яна сигир, пул ҳам бераман. Барака топкур, фақат менинг ит бўлиб ҳурганимни ҳеч кимга айтма.

Улар орқага қайтишибди. Зодагон деҳқонга ваъда қилганини берибди. Деҳқон ҳам уйига кетибди.

Шундан бери деҳқон ҳеч нарсага муҳтож бўлмай яшаётганмиш.



## ШАЙТОННИНГ ҚАРЗИ

ир деҳқоннинг бошига кулфат тушибди. Кулфат тушдими — қўйни-қўнжинг тўла бўлиши керак. Энг муҳими пул, аммо уни қаердан топиш керак. Деҳқон ўйлаб-ўйлаб шайтондан қарз сўрамоқчи бўлибди-да, уникига келиб:

— Менга пул қарз бериб тур,— дебди.

— Нима бўлди?

— Бошимга кулфат тушди.

— Кўп керакми?

— Минг сўм.

— Қачон қайтарасан?

— Эртага.

— Ҳай, майли,— дебди шайтон ва унга минг сўмни санаб берибди.

Эртасига қарзини олгани келибди. Деҳқон унга шундай дебди:

— Эртага кел.

У учинчи куни ҳам келибди. Деҳқон тагин галга солиб, эртага кел дебди. Шундай қилиб у уч-тўрт кун зир қатнабди. Охири деҳқон унга:

— Менинг олдимга ҳадеб келавериб нима қиласан, яхшиси мен эшикка тахтача осиб, қарзингни олгани қачон келишингни ёзиб қўяман,— дебди.

— Бўпти,— дебди Шайтон.

Деҳқон тахтачага «Эртага кел» деб ёзибди-да, дарвозага осиб қўйибди. Шайтон бир марта келибди, икки марта келибди, дарвозада ўша ёзув осифлиқ тураверармиш.

— Бор-э,— дебди у ўзига-ўзи,— эртага бормайман.

Келмабди ҳам.

Янаги гал келганида дарвозада бошқа ёзув осифлиқ турганмиш: «Кеча кел».

— Эҳ, омадим келмади келмади-да!— дебди Шайтон.— Кеча келсам бўлар экан. Пулларимдан ҳам айрилибман.



## ҒАРОЙИБ ҲУНАР

ир чол билан кампир бўлган экан. Уларнинг ўғли ҳам бор экан. Чол жуда қашшоқ экан, у ўғлини ёшлигидан бирон ҳунар ўргансин, ота-онасига қариган чоғида дармон бўлсин, ўл-

сак қийналмай кўмсин, жамғармаси бўлсин, деб ўйларкан. Биттa-яримтa шогирдликкa олaрмикaн, деб ўғлини етaқлaб, шaҳaрмa-шaҳaр олиб юрибди. Лекин ҳеч ким текингa ҳунaр ўргaтишни хоҳлaмaбди.

Чол уйигa қайтиб келибди. Кампири билaн кaмбaғaллигини лaғнaтлaб, йиғлaб-сиқтaбди. Кейин янa ўғлини шaҳaргa олиб кетибди. Шaҳaргa киришлaри билaн улaргa бир киши йўлиқибди.

— Ҳa, отaхон, қайғули кўринасиз? — сўрaбди у.

— Негa қайғурмай! — дебди чол, — ўғлимни биров шогирд-ликкa олaрмикaн деб етaқлaб юрибмaн. Ҳеч ким текингa олмa-япти. Биздa эсa пул йўқ.

— Ундaй бўлсa мeнгa бeрaқол, — дебди киши. — Мен унгa уч йил ичидa олaмдaғи бор айёрликни ўргaтaмaн. Уч йил ўтгaч, худди шу куни, шу соaтдa ўғлингни олиб кетгaни кел. Кўзинггa қaрa, кечикмa, ўз вaқтидa келиб ўғлингни тaниб олсанг — олиб кетaверасaн, ажрaтолмасанг, умрбод мeникидa қолaди.

Чол азбаройи сeвингaнидaн йўлиққaн киши ким ўзи, ўғлигa нимa ўргaтaди, сўрaмaбди ҳaм. Ўғлини унгa топшириб, уйигa қайтибди. Уйигa келиб бор гaнни кампиригa айтиб бeрибди. Чолгa йўлиққaн киши эсa жодугaр экaн.

Орaдaн уч йил ҳaм ўтибди-кетибди. Чол бўлсa ўғлини қайси куни шогирдликкa бергaнини унутиб қўйибди. Энди нимa қилишини билмасмиш. Муҳлат тугaшигa бир кун қолгaндa, ўғли митти қушчa қиёфасидa учиб келибди. Супaчaғa қўнибдию бир юмaлaб нaвқирон йигитчaғa айлaнибди. Уйгa кириб, отa-онaсигa тaъзим қилиб, салoм бeрибди. Эртaғa уч йил муҳлат тугaшини, ўғлини олишгa бoришини айтибди. Кейин уни излaб қaергa бoришини, қaндaй қилиб топиб олишини тушунтирибди.

— Хўжaйинимнинг шогирди биттa мeн эмaсмaн, — дебди у. — Янa ўн бир хизмaтчиси бор. Улaрни отa-онaлaри тaниёл-мaғaни учун умрбод шу ердa қoлишгaн. Агaр мeни ҳaм тaниб ололмасангиз, мeн ўн иккинчи бўлиб қoлaмaн. Эртaғa бoргaнин-гиздa хўжaйин қaнoтлaри ҳaм, думлaри ҳaм, бошлaри ҳaм бир хил ўн иккитa оқ кaптaр учирaди. Яхшилaб қaрaнг: ҳaммaси бaлaнд учaди, мeн бўлсaм сaл бaлaндрoқдa учaмaн. Хўжaйин ўз ўғлингни топдингми, деб сўрaйди. Сиз эсa бaлaнддa учгaн кaптaрни кўрсaтинг.

Кейин сизгa ўн иккитa айғирни кўрсaтaди: ҳaммaсининг рaнги ҳaм, бўйи ҳaм бир хил, ёллaри бир тoмoнгa қaрaгaн. Айғирлaрнинг oлдидaн ўтaётгaнингиздгa oғoҳ бўлинг, мeн ўнг туёғимни ергa уриб-уриб қўямaн. Хўжaйин янa, ўз ўғлингни топдингми, деб сўрaйди. Сиз қўрқмай мeни кўрсaтинг.

Шундaн кейин у сизгa ўн иккитa нaвқирон йигитни кўрсaтaди: бўйлaри ҳaм, oвoзлaри ҳaм, юзлaри ҳaм, кийимлaри ҳaм бир



хил. Ёнидан ўтаётганингизда эътибор беринг: менинг ўнг юзимга майда пашша қўнади. Хўжайин яна ўғлингни топдингми, деб сўрайди. Сиз мени кўрсатинг.

Шуларни айтиб, отаси билан хайрлашиб уйдан чиқибди. Бир думалаб қушчага айланиб, хўжайинникига учиб кетибди.

Чол эрталаб туриб, йўл тайёргарлигини кўриб, ўғлини олиб келгани жодугарникига жўнабди.

— Хўш, чол, — дебди жодугар, — ўғлингга жамики айёрликни ўргатдим. Агар уни таниёлмасанг, у менинг уйимда умрбод қолади, билиб қўй.

Шундай деб жодугар ўн иккита қанотлари ҳам, думлари ҳам, бошлари ҳам бир хил оқ каптарни учирабди-да:

— Қани, чол, ўғлингни топ-чи, — дебди.

Ҳаммаси бир хил эмиш, топиш жуда мушкул. Чол каптарларга обдон тикилибди. Қараса биттаси қолганларидан баландга кўтарилибди. Ушани кўрсатиб:

— Менимча, шу бўлса керак! — дебди.

— Топдинг, топдинг, бобожон! — дебди жодугар.

Иккинчи марта у ўн иккита айғирни кўрсатибди — ҳаммаси бир хил, ёллари ҳам бир томонга қараган.

Чол диққат билан кўздан кечириб айғирларнинг атрофида айланаверибди. Хўжайин бўлса сўраб қўярмиш:

— Хўш, бобо, ўғлингни топдингми?

— Йўқ ҳали, озгина сабр қил.

Бир айғир ўнг туёғини ерга уриб қўйганини кўриб қолган чол:

— Мана шу менинг ўғлим, — дебди.

— Топдинг, топдинг, бобожон!

Учинчи марта чол олдида ўн икки азамат саф тортибди, бўйлари ҳам сочлари ҳам, овозлари ҳам, юзлари ҳам бир хил, худди бир она туққандек эмиш.

Чол уларнинг олдидан бир ўтибди, ҳеч нарса кўрмабди, икки ўтибди, ҳеч нарса пайқамабди, учинчи марта ўтганда қараса бир йигитнинг ўнг юзида пашша бормиш.

— Мана менинг ўғлим, — дебди чол ўша йигитни кўрсатиб.

— Топдинг, топдинг, чол!

Ноилож жодугар чолга ўғлини қайтариб берибди. Улар уйларига йўл олишибди.

Йўл юрсалар ҳам мўл юришибди. Рўпараларидан келаётган зодагонга кўзлари тушибди.

— Отажон, — дебди ўғил, — мен ҳозир итга айланаман. Барин мени сотиб олмақчи бўлади. Мени сотингу, лекин бўйинбоғимни берманг. Бўлмаса мен уйга қайтолмай қоламан.

Шу сўзларни айтибоқ ерга бир думалаб, итга айланибди. Зодагон ит етаклаб келаётган чолни кўриб, савдолаша бош-

лабди. Ит унчалик эмасмишу буйинбоғи зурмиш. Зодагон унга юз сўм бермоқчи бўлибди, чол уч юз сўм сўрабди. Савдолаша-савдолаша итни икки юз сўмга сотиб олибди.

Чол буйинбоғни олиб қолмоқчи бўлган экан, қаёқда, зодагон ҳатто эшитишни ҳам хоҳламабди.

— Мен буйинбоғини сотганим йўқ, — дебди чол, — мен итнинг ўзини сотдим.

Барин эса:

— Муттаҳам, — дермиш, — итни ким олган бўлса буйинбоғ ҳам ўшаники.

Чол ўйлабди-ўйлабди [чиндан ҳам буйинбоғсиз итни сотиб олиш мумкинмас-ку] ва итни буйинбоғи билан берибди.

Зодагон итни аравасига чиқариб олибди, чол пулни киссага уриб уйига равона бўлибди.

Барин кетаверибди, кетаверибди, бир маҳал — ердан чиқибдими, осмондан тушибдими — рўнарасидан қуён чопиб келаётганмиш.

«Қани, — ўйлабди барин, — итни қуёнга қўйиб юборай-чи, нима қаромат кўрсатаркин».

Қўйиб юборибди. Қараса, қуён бир томонга, ит бўлса бир томонга югуриб кетаётганмиш. Ит ўрмонга қочиб кетибди.

Барин кутибди, кутибди, ит қайтиб келмабди, уйига қуп-қуруқ қайтибди.

Ит яна йигитга айланиб қолибди.

Чол йўлда хаёл суриб келаётганмиш: уйга қандай қилиб кирсин, кампирига ўғли нима бўлди десайкин? Бу пайтда ўғли уни қувиб етибди.

— Эҳ, отажон, — дебди у, — нега буйинбоғ билан сотдингиз? Йўлда агар қуён учраб қолмаганда, қайтиб мени кўролмасдингиз.

Улар уйга етиб келишибди, бировдан яхши, бировдан ёмон яшайверишибди. Оз вақт ўтибдими, кўп вақт ўтибдими, бир якшанба куни ўғли отасига:

— Отажон, мен қушга айланаман, бозорга олиб бориб сотинг, лекин эсингизда бўлсин: зинҳор-базинҳор қафасини сота кўрманг, бўлмаса уйга қайтиб келолмайман, — дебди.

Шу заҳоти ерга бир думалаб қушга айланибди, чол уни қафасга солиб, сотгани олиб кетибди.

Чолни одамлар ўраб олишибди, бири олиб, бири қўйиб савдо бошлашибди: қушча ҳаммага яхши кўринармиш.

Жодугар ҳам келиб қолибди. Чолни таниб, қафасдаги қуш кимлигини пайқабди. Биров қиммат сўрабди, иккинчиси ундан ҳам қиммат сўрабди. Жодугар бўлса ҳаммасидан ҳам қиммат сўрабди. Чол унга қушни сотибди-ю, қафасни бермабди. Жодугар оёқ тираб туриб олибди. Чол билан нари бориб, бери келибди. Чол барибир қафасини бермабди.

Жодугар қушнинг ўзини рўмолчага ўраб, уйига жўнабди.

— Мана, қизим, — дебди у, — муттаҳамни сотим олдим.

Жодугар рўмолчани очибди: қуш бўлса аллақачон учиб кетган экан.

Яна бозор куни келибди, ўғли отасига дебди:

— Отажон! Мен энди отга айланаман, эсингизда бўлсин, отни сотингу юганини сота кўрманг, қайтиб мени кўрмайсиз.

Уша заҳоти ерга бир думалаб, отга айланибди. Чол уни бозорга етаклабди.

Чолни пулдор чорбозорчилар ўраб олишибди: бирови қиммат сўрабди, иккинчиси ундан ҳам қиммат нарх қўйибди, жодугар ҳаммадан қиммат бермоқчи бўлибди.

Чол унга ўғлини сотибди, лекин юганини бермабди.

— Отни қандай қилиб олиб кетаман? — дебди жодугар, — ҳеч бўлмаса уйимгача етиб олай, кейин юганинингни олақол, менга керак эмас.

Ҳамма савдогарлар чолга ёпиша кетишибди: бунақаси кетмайди! Отни сотдингми — югани ҳам сотилди. Нима қиласан уни? Чол ноилоҳ юганини берибди.

Жодугар отни уйига олиб келибди, отхонага обкириб ҳалқага бошини баланд кўтариб, маҳкам чандиб ташлабди: от орқа икки оёғида турибди, олдинги икки оёғи ерга тегмасмиш.

— Хўш, қизим, — дебди яна жодугар, — шундай қилиб муттаҳам айёрни сотиб олдим.

— Қани у?

— Отхонада турибди.

Қиз отхонага югурибди: йигитга раҳми келибди. Арқонни сал бўшатмоқчи бўлиб, еча бошлабди. От бўлса пайтдан фойдаланиб отхонадан қочиб чиқибди ва шамолдек олиб кетибди.

Қиз отасига қараб югурибди.

— Отажон, — дебди у. — Кечиринг мени. Мен гуноҳқорман, от қочиб кетди.

Жодугар бўлса бир думалаб кулранг бўрига айланибди ва отни қувиб кетибди: мана-мана етай деб қолибди.

От дарё бўйига қараб чопибди, ерга бир думалаб балиққа айланибди ва чўлп этиб сувга шўнғибди. Бўри чўртанга айланиб унинг кетидан шўнғибди.

Балиқ сувда қочаверибди, қочаверибди, охири қирмиз юзли қизлар кир чайётган тўғонга етиб келибди. Тилла узукка айланиб, савдогар қизининг оёғи остига тушибди.

Савдогарнинг қизи узукни олиб, яшириб қўйибди. Жодугар бўлса, одамга айланибди.

— Бер, — дебди у қизга, — ўша тилла узук меники.

— Олақол, — дебди қиз ва узукни ерга отибди.

Ерга урилиши билан узук тариққа айланиб сочилиб кетибди.

Жодугар хўрозга айланиб, донларни чўқилай бошлабди. Шу тобда бир дон лочинга айланибди-ю, хўрознинг аҳволига вой бўлибди: лочин уни парчалаб ташлабди.

Шу билан эртак тамом, менга-чи, шароб бир жом.



## ОЛАМДА НИМАЛАР БЎЛМАЙДИ?

— ой-бадавлат бир зодагон яшаган экан. Мол-мулки шунчалар кўп эканки, пулларини қаерга қўйишни билмас экан. Кўнгли тусаганини еб-ичаркан, шоҳона кийинаркан. Унинг уйда ҳар кун шунчалар кўп меҳмон бўларканки, бошқаларникига бунча меҳмон байрамда ҳам келмас экан. Пули кўпайгандан кўпаярмиш, сира камаймасмиш.

Бир гал зодагон тентак деҳқонни меҳмонга чақириб ҳазиллашгиси, кўнгил очгиси келиб қолибди.

Қишлоқдаги энг камбағал деҳқонни чақириб, унга шундай дебди:

— Қулоқ сол, сенга бир талай пул бераман, сен фақат менга дунёда нималар бўлмаслигини айтиб берасан. Ҳозир одамлар жуда уддабурро бўлиб кетишган. Шайтонга ҳам миниб юришади, осмонда учишади. Ҳаттоки, Питерга сим орқали хабар юборишади. Қани айт-чи, оламда нималар бўлмайди?

Мужик гарданини қашибди.

— Билмадим, — дебди у, — ўйлаб қарасам, дунёда ҳамма нарса бўлади. Сен менга эртагача муҳлат бер, ўйлаб бир нима топарман.

— Бўпти, бор, ўйла, — дебди зодагон, — эртага келиб жавобини айтасан.

Мужик хўроз қичқиргунча топшириқни ўйлабди. «Дунёда нималар бўлмайди-а?» — деб ўйлайверибди-ўйлайверибди. Хаёлига келган нарса ҳақида: «Балки бу бўлмас дунёда, фақат мен

билмасам керак. Боре, таваккал қилиб айтиб кўраман, омадим келса, айтганим тўғри чиқар», — деб ўйлабди.

Эртасига у зодагонникига келибди.

— Хўш, деҳқон, дунёда нималар бўлмас экан?

— Ҳурматли зодагон, болтадан белбоғ бўлмайди, болта билан оёқни ёпиб бўлмайди, — дебди.

Зодагон кулибди, меҳмонлар ҳам кулибди. Деҳқон бало экан, ҳали эсини еб қўймабди. Энди пулни ўлчаш керак. Лекин зодагон пулни қизғанибдими ё яна ҳазиллашишни хоҳлабдими, ким билсин, ҳар қалай деҳқонга:

— Нима дейишни, топдинг, оғайни. Бизда чиндан ҳам шундай қилишмайди, лекин бегона юртларда кутилмаган гаплар кўп. Худодан омад тилаб орқага қайт. Ўйлаб топсанг — жавобини олиб кел, дебди.

Деҳқон яна бир кун ўйлабди. Нима ўйламасин, барибир, зодагон пулни бермайдигандек туюлибди. «Немислар жуда мугомбир, — деб ўйлабди: у, — улардан ҳар нарса кутса бўлади. Эрталаб бирор нарса дерман».

Эрталаб зодагоннинг олдига келибди.

— Хўш, деҳқон, дунёда ҳамма нарса бўларканми?

— Ҳамма нарса эмас. Хотин киши руҳоний бўлолмайди, гўзал қизлар ибодатхонада хизмат қилолмайди.

Ҳамма кулиб юборди. Фақат зодагон бу сафар ҳам пул бермабди.

— Йўқ, — дебди зодагон, — бу бўлади. Ҳайратланидиган ишлар кўп. Бор, охирги марта ўйла. Айтсанг пулни олсан, айтмансанг мендан аччиқланиб юрма.

Деҳқон жаҳл билан тупуриб юборибди, уйга қайтаркан ўйлабди: «Бас, маълум бўлдики, менда пул бўлишидан бошқа, ҳамма нарса бўларкан».

Эрталаб яна ўша ёққа йўл олибди. «Оғзимга келган нарсани айтивераман, — деб ўйлабди у, — балки бўлмағур нарса ҳам бўлар?»

— Хўш, нималар дейсан? — сўрабди барин. — Дунёда нималар бўлмаслигини топдингми?

— Ҳурматли зодагон, ҳамма нарса бўлади, — дебди деҳқон. — Авваллари одам осмонга чиқмайди деб юрардим, ўша ерда ҳам бўлдим, энди ишондим, бу ҳам бўларкан.

— Осмонга қандай қилиб чиқдинг?

— Марҳума хотиним талаб қилди ва менга икки турна қўшилган улов ҳам юборибди. Хотинимни кўрдим, болаларимни кўрдим, марҳаматингдан умидвор бўлиб қайтдим.

— Турнада қайтдингми?

— Йўқ, сакраб тушдим.

— Нега ерга кириб кетмадинг?

— Қулоғимгача ерга кириб кетдим. Юмшоқ ерга тушув-  
дим-да.

— Ердан қандай қилиб чиқдинг?

— Уйдан белкурак олиб келиб, кавлаб чиқдим.

— Осмонда менинг раҳматли отамни кўрмадингми?

— Кўрдим. Ҳатто қўл бериб кўришдим.

— Хўш, у ерда нима қилаётган экан? — сўрабди зодагон.  
Деҳқон бир оз ўйлаб туриб, жавоб берибди:

— Отам нима қияпти дейсанми? Нима қиларди, болала-  
римнинг таглигини ювяпти.

— Алдаяпсан, аҳмоқ! — деб қичқирибди у, — зодагоннинг  
таги паст деҳқонга энагалик қилиши дунёда бўлмаган гап. Пул-  
ни олу бу ердан қорангни ўчир.



## ДЕНГИЗ ШОҲИ ВА ОҚИЛА ВАСИЛИСА

Ўққиз давлат ортида, олис-олис мамлакатда бир  
подшоҳ билан малика ўтган экан, улар бефарзанд эканлар. Шоҳ  
бегона юртларга, узоқ-узоқ жойларга саёҳатга жўнабди, турган  
гапки, анча пайт уйда бўлмабди; бу вақт ичида малика ўғил  
кўрибди, шаҳзода Иваннинг дунёга келганлигидан шоҳ хабар  
топмабди.

Шоҳ юртига қайтибди, ватани тупроғига ҳам яқинлашиб  
қолибди, кун шундай иссиқ, қуёш эса қиздиргандан-қиздирар-  
миш! Шунда шоҳнинг томоғи қақраб, жудаям сув ичгиси, нима  
қилиб бўлсаям ташналигини қондиргиси келибди! Теварак-  
атрофига қараб, каттакон кўлга кўзи тушибди; яқин бориб,  
отидан тушибди-да, қўлини қирғоққа тираб, муздай сувдан  
симира бошлабди. Бошига қандай кулфат тушишидан беҳабар,  
сувдан ичаверибди, ичаверибди, бир маҳал денгиз подшоҳи  
унинг соқолидан маҳкам ушлаб олибди.

— Қўйвор! — деб ялинибди шоҳ.

— Менинг ижозатимсиз сувимдан ичдинг, энди қўйвормайман.

— Оғзингга сиққанини сўра, фақат қўйворсанг бўлди.

— Узинг билмаган уйингдаги нарсангни менга берасан.

Шоҳ уйимдаги нимадан беҳабар эканман-а, деб роса бош  
қотирибди. Баридан воқиф, баридан хабардор, — нимадан ҳам  
беҳабар, шу фикрда, рози бўлибди. Кейин соқолини сийпалаб  
кўрса, — ҳеч ким тортмаяпти, ўрнидан турибди-да, отига миниб,  
уйига равона бўлибди.

Мана, уйига ҳам келибди, суюнганидан маликанинг боши

осмонга етибди, шаҳзодани кўтариб эрининг истиқболига чиқибди; шоҳ ҳам фарзанд кўрганидан суюниб кўзи ёшга тўлибди. У маликага бошидан ўтган савдоларни сўйлаб берибди, йиғлаб-сиқташибди, ахир бошқа чоралари ҳам йўқ экан-да.

Эр-хотин яна аввалгидай яшай бошлашибди, шаҳзода эса худди хамиртуруш солинган хамирдай кўпчиб кун сайин эмас, соат сайин ўсиб, паҳлавон йигит бўлибди.

«Қанча ёнимда олиб юрмайин, — деб ўйлабди шоҳ, — барибир шартни бажариш керак, йўқса охири вой бўлади».

У шаҳзода Иванни етаклаб, денгизга олиб келибди.

— Кеча шу ерга узугимни тушириб қўйгандим, қидириб кўр-чи, — дебди у ўғлига ва шаҳзоданинг ўзини ёлғиз қолдириб, уйга жўнабди.

Шаҳзода узукни қидириб юрганда, қаршисидан бир кампир чиқиб қолибди.

— Йўл бўлсин, шаҳзода Иван?

— Нарн тур, жигимга тегма, ялмоғиз кампир! Сенсиз ҳам жоним ҳиқилдоғимда турибди.

— Бўпти, худо омадингни берсин!

Кампир нари кетибди.


Шаҳзода Иван бўлса ўз гапидан пушаймон бўлиб: «Нега кампирни хафа қилдим-а? Ке, уни йўлидан қайтарай; қариялар муғамбир, пихини ёрган бўлишади! Балким ундан бирон яхши гап чиқар», деб ўйлаб кампирни чақира бошлабди:

— Бувижон, тўхта, гапимни кўнглиннга олма! Менга ўзи алам қилиб турувди, беҳосдан оғзимдан чиқиб кетди. Отам мени узугимни қидириб топ, деб ташлаб кетди, шу қидираман, қани энди узук топилса!

— Отанг сени узук қидиришга эмас, денгиз подшоҳига бериш учун қолдирди, ҳозир у чиқиб, сени сув қаърига тортиб кетади.

Шаҳзода аччиқ-аччиқ йиғлабди.

— Хафа бўлма, Иван! Ҳали сенинг кўчангда ҳам байрам бўлади: фақат кампирнинг гапига қулоқ тут. Ҳув, анави қорағат бутаси панасига боргин-да, яшириниб ол. Бу ерга аввал ўн иккита кампир учиб келади. Булар бари пари, соҳибжамол қиз, сўнг ўн учинчиси учиб келади; улар кўлга тушиб чўмилишади, худди шу пайт аста боргин-да, ўша ўн учинчисининг кўйлагини олиб қўй, то у сенга узугини ҳады этмагунича кийимини бермай туравер. Агар бу ишни уддалай олмасанг ўлдим деявер: денгиз шоҳининг саройи баланд-баланд найзали девор билан ўралган. Ун қақиримлар бор, ҳар бир найзага биттадан калла суқилган; фақат биттагинасида ҳеч нарса йўқ, бўш, эҳтиёт бўл, тагин унга сенинг бошинг илинмасин!





Шаҳзода Иван кампирга раҳмат айтибди-да, қорағат панасига бекиниб, пойлай бошлабди.

Бирдан ўн иккита каптар учиб келиб, ўзларини нам ерга отишибди-да, гўзал қизларга айланибди, бари бир-биридан соҳибжамол эмиш; бунақаси на тушда-ю, на ўнгда бор эмиш, таърифига сўз йўқмиш! Улар кўйлаklarини ечишиб, кўлга тушибди: ўйнаб-кулишибди, қўшиқлар айтишибди.

Сўнг ўн учинчи каптар ҳам келибди-да, ўзини нам ерга отиб бир малак қизга айланибди, кўйлагини ечиб, кўлга тушибди; буниси жуда хушрўй, баридан чиройли экан!

Шаҳзода Иван анчагача кўзларини узолмай, уни томоша қилибди, бирдан эсига кампирнинг гаплари тушиб, сездирмайгина қизнинг кўйлагини яшириб қўйибди.

Гўзал қиз сувдан чиқиб қараса, кўйлаги йўқ, кимдир олиб қўйганмиш; бари қизлар кўйлакни қидира кетишибди, роса излашибди — кўйлак ҳеч қаерда йўқ эмиш.

— Изламанглар, опажонлар! Йўлингиздан қолмай учиб кетаверинглар, ахир ўзим айбдорман, бепарво бўлдим, қилмишимга яраша-да.

Опа-сингил парилар ўзларини нам ерга отишиб, каптарга айланибдилар-да, қанот қоқиб, учиб кетишибди. Қиз эса ёлғиз қолибди, атрофга назар солибди-да, сўнг:

— Ҳой, кўйлагимни олган одам, буёққа чиқ; агар қария бўлсанг, менга қадрдон ота, ўрта ёшларда бўлсанг — суюкли ака, агарда тенгқур бўлсанг — айримас дўст бўл! — дебди.

Қиз сўзларини тугатар-тугатмас шаҳзода Иван кўриниш берибди. Қиз унга тилла узугини берибди-да:

— Эҳ, шаҳзода Иван! Нега шу пайтгача келмадинг? Денгиз подшоҳи сендан ғазабда. Мана, сув ости шоҳлигига олиб борувчи йўл; қўрқмай кетавер! Мени ўша ердан топасан; мен денгиз подшоҳининг қизи оқила Василиса бўламан, — дебди.

Шундан кейин оқила Василиса каптарга айланибди-да, бир зумда учиб кетибди.

Шаҳзода Иван бўлса, сув ости салтанатига йўл олибди; бориб қараса — у ерда ҳам далалар, ўтлоқлар, ўрмонлар бизникидай эмиш, қуёш ҳам чиқиб турганмиш.

У денгиз шоҳи ҳузурига борса, унга ўдағайлабди:

— Нега шу пайтгача келмадинг? Қилмишинг учун мана шу шартни бажарасан! Менинг ўттиз чақиримча ерим бўш ётибди, ҳаммаёғи жарлик, тақиртош. Шу ер эрталабгача кафтдай текисланиб, жавдар экилсин, зағчани бекитадиган даражада ўсган ҳам бўлсин. Агар айтганимни қилмасанг каллангни танангдан жудо этаман!

Шаҳзода Иван денгиз шоҳи олдидан келаётганмишу юзидан шашқатор ёш оқармиш. Оқила Василиса баланд кўшқидан унга кўзи тушиб, сўрабди:

— Салом, шаҳзода Иван! Нега кўзёшларинг юзингни ювянти?

— Мен йиғламай ким йиғласин? — жавоб берибди шаҳзода. — Денгиз шоҳи менга бир кеча ичида бўш ётган еримдаги жарликларни текислаб, тақир тошлардан тозалаб жавдар эккин деб буйруқ қилди, токи эккан жавдарим эрталабгача униши, зағчани бекитадиган даражада ўсган бўлиши керак.

— Бу қайғурадиган иш эмас, ҳақиқий кулфат ҳали олдинда. Худо деб ухла, эрталаб ҳаммаси худди шоҳ буюрганидай бўлади!

Шаҳзода Иван ухлашга кетибди, оқила Василиса эса остонага чиқиб шундай деб қичқирибди:

— Ҳей, менинг садоқатли хизматкорларим! Чуқур жарликларни текисланг, тақир тошлардан тозалаб, ерга сербошоқ жавдар экинг, то эрталабгача пишай-пишай деб турган бўлсин.

Шаҳзода Иван тонг ёришиши билан уйқудан туриб, тева-рак-атрофига қараса, на ўр, на жарликлар кўринибди, дала кафтдай текис, унда мавжланаётган жавдар пишай-пишай деб турган эмиш.

У денгиз шоҳи ҳузурига жўнабди.

— Баракалла, — дебди денгиз шоҳи, — шартимни қойиллатиб бажарибсан. Энди сенга бошқа бир юмуш бераман: менинг уч юзта гарамим бор, ҳар бир гарамда уч юзтадан буғдой боғлами бор, эртагача бари буғдойни топ-тоза қилиб янчасан, аммо гарамлар ҳам, буғдой боғлари ҳам жойидан қимирламаслиги керак. Агар айтганимдай бажаролмасанг, калламдан жудо бўлдим дея-вер!

— Подшоҳи олам, ҳаммаси айтганингиздай бўлади! — деб жавоб берибди шаҳзода Иван; яна ўзи ҳовлида кетаётганмишу кўзёшлари юзини юваётганмиш.

— Нега йиғлаяпсан? — деб сўрабди ундан оқила Василиса.

— Мен йиғламай ким йиғласин? Денгиз шоҳи менга бир кечада гарамларимни йиқитмай, боғламларни бузмай, буғдойимни янчасан, бирорта дона ҳам тўкилмасин, деди.

— Шуям иш бўнтими, ҳақиқий кулфат ҳали олдинда! Худо деб ёт, эрталаб кўнгилдагидай бўлади.

Шаҳзода ухлашга жўнабди. Оқила Василиса эшик олдига чиқибди-да, ҳайқирибди.

— Ҳей, судралувчи чумолилар! Ёруғ дунёдаги ҳаммаларингиз буёққа келинглар, отамнинг гарамларидаги донни битта қолдирмай, топ-тоза қилиб териб олинглар.

Эрталаб денгиз шоҳи шаҳзода Иванни ҳузурига чақирибди.

— Айтганимни қилдингми?

— Бажардим, подшоҳи олам!

— Юр, бориб кўрамиз.

Хирмонга бориб қарашса — гарамлар қўл тегизилмагандай жойида турганмиш, кейин улар ғалла омборига боришибди — қоплар донга лиқ-лиқ тўла эмиш.

— Офарин, иним! — дебди денгиз шоҳи. — Энди менга тоза мумдан черков қуриб берасан, тонг отишига тайёр қил: бу сенинг охириг юмушинг бўлади.

Яна шаҳзода Иван ҳовлида кетаётганмишу кўзёшлари юзини юваётганмиш.

— Нега йиғлаяпсан? — деб сўрабди ундан оқила Василиса.

— Мен йиғламай ким йиғласин? Денгиз шоҳи менга бир кечада тоза мумдан черков қурасан, деб буйруқ қилди.

— Шуям иш бўптими, ҳақиқий кулфат ҳали олдинда. Бориб ухла, эрталаб бари муҳайё бўлади.

Шаҳзода бориб ётибди. Оқила Василиса эшик олдига чиқибди-да, қичқирибди:

— Ҳей, заҳматкаш асаларилар! Еруғ дунёдаги ҳаммаларингиз буёққа учиб келинглар, соф мумдан бир черков қурибларки, то эрталабгача битсин!

Шаҳзода Иван эрта билан туриб, қараса — соф мумдан ясалган черков турганмиш, у денгиз шоҳи ҳузурига жўнабди.

— Ташаккур, шаҳзода Иван! Буюрган вазифаларимни кўнгилдагидай қилиб бажарадиган бундай хизматкорларим бўлмаган. Ке, менга меросхўр, давлатим посбони бўлгин; ўн учта қизимдан кўнгилнинг ёққанига уйлангин.

Шаҳзода Иван оқила Василисани танлабди; шу заҳоти уларни никоҳлашиб, хурсандчилик, бахтиёрликда нақ уч кечаю уч кундуз тўй қилишибди.

Орадан кўп ҳам, оз ҳам ўтмай шаҳзода Иван ота-онасини соғинибди, муқаддас Русга кетгиси келибди.

— Мана, кулфат энди келди! Агар биз кетсак, орқамиздан роса қув-қув бўлади; денгиз шоҳи ғазабланиб, бизни ўлимга маҳкум этади. Бир иложини топиш керак!

Оқила Василиса уйнинг учта бурчагига тупурибди, сўнг кўшки эшигини қулфлаб, шаҳзода Иван билан бирга муқаддас Русь томон қочибди.

Эртасига азонлаб денгиз шоҳи юборган хизматкорлар ёш келин-куёвни уйғотиб, шоҳ ҳузурига чақириш учун келибди.

— Туринглар, туринглар-э! Сизларни отажонингиз чақириятилар.

— Вой, жудаям эрта-ку ҳали, уйқуга қонганимизча йўқ, бирпасдан кейин келинглар! — жавоб берибди биринчи тупук.

Келган кишилар кетишибди, бирон соат кутишиб, яна эшикни тақиллаганишибди:

— Туринглар-э, кун ёйилиб кетди-ку!

— Бирпас шошмай туринглар, кийиниб олайлик! — дебди иккинчи тупук.

Хизматкорлар учинчи марта денгиз шоҳи нега бунча ҳаяллаб кетишди улар, деб дарғазаб бўлиб ўтирганини айтгани келишибди.

— Ҳозир кетяпмиз! — деб жавоб қайтарибди учинчи тупук. Хизматкорлар кутиб-кутиб яна эшикни тақиллатиб кўришса, на сас, на садо эшитилармиш! Эшикни бузишиб киришса, кўшк ичида ҳеч ким йўқ эмиш.

Келин-куёв қочиб кетди, деб подшога хабар беришибди; шоҳ ғазабга миниб уларнинг изидан кетма-кет одам жўната-верибди.

Оқила Василиса билан шаҳзода Иван бу пайтда анча олислаб кетган эканлар! Бедов отларда тинмай, дам олмай елишибди.

— Қани, шаҳзодам, нам ерга қулоғингни тутиб кўргин-чи, денгиз шоҳи таъқибчилари қувиб келмаётганмикин?

Шаҳзода Иван отдан ирғиб тушиб, қулоғини нам ерга тутибди-да, дебди:

— Қулоғимга одам овози, отларнинг дўшир-дўпири эшитил-япти!

— Демак, изимиздан қувиб келишяпти! — дебди оқила Василиса ва шу заҳоти отларини ям-яшил яйловга, шаҳзода Иванни кекса чўпонга айлантирибди, ўзи эса бир сурув қўйга айланбди.

Таъқибчилар яқин келишиб:

— Эй қария! Шу ердан отда паҳлавон йигит билан соҳиб-жамол қиз ўтмадими? — дейишибди.

— Йўқ, яхши одамлар, кўзим тушмади, — деб жавоб берибди шаҳзода Иван. — Шу жойда қирқ йилдан буён қўй боқаман, яқин-ўртадан бирон-бир тирик жон ўтмади!

Таъқибчилар ортга қайтиб, денгиз шоҳига:

— Подшоҳи олам! Йўлда қўй боқаётган чўпондан бошқа ҳеч кимни учратмадик, — дейишибди.

Шаҳзода Иван эса оқила Василиса билан аллақачон учар отларда елиб кетмоқда экан.

— Қани, шаҳзодам, қулоғингни нам ерга тутиб кўр-чи, денгиз шоҳи одамларини қувиб келмаётганмикин?

Шаҳзода Иван отдан тушиб, қулоғини нам ерга қўйибди-да:

— Қулоғимга одам товушлари, отларнинг дўпир-дўпири эшитил-япти, — дебди.

— Демак, қувиб келишяпти! — дебди Оқила Василиса: ўзи черков бўлибди, шаҳзода Иванни қари руҳоний, отларни эса дарахтларга айлантирибди.

Таъқибчилар келиб:

— Ҳой отахон! Қўй ҳайдаб кетаётган подачига кўзинг тушмадими? — деб сўрашибди.

— Йўқ, яхшилар, кўрмадим. Қирқ йилдан буён шу черковда хизмат қиламан, на бирор-бир қуш учиб ўтди, на бирор-бир ҳайвон, — дебди.

Таъқибчилар ортга қайтиб денгиз шоҳига:

— Эй подшоҳи олам! Ҳеч қаердан қўй ҳайдаган подачини учратмадик, йўлдаги черковда бир қари руҳоний йўлиқди, холос,— дейишибди.

— Нега черковни бузиб-йиқитиб ташламадинглар, руҳонийни ушлаб келмадинглар! Ахир черков билан руҳоний ўшалар эди-ку! — деб бақирибди денгиз шоҳи ва ўзи шаҳзода Иван билан оқила Василиса кетидан от қўйибди.

Улар эса анча олисга кетиб қолган экан.

— Шаҳзодам! Қулоғингни нам ерга тут-чи, қувиб келишмаётганмикин? — дебди яна оқила Василиса.

Шаҳзода Иван отдан тушиб, қулоғини нам ерга тутибди.

— Қулоғимга одам овози, отлар дўпир-дўпири аввалгидан қаттиқроқ эшитилапти,— дебди.

— Демак, шоҳнинг ўзи қувиб келяпти.

Оқила Василиса отларни қўлга, шаҳзода Иванни нар ўрдакка айлантирибди, ўзи макиён ўрдакка айланибди.

Денгиз подшоҳи қўлга от қўйиб келибди-да, шу топда нима гаплигини англаб, нар ўрдагу макиён ўрдак ким эканлигини тушуниб етибди-ю, ўзини ерга отиб, бургутга айланибди. Бургутнинг истаги уларнинг оғзидан қонини келтириш экан, лекин умиди пучга чиқибди: энди нар ўрдакка ҳамла қиламан деб турганида, нар ўрдак сувга шўнғибди: макиён ўрдакка чанг солмоқчи бўлса униси ҳам сувга шўнғиб кетибди! Уриниб-уриниб, ҳеч иш чиқаролмабди. Денгиз шоҳи охири ўзининг сув ости давлатига от қўйиб кетибди, оқила Василиса эса шаҳзода Иван билан сабр-тоқат қилиб, осойишта вақтлар келишини кутибди ва муқаддас Русь томон йўл олибди.

Улар йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришиб, олис-олислардаги мамлакатга ҳам етиб келишибди.

— Мени мана шу дарахтзорда кутиб тур,— дебди шаҳзода Иван оқила Василисага.— Мен бориб аввал отам билан онамга бир кўриниш бериб келай.

— Шаҳзодам, сен мени эсингдан чиқариб қўясан!

— Йўқ, эсимдан чиқармайман.

— Йўқ, шаҳзода Иван, бундай дема, унутиб юборасан! Мени жуда бўлмаса иккита қаптар деразага ўзини ураётганида эслагин!

Шаҳзода Иван саройга келибди; ота-онаси уни кўриб, бўйнига осилиб, ўпиб-қучоқлаб кетишибди. Хурсандчилик ичида қолган шаҳзода Иван оқила Василисани унутиб қўйибди.

Ота-онаси билан пича яшаган шаҳзода, бир маликага уйланмоқчи бўлибди.

Оқила Василиса шаҳарга келибди ва новвойга ишга ёлланибди. Нон ясашаётганида қиз хамирдан икки бўлак узиб олибди-да, иккита қаптар ясаб, тандирга ёпибди.

— Бекажон, мана шу каптарлар нима бўлади?

— Нима бўларди? Пишса, паққос туширамиз, тамом-вас-салом!

— Йўқ, тополмадинг!

Оқиладан аввал тандирни, сўнг деразаларни очибди — каптарлар шу лаҳзада бир силкинишиб қанотларини қоқишибди-да, тўғри шоҳ саройи томон парвоз қилишибди, бориб деразага ўзларини ура бошлашибди, оқсоч шунча тиришсам каптарларни ҳайдай олмабди.

Фақат шундагина шаҳзода Иваннинг ёдига Оқиладан Василиса тушибди, у ҳар тарафга чопар жўнатиб, қизни излашга тушибди ва уни нонвойхонадан топиб, оппоқ билакларидан тутибди, шакар лабларидан бўса олибди, ота-онаси ҳузурига қайлиғини бошлаб борибди, шундай қилиб, иккалови биргаликда умр кечириб, мурод-мақсадларига етибди.



## ТОШГА АЙЛАНГАН МАМЛАКАТ



ор экан-да, йўқ экан, қадим замонда бир мамлакатда бир аскар бўлган экан, у кўп ва хўп хизмат қилибди, барча синову ўқувларни аъло ўтабди. Хизмат муддати тугай деб турганда, бахтга қарши, аскарни бошлиқлар ёқтирмай қолиб, у бечорага роса азоб бера бошлашибди.

Аскар роса қийналиб охири қочмоқчи бўлибди, сўнг сафар

халтасию милтиғини елкасига ортмоқлаб, ўртоқлари билан хайрлашибди. Ўртоқлари ундан:

— Қаёққа кетяпсан ё батальонга чақиришяптими? — деб сўрашибди.

— Сизлар сўраманглар, мен айтмай, биродарлар! Яхшиси, қопчиғимни орқалатиб юборинглар, агар мендан ёмонлик ўтган бўлса, кечиринглар, — дебди. Шундай қилиб, аскар боши оққан томонга равона бўлибди.

У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, бир пайт қараса бегона мамлакатда турганмиш.

— Бир оз тўхтаб, дам олволсам майлими? — дебди у соқчига юзланиб.

Соқчи унинг гапини ефрейторга, ефрейтор офицерга, офицер генералга, генерал эса қиролга етказибди. Қирол аскарни хузурига чақирибди.

Мана, аскар ҳам — худди рисоладагидай милтиғини ушлаб, қаддини тик тутиб подшо қаршисида пайдо бўлибди.

— Ростини айт, қаердан келяпсану қаерга кетяпсан? — деб сўрабди қирол ундан.

— Подшоҳи олам, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтаман.

У қиролга бошидан ўтганларнинг барини бирма-бир гапириб берибди, сўнг сизга хизмат қилай, деб ўтинибди.

— Бўпти, — дебди қирол. — Боғимга қоровул бўла қол! Боққа биров тушяптими, яхши кўрган дарахтларимни синдириб кетяпти... Шу боғни яхшилаб кўриқлаб берсанг, меҳнатингга яраша ҳақ тўлайман, уқтингми?

Аскар қиролнинг таклифига кўниб, боғни кўриқлай бошлабди.

Бир-икки йил хўп ўрнига қўйиб хизмат қилибди, ишлари ҳам бинойи бўлибди; учинчи йил ҳам охирига етай деб қолибди, у бир куни боғни айланиб юрса, яхши-яхши дарахтларнинг кўпгинаси синиб ётган эмиш.

«Вой худойим-эй! Энди шу кулфат ҳам бормиди бошимда! — деб ўйлабди у. — Борди-ю, қирол бундан хабар топгудай бўлса, нақ оёғимдан осади-я!»

У милтиғини қўлига олиб, дарахтга суюнганча қаттиқ ўйга ботибди.

Бирдан қасир-қусур, шатир-шутур овозлар эшитилибди; баҳодир аскар ҳушига келиб қараса — боққа улкан, важоҳатли бир қуш кириб, дарахтларни йиқаётган эмиш! Аскар шартта милтиғини олиб, унга ўқ узибди, қуш ўлишга-ку, ўлмабди, фақат ўнг қаноти яраланибди, шу қанотдан учта пат тушиб қолибди, қушнинг ўзи эса орқа-олдига қарамай қочибди. Аскар қушнинг кетидан тушибди. Қушнинг оёқлари илдам экан, пилдираб бериб, бир ўрага тушибди-да, кўздан ғойиб бўлибди.

Аскар қўрқмай қушнинг кетидан ўрага юрган экан, тубсиз жарга тушиб кетибди. Бутун аъзойи бадани лат ебди. Бир кечаю бир кундуз ўзини билмай беҳуш ётибди.

Бир маҳал ўзига келиб, ўрнидан турибди, атрофига назар солибди. Қарангки, ер қаъри ҳам ёруғ эмиш.

«Эҳтимол, бу ерда ҳам одамлар яшар!» — деб ўйлабди аскар.

У кетаверибди, кетаверибди, бир маҳал катта шаҳарнинг дарвозаси рўпарасидан чиқиб қолибди. Аскар дарвозабонга гап қотибди, лекин дарвозабон, қимир этмай жим тураверибди, келиб қўлидан ушласа, худди тош сингари қотиб қолганмиш!

Аскар дарвозани очиб ичкарига кирибди. Бу ерда одам гиж-гиж эмиш, фақат бари тош қотганмиш, сўнг у шаҳар кеziшга тушибди, ҳаммаёқда бир хил манзара — бирон жон, тирик инсон зоти йўқ, бари тош эмиш! Мана шоҳ саройи — кошнлари нақшинкор, ўймакор. Аскар саройга кирибди — қараса, хоналар ҳашаматли, чиройли столларда таом, газаклару ичимликнинг саноғига етиб бўлмайди-ю, аммо теварак-атроф жимжит, кимсиз эмиш.

Аскар еб-ичиб бўлгач, дам олай деб ўтирибди, шу пайт, назарида эшикка кимдир келгандай бўлибди, у милтиғини ушлаганича эшик олдига бориб турибди.

Бир маҳал қасрга бир соҳибжамол малика энага-ю, канизлари билан кириб келибди. Аскар унга честь берибди, малика эса ибo билан таъзим қилибди.

— Салом, аскар йигит! Қани айтгин-чи, бу ерларга қандай келиб қолдинг? — деб сўрабди ундан малика.

Аскар бошидан ўтганларини ҳикоя қилиб берибди.

— Мен подшо боғини қўриқлашга ёлланган эдим, тўсатдан бир қуш боққа кирадиган, дарахтларни синдириб, яксон қилиб кетадиган бўлди. Унга ўқ отсам, қанотидан учта пат тушиб қолди, патларини олдим у изидан қувиб, бу ерларга келиб қолдим.

— Бу қуш — менинг туғишган опам бўлади, у менга шундай азоб берди, шундай қийнадики, мана, мамлакатимга ҳам балои қазo ёғдирди — бутун халқимни тошга айлантирди. Энди гапимга қулоқ сол, аскар: ҳозир сенга бир китоб берай, шу ерда ўтириб уни оқшомдан то хўроз қичқиргунга қадар ўқийсан. Шайтон йўлдан оздирса ҳам китобчани маҳкам ушлаганингча ўқийвер, йўқса омон қолмайсан! Агар уч кеча туриб берсанг, сенга турмушга чиқаман.

— Бўпти! — дебди аскар.

У қоронғи тушгандан китобчани олибди-да, ўқишни бошлаб юборибди.

Тўсатдан тақир-туқур, гумбур-гумбур бўлиб кетибди — саройга бутун бир қўшин бостириб келибди, аскарнинг аввалги хўжайинлари яқин келиб, уни сўкиб-уриша бошлабди, қочиб



кетгани учун энди ажалинг қўлимизда деб дўқ-пўписа қилиб, қўрқитибди. Милтиқларини ўқлаб, аскарни нишонга олишибди. Бироқ аскар уларга қиё боқмабди, китобни қўлидан қўймай, ўқийверибди.

Хўрозлар бирин-кетин қичқириши билан шайтонлар ғойиб бўлибди!

Кейинги оқшом янада ҳам ваҳималироқ бўлибди, учинчи кеча эса бешбаттар кечибди: инсу жинслар арраю ойболта-тўқмоқлари билан келибди, суюқларингни майдалаб, терингни шилиб, ўзингни ўтда куйдирамиз деб зуғум қилибди, ўзлари эса қандай қилиб бўлса ҳам аскарнинг қўлидан китобни тортиб олиш пайида эмиш.

Хўрозлар бирин-кетин қичқиргач, бари ғойиб бўлибди-қолибди!

Тонг отиши билан бутун мамлакатга жон кирибди, кўчалар, уйлар, одамлар ҳаракатга келибди, малика генераллари-ю, мулозим, аъёнлари билан қасрга кирибди, бари аскарга миннатдорчилигини баён қила кетибди, сиз энди бизнинг шоҳимиз бўлдингиз, дея унга мадҳия ўқий бошлабди.

Аскар эртаси куни ҳуснда танҳо маликага уйланибди ва тинч-тотув, шод-хуррам яшаб, мурод-мақсадига етибди.



## Е Т Т И Э Г И З А К

Бир ора экан-да, йўқ экан, қадим замонда бир чол билан кампир ўтган экан. Ажали етиб, чол бандаликни бажо келтирибди. Ундан етти эгизак ўғил қолибди. Уларни Симеонлар деб аташар эканлар.

Улар кун сайин эмас, соат сайин ўсибди, эгизак ака-укалар қуйиб қўйгандек бир-бирларига ўшар, ҳар тонг еттови жам бўлиб қўш ҳайдагани чиқиб кетар эканлар.

Кунлардан бир куни подшо шу томонлардан ўтиб қолибди: кетаётиб қараса, олисларда, далада худди боён ерида ишлаётгандай, саноқсиз одам ер ҳайдаётганмиш! У ҳайрон бўлибди, чунки бу тарафларда боёнлар яшамаслиги шоҳга маълум экан.

Подшо отбоқарини бу одамлар кимларга қарашлиги-ю, наслу насабини билиб келишга жўнатибди.

Отбоқар бориб уларни саволга тутибди:

— Ҳой одамлар, сизларнинг наслу насабингиз кимлардан?

— Биз етти эгизак ака-ука Симеонлармиз, ота-бобомиздан мерос қолган ерни ҳайдаяймиз.

Отбоқар келиб подшога эшитганларини оқизмай-томизмай айтиб берибди.

— Қаранглар-а, бунӣ эшитмаган эканман-ку!— ҳайратга тушибди подшо. Сўнг ака-ука Симеонларни саройга хизматга чақираман, боришсин, деб одам жўнатибди.

Етти ака-ука саройга бориб саф тортишибди.

— Хўш,— дебди подшо,— қани, айтинглар-чи, ким қандай ишнинг уддасидан чиқади, қайси бирингиз қандай хунарни эгаллагансиз?

Тўнғич Симеон олдинга чиқиб:

— Мен бўйӣ йигирма саржин келадиган темир симёғоч ясай оламан,— дебди.

— Мен бўлсам,— дебди иккинчиси,— ўша симёғочни ерга ўрната оламан.

— Менинг қўлимдан келадигани шуки,— дебди учинчиси,— ўша симёғочга чиқиб, ёруғ оламда нима ҳодисалар рўй бераётганини олис-олисларга қараб билиб бераман.

— Мен эсам,— дебди тўртинчиси,— шундай кема ясайманки, у худди балиқдай суза олади.

— Мен,— дебди бешинчиси,— турли-туман молларни бегона юртларга сотаман.

— Мен эсам,— дебди олтинчиси,— кема ичидаги одамлар, юклар билан бирга денгиз қаърига тушиб, керак бўлган жойдан шўнғиб чиқа оламан.

— Мен ўғриман,— дебди кенжаси,— кўзимга яхши кўринган, суйган нарсамни усталик билан қўлга киритаман.

— Менинг давлатимда ўғрининг бўлишини истамайман,— дебди шоҳнинг аччиғи чиқиб, кенжа ўғил, яъни еттинчи Симеонга,— уч кун ичида мамлакатимдан бошинг оққан төмонга чиқиб кетасан. Олтовингиз шу ерда қолаверинглар.

Кенжа Симеон хафа бўлибди, энди нима қилишини, қаерга боришини билмабди.

Подшо тоғлар, денгизлар ортидаги бир мамлакатда яшайдиган ҳурилиқо маликага ошиқ экан. Шунда сарой аҳли кенжа Симеон балки бирон корга ярар, балки ўша гўзал маликани олиб келиш қўлидан келар, деб ўйлашибди-ю, уни ҳам шу ерда қолдиришини подшодан сўрашибди.

Подшо ўйлаб-ўйлаб, уларнинг гапига кўнибди.

Эртаси куни эса подшо боярларини, лашкарбошиларини бутун юртга чорлабди, уларнинг олдида етти эгизакка энди хуналарингни кўрсатинглар, деб буюрибди.

Тўнғич имирсилаб ўтирмай бўйӣ йигирма саржин келадиган темир симёғоч ясабди. Шоҳ одамларига темир симёғочни ерга ўрнатишлар, деб фармон берибди, кишилар шунча тиришиб-тирмашса ҳам симёғочни қоқа олмабди.

Шунда подшо иккинчи Симеонга темир симёғочни ерга ўрнат, деб буюрибди. У нича ўйланиб туриб, сўнг темир симёғочни кўтарибди-да, ерга қоқибди.

Сўнг учинчи Симеон симёғочга чиқибди, тепасига ўтириб олибди ва узоқ-узоқларга тикилиб, оламда нималар бўлаётганини кузата бошлабди: у мовий денгизни, олисда оҳиста сузиб бораётган кемаларни, қишлоқларни, шаҳарларни, тумонат одамни кўрибди-ю, бироқ подшонинг кўнглини олган ажойиб гўзал маликани кўрмабди. Шунда у яна синчиклаб қарабди-да, бирдан олислардаги кўшк деразаси олдида ўтирган ёноқлари анор, гўзал маликага кўзи тушиб қолибди: бу гал у шундай аниқ, ҳаттоки маликанинг қўлларидаги томирларигача равшан кўрибди.

— Кўряпсанми? — қичқирибди унга подшо.

— Кўряпман.

— Бўлмаса тезроқ пастга тушгин-да, маликани нима қилиб бўлса ҳам ҳузуримга келтир.

Ака-укалар тўпланибди-да, кема ясашибди, унга турли-туман мол юклашибди ва ҳаммаси бирга ўша кўкиш тоғлар, кўм-кўк денгизлар ортидаги маликани олиб келиш учун сузиб кетибди.

Сувда узоқ юришиб охири қандайдир бир оролга келиб тўхташибди.

Кенжа Симеон ёнига занжир устида юроладиган, турли нарсаларни узата оладиган ва ҳар хил қилиқлар қиладиган бир Сибирь мушугини олволган экан.

Бир маҳал кенжа Симеон Сибирь мушуги билан оролга жўнабди, акаларига эса то ўзи келмагунча кемадан тушмасликни тайинлабди.

Шундай қилиб, у Оролга кириб кетибди, шаҳарга келиб, малика кўши олдидаги майдонда доно Сибирь мушуги билан томоша кўрсата бошлабди: мушукка нарсаларни узатишни, ирғитишни, ўрма қамчидан сакрашни буюрибди.

Худди шу пайт малика дераза олдида ўтирган экан, аломат жониворни кўриб қолибди. У шу заҳоти чўрисини бу ўзи қандай ҳайвон ва сотиладиганми, йўқми, шуни билиб кел, деб ғизиллатибди. Симеон маликанинг ёшгина чўрисига қулоқ тутиб шундай дебди:

— Бу — Сибирь мушуги, меники, уни сотишга-ку, сотмайман-а, аммо ишқи тушиб қолган кишига совға қилишим мумкин.

Чўри эшитганларининг барини маликага оқизмай-томизмай айтиб берибди, малика яна ёшгина князини ўғри Симеон ҳузурига жўнатибди.

— Бекам мушугингни жудаям ёқтириб қолганмишлар.

Симеон маликанинг кўшига борибди, унга совға қилиб Сибирь мушугини олиб келиб: фақат бир ўтинчим бор, дебди,

эвазига кўшкингизда уч кун қолишга, шоҳона нон-тузингиздан тотишга рухсат этсангиз, дебди. Кейин: — Гўзал маликам, сизга Сибирь мушуги билан қандай ўйнашни, қандай қилиб кўнгилни чоғлашни ўргатардим, — деб қўшиб қўйибди.

Малика унинг илтимосини қондирибди, шундай қилиб, Симеон шоҳ кўшкида тунаб қолибди.

Саройда маликамиз ғаройиб бир жониворни боқиб олганмиш, деган гап тарқалибди: сарой аҳли кўшқда ҳозир бўлибди, шоҳ хотин, бола-чақалари билан, аскарбошилар — ҳаммаси қувноқ жонивор-доно мушукни томоша қилиб тўйишмабди. Бари, шунақа мушугим бўлсайди, деб ҳавас қилибди, қизнинг ҳол-жонига қўймабди: бироқ малика ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмабди, ҳеч кимга ўзининг Сибирь мушугини инъом этмабди, ҳадеб мушукнинг ипақдай майин жунини силайверибди, эртаю кеч жонивори билан ўйнашдан зерикмабди, Симеоннинг кўнглини олинглар, тўйгунча едиринглар, ичиринглар, деб буюрибди.

Симеон мезбонларга берган нон-тузлари, зиёфатларию меҳмоннавозликлари учун ташаккур айтибди-да, учинчи кун деганда маликани кемасига, ўзи билан бирга олиб келган ҳар хил, қулоқ эшитган ва эшитмаган, маълуму номаълум ҳайвонларни кўриб келишга таклиф этибди.

Қиз отасидан рухсат сўраб, кечқурун канизлари-ю, энагалари ҳамроҳлигида Симеоннинг кемасидаги, қулоқ эшитмаган ва эшитган, маълуму номаълум ҳайвонларини кўриб келишга жўнабди.

Уни қирғоқда кенжа Симеон кутиб олибди ва маликадан, мабодо аччиғи келмаса, энагалари ва чўриларини пастда қолдириб, ўзи кемага марҳамат қилишини сўрабди:

— Кемада турли-туман, чиройли жониворлар бор, қайсининини ёқтирсангиз, ўша сизники бўлади! Агарда энага, канизакларингиз бу жониворларни ёқтириб қолсалар, барини инъом этолмаймиз.

Малика рози бўлибди ва энага, канизакларига мени қирғоқда кутиб туринглар, деб буюрибди-да, ўзи кемадаги ажойибдан-ажойиб, ғаройибдан-ғаройиб жониворларни томоша қилиш учун Симеонга эргашибди.

Шундай қилиб, малика кемага чиқиши билан кема йўлга тушибди-ю, мовий денгиз узра сузиб кетибди.

Подшо қизини тоза кутибди. Энагалари, канизлар келишиб, бошларига тушган кулфатни айтиб йиғлашибди.

Шоҳнинг ғазаби тошибди, дарҳол кемани қувинглар, деб фармон қилибди.

Кема ҳозирланибди ва малика кетидан тушибди. Оҳиста сузиб кетаётган Симеонлар орқаларидан таъқиб қилиб келишайтганидан мутлақо беҳабар эканлар, ахир подшо кемаси

сузиб эмас, учиб келаётир! Мана, мана, таъқибчилар етиб қолди!

Симеонлар ниҳоят изларидан таъқиб қилиб келишаётганини кўришибди — и-и, мана етди! — дарҳол кема сув қаърига шўнибди. Улар сув остида роса сузишибди, юзага она ватанларига яқин қолгандагина чиқиб олибди.

Таъқибчи подшо кемаси эса уч кечаю уч кундуз бесамар сузибди, ҳеч нима топа олмай, ноилож орқага қайтибди.

Симеонлар гўзал малика билан уйга қайтибди, қарасалар соҳилда тумонат одам, санаб саноғига етиб бўлмас эмиш. Подшонинг ўзи эса меҳмонларни, гўзал малика билан етти ака-укаларни ўзида йўқ шод бўлиб қарши олибди.

Улар қирғоққа чиқишлари билан халқ шовқин кўтариб, қийқири бошлабди, подшо эса маликани оқ мрамар қасрга бошлабди, гулдор дастурхон атрофига ўтқазибди, турфа асалдан қилинган шароблар, қандолатлар билан сийлабди ҳамда тезда тўй қилиб суюкли маликага уйланибди, шундай тўй, шундай вақтичоғлик, шундай катта зиёфат бўлибдики, довруғи бутун оламга кетибди.

Еттовлон Симеонларга эса подшо бутун мамлакатда эркин яшаш, бож тўламай савдо қилиш, ўзларига инъом этилган ердан бемалол фойдаланиш ҳуқуқини берибди, хизматлари учун ташакурлар айтибди ва ака-укаларни уйларига анча-мунча мол-мулк билан жўнатибди.

Менинг бир ориқ, қирчанғигина отим бор эди — сағриси мумдан, қамчиси — нўхатдан. Қарасам: бир деҳқоннинг хирмони ёнаётир, қирчанғимни қолдирдим, ўзим ўтни ўчиргани чоңдим. Оловни ўчиргунча қирчанғим эриб битди, қамчичамни қарға чўқиб кетди. Сўнг гишт сотдим, охири қарзга ботдим: бошимда бор эди қалпоқ, ғойиб бўлди у бир чоқ: тиззам еди лат, тортарман кулфат.

Мана шундай қилиб, эртак ҳам тамом-вассалом.



## О Қ СА М А Н

ир чолнинг уч ўғли бўлган экан, иккитаси эслихушликкина-ю, учинчиси Иванушка тентак экан; у кечаю кундуз печь устида ялпайиб ётгани ётган экан.

Чол ерига буғдой экибди, ҳосили ҳам бўлиб берибди, ammo лекин кечалари кимдир буғдойни пайҳон қилиб кетадиган бўлибди. Шунда чол болаларига:

— Болажонларим, навбатма-навбат буғдойни қўриқлаб, менга ўғрини тутиб беринглар, — дебди.

Биринчи кеча буғдой құриқлагани тўнғич ўғил жўнабди, аммо далада уйқуси келиб қолибди: пичанхонага кирибди-ю, то тонгга қадар қотиб ухлабди. Эрталаб уйга келгач, оқшом ухламай, совқотиб пойлаб чиқдим уғрини кўрмадим, дебди.

Иккинчи кеча пойлоқчиликка ўртанча ўғил жўнабди ва у ҳам пичан ғарами ичида ухлаб қолибди.

Учинчи оқшом пойлоқчилик навбати тентакка келибди. У қўлига арқон олиб, құриқчиликка жўнабди. Иванушка уватга келибди-да, бир тошга чўкиб, кўз юммай ўтириб ўғри пойлабди.

Қоқ ярим кечада буғдойга жунлари ранго-ранг бир от бостириб келибди; жунларининг толаси гоҳ тилла, гоҳ кумушдек товланармиш; югурса ер зир-зир титрармиш, қулоқларидан наға-наға тутун, бурун катақларидан олов чиқармиш. От буғдойни ейишга тутинибди, еганидан пайҳон қилгани кўн бўлибди.

Тентак аста эмаклаб бориб, шартта отнинг бўйнига арқон ташлабди. От сиртмоқдан қутулишга тоза уришибди, қутулолмабди. Тентак арқонни таранг тортибди, арқон отнинг бўйнини қисибди. Шунда от тентакка ёлворибди:

— Хизматингда бўлай, Иванушка, қўйвор мени.

— Бўпти, — дебди тентак Иванушка. — Лекин кейин сени қандай топаман?

— Қишлоқ четиға чиқасан-да, — дебди от. — Уч марта ҳуштак чалиб, Оқ саман, оппоқ саман! Ёнимда тур шайланиб, япроқ майса қошиға келган каби айланиб! — деб қичқирсанг шу захоти қаршингда ҳозир бўламан.

Тентак Иванушка отдан, буғдойингга бошқа кирмайман, пайҳон қилмайман, деган ваъдасини олиб, уни қўйиб юборибди.

Иванушка уйига қайтибди.

— Ҳа, аҳмоқ, нимани кўрдинг? — деб сўрашибди акалари.

— Мен, — жавоб берибди Иванушка, — жунлари турли рангдаги отни ушлаб олдим. У, буғдойингга бошқа кирмайман, деб ваъда берувди, қўйвордим.

Акалари тентакни майна қилишиб, тоза кулишибди, бироқ ростдан ҳам шу кундан бошлаб ҳеч кимса буғдойга тегмабди.

Орадан кўн ўтмай қишлоқ, шаҳарлар бўйлаб подшо жарчиси кезиб: «Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар, савдогарлар, мешчанлар ҳамда оддий деҳқонлар, барингиз жам бўлинг, подшо олам фармон қилган уч кунлик байрамда иштирок қилинг; тагингизда зўр арғумоқ бўлсин; мабодо кимда-ким оти билан маликамизнинг кўшкигача сакраб унинг бармоғидаги узугини суғуролса, ўша одамга подшо қизини беради», — деб жар сола бошлабди.

Иванушканинг акалари ҳам байрамга отланишибди. Маликанинг кўшкига сакраб кўриш учун эмас, жуда бўлмаса сакраган-

ларни томоша қилгани тадорик кўрибди. Иванушка, мен ҳам сизлар билан борай, деб акаларига элинибди.

— Сенга йўл бўлсин, тентак! — дебди акалар. — Одамларга калака бўлмоқчимисан? Печингда ётиб, кул титавермайсанми.

Акалар жўнабди, тентак Иванушка эса келинойиларидан сават олибди-да, кўзиқорин тергани кетибди. Иванушка қишлоқ чеккасига чиқибди-да, қўлидаги саватни ташлаб, уч марта қич-қирибди:

— Оқ саман, опшоқ саман! Ёнимда тур шайланиб, япроқ майса қошига келган каби айланиб!

От югуриб келибди, ер зир-зир титрабди, қулоқларидан паға-паға тутун кўтарилибди, бурун катакларидан аланга чиқибди. Ирғишлаб келиб, Иванушканинг рўпарасида турибди.

— Қани, — дебди от Иванушкага, — ўнг қулоғимдан кириб, чап қулоғимдан чиққин-чи.

Иванушка отнинг ўнг қулоғидан кириб, чап қулоғидан чиқибди, у шундай бир баҳодирга айланибдики, бунақаси одамнинг на тушидаю на ўнгида, на эртакларда бор эмиш.

Шундай қилиб, Иванушка, отини тўпша-тўғри подшо саройи сари елдирибди. Нақ сарой саҳнигача от елдириб келибди, қараса — атроф тумонат одам — олма ташласанг ерга тушмасмиш: баланд кўшк деразаси қаршисида малика ўтирармиш: қўлидаги узукнинг баҳоси йўқ, ўзи бўлса гўзалларнинг гўзали эмиш. Маликанинг кўшига сакраш ҳеч кимнинг хаёлида йўқ; кимнинг бекордан-бекорга лат егиси келарди дейсиз.

Шунда Иванушка отининг таранг сағрисига қамчи солибди, саман ғазаб билан сапчибди — маликанинг деразасига етишга уч қатор чорчўп қолибди, холос.

Оломон қалқиб кетибди, Иванушка отнинг бошини буриб, ортига қараб елибди. Унинг акалари ҳали-вери ўзини ўнглолмай, четга чиқишмаган экан, шунда Иван ипак қамчиси билан уларни савалаб ўтибди. Халқ: «Ушла, ушла уни!» — деб ҳайқирибди, Иванушка эса изсиз йўқолибди.

Иван шаҳардан чиқибди, отидан тушибди, унинг чап қулоғидан кириб, ўнг қулоғидан чиқибди-да, яна бояги-бояги тентак Иванушкага айланибди. Отни қўйворибди ва бир сават кўзиқорин териб, уйига олиб келибди.

— Мана, янгажонлар, сизларга кўзиқорин олиб келдим, — дебди.

Шунда келинойилари Ивандан ўпкалаб кетишибди:

— Тентак, терган кўзиқорининг шу бўлдимми ҳали? Битта ўзинг ейсан-да, а?

Иван кулганича яна печига чиқиб кетибди.

Бир маҳал акалари келишиб, оталарига шаҳарга борганларини, кўрганларини гапира кетишибди, Иванушка эса печь устида кулиб ётаверибди.

Эртасига акалари яна байрамга кетишибди, Иванушка эса саватини олиб, кўзиқорин тергани жұнабди. Далага чиқиб, хуштак чалибди ва бор овоз билан:

— Оқ саман, ошпоқ саман! Ёнимда тур шайланиб, япроқ майса қошига келган каби айланиб! — деб чақирибди.

От югуриб келиб, Иванушка қаршисида тұхтабди.

Иван яна бошқача кийиниб, майдонга от елдириб борибди. Қараса — майдонда халойиқ кечагидан кўп, бари маликанинг хуснига махлиё, кўшкка чиқиш эса ҳеч кимнинг хаёлида йўқ эмиш. Бекордан-бекорга майиб бўлиб зарил кептими! Шунда Иванушка отининг таранг сағрисига қамчи урибди: от ғазабга миниб, ирғибди — маликанинг кўшкига етишга икки қатор чорчўп қолибди, холос. Иванушка отини орқага бурибди, акаларини четланишсин, деб қамчилаб ўтибди-да, елиб кетибди.

Акалари уйга қайтишибди. Иванушка эса печь устида ётиб, уларнинг ғанини эшитибди, кулибди.

Индинига акалари яна байрамга йўл олибди, Иванушка ҳам шу ёққа от қўйибди. У отини қамчилабди. От аввалги кунлардагидан ҳам шиддатга минибди: бир ирғинган экан, кўшк деразасига етибди. Иванушка маликанинг асал лабларидан бўса олиб, бармогидан узугини суғурибди-ю, отини бурибди, акаларини қамчилаб ўтиш бу сафар хаёлига ҳам келмай, елгандан-елиб кетибди. Шунда подшо-ю, малика:

«Ушла, уни ушла!» — деб қичқира кетишибди. Иванушканинг эса ўзи тугул, изи ҳам қолмабди.

Иванушка уйига келибди, бир қўли латта билан боғланган эмиш.

— Қўлингга нима қилди? — сўрабди Ивандан келинойилари.

— Ҳеч нима, кўзиқорин қидираман, деб қўлимга тикан кириб кетди, — Иван шундай деб печга чиқиб кетибди.

Акалари уйга келиб, шаҳарда нималар бўлганини ҳикоя қила кетишибди. Иванушка эса печь устида ётаркан, узукни бир кўргиси келибди: латтани ечиши билан кулба ичи чарогон бўлиб кетибди.

— Олов билан ўйнашмасанг-чи, тентак! — бақиришибди акалари унга. — Уйни ёндирворасан-а. Ўзи сен аҳмоқни уйдан ҳайдаб юбориш керак.

Орадан уч кун ўтибди, подшо жарчиси ҳаммаёққа мамлакатда қанча халқ бор — бари подшои олам бераётган зиёфатга отлансин, кимда-ким уйда қолишга журъат этса, подшо зиёфатидан юз ўгирса, ўша одамнинг калласи танасидан жудо этилади, деб жар сола бошлабди.

Зиёфатга чол ҳам бари оила аъзоларини бошлаб борибди.

Зиёфатга келишиб эман стол атрофида қатор ўтиришибди; ейишибди, ичишибди, яйраб-ғаплашиб ўтиришибди.



Малика зиёфат охирида меҳмонларини асал билан сийлай бошлабди. Бари меҳмонларга асал улашиб чиқибди, Иванушканинг олдига борибди; тентакнинг кийимлари ҳам юпун, ҳаммаёғи қурум, сочлари тўзиб кетган, бир қўлига ифлос латта боғлоғлиғ, қарасанг, кўнглинг айнар экан.

— Йигитларнинг йигити, нечун қўлинг боғланган? — деб сўрабди малика. — Қани, бир ечгин-чи.

Иванушка қўлини ечибди, бармоғидаги маликанинг узуги жилва қилиб, кўзни олибди.

Шунда малика Иванушканинг қўлларидан тутиб, отасининг олдига бошлаб борибди:

— Отажоним, пешонамга ёзилгани шу йигит экан.

Хизматкорлар Иванушкани ювинтириб, шоҳона либослар кийгазишибди, Иван шундай йигит бўлибдики, отаси билан акалари кўриб, кўзларига ишонмабди.

Малика билан Иванушканинг тўйини қилишибди, шундай зиёфат бўлибдики, доврўғи оламга кетибди. Мен ҳам шу тўйда бўлдим: асал едим, пиво ичдим, мўйловларимдан оқиб тушди-ю, бир томчиси ҳам оғзимга томмади.



## СЕҲРАНГАН ҚИРОЛИЧА

зоқ мамлакат қиролининг отлиқ гвардиясида бир аскар нақ йигирма беш йил эътиқод билан хизмат қилибди, унинг бундай садоқатини тақдирлаб қирол уни истеъфoga чиқаришга фармон берибди ва мукофотига аскарнинг ўзи полқда минган отини эгар-жабдуғи билан тақдим этибди.

Аскар оғайнилари билан хайрлашиб, ватанига йўл олибди, юриб-юриб, қараса ҳамёни бўшаб қолибди, қорнини нима билан тўйдиришни билмай боши қотибди, уйга эса ҳали жуда олис эмиш. Қараса, аҳволи жуда чатоқ, очлик ичини еб боряпти; шунда ён-атрофига олазарак бўлибди, кўзи ҳув наридаги каттакон қалъага тушибди. «Нима қилсамикин, — деб ўйлабди ўзича аскар. — Ўша ёққа борсам-чи, балки вақтинча бирон ишга ёлланарман, киссамга ҳам пича пул тушар».

Шундай қилиб, аскар қалъа томон жўнабди, ичкарига юрибди, отини отхонага боғлаб, олдига ем ташлабди-да, ўзи қасрга кирибди. Қасрда дастурхонлар тузалган, ноз-неъмату таомлар мўл эмиш! Аскар хўп еб-ичиб тўйиб олибди. «Энди пича мизғиб олсам ҳам бўлар», хаёл қилибди ўзича.

Шу пайт қасрга бир айиқ кириб келибди.

— Чўчима, баҳодир йигит, сен буёққа келиб яхши қилиб-

сан, мен йиртқич махлуқ эмасман, балки гўзал қиз - сеҳр-ланиб қолган қиролича бўламан. Агарда сен бу ерда уч кечани ўтказа олсанг, сеҳр-амалнинг кучи кетади, мен яна илгаригидай маликага айланаман-да, кейин сенга турмушга чиқаман.

Аскар рози бўлибди, айиқ кетибди, қасрда унинг якка ўзи қолибди. Шу пайт юраги шундай сиқилибди, шундай сиқилибди, дунё кўзига тор кўринибди, вақт ўтган сайин баттар бўлибди.

Учинчи кунга келиб, аскар шу даражада сиқилибдики, барига тупуриб, қалъадан кетгиси келибди, шунча уринмасин, тиришмасин, бу ердан чиқиб кетишга йўл тополмабди. Бошқа иложи қолмаган аскар, шу ерда қолишга мажбур бўлибди.

Учинчи оқшомни ҳам ўтказибди. Эрталаб турса қаршисига хуснда таърифи йўқ, бир қошиқ сув билан ютгудай гўзал бир малика келаётганмиш, унга кўрсатган мурувватлари учун ташаккур билдириб, никоҳдан ўтишга чорлаб турганмиш. Улар шу заҳоти тўй қилишиб, ҳеч нимадан ғам емай, ташвиш қилмай хуррам яшай бошлашибди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, аскар юртини қўмсабди, уйига кетгиси келибди.

— Уйингга бориб нима қиласан, ахир бу ерда сенга нима етишмаяпти? — дея қиролича ўтиниб уни йўлдан қайтаришга уринибди.

Қиролича барибир уни гапига унатолмабди. Малика эри билан хайрлашиб, қўлига уруғ тўла халта берибди-да, дебди:

— Қайси йўлдан борсанг ҳам мана шу уруғдан ҳар икки томонга сепиб кетавер, уруғ қаерга тушса, шу заҳоти унади, дарахт бўлиб ўсади; бутоқларида қимматбаҳо мева тугиб, кўзни олади, турли қушлар сайраб-яйрайди, ёввойи мушуклар эртақ айтади.

Баҳодир йигит ўзининг вафодор отига минибди-да, йўлга равона бўлибди; қаердан юрмасин, икки ёғига уруғ сепиб кетаверибди, изидан эса дарахтзор қад кўтариб бораверибди.

Аскар анча-мунча йўл босибди, йўл босса ҳам мўл босибди, бир маҳал қараса, яйдоқ далада карвон турганмиш, ўтўлан узра савдогарлар чордана қуриб карта ўйнаётганмиш; олдларида эса қозон осиглиқ эмиш; қозон тагига олов ёқилмаган бўлса-да, шўрва биқиллаб қайнаётганмиш.

«Ё эгам! — ёқа ушлабди аскар. — Олов деган нарса йўғу қозондаги шўрванинг биқиллаб қайнашини кўринг, яқинроқ бориб қарай-чи». У отини шу ёққа буриб, савдогарларга яқин борибди:

— Салом, яхшилар.

Булар савдогарлар эмас, шайтонлар эканлиги аскарнинг хаёлига ҳам келмабди.

– Ажойиб қозонинглар бор экан-а, оловсиз қайнавераркан! Менда-чи, бундан ҳам зўр нарса бор.

У шундай деб халтасидан уруғ олиб, ерга сочибди — шу ондаёқ баҳайбат дарахтлар қад кўтарибди, бутоқларида эса бебаҳо мевалар жилва қилиб, турфа қушлар сайрай бошлабди, ёввойи мушуклар чўпчак айта бошлабди.

Шайтонлар уни дарҳол танибди:

– Эҳ,— дейишибди бир-бирларига,— бу қироличани қутказган йигитнинг ўзи-ку. Келинлар, биродарлар, уни ичириб маст қиламиз, кейин ярим йилгача ухлайди.

Улар аскарни дастурхонга таклиф этишибди ва сеҳрли майдан ичиришибди. Аскар ерга қулабди-ю, қаттиқ уйқуга кетибди, савдогарлару карвон шу заҳоти кўздан ғойиб бўлибди.

Кўп ўтмай қиролича боққа сайр қилгани чиқибди, қараса дарахт учлари сарғайиб қурий бошлаганмиш. «Бу яхшиликдан дарак бермайди,— деб ўйлабди қиролича.— Эримнинг бошига кулфат тушган! Мана, уч ой ўтди, қайтадиган вақти бўлди-ю, ҳали дараги йўқ».

Қиролича эрини қидиришга отланибди. Аскар қайси йўлдан юрган бўлса, у ҳам шу йўлдан кетибди, йўлнинг ҳар икки ёғида дарахтзор яшнаб турар, қушлар сайрашар, ёввойи мушуклар хур-хур қилиб чўпчак айтармиш.

Малика дарахтлар сийрак жойга етибди. Яйдоқ даладан эгри-бугри йўл кетганини кўриб ўйлабди: «Қаёққа ғойиб бўлдикин. Ернинг остига кириб кетмагандир-ку ахир!» Бир маҳал қараса — бир чеккада ғалати дарахт бор эмиш, остида унинг севган ёри ётганмиш.


Малика чоғиб бориб, эрини туртибди, итарибди — шунча қилса ҳам аскар ҳеч турай демабди; шунда у эрини чимчилабди, биқинига нина санчибди, аскар эса оғриқ нималигини билмай худди ўликдай қотиб ухлаб ётаверибди. Қироличанинг аччиғи чиқиб дил-дилидан қарғабди:

– Илоё сен уйқучи ярамасни довулу бўронлар кўтариб, ёт элларга ташлаб кетсин!

У гапини айтар-айтмас тўсатдан шамол турибди, изиллаб бориб ҳаш-паш дегунча қироличанинг кўзи олдида аскарни кўтариб олиб кетибди.

Қиролича ёмон ният қилганига пушаймон бўлиб, аччиқ-аччиқ йиғлабди; уйига қайтиб келиб, бир ўзи ёлғиз яшай бошлабди.

Шўрлик аскарни эса довул олис-олисларга, икки денгиз оралиғидаги камбар бир қумлоққа обориб ташлабди, у шундоқ бир парча ернинг четига тушибди, агарда уйқусираб ўнгига ағдарилса ҳам, сўлига ўгирилса ҳам, хуллас, қимирласа, денгизга қулаб беному нишон кетаркан.



Баҳодир йигит қимир этмай ухлайверибди. Бир маҳал уйғониб, қараса икки томонида тўлқинлар шовуллаб турганмиш, атрофи чек-чегараси йўқ бепоён денгиз эмиш: «Қандай қилиб буёқларга келиб қолдим-а. Ким мени бу ерга ташлаб кетди?» — боши қотибди унинг.

У қумлоқ бўйлаб юриб бориб, оролга чиқибди; оролда баланд тоғ виқор билан қад кўтариб турганмиш; учи булутларга етганмиш, тоғда эса каттакон тош бормиш.

У тоққа яқинлашиб, қараса учта шайтон уришиб ётганмиш, уларнинг тутам-тутам жунлари юлиниб ҳавода учиб юрганмиш.

— Тўхтанглар, аҳмоқлар! Нега уришяпсизлар?

— Кўрмайсанми ахир, отамизнинг ўлганига уч кун бўлди-ю, ундан қолган учта нарса — учар гилам, ўзиюрар этик, кўзга кўринмас қалпоқни талашиб ажрим қилолмаймиз.

— Сизларни қаранглар-а! Шу арзимаган нарсага жанжал қилиб ўтирибсизларми? Келинлар, истасанглар, мен ўзим ажрим қилиб бераман. Учоловингизнинг ҳам кўнглингиз қолмайди, ҳеч бирингизни хафа қилмай бўлашиб бераман.

— Барака топгур, майли, ажрим қилиб бер!

— Бўпти! Энди сизлар югуриб бориб, қарағайзордан юз пуддан елим олинглар-да, буёққа келтиринглар.

Шайтонлар қарағайзорга ўзларини уришибди ва уч юз пуд елим йиғиб, олиб келишибди.

— Энди дўзахдан дошқозонни олиб чиқинглар.

Шайтонлар дошқозонни юмалатиб келибдилар-да, унга бор елимни солибдилар. Қозонга ўзиям қирқ бочка елим сиғаркан.

Аскар қозон тағига олов ёқибди-да, елим эриши билан шайтонларга қозонни тоққа олиб чиқиб, ичидаги елимни пастга қараб қуйинглар, деб буюрибди. Шайтонлар бу ишни бирпасда қотириб ташлашибди.

— Қани, — дебди аскар, — энди анови тошни итариб юборинглар, шундай итарингларки, тоғдан юмалаб тушсин, кейин учовингиз уни изма-из қувиб боринг. Тошни ким олдин қувиб етса, ўша учта нарсадан хоҳлаганини олади, ким иккинчи бўлиб борса, иккита нарсанинг бирини олади, охири борганга охиргиси тегади.

Шайтонлар тошни итариб, юмалатиб юборишибди-да, кетидан қувиб кетишибди. Шайтонлардан бири тошни қувиб етиб, маҳкам ушлаб олибди, у шу заҳот тошга ёпишиб қолибди. Иккинчи, сўнг учинчи шайтон югуриб келибди, уларнинг бошига ҳам биринчисининг кунни тушибди. Улар ҳам елимга қаттиқ ёпишиб қолибдилар. Аскар қўлтиғига ўзиюрар этик билан кўзга кўринмас қалпоқни қистирибди-да, учар гиламга ўтириб, ўз мамлакатини излаб, учиб кетибди.

Аскар учар гиламда учиб-учиб, охири бир кулбага келибди, ичкарига кирса оёқлари қоқ суяк, оғзида битта ҳам тиши йўқ, қари бир ялмоғиз кампир ўтирганмиш.

— Яхшимисиз, бувижон, гўзал қироличани қаердан ахтарсам бўларкин, нима маслаҳат берасиз?

— Билмайман, болажоним! Гўзал қироличани кўрганим ҳам, у ҳақда эшитганим ҳам йўқ. Сен фалон денгизлардан ўтиб, фалон элатлардан ўтсанг, менинг ўртанча онам истиқомат қиладиган юртга келасан, онам мендан кўра кўп нарсани билади, балким у айтиб берад.

Аскар учар гиламга ўтирибди-да, учиб кетибди: ёруғ жаҳонни кезгандан кезибди. Агар қорни очқаса, дарров кўзга кўринмас қалпоғини кияркан-да, бирон-бир шаҳарга тушаркан, дўконга кириб кўнгли чошган нарсани оларкан-да, яна гиламига ўтириб, йўлига равона бўларкан.

Аскар шу аснода яна бир кулбага етиб келибди-да, ичкарига кирибди — кирса, оёқлари қоқсуяк, қари, оғзида тиши йўқ, бир ялмоғиз кампир ўтирганмиш.

— Салом, бувижон! Бувижон, сиз бирор-бир дарагини эшитган бўлсангиз айтинг, соҳибжамол маликани қаердан ахтарсам экан?

— Қайдам, болам, сен фалон денгизлардан, фалон элатлардан ўтганингдан сўнг, бир юртга келасан, шу ерда менинг онам туради, балки у билар.

— У, шум кампир-а! Ёруғ дунёда шунча яшаб, тишларинг тўкилиб кетибди-ю, ҳеч бир яхшилик қилай демайсан.

Аскар яна учар гиламга ўтириб, катта кампирникига қараб парвоз қилибди.

Узоқ кезиб, кўп элларни, кўп денгизларни кўриб, ахийри ёруғ дунёнинг шундоқ чеккасига келиб қолибди; қараса бир кулба турганмиш, уёғига ҳеч қандай йўл йўқ эмиш. Уёғи фақат зимистон, ҳеч нима кўринмасмиш. «Энди, — деб ўйлабди ичида аскар, — агар шу ердан бирон хабар чиқмаса, уёғига илож йўқ, ўзиям дунёнинг нақ четига келиб қолдим».

Аскар кулбага кирибди — кулбада оёқлари қоқсуяк, сочлари опшоқ, тишсиз бир ялмоғиз кампир ўтирганмиш.

— Салом, бувижон. Бувижоним, мен энди севикли қироличамни қайдан ахтарай, қайдан топай, айтинг?

— Бирпас сабр қил; олдин ҳамма шамолларимни чақириб олай, кейин улардан суриштириб кўраман. Ахир шамолларим бутун дунё бўйлаб эсади, маликангнинг қаерда яшаётганлигини улар билмай ким билсин?

Кампир эшик олдига чиқибди-да, қаттиқ хуштак чалибди, шунда бирдан теварак-атрофидан тўполон-довул кўтарилибди; кулба йиқилиб тушай-йиқилиб тушай деб тебрана бошлабди!

— Секин, секинроқ! — деб бақирибди ялмоғиз кампир.

Шамоллар тўпланиб бўлиши билан ялмоғиз кампир уларни сўроққа тутибди.

— Эй менинг асов, бебош шамолларим, сизлар бутун оламни кезиб юрасизлар, мабодо гўзал маликани кўрганларинг йўқми?

— Йўқ, ҳеч қаерда кўрмадик! — жавоб қайтарибди шамоллар бир овоздан.

— Ҳаммангиз шу ердасизлар?

— Фақат орамизда жануб шамоли йўқ, холос.

Орадан пича ўтгач, жануб шамоли елиб келибди.

— Шу пайтгача қаёқда гум бўлиб юрувдинг? Кута-кута кўзим тўрт бўлди-я! — дебди ялмоғиз кампир унга.

— Гуноҳимдан ўтинг! Мен соҳибжамол қиролича яшаётган янги мамлакатга кириб ўтувдим, унинг эри беному нишон йўқолибди, энди унга ҳар хил шоҳлару шаҳзодалар, қироллару қиролзодалар уйланаман деб совчи қўяётган эмиш.

— Янги мамлакатинг жуда узоқми?

— Пиёда одам ўттиз йил юради, қуш ўн йил учади, мен уч соатда етиб бораман.

Аскар жануб шамолидан, мени янги мамлакатга ўзинг билан бирга олиб кет, деб ўтина бошлабди.

— Кўрамиз, — дебди жануб шамоли, — мабодо сен мамлакатингда уч кечаю уч кундуз сайр қилишимга қўйиб берсанг, сени олиб кетаман.

— Менга деса уч ҳафта ўйнамайсанми?

— Бўпти бўлмаса; мен икки-уч кун дам олиб, куч йиғиб олай, кейин йўлга тушамиз.

Жануб шамоли ҳордиғини чиқариб куч йиғибди-да, аскарга дебди:

— Энди отланавер, биродар, ҳозир жўнаймиз, қўрқма, омон борасан!

Бирдан шовқин солиб, ўкириб довул кўтарилибди-ю, жануб шамоли аскарни кўкка олиб чиқиб кетибди, тоғлар оша, денгизлар оша нақ булутлар остидан олиб ўтиб, ронча-роса уч соатдан сўнг соҳибжамол қироличаси яшайдиган мамлакатда ҳозир бўлибди.

— Хайр, баҳодир йигит! Мамлакатингда сайр қилишдан кечдим, — дебди жануб шамоли.

— Нега энди?

— Шунинг учунки, агарда мен сайр қилгудай бўлсам шаҳрингда биронта бутун уй, боғларингда бирон туп бутун дарахт қолмайди: бари остин-устун, ағдар-тўнтар бўлиб кетади!

— Бўпти, хайр бўлмаса! Раҳмат сенга! — дебди аскар ва кўзга кўринмас қалпоғини кийиб, оқ тошдан қурилган қасрга йўл олибди.

Аскар мамлакатада бўлмаган кезлар боғдаги дарахтлар қуриб қовжираб қолган экан, мана энди у келиши билан дарров кўкариб жонлана бошлабди.

Аскар катта уйга кирибди. Стол атрофида соҳибжамол қироличага уйланмоқчи бўлиб келган шоҳлару шаҳзодалар, қироллару қиролзодалар ўтиришиб, ўткир шароблар ичаётганмиш. Куёв бўламан деб келганлардан қайси бири қўлига қадаҳини тўлдириб, лабига олиб борди дегунча аскар мушти билан қадаҳни уриб тушираверибди. Меҳмонлар ҳайратдан ёқа ушлабди, гўзал қиролича эса шу оннинг ўзида нима гаплигига тушуниб етибди. «Ростдан ҳам, — деб ўйлабди қиролича, — дўстим қайтиб келганга ўхшайди».

Малика ўрнидан туриб дераза олдига борибди — қараса боғдаги бари дарахтлар кўкариб турганмиш, шунда у меҳмонларга топишмоқ айтибди:

— Менинг тилла игнага ўтказадиган тилла ипим бор эди, ўша игнани йўқотиб қўйдим, энди тополмайман, деб умидимни узганимда игна топилиб қолди. Кимда-ким шу топишмоқни топа олса, ўша одамга тегаман.

Шоҳлару шаҳзодалар, қироллару қиролзодалар бу жумбоқ устида бошларини тоза қотирибдилару, ҳеч жавобини еча олмабдилар. Шунда қиролича:

— Ўзингни кўрсат, дўстгинам! — дебди.

Аскар бошидан кўзга кўринмас қалпоғини ечибди, ёрининг ошпоқ қўлларидан тутиб, шакар лабларидан ўпибди.

— Мана сизга ечим! — дебди гўзал қиролича. — Тилла ип — ўзим, тилла игна бўлса — менинг вафодор эрим. Игна қаерда бўлса, ип ҳам шу ёқда бўлади.

Куёв бўламан, деб келган йигитлар икки қўлларини бурунларига тиқиб, келган томонларига равона бўлибдилар, қиролича эса эри билан бирга тинч-тотув яшай бошлабди.

## Қ У Ш Т И Л И

ир савдогар хотини билан яшар экан, вақти-соати етиб парвардигор уларга ўғил ато этибди. Уни Василий деб аташибди. Боланинг зеҳни ўткир экан.

Бир куни улар учалови овқатланиб ўтиришган экан, стол тепасига осифлиқ қафасдаги булбул шундай зорланиб сайрабдики, савдогар таъсирланиб кетиб, дебди:

— Агарда бирор кимса шу булбулнинг нима деб сайраётганини айтиб берса, ҳозироқ давлатимнинг ярмини ўша одамга ҳадя қилардим, ўлганимдан кейин эса бор мол-мулким уники бўларди.

Шунда, олти ёшли бола отаси билан онасига қараб:

— Мен булбул нима деб сайраётганини биламану айтишга кўрқаман, — дебди.



— Қўрқмасдан айтавер!— деб зўрлашибди отаси билан онаси. Василий кўзига ёш олиб шундай дебди:

— Бир пайтлар келиб, сизлар менга хизмат қилармишсизлар: отам менга сув қуйиб турармиш, онам эса сочиқ турармиш, булбул шундай деб сайрапти.

Бу сўзлар савдогар билан хотинини шундай ранжитибдики, улар азбаройи хафа бўлганларидан, ўз ўғилларидан қутулмоқчи бўлишибди; эр-хотин мўъжазгина қайиқ ясабди-да, унга қоп-қоронғи тунда маст уйқуда ётган болани ўтқазибди ва очик денгизга қўйворибди.

Шу пайт булбул қафасидан чиқибди-да, қайиқ томон учиб бориб боланинг елкасига қўнибди.

Шундай қилиб, қайиқ денгиз узра сузиб кетибди, қайиққа рўпарама-рўпара эса бир елкан сузиб келаверибди. Кема эгаси болани кўриб қолибди, раҳми келиб, ёнига олибди, ундан бошидан кечирганларини сўраб-суриштирибди, бари воқеадан воқиф бўлгач, унга ота бўлиб, ўз ўғлидай севиб-ардоқлашга ваъда берибди.

Эртаси куни бола тутинган отасига шундай дебди:

— Булбул довул бўлади, шамол мачтани синдириб, елканни йиртиб юборади, деб айтяпти, тезроқ қўналғага қайтишимиз керак.

Бироқ кема эгаси боланинг гапига қулоқ солмабди. Ҳақиқатан ҳам бир маҳал довул кўтарилиб, мачтани бузибди, елканни йиртиб юборибди.

Начора, бўлар иш бўлибди; улар кемага қайтадан мачта ўрнатишибди, елканни тузатишиб, яна олға сузиб кетишибди.

— Булбул, рўпарамиздан ўн иккита кема келяпти, барида қароқчилар ўтирибди, улар келиб бизни қўлга олади, деб сайрапти!— дебди яна Василий.

Бу сафар денгизчи боланинг гапига қулоқ тутиб, кемани орол томон бурибди ва ҳақиқатан ҳам кўзи ўн иккита кемага тушибди, қароқчилар уларнинг ёнгинасидан сузиб ўтиб кетибди. Денгизчи қулай пайт пойлаб яна йўлга тушибди.

Кема ҳаялламай Хвалинск шаҳрига кириб келибди; бу мамлакат саройи деразаларига учта қарға — нар, макиён қарға ва боласи бир неча йиллардан бери ўзини уриб қағиллаб ҳеч кимга тинчлик бермай келар экан.

Қарғаларни деразадан ҳеч ҳайдай олишолмас экан. Қирол шу туфайли мамлакатнинг барча жойларига: кимда-ким сарой деразаларидан қарғаларни нари қува олса ўша одамга давлатининг тенг ярмини ҳадя этаман ва кенжа қизимни бераман; мабодо кимда-ким бу ишга қўл урса-ю, уддасидан чиқолмаса, ўша одамнинг калласини танасидан жудо этаман, деб фармон тарқатган экан.

Қиролга куёв бўлишни истаганлар кўп бўлибди, бироқ барининг калласи танасидан жудо этилибди.

Вася бу воқеадан хабар топиб, денгизчидан рухсат сўрабди.  
— Отажон, рухсат этсангиз, қиролнинг ҳузурига бориб, қарғаларни деразасидан ҳайдаб юборардим.

Денгизчи Василийни йўлдан қайтаришга шунча уринса ҳам бўлмабди, ҳаракатлари беҳуда кетибди, бола унамабди.

— Бор, билганингни қил,— дебди тутинган ота,— агарда бошингга кулфат тушса, ўзингдан кўр.

Василий саройга келибди ва қиролга, қарғалар ўзини уриб тиширичаётган ойнани очишларини букюринг, дебди.

У қушларнинг қичқириғига қулоқ тутиб, дебди:

— Жаноби олийлари, ўзингиз кўриб турибсиз, бу ерда учта қарға: нари, унинг жуфти макиён қарға ва уларнинг боласи кичкина қарға турибди. Нар қарға макиён қарға билан ўғлимиз кимга тегишли, деб талашяпти, шуни аниқлаб беринглар, деб сўрашяпти. Жаноби олийлари! Уғил кимники?

— Отасиники! — деб жавоб берибди қирол.

Қирол шундай дейиши билан нар қарға кичкина ёш қарға билан тўғрига, макиён қарға эса сўл томонга қараб учиб кетибди.

Қирол шундан сўнг болани паноҳига олибди, у саройда бахтиёр, кам-кўстсиз яшабди; ўсиб-улғайиб, баҳодир йигит бўлиб етишибди, маликага уйланиб, ваъда этилган мол-мулкнинг ярмига эга бўлибди.

У кунлардан бир кун турли элатларга саёҳат қилгиси, одамларни кўргиси, уларга қўшилгиси келиб қолибди; шундай қилиб, у саёҳатга йўл олибди.

У бир шаҳарга қўниб, шу ерда тунаб қолмоқчи бўлибди; дуч келган бир уйда бош қўйибди, эртаси туриб, ювинишга сув келтиришларини сўрабди.

Хонадон соҳиби қўлига сув қуйиб турибди, бека эса сочiq тутибди; шаҳзода улар билан гурунглашиб ўтириб, тўсатдан улар ўз ота-онаси эканлигини англабди, қувонганидан кўзига ёш олиб, ота-онасининг оёқларига йиқилибди; сўнгра эса уларни ўзи билан бирга Хвалинск шаҳрига олиб кетибди, шундай қилиб улар бари биргаликда шод-хуррам, тинч-фаровон яшай бошлашибди.





## ОҚ ҲРДАК

ир боён бойнинг гўзал қизига уйланибди. У гўзал хотинининг ҳусни жамолига тўймасдан, ширин суҳбатларидан баҳраманд бўлмасдан, ўйнаб-кулмасдан туриб узоқ сафарга жўнайдиган бўлиб қолибди-ю, рафиқасини ёлғиз қолдириб кетишга мажбур бўлибди. Начора! Умрнинг ҳаммасини ёр оғушида ўтказиб бўлмайди, деганлари рост экан. Бека кўп йиғлабди, боён унга таскин берибди, қўш қават кўшқидан тушмасликни, ўзгалар билан суҳбат қурмасликни, бемаъни одамларга қўшилмасликни, куфр сўзларни тингламасликни тайинлабди. Бека, ҳамма гапингизни бажо келтираман, деб ваъда берибди. Боён жўнаб кетибди, бека эса ваъдага вафо қилиб хобгоҳидан ҳеч ёққа чиқмабди.

Бир куни унинг ёнига бир хотин келибди. У кўринишидан соддагина, ниҳоятда беозор экан.

— Диққинафас бўлиб ўтираверасизми? — дебди хотин бекага, — ҳеч бўлмаса ёруғ жаҳонни бир кўринг, боғда сайр қилиб кўнглингизни очинг, ғуборингиз кўтарилади, дам оласиз.

Бека аввалига унамабди, кўнгли тортмабди-да, кейин ўзича: боғ айлансам бир нарса бўлиб қолармидим, деб ўйлабди-да, сайрга чиқибди. Боғда ойнадек тиниқ булоқ суви шарқираб оқиб ётар экан.

— Кунга қаранг, бека, — дебди хотин, — офтоб ёндириб юборгудай, манави муздаккина сувда бир чўмилиб олмаймизми?

— Йўқ, йўқ, мен чўмилмайман! — дебди бека, кейин ўзича: «Чўмилсам бир нарса бўлиб қолармидим?» — деб ўйлабди.

Бир оздан сўнг кўйлагини ечиб, сувга тушибди. Сувга шўнғиши билан хотин уни бир урибди-да:

— Оқ ўрдак бўлиб қол! — дебди.

Бека оқ ўрдакка айланиб қолибди. Жодугар хотин эса дарров унинг кийимларини кийиб, ясаниб-тусаниб, афт-башарасини бўяб, боённинг қайтишини кутиб ўтираверибди. Ит ҳуриб, қўнғироқ товуши келган заҳоти югуриб чиқиб боён бағрига отилибди, ўпиб қучоқлабди, севиб эркалабди. Боён севишиб-қувониб унинг қўлидан тутибди-ю, танимабди.

Оқ ўрдак эса тухум қўйиб, бола очибди — иккитаси бўлиққина, биттаси нимжон экан. Уччови ҳам нар экан. Ҳрдак уларни ўстирибди. Улар анҳорда кезишадиган, олтин балиқ тутадиган бўлишибди, қийқим тўплашиб, ўзларига нимча тикишибди, қирғоққа сакраб чиқиб, ўтлоққа қараб-қараб қўйишибди.

— Уёққа борманглар, болаларим! — дер экан, оналари.

Болалар қулоқ солишмас: бугун бу ерда, эртага нарироқда

майса чимдиб юриб, охири бир кун боённинг ҳовлисига бориб қолишибди. Жодугар ҳид билиб тишларини ғижирлатибди...

Жодугар жўжаларни чақириб, нон-чай бериб тўйдириб, ухлагани ётқизибди-ю, ўзи, қозон осиб ўт ёқинлар, пичоқларни чархланглар, деб буйруқ берибди. Икки ака-ука ётиб, ухлаб қолибди; нимжон бўлса акаларининг қўйнига кириб олибди — онаси акаларига укаларинг шамоллаб қолмасин деб тайинлаган экан-да. Ана шу нимжон ҳеч ухламабди, ҳамма нарсани кўриб, бор гапни эшитиб ётаверибди.

Кечаси жодугар келиб, эшик тирқишидан:

— Ухладингларми ё йўқми? — деб сўрабди.

Нимжон жавоб берибди:

— Ухлоқмиз ҳам, уйғоқмиз ҳам, бир нимани хаёл суриб ётибмиз, бизларни сўйишмоқчи, мис қозонлар осифлиқ, баланд олов ёқиғлиқ, пичоқлар ҳам чархлоғлиқ!

— Уйғоқ экан! — деб жодугар кетиб қолибди.

Юриб-юриб келиб яна тирқишдан мўралаб сўрабди:

— Ухладингларми ё йўқми?

Нимжон яна ўшандай жавоб берибди:

— Ухлоқмиз ҳам, уйғоқмиз ҳам, бир нимани хаёл суриб ётибмиз, бизларни сўйишмоқчи, мис қозонлар осифлиқ, баланд олов ёқиғлиқ, пичоқлар ҳам чархлоғлиқ!

Жодугар: «Нега нуқул бир хил товуш чиқади», — деб ўйлаб, секин эшикдан мўраласа, иккала ака-ука донг қотиб ухлаб ётганмиш. Кейин у ажал қўлини улар устига чўзган экан, улар ўлиб қолибди.

Эртаси кун эрталаб оқ ўрдак болаларини чақирса, улардан дарак бўлмабди. Хавотир олиб, кўнгли ёмон нарсани сезиб, боённинг ҳовлисига томон учиб кетибди. У ерда қордай оппоқ, муздек совуқ бўлиб болалари ўлиб ётганмиш. Ўрдак уларга ўзини ташлаб қанотларини ёйиб, болаларини қучоқлаб, оналик дардини айтиб йиғлабди:

*Ғоҳ, ғоҳ, болажонларим!  
Ғоҳ, ғоҳ, полапонларим!  
Емай-ичмай сизга едирдим,  
Сув десангиз, кўзёшим бердим,  
Кечалари мижжа қоқмадим,  
Қаддингизга тўйиб боқмадим!*

— Эй хотин, бу қандай мўъжиза? Урдак гапиряпти-я, <sup>1</sup>/<sub>1</sub> дебди боён.

— Сизга шунақа туюляпти! Айтинг, ўрдакни ҳайдаб юборишсин!

Ўрдакни ҳайдашса, у бир айланиб яна болалари ёнига келиб нола қилибди:

*Ғоқ, ғоқ, болажонларим!  
Ғоқ, ғоқ, полапонларим!  
Сизни нобуд қилган жодугар,  
Бир заҳарли илон, ҳийлагар.  
Сизни ота, мени қайлиқдан  
Жудо этди, биз айрилиқда.  
У ғарқ этди бизни анҳор сувига,  
Оқ ўрдакка айлантириб этди ўйига.  
Энди ўзи яшар ҳурмат-иззатда!*

Боён: «Гап буёқда экан-ку!»— деб ўйлабди-да, овози борича бақириб:

— Оқ ўрдакни тутинглар! — деб буюрибди.

Ҳамма ўрдакни қува кетибди, аммо у ҳеч кимга тутқич бермабди. Охири боённинг ўзи чиққан экан, ўрдак унинг қўлига қўнибди. Боён ўрдакнинг қанотидан тутиб:

— Орқамда оқ қайин, олдимда гўзал қиз пайдо бўлсин!— дебди. Бирпасда орқасида оқ қайин ўсиб чиқибди, олдида эса бир соҳибжамол пайдо бўлибди. Боён бундай қараса, бу соҳибжамол ўз хотини экан. Дарров бир зағизғонни тутиб, иккита шишани бўйнига боғлабди, унга биттасида тириклик суви, иккинчисида сўзлатадиган сув келтиргин, деб тайинлабди. Зағизғон ғизиллаганича учиб бориб сув келтирибди. Тириклик сувидан болаларига сепишган экан — улар бир сесканиб тирилишибди, сўзлатадиган сувдан сепишган экан, тилга кирибди. Шундай қилиб боённинг оиласи жам бўлиб, ҳаммаси ошини ошаб, ёшини яшаб, бадавлат бўлишиб, ғам-кулфатсиз умр кечиришибди.

Жодугарни эса отнинг думига боғлаб, қўйиб юборишибди. Унинг оёғи узилиб тушган жойда косов, қўли тушган жойда хаскаш, боши тушган жойда тўнка пайдо бўлибди: қузғунлар гўштни чўқилаб, шамол суяқларини учуриб кетибди-ю, жодугардан ном-нишон қолмабди.



## АҲМОҚ БЕКА

— Ир аҳмоқ бека бўлган экан. Унинг хаёлига нима келса, хизматкорлари бажариши шарт экан. Кунлардан бир куни у қирқта қора жўжа очирмоқчи бўлибди.

— Қирқта бир хил жўжа очтириш мумкин эмас-ку? — дебди оқсоч.

— Балки мумкин эмасдир, лекин мен шуни истайман, тамом-вассалом! — деб жавоб берибди бека.

У ўзининг извошчисини ҳузурига чақириб:

— Саватга ўтириб қирқта жўжа очиб чиқасан, уларнинг ҳаммаси қора бўлиши шарт, — дебди.

— Хоним, кечирасиз-у, одамнинг курк товуқ ўрнига ўтириши ҳечам ақлга тўғри келмайди-ку! — дебди извошчи.

Бека унинг гапини эшитишниям истамабди.

— Извош ўриндиғида ўтириб ўргангансан, саватда ўтириш сенга ҳеч гап эмас, — дебди у.

— Нимаям дердик, ихтиёр ўзингизда. Фақат мен сўраган нарсаларни берсангиз бас. Менга чой, қанд, кўпроқ озиқ-овқат, пўстин, пийма билан телпак керак.

Бека ҳаммасига рози бўлибди.

Извошчини ҳаммомга олиб боришибди. Нимаики сўраган бўлса, ҳаммасини муҳайё қилишибди. Извошчи курк товуқни саватга ўтқазибди. Ўзи бўлса йўқлаб келган ошналарини чой билан сийлар, улар билан гурунглашиб ўтирар, беканинг аҳмоқлигидан нолир экан.

Орадан озми-кўпми вақт ўтиб курк товуқ жўжа очибди. Жўжаларнинг учтаси қоп-қора экан. Извошчи уларни саватга солиб бека ҳузурига келибди:

— Хоним, мана ҳалитдан учта қора жўжа очдим. Буларни олинг-да, кўпроқ озиқ-овқат юборинг. Кўриб турибсизки, жўжа очиш осон иш эмас, — дебди. Севиниб кетган бека извошчига кўп егуликлар бериб, уни яна жўжа очишга жўнатибди.

У ҳар куни қора жўжалар қанча бўлганлигини билиб келиш учун хизматкорларни ҳаммомга жўнатар экан.

Бекасининг қилиқлари жонига теккан извошчи бир куни ошналарига шундай дебди:

— Гап бундай, жўралар, сизлар ҳаммомга ўт қўйиб, мени маҳкам ушлаб турунглар. Мен юлқинсам ҳам, ўзимни оловга ташламоқчи бўлсам ҳам қўйиб юборманглар.

Извошчининг ошналари ҳаммомга ўт қўйиб, бекага: «Ҳаммомга ўт тушди», деб хабар қилишибди.

Бека эшик олдига чиқиб қараса: ҳаммом гуриллаб ёнмоқда, извошчи бўлса юлқинар, ўзини оловга ташламоқчи бўлар-

миш. Хизматкорлар извошчини маҳкам ушлаб туришар, у эса «қу-қу» деб ёнаётган ҳаммомга талгинармиш.

— Уни маҳкамроқ ушланглар,— деб қичқирибди бека.— Энди жўжаларни қутқариб бўлмайди, ҳеч бўлмаса извошчини сақлаб қолинглар, бундан яхшироқ курк товукни топиб бўлармиди!

Хизматкорлар ҳали ёнғинни ўчириб улгурмасдан бека извошчига яна жўжа очишни буюрибди.

Извошчи эса пийма ва пўстинини олиб ўша куниеқ ғойиб бўлибди.



## БИР ДЕҲҚОННИНГ БОЙНИ ЛАҚИЛЛАТГАНИ

Ир деҳқон, ошқовоқ экиб, жуда яхши ҳосил олибди. Ошқовоқларнинг ҳар бири бир пуддан келаркан. У ҳосилни аравага юклаб бозорга йўл олибди. Йўлда уч отли извошда келаётган бир бойга дуч келибди.

— Эй деҳқон, аравангдаги нима?— деб сўрабди у.

— Кўрмаяпсанми, тухум-ку булар.

— Во ажабо!— дебди бой ҳайратланиб.— Бунақанги йирик тухумни энди кўришим. Уларни нима қилиш керак?

— Ие, наҳотки шуниям билмасанг, булар оддий эмас, сеҳрли тухумлар. Агар кимда-ким эринмасдан яхши уя ясаб, озгина сабр қилса, бу тухумлардан тойчоқлар очтириши мумкин. Тухумдан чиққан тойчоқлар шунақанги ажойиб отлар бўладики, унақаси тушинггаям кирган эмас.

Бой ҳасадгўй экан. У деҳқоннинг гапини эшитгач, нима бўлса ҳам ўша ажойиб отларни қўлдан чиқаришни истамабди.

У ошқовоқнинг ҳаммасини сотиб олгач, шундай дебди:

— Мен пулни аямайман, садағанг кетай. Атиги тўрттагина тойчоқ очтириб бер.

— Э, йўқ, тойчоқ очтиришга вақтим бўлганда тухумларни бозорга олиб бориб юрармидим?! Уя ясашга ёрдам беришим мумкин, майли, тойчоқ очтиришним ўргатиб қўяман, қолгани эса ўз бўйинида, келишдикми?

— Келишдик, келишдик, мен сенга яна юз сўм бераман. Бунинг эвазига сен менга уя ясаб берасан ва қандай қилиб тойчоқ очтиришни ўргатасан.

Улар бойнинг қўрғончасига келишибди.

— Қани, бошла,— дебди бой,— қаерга уя қураимиз?

— Эсингда бўлсин, уядан уч ҳафтагача тушиш мумкин эмас. Агар тушсанг, ҳамма ишни чиппакка чиқарасан.

Бой хизматкорларига: «Менга ҳар куни уч маҳал овқат олиб боринглар», деб тайинлабди.

Шундан сўнг деҳқон бойни ўрмонга бошлаб борибди-да, баланд дарахтни танлаб, каттакон уя ясабди. Бойга дарахт тепасига чиқишга ёрдам берибди-да, уни уяга ўтқазиб, жуф-такни ростлаб қолибди.

Бой уяда «тухум» босиб бир кун ўтирибди, икки кун ўтирибди, уч кун ўтирибди. Унинг қўл-оёқлари уюшиб, уйқусизликдан кўзлари киртайиб қолибди. Тўртинчи кунга бориб унинг мадори қурибди ва қаттиқ уйқуга кетибди. Уйқусида тўлғонган экан, уя билан бирга ерга қулаб тушибди.

Бой ўрнидан сапчиб туриб, сеҳрли «тухум»ларнинг думалаб кетаётганлигини кўрибди. Биттаси ёрилиб ётган эмиш.

Худди шу палла дарахт тагида ётган бир қуён уя қулаб тушганини кўрибди-да, жон-пони чиқиб, ура қочиб қолибди. Бой қараса, нимадир югуриб кетаётган эмиш.

— Эҳ, аттанг, аттанг! Бор-йўғи тўрт кунлик бўлсаям, жуда чопқир тойчоқ экан! Агар уч ҳафта қимирламай ўтирсам, қандай ажойиб отларга эга бўлардим-а!.. Уша деҳқонни излаб топсам, яна сеҳрли тухумларидан сотиб оламан, — деб қўйибди ўзига-ўзи.




## У Ч И В А Н

— адим замонда бир подшо билан бир малика бўлган экан. Уларнинг фарзандлари йўқ экан. Подшо билан малика нечоғли куюнишмасин, не-не табибларга мурожаат этишмасин, барибир фойдаси бўлмабди.

Кунлардан бирида саройга бир кампир келибди.

— Денгизга ёйма тўр ташланглар, — дебди кампир. — Тўр-га олтин сузгичли балиқча тушади. Балиқчани етти хил сувда





қайнатиб, маликанинг дастурхонига қўйинглар. Балиқни еган маликанинг орзуси албатта рўёбга чиқади.

Подшо денгизга тўр ташлаб олтин сузгичли балиқчани тутиб келишларини буюрибди. Балиқчилар мовий денгизга тўр ташлашибди. Биринчи ва иккинчи марта тўр ташлаганларида, ҳеч нарса чиқмабди. Ниҳоят, учинчи мартасида олтин сузгичли балиқча тўрга тушибди.

Балиқчани подшога олиб келишибди. Подшо уларга қимматбаҳо мукофотлар бериб жўнатгач, ошпазларга балиқчани етти хил сувда қайнатиб, маликага беринглар дебди. Ошпазлар балиқчани тозалаб, ювиб қайнатишибди ва ундан чиққан ахлатларни ҳовлига ташлашибди. Бир сигир ўтиб кетаётиб балиқ ахлатларини ялабди. Хизматкор қиз балиқни тақсимчага қўйиб, малика ҳузурига йўл олибди. Бораётиб балиқчанинг олтин сузгичидан сиңдириб, татиб кўрибди. Малика эса балиқчани тановвул қилибди.

Вақт-соати етиб малика, хизматкор қиз ва сигир бир вақтнинг ўзида ўғил кўрибдилар. Маликанинг ўғлига Шаҳзода Иван, хизматкор қизнинг ўғлига Иван-қиз ўғли, сигирнинг ўғлига эса Иван-сигир ўғли деб ном қўйибдилар. Болалар эгизаклардек бир-бирларига ўхшар эканлар. Улар кун сайин эмас, соат сайин ўсиб-улғая бошлабдилар. Уч Иван ўн ёшга тўлишибди. Улар бошқа болаларга қўшилиб ўйнайдиган бўлишибди. Улар кимнингки қўлидан тутса, ўша бола қўлидан, кимнингки бўйнидан тутса, у бошидан жудо бўларкан. Халқ подшонинг ҳузурига уч Ивандан шикоят қилиб кела бошлабди.

Бир куни Иван-сигир ўғли икки Иванга шундай дебди:

— Келинглар, подшо паноҳида яшаб, одамларни хафа қилгандан кўра бегона юртларга бош олиб кетамиз.

Уч Иван подшо ҳузурига келиб, учта темир гурзи яшашларига буйруқ беришини ҳамда бегона ўлкаларга бориб, муносиб рақиблар билан беллашишлари учун оқ фотиҳа беришини сўрашибди.

Подшо темирчиларга учта темир гурзи яшашга буйруқ берибди. Темирчилар бир ҳафта давомида шундай улкан гурзилар ясашибдики, уларни бирор-бир киши ўрнидан қўзғатолмас экан. Уч Иван эса бу гурзиларни бармоқлари орасида худди роз патидек ўйнатишар экан.

Ака-укалар кенг ҳовлига чиқишибди.

— Биродарлар, — дебди шаҳзода Иван, — қайси биримиз катта ака эканлигимизни аниқлаш учун куч синашайлик. Кимки гурзини ҳаммадан баландга ирғитса, ўша катта ака ҳисобланади.

— Бўпти, биринчи бўлиб сен ирғит, — дейишибди икки Иван.

Шахзода Иван гурзини осмонга иргитибди, гурзи элас-элас кўриниб, бир соатдан сўнг ерга тушибди. Ундан кейин Иван-қиз ўғли гурзисини баландга шундай иргитибдики, у кўздан йўқолиб, икки соатдан сўнг ерга қайтиб тушибди. Ниҳоят Иван-сигир ўғлининг гали келибди. У иргитган гурзи булутлар орасида ғойиб бўлиб, уч соатдан сўнг ерга қайтиб тушибди.

— Иван-сигир ўғли, сен катта акамиз бўласан, — дейишибди шахзода Иван билан Иван-қиз ўғли.

Ака-укалар отларни эгарлаб, подшодан оқ фотиҳа олишибди ва бошлари оққан томонга равона бўлишибди.

Улар тоғлар оша, водийлар бўйлаб, ям-яшил ўтлоқлар оралаб йўл юришибди, йўл юрса ҳам мўл юришибди. Ака-укалар Смородина дарёсига етиб келишибди. Дарё устидан бодрезак кўприги ўтган бўлиб, икки қирғоқда ҳам одам суяклари қалашиб ётган экан.

Ака-укалар бир ёғоч уйни кўриб қолиб, ичкарига киришибди. Уй бўм-бўш экан. Шу ерда тунашга қарор қилишибди. Улар отларнинг эгарини олиб қўйиб, тамадди қилишибди. Кеч киргач, Иван-сигир ўғли укаларига қараб шундай дебди:

— Келинлар, ҳар оқшом навбатма-навбат кўприкни қўриқлаймиз.

Улар қуръа ташлашибди: биринчи кеча шахзода Иван, иккинчи кеча Иван-қиз ўғли ва ниҳоят учинчи кеча Иван-сигир ўғли кўприкни назорат қилишга борадиган бўлишибди.

Биринчи кеча шахзода Иван иссиқ кийиниб, Смородина дарёси кўпригини назорат қилиш учун йўл олибди. Шахзода Иван уёққа юрибди, бу ёққа юрибди, охири ўтириб ухлаб қолибди. Ёғоч кулбада қолган Иван-сигир ўғлининг уйқуси қочиб, туриб кийинибди ва гурзисини олиб кўприкка келибди. Қараса, шахзода Иван ухлаб ётибди. Иван-сигир ўғли укасини кўтариб кўприк остига олиб тушиб қўйибди. Ўзи эса чор-атрофни назорат қила бошлабди.

Дафъатан дарё сувлари тўлқинланиб, эман шохларидаги бургутлар қичқира бошлашибди. Кўприк гувиллаб, олти бошли бир аждаҳо кела бошлабди. Унинг тагидаги от қоқилиб, елкасидаги қора қузгун патларини қоқибди, орқасида келаётган илдам ити ҳурпайиб олибди.

— Нега безовта бўлиб қолдинглар, — деб сўрабди аждаҳо. — Дўст шарпасини сездиларингми ёки душман исини олдиларингми?

— Душман шарпасини сездик, — дебди ит.

— Бекор гап! — дебди аждаҳо. — Бу дунёда Иван-сигир ўғлидан бўлак мен билан куч синашадиган тирик жоннинг ўзи йўқ. Буёқларга келиш эса Иван-сигир ўғлининг хаёлидаям бўлмаса керак.

Шунда Иван-сигир ўғли кўприк тагидан югуриб чиқибди:

— Мен шу ердаман!

— Бу ерга нима мақсадда келдинг? — деб сўрабди аждаҳо. — Нима бало, менинг сингилларим ёки қизларимдан бирига уйланмоқчимисан?

— Эй олти бошли аждаҳо, мен сен билан беллашмоқчиман! — деб жавоб берибди Иван-сигир ўғли.

Улар бир-бирларига ҳамла қилибдилар. Иван-сигир ўғли бир зарбадаёқ аждаҳонинг учта бошини узиб ташлабди.

— Тўхта, Иван-сигир ўғли, сал нафасимни ростлаб олишимга имкон бер, — дебди аждаҳо.

— Нафас ростлашни хаёлингга келтирма, олти бошли аждаҳо! — дебди Иван-сигир ўғли. — Урушда туриш йўқ.

Улар яна бир-бирларига ҳамла қилишибди. Аждаҳо Иван-сигир ўғлини бир зарба билан тиззасигача ерга киргизиб юборибди. Иван-сигир ўғли эса яна бир зарба бериб, аждаҳонинг қолган учта бошидан ҳам жудо қилибди. Кейин унинг танасини чопиб, дарёга ташлабди. Олтита бошини бўлса кўприк остига териб қўйибди. Сўнг ёғоч кулбага келиб уйқуга кетибди.

Эрталаб шаҳзода Иван қоровулликдан қайтиб келибди.

— Тунда нималарни кўрдинг, кўприкдан ҳеч ким ўтмади-ми? — деб сўрашибди ака-укалар.

— Йўқ, акалар, тунда кўприкдан ҳеч зоғ ўтмади. Ҳатто бирор-бир пашша учиб ўтганиниям сезганим йўқ.

Иккинчи кеча Иван-қиз ўғли кўприкни назорат қилишга кетибди. Иван-қиз ўғли уёққа юрибди, буёққа юрибди, охири ўтириб ухлаб қолибди.

Бу кеча ҳам Иван-сигир ўғлининг уйқуси келмабди. У ярим кечаси ўрнидан туриб кийинибди ва гурзисини олиб кўприкка келибди.

Дафъатан дарё сувлари тўлқинланиб, эман шоҳидаги бургутлар қичқира бошлашибди. Кўприк гувиллаб, тўққиз бошли аждаҳо кела бошлабди. Унинг тагидаги от қоқилиб, елкасидаги қора қузғун патларини қоқибди, орқасида келаётган илдам ити ҳурпайиб олибди.

— Нега безовга бўляпсизлар? — деб сўрабди аждаҳо, — дўст шарпасини сездиларингми ёки душман исини олдиларингми?

— Душман иси келяпти. Тагин Иван-сигир ўғли кўприк тагида яшириниб ётган бўлмасин.

— Буёқларга келишга унга йўл бўлсин, — дебди аждаҳо.

Шу пайт Иван-сигир ўғли кўприк остидан отилиб чиқиб:

— Бекорларни айтибсан! Мен шу ердаман, — дебди.

— Буёқларга нима мақсадда келдинг? Менинг сингилларим ёки қизларимдан бирортасига уйланмоқ ниятинг йўқми ишқилиб?

— Эй тұққиз бошли аждаҳо, мен сен билан беллашмоқ-чиман!

Улар бир-бирларига ҳамла қилишибди, ер ларзага келибди. Иван-сигир ўғли гурзи билан бир зарба бериб, аждаҳонинг учта бошини учуриб юборибди, иккинчи зарбада яна учта бошидан жудо қилибди. Аждаҳо эса Иван-сигир ўғлини бир уришда белигача ерга киргизиб юборибди. Шунда Иван-сигир ўғли бир сиқим тупроқ олиб аждаҳонинг кўзларига сепиб юборибди. Аждаҳо кўзларини артиш билан овора бўлаётганида Иван-сигир ўғли уни қолган учта бошидан ҳам жудо қилибди. Аждаҳонинг танасини чошиб, Смородина дарёсига ташлабди, унинг тұққизта калласини эса кўприк тагига териб қўйибди. Сўнг ёғоч қулбага қайтиб келиб уйкуга кетибди.

Эрталаб Иван-қиз ўғли қоровулликдан қайтиб келибди.

— Тунда нималарни кўрдинг, кўприқдан ҳеч ким ўтгани йўқми? — деб сўрашибди ундан.

— Йўқ, тунда кўприқдан ҳеч бир зоғ ўтмади. Ҳатто пашша учиб ўтганиниям сезганим йўқ.

Иван-сигир ўғли укаларини дарёга бошлаб борибди ва кўприк остидаги аждаҳо калаларини кўрсатиб, уларни изза қилибди:

— Эҳ, сиз ботирлар! Сизлар жанг қилиш учун эмас, иссиққина печка устида ухлаш учун туғилгансизлар!

Учинчи кеча Иван-сигир ўғли кўприкни назорат қилишга отланибди. У пичоғини деворга санчибди, пичоқ дастасига оппоқ сочиқни илиб, сочиқ остига коса қўйибди.

— Мен даҳшатли жангга кетяпман, — дебди Иван-сигир ўғли. — Сизлар эса тунда ухламасдан сочиқдан томган қондан кўз узманглар: агар қон ярим коса бўлса, ишларим жойида демак, мабодо коса қон билан тўлса ҳам хавотирланманглар. Мабодо қон коса гирдидан оқа бошласа, менга ёрдамга шошлинглар.

Иван-сигир ўғли кўприк остига бориб турибди. Ярим кечаси дарё сувлари тўлқинланиб, дарахт шохларидаги бургутлар қичқира бошлашибди. Кўприк гувиллаб, ўн икки бошли аждаҳо кела бошлабди.

Унинг остидаги от қоқилиб, елкасидаги қора қузғун патларини силкибди, аждаҳонинг орқасидаги келаётган илдам ит хурпайиб олибди.

— Нега безовта бўлиб қолдинглар? — деб сўрабди аждаҳо. — Дўст шарпасини сездингларми ёки душман исини олдиларингизми?

— Душман иси келяпти: бу ерда Иван-сигир ўғли бор, — дебди ит.

— Бекор айтибсан! Буёқларга келиш Иван-сигир ўғлининг хаёлигаям келмайди.

— Эй ўн икки бошли аждаҳо, мен шу ерданман, — дебди кўприк остидан отилиб чиққан Иван-сигир ўғли.

— Бу ерга нима учун келдинг?! — дағдаға қилибди аждаҳо.

— Мен сен билан беллашмоқчиман, — дебди Иван-сигир ўғли.

— Сен менинг акаларимни ўлдирдинг. Аммо мени енгдан деб ўйлама. «Пуф» десам, осмонга учиб кетасан.

— Сен билан чўпчак айтишгани келганим йўқ, — дебди Иван-сигир ўғли. — Кел, беллашамиз.

Иван-сигир ўғли гурзиси билан зарба беришдаёқ аждаҳонинг учта калласини узиб ташлабди. Аждаҳо ўзининг узилган бошларини жойига қўйиб, оловли панжаларини теккизган экан, улар яна аввалгидек ўсиб чиқибди. Кейин аждаҳо Иван-сигир ўғлини бир уриб тиззасигача ерга киргизиб юборибди.

— Тўхта, иблис! — дебди Иван-сигир ўғли. — Сал нафасимни ростлаб олмоқчиман.

Иван-сигир ўғли ўнг қўлидан қўлпоқни ечиб, ёғоч кулбага томон ирғитибди. Қўлқоп кулбанинг эшик-деразаларини чилпарчин қилибди. Ака-укалар бўлса ҳеч нарсани эшитмай, донг қотиб ухлаб ётаверишибди.

Шундан сўнг Иван-сигир ўғли бир кучли зарба билан аждаҳонинг олтита бошини узиб ташлабди. Аждаҳо ўзининг узилган бошларини жойига қўйиб, оловли панжаларини теккизган экан, улар яна аввалгидек ўсиб чиқибди. Ўз навба-тида ҳам Иван-сигир ўғлини бир уриб белигача ерга киргизиб юборибди.


— Тўхта, иблис! — дебди Иван-сигир ўғли. — Сал нафасимни ростлаб олмоқчиман.

Иван-сигир ўғли чап қўлидаги қўлқопни ечиб кулбага қараб ирғитибди. Қўлқоп ёғоч кулбанинг томини кўчириб кетибди. Аммо ака-укалар ҳамон донг қотиб ухлаб ётаверишибди. Сўнг Иван-сигир ўғли гурзиси билан аввалгилардан ҳам қаттиқ зарба бериб, аждаҳонинг тўққизта калласини узиб ташлабди. Аждаҳо ўзининг узилган бошларини жойига қўйиб, оловли панжаларини теккизиши билан улар яна илгаригидек ўсиб чиқибди. Аждаҳо бу гал Иван-сигир ўғлини бир уриб елка-сигача ерга киргизиб юборибди.

— Тўхта, иблис! — дебди Иван-сигир ўғли, — бир оз нафасимни ростлаб олмоқчиман.

У бошидаги телпагини ечиб, кулба томон ирғитибди. Телпак ёғоч кулбага тегиб, уни бутунлай чилпарчин қилибди.

Шунда шаҳзода Иван билан Иван-қиз ўғли уйғониб кетишибди. Қарашса, оппоқ сочиқ қизил қонга бўялган, коса лиммо-лим қонга тўлиб, ерга оқаётибди.



Ака-укалар қўрқиб кетишибди ва дарҳол гурзиларини олиб катта акаларига ёрдамга отланишибди. Иван-сигир ўғли эса укалари етиб келгунча аждаҳонинг оловли бармоқларини узиб улгурибди. Кейин уч ака-ука биргалашиб аждаҳонинг бошларини уза бошлашибди. Улар қоронғи тушгунча аждаҳо билан олишибдилар. Аждаҳонинг энг сўнгги бошидан ҳам жудо қилишгач, танасини қийма-қийма қилиб Смородина дарёсига ташлаб юборишибди.

Эртаси куни саҳар ака-укалар отларини эгарлаб, яна йўлга отланишибди. Иван-сигир ўғли укаларига қараб:

— Мен қўлқопимни унутиб қолдирибман, сизлар секин кетаверинглар, орқаларингдан етиб оламан, — дебди.

Иван-сигир ўғли укаларидан ортда қолиб, отини ўтлоққа қўйиб юборибди. Сўнг чумчуққа айланиб, дарё устидан учиб ўтибди ва оқ гиштан қурилган уйлар ёнига келиб қўнибди. Очиқ дераза ёнида туриб ичкарига қулоқ тутибди.

Ичкарида эса қари илон ва унинг уч келини, яъни ўлдирилган аждаҳоларнинг хотинлари ўтириб, Иван-сигир ўғли ва унинг укаларини нобуд қилиш режасини тузишаётган экан.

— Мен уларни очликка гирифтор қиламан, — дебди кенжа келин. — Ўзим эса мевалари шиғил пишган олма дарахтига айланаман. Ака-укалар олмадан татиб кўришлари билан бўлак-бўлак бўлиб кетадилар!

— Мен уларни чанқоқликка гирифтор қилиб, ўзим қудуққа айланаман. Қани, менинг сувимни татиб кўришингчи!

— Мен эса ака-укаларни уйқуга гирифтор қиламан, ўзим бўлса юмшоқ тўшакка айланаман. Бу тўшакка ётган одам оловда ёниб, кул бўлади!

Аждаҳоларнинг онаси бўлмиш қари илон эса:

— Мен чўчқага айланиб, оғзимни ердан осмонгача катта очиб, ҳар уччаласиниям паққос тушираман, — дебди.

Иван-сигир ўғли уларнинг гапларини эшитиб олгач, қайтиб яшил ўтлоққа бориб қўнибди. Ерга тушиб, яна аввалгидек инсон қиёфасига кирибди ва укаларига етиб олибди. Уч ака-ука йўл юришибди, йўл юрса ҳам мўл юришибди. Йўлда очлик азоб бера бошлабди. Шунда улар мевалари шиғил пишган олма дарахтини кўриб қолишибди. Шаҳзода Иван билан Иван-қиз ўғли олмадан узиб емоқчи бўлган экан, Иван-сигир ўғли олдинга ўтиб, олма дарахтини чопа бошлабди. Дарахт танасидан тизиллаб қон отилибди. Сўнг укаларига қараб:

— Бунинг қанақанги хосиятсиз олма эканлигини кўрдиларингми?! — дебди.

Ака-укалар чўллар оша, водийлар бўйлаб кетаверишибди, кетаверишибди... Кун исигандан-исиб, қаттиқ чанқабдилар. Бирдан қудуқни кўриб қолишибди. Шаҳзода Иван билан Иван-

қиз ўғли сув ичмоқчи бўлишибди. Иван-сигир ўғли эса қудуқни чопа бошлабди. Қудуқдан ҳам тизиллаб қон отилибди.

У укаларига қараб:

— Бунинг қанақанги заҳарли қудуқ эканлигини кўрдиларингми?!— дебди.

Кеч кира бошлабди. Кун тафти қайтиб, чанқоқ ҳам ўтиб кетибди. Ака-укалар йўл юришда давом этишибди. Чор-атрофни қоронғилик чулғаб, уларнинг кўзларини мудроқ босибди. Шунда бир кулбага кўзлари тушибди. Кулба ичкарасида чироқ ёниб турар, юмшоқ партўшаклар йўловчиларга мунтазир эмиш.

— Иван-сигир ўғли, кел энди, шу ерда тунаймиз,— дейишибди ака-укалар.

Иван-сигир ўғли олдинга ўтиб, партўшакни чопа бошлабди. Тўшакдан ҳам тизиллаб қизил қон отилибди.

— Бунинг қанақанги хатарли партўшак эканлигини кўрдиларингми?!— дебди у укаларига. Ака-укаларнинг кўзларидаги мудроқ йўқолибди. Улар йўл юришда давом этишибди. Шунда орқаларидан кимдир қувиб келаётганини сезибди. Қари чўчқанинг оғзини ердан то осмонгача очиб елиб келаётганини кўрган Иван-сигир ўғли қандай қутулиш чорасини ўйлабди. У уч пуд тузни чўчқанинг оғзига ташлабди. Тузни еган қари чўчқа чанқаб, мовий денгизга сув ичгани кетибди.

Чўчқа чанқоғини қондиргунча ака-укалар анча ергача бориб олишибди. Улар отларни қўйиб юбориб, ўзлари ўрмондаги темирчилар устахонасига киришибди.

— Ҳой темирчилар, ўн иккита темир хипчин қуйиб беринглар ва омбурни қизаргунча қиздиринглар,— дебди Иван-сигир ўғли.— Ҳозир бу ерга каттакон чўчқа келиб: «Гуноҳкорни беринглар», дейди. Сизлар эса, «ўн иккита темир эшикни тилинг билан ялаб, ўзинг олақол», деб жавоб беринглар.

Шу пайт қари чўчқа етиб келиб, улкан чўчқага айланибди ва темирчиларга қараб:

— Ҳой темирчилар, гуноҳкорни беринглар!— дебди.

— Ун иккита темир эшикни ялаб, ўзинг ола қол,— дейишибди темирчилар.

Қари чўчқа темир эшикларни ялай бошлабди. Ҳар бир эшикка тилини тикиб чиқибди. Ичкарида пойлаб турган Иван-сигир ўғли қиздирилган омбур билан унинг тилини қисиб олибди ва ака-укалар темир чивиклар билан уни савай кетишибди. Териси шилиниб, суяклари кўрингунча уришибди. Ниҳоят қари чўчқани ўлдириб, оловда ёқишибди ва кулини кўкка совуришибди.

Шундан сўнг уч Иван уйларига қайтиб боришиб, роҳат-фароғатда яшай бошлабдилар.





## ГОРШЕНЯ

унлардан бир куни Горшеня йўлда мудраб кетаётган экан. Орқа тарафдан подшо Иван Васильевич уч отли извошда келиб қолибди.

— Йўлинг бехатар бўлсин, Горшеня! — дебди подшо.

— Раҳмат.

— Афтидан, мудраб қолган кўринасан?

— Ҳа, мудрабман, улуғ шоҳим. Қўшиқ куйлаётган одамдан хавфсирама, мудрагандан қўрқ, — деб жавоб берибди Горшеня.

— Уҳ-ҳў, ботир экансан-ку, Горшеня! Менга шунақа ботирлар ёқади. Айт-чи, Горшеня, кўпдан буён кулолчилик орқасидан кун кўрасанми?

— Ёшлигимдан. Мана, ёшим ҳам элликка бориб қолди.

— Болаларингни яхши боқяпсанми?

— Ҳа, марҳаматли шоҳим, боқяпман.

— Яхши-яхши, Горшеня. Барибир, айт-чи, яхши кунларнинг ёмониям бўлса керак-а?

— Дунёда учта ёмон нарса бор, — деб жавоб берибди Горшеня. — Биринчиси — ёмон қўшни, иккинчиси — ёмон хотин, учинчиси эса — ақлсизлик.

— Қани айт-чи, Горшеня, буларнинг энг ёмони қайси бири?

— Ёмон қўшни билан ёмон хотиндан қутулиш мумкин, — дебди Горшеня. — Агар ақлинг паст бўлса, ундан қаёққа қочиб қутуласан?!

— Тўғри, Горшеня! Баракалла!.. Қани, энди ясаган идишларингни бир кўрай-чи.

Горшеня ясаган буюмларини подшога кўрсатибди. Унга сопол хумчалар маъқул келибди.

— Менга шунақа хумчалардан ясаб бермайсанми?

— Қанча керак, шоҳим?

— Ун арава.

— Уларни яшашга қанча муҳлат берасиз?

— Бир ой.

— Мен икки ҳафтадан сўнг хумчаларни шаҳарга олиб келишим мумкин.

— Раҳмат, Горшеня.

— Марҳаматли шоҳим, шаҳарга хумчаларни олиб келганимда сизни қаердан топаман?

— Мен фалончи савдогарникида меҳмонда бўламан, эсингдан чиқмасин.

Шундан сўнг подшо жўнаб кетибди. У шаҳарга боргач, базм, меҳмондорчиликларда кумуш, қалай, мис ҳамда ёғоч идишлар эмас, фақат сопол идишлар ишлатинглар, деб буйруқ берибди.

Горшеня шоҳнинг буюртмасини бажариб, ясаган нарсаларини шаҳарга олиб келибди-да, бир боярни учратибди.

— Менга ҳамма идишларингни сотгин, Горшеня,— дебди бояр.

— Сира иложим йўқ, буларни буюртма бўйича ясаганман.

— Нима фарқи бор,— дебди бояр,— буюртмачинг сенга бай пулини бермаган бўлса, сотишга ҳаққинг бор. Кел энди, сотақол! «Аравани ўзимга олиб қоламан, идишларни эса уч баравар қимматга сотаман, ҳозир сопол идишнинг бозори чаққон», деб ўйлабди бояр ичида.

— Хўш, келишдикми, Горшеня?

— Гап бундай,— дебди Горшеня.— Ҳар бир хумча эвазига ўша идиш тўлгунча танга соласан.

— Э, йўқ, Горшеня! Кўп сўраяпсан!

— Бўпти, бир хумча танга эвазига иккита идиш ола қол. Қалай, менимча қиммат эмас-а?

Улар шу ерда бир тўхтамага келишибди.

Бояр хумчаларга танга тўкаверибди, тўкаверибди... Боярнинг пули тугабди, хумчалар эса ҳали кўп экан.

— Энди нима қилдик, Горшеня?— дебди бояр бўш хумчалардан кўзини узолмай.

— Ҳечқиси йўқ,— дебди Горшеня.— Сени ҳурмат қиламан. Агар мана шу аравани фалон ҳовлигича тортиб борсанг, сенга ҳамма хумчаларни берганим бўлсин, пулларинг ҳам ўзингга сийлов.

Бояр бирров иккинланиб тургач, пулларни кўзи қиймай, Горшенянинг айтганларига рози бўлибди.

Горшеня от ўрнига боярни аравага қўшибди. Ўзи эса аравага чиқиб ўтириб олиб қўшиқ айта бошлабди. Бояр қора терга ботиб аравани тортиб кетаверибди, кетаверибди...

— Сени қаерга олиб боришим керак?— деб сўрабди бояр.

— Яқинлашиб қолдик,— деб жавоб берибди Горшеня.

Горшеня подшо айтган савдогарнинг уйи қаршисига келганда овозини янада баландлатибди. Унинг қўшиғини эшитган подшо остонага чиқибди.

— Салом, Горшеня, яхши келдингми?!

— Раҳмат, улуғ шоҳим.

— Нимани миниб келяпсан?

— Ақли пастни-да, албатта.

— Баракалла, Горшеня, хумчаларингни пуллай билибсан!

Сўнг подшо шундай дебди:

— Қани, бояр, қимматбаҳо либосларингни ечиб, Горшеняга бер, ўрнига унинг чакмони ва чиптаковушини кийиб ол. Сен боярлик шаънига доғ туширдинг. Сен эса, Горшеня, барча хизматларинг эвазига боярнинг қимматбаҳо либосларини кийиб ол.

## БОЙ БИЛАН УСТА

ир уста Жаннат ва Дўзах деб номланган қишлоқларга қатнайдиған йўлдан келаётган экан, қўшни вилоятлик бойга тўқнашиб қолибди.

— Эй қарол, қайси қишлоқдан келяпсан?— деб сўрабди ундан бой.

— Жаннатдан.

— Мен қайси қишлоққа кетяпман?

— Дўзахга.

— Аҳмоқ! Сен қарол бўла туриб Жаннатдан келяпсану мендай марҳаматли бой Дўзахга кетяптими? Қани, бунинг болаб таъзирини бериб қўйинглар-чи!— дебди у хизматкорларига.

Извошчи билан хизматкор аравадан сакраб тушиб, устани роса калтаклашибди.

«Қараб тур, сени!— дебди уста алам қилиб.— Бу қилмининг учун ҳали минг пушаймон ейсан».

Бир неча кундан кейин уста одамлардан сўраб-суриштириб бойнинг уйини топиб борибди. Бой уни танимабди-да, янги уй қурдириш учун ёллабди. Уста бойни хода танлаш учун ўрмонга бошлабди.

Уста ўрмон оралаб юраркан, болтанинг муҳраси билан дарахтларни уриб кўрар, сўнг танасига қулоқ тутаркан.

— Дарахтга қулоқ теккизиб, нимани эшитяпсан?— деб сўрабди бой.

— Агар дарахтни қучоқлаб, унга қулоғингни тутсанг сен ҳам эшитасан.

— Дарахтга қучоғим етмайди-да.

— Бунинг йўли осон, сени дарахтга боғлаб қўяман.

Уста бойни дарахтга боғлаб, қамчин билан роса савалабди. Шундай савалабдики, бойнинг кўкармаган жойи қолмабди.

— Ҳунарманд кишини хафа қилганнинг жазоси шу!— дебди уста ва бойнинг извошига миниб жўнаб қолибди. Хизматкорлар уч кун деганда ўрмондан бойни чалажон ҳолда топишибди.

Бой уйда ўша калтак зарбидан инграб ётган кунларнинг бирида уста кийимларини ўзгартириб, табиб бўлиб келибди.

Бой хурсанд бўлиб кетибди. Табиб ҳаммомни иситишларини сўрабди. Иккаласи ҳаммомга киришибди. Табиб беморни ювиб-тараб бўлгач:

— Энди сени бугда терлатиш керак. Бугга эса чидаш бе-  
ришинг гумон, шунинг учун сени курсига боғлаб қўяман,—  
дебди.

Бой рози бўлибди. Уста уни курсига боғлаб, ўрмондаги-  
дан ҳам баттар савалабди.

— Буям ҳунарманд кишини хафа қилганинг учун,— дебди уста.


Сўнгра уста акасига ўзи ўрмондан миниб келган извошда  
бойнинг уйи олдидан ўтишини сўрабди. Акаси уста айтган-  
дай қилибди. Бой деразадан қараб, ўзининг отларини таниб  
қолибди ва ҳамма хизматкорларига уни тутишни буюрибди.  
Хизматкорлар роса қувлашиб, етишолмабди. Улар извош орти-  
дан кетганларида бой уйда ўзи ёлғиз қолибди. Уста бойни  
яна бошлаб савалабди.

— Эсингда турсин, бой, ҳунарманд кишини хафа қилиш-  
нинг оқибати мана шундай бўлади!— дебди у.

Эртаси куни эрталаб бой шаҳарга бориб устани кўриб  
қолибди-да:

— Ҳов, биродар, сен кечаги йигит эмасмисан?— деб сўрабди.

— Йўқ, йўқ, мен қирқ беш ёшдаман, қандай қилиб ке-  
чаги йигит бўлай!— дебди уста жилмайиб.



## Э Ч К И

ир деҳқон бозорга эчкисини олиб борибди, аммо  
сотолмай уйига қайтибди. Йўлда ўрмон оралаб кетаётса ўлиб  
ётган бўрининг устидан чиқиб қолибди. Деҳқон унинг ёнига  
келиб: «Хўш, нима қилиш керак?»— деб ўйга толибди.

Шу пайт уларнинг ёнидан бир бой ўтиб қолибди. У эчкини  
кўриб, деҳқонни саволга тутибди:

— Бу ерда нима қиялпсан?

— Эчким мана шу бўрини ўлдириб қўйибди. Энди буни  
нима қилишга ҳайрон бўлиб турибман.

Ёлғон гаширгани учун деҳқон бир оз қизарибди.

— Э, бунинг яхши эчки экан-ку. Менга сотмайсанми?

— Тақсир, унга қанча берасиз?


— Юз сўм.

— Бўпти, келишдик.

Бой эчкини ўрмон ичкарисига олиб кирибди-да, узун арқон  
билан эманга боғлаб қўйибди.

Бир бўри эчкининг ёнига келибди, у эса «ма-ма-ма» де-  
ганча қимирламай тураверибди.

— Лаънати эчки, битта бўрини тутишни хаёлигаям кел-  
тирмайди-я!— дебди бой.



Шу пайт эчкининг ёнига яна бир бўри келибди. Эчки эса маъраб тураверибди.

— Мана буни эчки деса бўлади. Иккита бўриниям писанд қилмайди-я.

Шу тобда ўрмондан учинчи бўри югуриб чиқибди. Учала бўри эчкига баб-баравар ташланиб, бир зумда уни тилка-пора қилишибди.

Бой эса бош чайқаб:

— Эҳ, лаънати, икки бўрига қаноат қилмаганингдан кейин ҳолинг шу-да, — дебди.



## АСКАР БИЛАН БОЙ

Аскар хизматдан бўшагач, бир йилга юз сўм олиш шарти билан зиқна бойга ишга ёлланибди. Бой аскарни аямасдан ишлатаркан. У отларни ювиб-тозалар, гўнг ва сув ташир, ўтин ёриб, боғни саранжом-саришта қиларкан. Бой унга ҳеч ҳаловат бермай, тинкасини қуриптибди. Хизмат муддати тугагач, аскар ҳақини сўрабди. Пул беришга бойнинг кўзи қиймабди. Ҳамёндан пулни чиқараркан, бўкириб йиғлай бошлабди.

— Нима учун йиғлаяпсиз, тақсир?

— Пул беришга кўзим қиймаяпти!

— Эҳ, бой! Ахир мен сизга нақ бир йил хизмат қилдим-а. Агар сиз менга атиги уч кунгина хизмат қилганингизда, юз сўм санаб бериб, миқ этмаган бўлардим.

«Уч кун кўп эмас», деб ўйлабди бой ва хотини билан маслаҳатлашишга кетибди.

— Жуда соз, уч кун хизматини қил, — дебди хотини, ичида эса: «Ахир мен эмас, у хизмат қилади-ку, менга эмас, унга қийин бўлади», деб ўйлабди.

Бой шартга рози бўлибди.

Аскар кечки овқатни еб бўлгач, ухлаш учун пичанхонага кириб кетибди. Этигини ечиб, бир пойини у бурчакка, бир пойини эса бошқа бурчакка иргитибди. Эрталаб уйқудан уйғонгач, қичқирибди:

— Эй!

Бой ичкарига кирибди.


— Этикни олиб кел, кийинмоқчиман!

Этикни тополмай бойнинг боши гангибди. Кейин аскардан сўрабди:

— Этикларинг қаерда?

— Эҳ, сен ярамас, бойдан этигинг қаерда деб сўрайсанми?! — дебди-да, у бойнинг қулоғига ёпишибди.

Бой қидириб-қидириб этикнинг бир пойини зўрга топибди.



— Калтакни олиб келинглар!— деб қичқирибди аскар ва бойни савалай бошлабди. Шундай таъзирини берибдики, у пулни ҳам эсидан чиқариб юборибди.

— Бас, етар,— дебди бой,— мана пулларинг, олу туёгингни шиқиллат.

## БОЙ БИЛАН ОВЧИ

ир бой билан овчи бўлган экан. Бой қачон деҳқонлар ҳақида гапирса: «Деҳқон — аҳмоқ», дер экан. Овчи унинг гапини маъқуллаб: «Тўғри, бой бува, деҳқон — аҳмоқ», дер экан.

Кунлардан бир куни улар черковга йўл олишибди. Бой извошда, овчи эса извош ёнида пиёда кетишибди.

— Бой бува, менинг итим болалади. Кучукваччалар ичида қаттиқ вовуллайдиганлари ҳам, секин ҳурадиганлари ҳам бор. Кучукваччаларни бошқа овчилар сўрашапти.

Бой бу гапни эшитиб:

— Иван, сен менга овчи кучукваччалардан қолдир,— дебди.

Улар черковга киришибди, бой ибодат қила бошлабди. Овчи ибодат қилаётиб, бойдан сўрабди:

— Бой бува, сизга қанақа кучукваччалардан қолдирай — қаттиқ вовуллайдиганлариданми?

— Ҳа, қаттиқ вовуллайдиганларидан!

— Овози қанақа бўлсин, кўрсатиб бермайсизми?

— Вов-вов!

Руҳоний бойнинг вовуллаётганини эшитиб:

— Бу бойни олиб чиқиб кетинглар!— дебди. Деҳқонлар унинг қўлтиғидан кўтариб кўчага судрашибди.

Овчи эса бойга қараб:

— Қалай, деҳқон — аҳмоқми?— деб сўрабди.

— Ҳа, деҳқон — аҳмоқ, аммо ўзим улардан ҳам баттар аҳмоқ эканман,— дермиш бой.



## ПОП, БИЛАН БАТРАК

ир попга батрак зарур экан. Аммо у ғоят зиқ-на бўлиб, сув текинга ишлайдиган хизматкорни ахтараркан. Шунинг учун ҳеч ким унга хизмат қилишни истамас экан.

Бир ҳазилкаш батрак унинг ҳузурига келиб, ўз отига пичан сўрабди.

Поп унга:

— Шундай тоғни урса талқон қиладиган йигит гадойлик қилгунча менга хизматкор бўлиб ёллансанг-чи.

— Бўпти. Қанча ҳақ тўлайсан?

— Қилган ишингга қараб тўлайман-да.

Сўнг поп қанча ҳақ тўлашини айтибди. Пичан ўриш мавсуми бўлганлиги учун батракни овқатлантириб, ўз пичанзорига бошлаб борибди. Батрак пичанзорни кўздан кечирибди-да, поп кетгач, ўтлоққа таппа ўзини ташлаб, қоронғи тушгунча маза қилиб ухлабди.

Ҳазилкаш батрак ҳар куни пичанзорга қатнар, эрталаб поп унга нон ва мой бериб юбораркан. Кунлардан бир куни попга шундай дебди:

— Шунча ишлаганим етар, энди ҳаққимни бер. Ҳамма пичанингни ўриб қўйдим.

Поп унга бор-йўғи бир неча тийин берибди. Батрак норози бўлиб:

— Э, бу кам. Устига ҳеч бўлмаса озгина ёғ қўшиб бер,— дебди.

Поп бош чайқабди-да:

— Менда ҳақинг қолмади, ҳалиям бўлса ваъда қилганимдан кўпроқ тўладим,— дебди.

— Агар ёғ бермасанг,— дебди батрак,— бутун ўрилган пичанларинг ўрилмагандек бўлиб қолсин.

Батрак шундай деб жўнаб кетибди. Поп эса пичанзорга бориб, ҳайратдан ёқа ушлабди.

«Во ажаб, бу батрак оддий одам эмас, сеҳргар экан-ку,— дермиш ёқасини ушлаб,— ҳақиқатан ҳам пичан худди ўрилмагандек бўлиб қолибди-я».



## ТОПИШМОҚЛАР

ир батрак катта йўл ёқасидаги далага экин экаётган экан. Йўлдан подшо ўтиб қолибди.

— Ҳорма, батрак!— дебди подшо.

— Бор бўлинг, йўловчи! — деб жавоб берибди батрак. У ўзи билан подшо гаплашаётганидан беҳабар экан.

— Бу ердан кўн даромад оласанми? — деб сўрабди подшо.

— Ҳосил яхши бўлса, саксон сўмлар чамаси фойда қолади.

— У пулларни нимага ишлатасан? — дея қизиқибди подшо.

— Йигирма сўмини солиққа тўлайман, йигирма сўми билан қарзимни узаман, яна йигирма сўмини қарзга бераман, қолган йигирма сўмини эса деразадан ирғитиб юбораман.

— Менга тушунтириб бер-чи, оғайни, қайси қарзларингни узасану кимга қарз берасан, нега қолганини деразадан ирғитиб юборасан?

— Отамни боққаним — қарзимдан узилганим, ўғлимни боққаним қарзга берганим, қизимни боққаним эса — деразадан ирғитиб юборганим бўлади.

— Сен ҳақсан! — дебди подшо ва унга бир ҳовуч кумуш танга берибди. Сўнг ўзининг подшо эканлигини маълум қилиб шундай дебди:

— Ҳозир менга айтган гапларингни менинг иштирокимсиз ҳеч кимга айтмайсан. Ким сўрашидан қатъий назар миқ этмайсан!

Подшо ўзининг салтанатига келиб барча бояр ва генералларини ҳузурига чорлабди.

— Мана бу топишмоқни топинглар, — дебди у. — Мен йўлда экин экаётган батракни учратдим, ва: «Бу ердан қанча фойда оласан ва у пулларни нимага ишлатасан?» — деб сўрадим. Батрак менга шундай жавоб берди: «Ҳосил яхши бўлса, саксон сўмлар чамаси фойда оламан, йигирма сўми солиққа кетади, йигирма сўми билан қарзларимни узаман, яна йигирма сўмини қарзга бераман, қолган йигирма сўмини эса деразадан ирғитиб юбораман». Агар кимда-ким ушбу жумбоқни ечса, ўша киши катта мукофотларга ҳамда менинг ҳурмат-эҳтиромимга сазовор бўлади.

Бояр ва генераллар ўйлаб-ўйлаб топишмоқни топишолмабди. Боярлардан бири подшо билан суҳбатлашган батракни излаб топибди. Мужикка бир талай кумуш танга берибди.

— Подшонинг бизга айтган топишмоғини ечиб бер, — дебди бояр, — жавоби қандай бўлади?

Батрак кумуш тангалардан айрилиб қолишдан қўрқиб боярга топишмоқнинг жавобини айтиб берибди. Бояр эса подшо ҳузурига келиб батракдан эшитганларини айтибди. Подшо батрак сўзининг устидан чиқмаганлигини сезиб, уни дарҳол топиб келишларини буюрибди. Батрак подшо ҳузурига келгач, боярга топишмоқнинг жавобини айтиб берганини бўйнига олибди.

— Энди ўзингдан кўр, ошна, бу гуноҳинг учун бошингдан жудо қилишларига фармойиш бераман, — дебди подшо.



— Ҳазрати олийлари! Менинг заррача ҳам гуноҳим йўқ, — дебди у. — Топишмоқнинг жавобини боярга сизнинг иштирокингизда айтдим.

Батрак шундай деб, чўнтагидаги подшонинг расми туширилган кумуш тангани олиб кўрсатибди.

— Сен ҳақсан! — дебди подшо. — Тангадаги менинг расмим.

Подшо батракка яна қимматбаҳо совға-саломлар бериб, жўнатиб юборибди.



## ҒАРОЙИБ ШИНЕЛЬ

Бир аскар бойга шинелини мақтай кетибди:

— Жуда ғаройиб шинел-да бу, уйқум келса, менинг тўшагиму ёстигим ҳам, ҳатто кўрпам ҳам шунинг ўзи бўлади.

— Кел, уни менга сотақол, — дебди бой.

Улар шинелни йигирма беш сўмга савдолашибдилар. Шинелни қўлтиқлаб уйга келган бой, хотинига мақтана кетибди:

— Жуда ғаройиб буюм сотиб олдим-да ўзимам, бир қара. Энди менга партўшагу ёстиқнинг ҳам, кўрпанинг ҳам кераги йўқ. Ҳаммасининг ўрнини мана бу шинель бинойидек боса олади.

Бой хотинини эса жаҳли чиқиб:

— Қани, қандай қилиб ухларкансан, бир кўрсат-чи, — деб бақарибди.

Бой шинелни тўшаб ётибди, аммо уни бошига қандай қўйишу қандай ёпинишни билмабди. Устига-устак, юпқа шинель устида ётгандай ҳам бўлмабди.

Бой полк командирининг ҳузурига шикоят қилгани борибди. Командир аскарни чақиртирибди.

— Эй жўра, нега бу бойни хафа қилдинг? — дебди командир.

— Ҳечам хафа қилганим йўқ, жаноби олийлари, — жавоб берибди аскар.

Сўнг аскар шинелни олиб, ерга тўшабди, енгига бошини қўйиб, этагини ёпинибди.

— Походдан кейин шинелда ухлашга нима етсин! — деб қўйибди аскар.

Полк командири уни мақтабди, ҳатто бир қадаҳ араққа пул ҳам берибди. Бойга эса:

— Кимки ишласа, чарчайди ва тошнинг устида ҳам ухлай-вереди. Ишламаган одам эса партўшакда ҳам ухлаёмайди!

## ҚУЁНЛАР ВА БАҚАЛАР

унларнинг бирида қуёнлар бир жойга йиғилишиб, ўз тақдирларидан нолишибди:

— Одамлар, итлар, бургутлар ва бошқа ҳайвонлар дастидан дод! Бир умр қўрқувда яшагунча бир марта ўлган яхши, келинлар, ўзимизни сувга ташлаб ўламиз!

Сўнг қуёнлар ўзларини сувга ғарқ қилиш учун кўл томонга югуриб кетишибди. Соҳилдаги бақалар қуёнлар шарпасини эшитиб, ўзларини сувга отишибди.

Буни кўриб бир қуён дебди:

— Тўхтанлар, тўхтанлар! Ўзимизни сувга ташлаб ўлишни тўхтатиб турамиз. Мана, қаранглар, бақаларнинг аҳволи бизникидан ҳам бешбаттар экан: улар ҳатто биздан ҳам қўрқишар экан-а!

## СУҲБАТ

ечқурун икки ошна учрашиб қолишибди. Бири иккинчисидан бўрабди:

- Хўш, бугун нима ишлар қилдинг?
- Қўлқопларимни ахтардим.
- Топдингми?
- Топдим.
- Хўш, улар қаерда экан?
- Э, камаримда қистириғлик турган экан. Узингга йўл бўлсин?
- Етти чақиримли йўлга кетяпман.
- Кисель ичишгами?
- Йўқ, чивинни излаб топишга.
- Қайси чивинни?
- Бурнимдан чақмоқчи бўлган чивинни-да.
- Ахир у олдингда-ку!
- Қани, қани?
- Ана, бурнинг тагида!

## МЕҲМОНДОРЧИЛИҚДА

унлардан бир кун Агафон билан Фалалей ҳамда уларнинг беш ўртоғи меҳмондорчиликка бориб, ўша ерда тунаб

қолишибди. Улар ётиш олдидан чакмонларини ечиб, узун курси устига ёнма-ён қўйишибди.

Тонг отгач, Агафон бирортаси йўқолиб қолмадимикин деган хаёлда шерикларини ҳамда чакмонларни санай бошлабди.

Шерикларини санаса, олтита чиқибди, чакмонлар эса етти-та. Унгдан чапга, чапдан ўнгга санабди: барибир ўша-ўша.

«Э, топдим, — деб ўйлабди Агафон, — тунда чакмон чакмонча туққан, бошқача бўлиши мумкин эмас». Агафон бу қувончли воқеани айтиш учун Фалалейни уйғота бошлабди.

## НОШУД ИВАН ВА ДОНО ЕЛЕНА

лис қишлоқлардан бирида бева деҳқон аёл яшар экан. У жуда узоқ умр кўрибди ва ўғли Иванни вояга етказибди. Кунлар кетидан кунлар, йиллар кетидан йиллар ўтиб, Иван катта йигит бўлибди. Она ўғлининг улғайганини кўриб хурсанд бўлса-да, унинг уқувсизлигидан, ношуд ва нўноқлигидан хафа бўларкан. Иван нима иш қилмасин, урдасидан чиқолмас экан-да. Одамларга ўхшаб унинг иши фойда келтириш ўрнига, зарарли бўлиб чиқаркан. Бир куни Иван ер ҳайдагани кетаётганда онаси:

— Буғдой экилавериб ернинг юзаси анча кучсизланиб қолган, чуқурроқ ағдар, ўғлим, — дебди.

Иван ерни шу қадар чуқур ағдарибдики, тупроқ ўрнига лой чиқибди. Лойни эса тупроқ юзасига ағдариб дон экибди. Лойда буғдой унмай, дон нобуд бўлибди. Унинг бошқа ишлари ҳам худди шундай бўлиб чиқавераркан. Иван ишни қанчалик пухта бажаришга ҳаракат қилмасин, омади келмас ва кўпинча бунга фаросати ҳам етмасмиш. Онаси қариб меҳнат қилишга кучи етмайдиган бўлиб қолибди. Энди қандай яшаш мумкин? Улар жуда қашшоқ ҳаёт кечирганлари учун уйларида егани ҳеч нарсалари йўқ экан. Ниҳоят, охириги бир бурда нонларини ҳам еб бўлишибди. Она ўғлига қараб хаёлга чўмиб: «Бундай ношуд ўғил энди қандай яшайди. Уйлантириб қўйиш керак. Ақли хотин учраса, у билан яшаган эр рўзғорга ҳам қарашади, ейдиган нонини ҳам оқлаб ейди. Лекин бунақанги ношуд ўғилга ким тегарди? Гўзал қизлар уёқда турсин, бева хотин ҳам турмушга чиқмайди», деган фикрга борибди.

Она шундай хаёллар билан ғам чекиб ўтирса, Иван супада хотиржам ўтирганча ҳеч нарсани хаёлига ҳам келтирмасмиш. Бир пайт Иван шу томонга келаётган мункилаб қолган, соқоллари ўсиб кетган, юз-кўзларини чанг босган бир қари чолни кўриб қолибди.

— Ўғлим, — дебди чол, — олис йўлдан жуда толиқдим, хуржунимда ҳеч вақо қолмади, қорним оч, тўйғазиб қўйсанг-чи?

Иван унга жавобан:

— Бобожон, кулбамизда нон уёқда турсин, ҳатто ушоқ ҳам йўқ. Келишингизни билганимда, кечаги бир бурда нонни ўзим емай сизга сақлаб қўйган бўлардим. Келинг, ҳеч бўлмаса сизни ювинтириб, чўмилтириб қўяй, қўйлагингизни ювиб берай.

Иван мўрчани иситиб, йўловчи чолни қайин баргли чўп даста билан уриб-уриб, яшилаб чўмилтирибди, қўйлагини ювиб, пайтаваларини чайиб берибди. Сўнгра ётиб дам олиши учун кулбага жой солиб берибди.

Чол ҳордиқ чиқариб, уйқудан уйғонгач дебди:

— Сени яхшилигингни унутмайман. Борди-ю, бошингга бирор кулфат тушгундай бўлса, ўрмонга бор. Йўл икки томонга ажраладиган жойда кулранг харсанг тошга кўзинг тушади. Елканг билан тошни суриб: «Бобожон, мен келдим», деб чақирсанг, шу заҳоти пайдо бўламан.

Шу гапларни айтиб чол йўлга отланибди. Иван билан онасининг аҳволи кундан-кунга оғирлашибди. Супрадаги ун юқини қириб олиб, охириг ушоққача еб бўлишибди.

— Мени кутиб ўтиринг, онажон, балки сизга нон топиб келарман, — дебди Иван онасига.

— Қаердан ҳам топардинг, сендек ношуд ўғил нон топа олармиди, — дебди онаси. — Ўзингни қорнингни тўйғазсанг ҳам майли эди. Мен-ку очликдан ўлиб кетадиганга ўхшайман... Ўзингга бирор қайлиқ топ, агар ақли, тадбиркор хотинга учрасанг қорнинг ҳамиша тўқ бўлади.

Иван оғир хўрсиниб ўрмонга йўл олибди. Ўрмон ичидаги йўл икки томонга ажраладиган жойга келиб, елкаси билан ўша кулранг харсанг тошни суриб, чолни чақирибди. Шу пайт Иваннинг қаршисида таниш чол пайдо бўлибди.

— Сенга нима керак? Ёки меҳмон бўлиб келдингми? — дебди у.

Чол Иванни ўрмон ичкарасига бошлабди. Иван атрофни кузатса, ўрмонда ҳашаматли кулбалар турганмиш. Чол Иванни ана шундай кулбалардан бирига бошлаб кирибди. Маълум бўлишича, кулбанинг хўжайини мана шу чол экан.

Чол хизматкор йигит билан пазанда кампирга битта қўйни пишириб келишни буюрибди. Уй эгаси уни яшилаб меҳмон қилибди. Иван битта қўйни еб бўлгач яна келтиришларини сўрабди.

— Яна битта қўйни пишириб, нон ҳам келтиринглар, — деб буюрибди чол.

— Марҳамат, қорнинг тўйгунча егин. Ёки камлик қилади-ми? — дебди.

— Мен-ку, тўйдим-а,— дебди Иван,— миннатдорман. Аммо онам оч ўтирибдилар. Хизматкор йигитга айтсангиз, онамга битта қўй билан нон олиб бориб берса.

Хўжайин чол хизматкор йигитга Иванни онаси учун оқ буғдой унидан пиширилган нон билан битта қўй олиб боришни буқорибди. Сўнгра Ивандан:

— Нега бу қадар қашшоқсизлар? Қара, кап-катта йигит бўлиб қолибсан, ҳадемай уйланасан, ўшанда оилангни қандай қилиб боқасан?— дебди.

Иван унга жавобан:

— Билмадим, бобожон. Тўғри, хотиним ҳам йўқ.

— Бу қандай бахтсизлик,— дебди хўжайин чол.— Ундай бўлса сени қизимга уйлантириб қўяман. У жуда ақлли, доно қиз, ундаги ақл икковингга ҳам етиб ортади.

Шундай деб чол қизини чақирибди. Меҳмонхонага гўзал бир қиз кириб келибди. Ҳусну латофатда бундай гўзални ҳали инсон боласи кўрмаган экан. Уни кўргач, Иваннинг юраги сал бўлмаса тўхтаб қолай дебди.

Кекса ота қизига жиддий оҳангда дебди:

— Бу энди сени эринг, сен эса унга хотин.

Қиз уялиб кўзларини ерга қадабди.

— Ихтиёр сизда, отажон, сиз нима десангиз шу.

Шундай қилиб, Иван қизга уйланибди ва биргаликда ҳаёт кечира бошлабдилар. Улар жуда тўқ ва бадавлат яшарканлар. Уй юмушларини асосан Иваннинг хотини бажарар, кекса хўжайин эса уйда жуда кам бўларкан. Чол дунё кезиб, халқ орасидан ҳикматли сўзларни йиғиб юрар экан. Бирор янги ҳикматли сўз топса дарҳол уйга келиб, китобига ёзиб қўяркан.

Кунлардан бир кун чол думалоқ сеҳрли кўзгу олиб келибди. У бу кўзгуни муз тоғида яшовчи бир сеҳргар устандан олибди. Чол кўзгуни яшириб қўйибди.

Иваннинг онаси ҳам ўз қишлоғида тўқ ва хотиржам яшар экан. Уғли уни ўз уйида яшашга таклиф этса ҳамки камшир кўнмабди.

— Сени уйингда тургим йўқ, ўз уйим-ўлан тўшагим деганлар. Хотининг Елена гўзал аёл, чиройда шухрати оламга кетган. Сен ношуд қандай қилиб унинг меҳрини қозонганинга ҳайронман. Биз отанг билан бир умр қашшоқликда яшадик, хайриятки сенга омад кулиб боқди,— дебди онаси Иванга.

Хуллас, Иваннинг онаси ўзининг эски кулбасида қолибди. Иван онасининг гапларини хаёлидан ўтказар экан: онам тўғри айтдилар, рўзғорда ҳамма нарса бут, хотиним мулојим аёл, барибир Иван хотинининг унга бўлган совуқ муносабатини ҳис этиб юраркан. Ёш ва гўзал хотини билан аҳил яшасалар-да, уларнинг ҳаётини кўнгилдагидек, деб бўлмас экан.

Кунларнинг бирида чол Иванни ёнига келиб шундай дебди:

— Мен аввалгидек яқин жойларга эмас, узоқ юртларга саёҳатга кетяпман. Тез орада қайтмасам керак. Мана бу калитни ол, авваллари уни ўзим билан олиб юрардим, энди эса йўқотиб қўйишдан қўрқаман, негаки йўлим жуда олис. Калитни эҳтиёт қил, аммо омборни очмагин. Борди-ю, зарурат бўлиб, очадиган бўлсанг, хотинингни у ерга бошлаб кирма. Сабринг чидамай бошлаб кирадиган бўлсанг, омборча ичида осиқлик турган гулли кўйлакни кийгаза кўрмагин. Вақти келиб асраб кўйилган бу кўйлакни қизимга ўзим бераман. Гапларим қулогингда бўлсин, айтганларимни бажармасанг, ҳаётингдан маҳрум бўласан.

Ана шу гапларни айтиб чол саёҳатга жўнаб кетибди.

«Нима бўпти?! Қани, омборни очиб кўрай-чи, у ерда нималар бор экан. Лекин хотинимга айтмайман», — деган фикрга бориб, Иван омбор томон яқинлашибди.

Шундай қилиб, Иван ҳамиша кулф осилиб турадиган омборга борибди. Секин қулфни очиб ичкарига кирибди. Омбор ичида сон-саноқсиз олтинлар, ёмбилар, чақнаб турган турли хил қимматбаҳо тошлар ва Иваннинг ақли етмайдиган яна жуда кўп буюмлар ётганмиш. Омборнинг бир бурчагида чоғроқ эшикча бўлиб, у ерда яна битта яширин омборча бор экан. Иван бу омборчани ҳам очиб ичкарига кирибди, кириб улгурмасданоқ беихтиёр бақариб юборибди:

— Елена, жонгинам, азизим, тезроқ буёқча кел!

Омборда турли рангларда жилоланаётган нафис кўйлак осиқлик турган бўлиб, у худди камалак рангида товланиб, майин шаббодада худди жонли нарсадек ҳилпираб турган эмиш. Кўйлакни кўрган Иван ниҳоятда қувониб кетиб, уни хотинига жуда ярашиб тушини ва ёқишини ўйлабди.

Иван чолнинг: «Кўйлакни хотинингга бермагин», деб айтган гапларини эслаган бўлса ҳам, лекин кўрсатган билан бирон нарса бўлиб қолармиди, деган хаёлга борибди. Иван хотинини ниҳоятда севар экан. Хотинининг бир қиё кулиб боқшининг ўзиёқ унинг учун бахт саналаркан.

Хотини омборга келиб кўйлакни кўргач, қувончдан чапак чалиб юборибди.

— Вой, қандай чиройли кўйлак! — дебди у. Сўнгра Ивандан илтижо қилибди:

— Кўйлакни кийдириб, устимдан қўлингиз билан силасангиз шундоққина баданимга ёпишиб туради, — дебди. Иван кўйлакни киймасликка хотинини кўндирмоқчи бўлибди. Лекин хотини кўзёш тўкиб:

— Демак, сиз мени севмас экансиз-да, шундай чиройли

кўйлакни қизғанасизми? Ҳеч бўлмаса енгига қўлимни тиқиб кўрай, балки ёқмас ёки тўғри келмас.

Иван унга:

— Қўлингни тиқиб кўрсанг майли,— деб рухсат берибди.

Хотини кўйлакни енгига қўлини тиқаётғиб яна эрига илтижо қилибди:

— Бунақада билиб бўлмаяпти, ҳеч бўлмаса ёқасидан бошимни тиқиб кўришга рухсат этинг,— дебди.

Эри бунга ҳам рози бўлибди. Хотини кўйлакни ёқасидан бошини суқиши биланоқ, этагини ҳам тортиб туширибди. Кўйлак унинг қоматига жуда ярашиб тушибди. Хотини баданига ёпишиб турган кўйлакни силаб кўраётган экан, чўнтагидан кўзгу топиб олибди. Кўзгуни қўлига олиб гўзал чехрасига боқибди.

— Қара, нақадар гўзалсан, қандай қилиб шундай ношуд эр билан келясан,— дебди ўзига-ўзи.— Қани эди қуш бўлсам-у, қанот боғлаб бу ерлардан олис-олисларга парвоз этсам!

Хотини баланд овоз билан шу гапларни айтиб, қўлларини парвоз қилмоқчи бўлаётгандек юқорига кўтарган экан, шу заҳоти кўздан ғойиб бўлибди. У бир зумда каптарга айланиб омбордан учиб чиқибди-ю, ўзи орзу қилган олис-олисларга, сўнгсиз мовий осмон қўйнига шўнғибди. Демак, у кийган кўйлак сеҳрли экан-да.

Иван ғам-ғуссага ботибди. Э, ғам чекиб ўтиришга вақт қани дейсиз, у дарҳол тўрвасига нон солиб, хотинини қидиргани йўлга тушибди.

— Эҳ, жодугар хотин,— дебди у,— отасининг ҳам гапига кирмай, рухсат сўрамай туғилиб ўсган уйини тарк этди-я! Топиб бир адабини бериб қўяй!

Иван шу гапларни айтишга айтибди-ю, лекин ўзининг ношудлигини эслаб йиғлаб юборибди.

У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, тоғу тошлардан, дала-даштардан, одам юрмаган сўқмоқлардан юрибди. Хотинини эслаб кўп куюнибди. Бир пайт Иваннинг кўзи қирғоқда ётган, лекин сувга тушаолмай ўлаётган чўртан балиққа тушибди.

«Бечоранинг аҳволини қара,— ўйлабди Иван,— менга-ку қийин-а, у эса мендан ҳам мушкул аҳволда».

Иван чўртан балиқни ердан олиб сувга қўйиб юборибди. Чўртан балиқ сув қаърига шўнғиб, бирпасдан кейин бошини сувдан чиқариб шундай дебди:

— Яхшилигингни унутмайман. Бошинга мусибат тушса: «Чўртан балиқ! Иванни эсла!» десанг бас,— дебди.

Орадан кўп ўтмай Иван чумчуқни чангаллаб олган калхатни кўриб қолибди. Калхат чумчуқни эндигина емоқчи бўлиб турган экан.

«Әх, бечора, менинг бошимда кулфат бұлса, унинг бошида ўлим турибди»,— деб ўйлабди Иван.

Иван калхатни кўрқитган экан, у чангалидаги чумчуқни кўйиб юборибди.

Чумчуқ дарахт новдасига кўниб Иванга шундай дебди:

— Ёрдамга муҳтож бўлиб қолсанг: «Эй чумчуқ, қилган яхшилигимни эсла!» дея мени чақиргин,— дебди.

Иван тунда дарахт тагида ухлаб, тонгда яна йўлга чиқибди. У ўз уйидан анча узоқлашиб кетган, ниҳоятда толиқиб анча озиб қолган, ҳатто эгнидаги кийими ҳам унга оғирлик қилаётгандек эди. Юрадиган масофа бўлса ҳали узоқ. Иван яна бир ярим йил йўл босди. У бор қуруқликни айланиб чиқиб, денгиз соҳилига келиб қолди. Қараса, уёғига бошқа йўл йўқ экан. У шу ерда яшайдиган одамларнинг биридан:

— Бу ер кимнинг ери? Бу жойнинг подшоси ёки маликаси ким ўзи?— деб сўрабди.

У одам Иванга жавоб қайтарибди:

— Бизнинг маликаemiz доно Елена деган аёл, дунёда у билмаган нарса йўқ. Унинг ҳикматлар китобида ҳамма нарса ёзилган, кўзгусида эса бутун оламни кўриб туради. Балки ҳозир сени ҳам кўриб турган бўлса ажаб эмас.

Ҳақиқатан ҳам Елена кўзгуда Иванни кўриб турган экан.

Еленанинг Дарья исмли бир хизматкори бор экан. Мана, Дарья енги билан кўзгунинг чангини артыпти. Бир пайт кўзгуда ўзини кўриб маҳлиё бўлиб қолди, сўнгра унда бу томонга келаётган бегона эркакни кўриб қолди.

— Буёққа қандайдир бегона эркак келяпти,— деди хизматкори Дарья доно Еленага.— Олиддан келаётганга ўхшайди, анча озиб-тўзиб кетган, оёғидаги чипта ковуши ҳам эскириб кетибди.

Доно Елена кўзгуга қарабди.

— Қанақасига бегона одам бўлсин, ахир бу менинг эримку,— дебди у.

Иван подшо салтанатига етиб келибди. Қараса ҳовли темир панжаралар билан ўраб қўйилган эмиш. Панжараларда узун қозиқлар бўлиб, ҳар бир қозиққа ўлган одамларнинг бошлари суқиб қўйилганмиш. Фақат битта қозиқ бўш турганмиш.

Иван шу ерлик одамдан:— Бу бошлар кимларнинг боши?— деб сўрабди.

Ҳалиги одам унга:

— Бу бошлар маликаemiz доно Еленага совчиликка келган йигитларники,— дебди.— Сен уни кўрмагансан, маликаemiz ниҳоятда гўзал аёл, ақлда ҳам яккаю ягона. Унга совчи бўлиб жуда кўп мард йигитлар келишган. Унга ўзидан ҳам ақллироқ куёв керак. Кимки ақлда ва билимдонликда ундан енгилса



ўлим жазосига ҳукм қилинган. Мана энди, биттаю битта қозиқ бўш қолди. Унга ҳам маликага эр бўлишни истаган бир бечоранинг боши суқилса ажаб эмас.

— Мен ҳам унга эр бўлиш учун келдим,— дебди Иван.

— Демак, бу бўш қозиқ сенга насиб этган экан-да,— дебди шу ерлик одам ва ўз кулбаси томон йўл олибди.

Шундай қилиб, Иван доно Елена ҳузурига келибди. Елена эса отаси омборда қолдириб кетган чиройли кўйлакни кийиб, виқор билан тахтда ўтирганмиш.

— Сенга нима керак?— дебди доно Елена.— Нега бу ерга келдинг?

— Сенинг ҳуснингни кўргани келдим,— дебди Иван.— Жудаям соғиндим сени.

— Анави бошлари қозиқларга суқилганлар ҳам мени деб келишган,— дебди доно Елена дераза орқасидаги панжарага ишора қилиб.

Шунда Иван сўрабди:

— Энди сен менинг хотиним эмасмисан?

— Илгари хотининг эдим,— деб жавоб берибди малика,— энди эса мен учун бегонасан. Сендай ношуд эрнинг менга нима кераги бор! Агар яна хотинликка олмоқчи бўлсанг, шартимни бажарасан, агарда бажаролмасанг бошингдан жудо бўласан. Ана, панжарадаги бўш қозиқни кўряпсанми?

— Бўш қозиқ мени эмас, сени кутяпти,— дебди Иван.— Қани айт, қандай шартинг бор?!

Малика унга жавобан бундай дебди:


— Айтганимни бажар! Сен шундай жойга яширингинки, дунёнинг бир чеккаси бўлса ҳам майли, мен сени яширган жойингдан топа олмай, топганимда ҳам сен эканлигингни билмай. Ана шунда мендан ақллироқ эканлигингга ишонаман ва сенга хотин бўламан. Агарда яширина олмасанг ва мен топиб олсам, бошингдан жудо бўласан!

— Фақат бир илтимосим бор: эрталабгача ғарам устида ётсам ва нонингдан баҳам кўришга рухсат берсанг. Сўнгра шартингни бажараман,— дебди Иван.

Кечқурун маликанинг хизматкори Дарья Иванга хашак устига жой солиб берибди. Кўзада квас билан нон келтирибди. Иван ётган жойида: «Эртага нима бўларкин?»— деган хаёлга борибди. Бир пайт даҳлиз эшиги ёнида бир нарса тикиб ўтирган Дарьяга кўзи тушибди. У маликанинг ҳарир кўйлагидаги йиртилган жойини тикаётган экан. Дарья тикишга қанчалик уринмасин қўлидан келмабди ва охири хафа бўлиб йиғлаб юборибди.

— Нега йиғлаяпсан, Дарья?

— Йиғламай нима қилай,— жавоб қайтарибди Дарья.—



Эртага мени ўлим кутяпти. Малика кўйлақдаги йиртиқ жойни тикиб кўйишни буюрган. Нина ўтказсам баттар йиртилиб кетяпти. Кўйлақ шу қадар нозикки, нина ҳам ярамапти. Агар эрталабгача тикиб бермасам, эрталаб малика мени ўлдиради.

— Қани менга бер-чи, тикиб кўрай,— дебди Иван,— балки кўлимдан келиб қолар ва сен ҳам ўлимдан қутулиб қоларсан.

— Шундай кўйлақни сенга ишониб бўлармиди,— дебди Дарья.— Малика сени жуда ношуд эр, деб айтган эди. Ҳа, майли, олақол, кўрай-чи, кўлингдан келармикан.

Иван нинани олиб кўйлақни тикмоқчи бўлибди. Лекин нина тикиш ўрнига кўйлақни йиртабошлабди. Ҳаводай енгил кўйлақни нина билан тикиб бўлмаслигига кўзи етгач, нинани олиб ташлаб кўли билан ҳар битта ипни топиб бир-бирига улай бошлабди.

Буни кўрган Дарьянинг жаҳли чиқиб:

— Уқувинг йўқ экан. Минглаб дона сон-саноксиз ипларни қачон боғлаб бўласан?

— Эринмай, бажону дил боғлаб чиқаман,— дебди Иван.— Сен бориб ухла, эрталабгача бир амаллаб тугатаман.

Иван кечаси билан ипларни бир-бирига боғлаб чиқибди. Кечани ой нури ёритса, кўйлақнинг ўзи нур таратиб товланармиш. Шунинг учун ҳам кечаси ҳар бир тола ип кундузгидек яхши кўриниб турармиш.

Тонгга яқин Иван кўйлақни битирибди. Яхшилаб уёқ-бугеғини қарабди, кўйлақнинг бирорта ҳам йиртиқ жойи қолмабди.

Иван кўйлақни кўлига олиб кўтариб кўрса, у негадир оғирлашиб қолгандай эмиш. Яхшилаб қараса битта чўнтагидан Еленанинг отаси қолдирган ҳикматлар китоби, иккинчисидан эса муз тоғида яшовчи сеҳргар устадан келтирилган думалоқ кўзгу чиқибди. Иван кўзгуга қарабди, лекин ундаги нарсалар жуда хира кўринибди. Китобни ўқимоқчи бўлибди-ю, ҳеч нарса тушунмабди. Шунда Иван: «Одамлар мени бекорга ношуд дейишмаган. Аслида ҳам ношуд эканман», деган фикрни хаёлидан ўтказибди.

Эрталаб хизматкор аёл Дарья келиб Иванга:

— Сенга миннатдорчилик билдираман. Мени ўлимдан сақлаб қолдинг, бу яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман,— дебди.

Замин узра қуёш кўтарилиб, Иван малика Еленадан яшириниш учун жой қидириб кўчага чиқибди. Қараса, бир ғарам хашак турганмиш, у ғарамни ичига кириб яширинибди-ю, энди мени ҳеч ким тополмайди, деб ўйлабди. Ҳовлида юрган итлар уни кўриб қолиб роса ҳура бошлабди. Буни эшитган Дарья даҳлиздан ҳовлига чиқиб:

— Ҳой ношуд Иван! Малика уёқда турсин, сени мен ҳам

кўриб турибман-ку, — дебди. — Чипта ковшинг билан ғарамни пайҳон қилмай, чиқ у ердан, — дебди.

Иван ғарам ичидан чиқиб, энди қаерга яширинсам экан, деб ўйланиб қолибди. Шу пайт денгизга кўзи тушибди. Чўртан балиқни эслаб соҳил томон юрабошлабди.

— Чўртан балиқ! Ҳой чўртан балиқ! Иванни эслагин! — деб чақирибди.

Чўртан балиқ сувдан бош чиқариб: «Буёққа кел, мен сени денгиз қаьрига яшираман», дебди. Иван денгизга шўнғибди. Чўртан балиқ уни денгиз қаьрига олиб тушиб, қумларга кўмиб қўйибди. Сўнгра думи билан сувни лойқалатиб юборибди.

Доно Елена думалоқ кўзгусини олиб аввал ерга қаратибди, лекин Иванни кўрмабди. Сўнгра осмонга қаратибди, Иван йўқ эмиш. Кейин денгизга, сувга қаратибди, у ерда ҳам йўқ эмиш. Фақат лойқаланиб турган сувни кўрибди, холос. «Мен-ку, айёр ва ақллиман, — деб ўйлабди малика, -- лекин ношуд Иван ҳам мен ўйлаганчалик содда эмас экан», — деб хаёлидан ўтказибди.

Малика отасининг ҳикматлар китобини очиб унда қуйидаги сўзларни ўқибди: «Ақл ва ҳийлада куч кўп, аммо яхшилик ҳар қандай ҳийладан ҳам кучлироқдир. Яхшилик қилган одамни ҳатто махлуқ ҳам унутмайди». Малика аввал китобда кўриниб турган сўзларни, сўнгра сатрлар оралиғида яширин ёзилган гапларни ўқиган экан, китоб тилга кириб: «Иван денгиз қаьрида қум остида ётибди. Чўртан балиқни чақириб Иванни сув сатҳига олиб чиқишни айт, олиб чиқмасанг ўзингни туш-ликка овқат қилиб тайёрлайман, дегин», дебди.

Малика хизматкори Дарьяни чақириб, чўртан балиққа ҳалиги гапларни айтишни ва Иванни денгиз қаьридан олиб чиқишни буюрибди.

Иван яна доно Елена ҳузурда пайдо бўлибди.

— Жазолайвер, малика, ишончингни оқламадим, — дебди у.

Доно Елена: «Жазолашга ҳамма вақт улгураман, ҳар қалай Иван бегона эмас, бирга яшаганмиз», деган хаёлга борибди. Сўнгра Иванга:

— Яна бошқатдан бекин. Агар бу сафар мени алдай олсанг, гуноҳингдан ўтаман, йўқса жазойингни бераман, — дебди.

Иван бу сафар ҳам малика кўра олмайдиган жой қидириб йўлга чиқибди. Бечора қаёққа ҳам яширинсин! Малика Еленинг сеҳрли кўзгуси бор, ундан ҳамма жой кўриниб туради, кўрмаган тақдирда эса ҳикматлар китоби айтиб беради.

Иван атрофга боқиб чумчуқчани чақира бошлабди:

— Ҳой чумчуқча, мен қилган яхшилик эсингдами?

Шу пайт чумчуқча пайдо бўлибди.

— Ўзингни ерга ташла, донга айланиб қоласан, — дебди чумчуқ унга.

Иван ўзини ерга ташлаган экан, донга айланиб қолибди. Чумчуқча эса уни чўқиб олибди.

Доно Елена яна кўзгусини ерга, осмонга, сувга қаратибди, лекин ҳеч қаерда Иван кўринмас эмиш. Жаҳли чиқиб кўзгуни ерга урган экан, синиб чил-чил бўлибди. Хизматкори Дарья келиб шиша парчаларини йиғиштириб, ҳовлининг бир бурчагига олиб бориб ташлабди.

Доно Елена энди отасининг ҳикматлар китобини очибди. Унда қуйидаги ёзувларга кўзи тушибди: «Иван дон ичида, дон эса чумчуқнинг оғзида, чумчуқ эса четан устида ўтирибди».

Елена Дарьяга чумчуқни чақириб келишни, чумчуқча эса донни қайтариб беришини тайинлабди, агар йўқ деса унинг ўзи калхатга ем бўлишини айтибди.

Дарья чумчуқнинг ёнига келиб бор гапни айтибди. Чумчуқ Дарьянинг гапларини эшитиб, кўрқиб кетганидан оғзидаги донни тушириб юборибди. Ерга тушган дон шу заҳоти Иванга айланиб қолибди. Иван яна асл ҳолига келибди.

Иван яна доно Елена ҳузурида пайдо бўлибди.

— Ҳар қандай жазога тайёрман, — дебди у, — ҳақиқатан ҳам мен ношуд, сен эса доно аёл экансан.

— Йўқ, сени эртага жазолайман, — дебди малика. — Уша бўш қозиққа бошингни эртага иламан.

Иван кечаси даҳлизда ётиб тонггача эртанги ўлими ҳақида ўйлаб чиқибди. Онаси ҳам ёдига тушибди. Онасини эслаб юраги бир оз таскин топибди. У онасини ниҳоятда яхши кўрар экан-да.

Бир вақт кўзини очиб қараса, Дарья хурмачада бўтқа олиб келаётган эмиш. Иван бўтқани еб бўлгандан сўнг Дарья унга шундай дебди:

— Сен маликамиздан унчалик кўрқма. У жоҳил аёллардан эмас.

Иван унга жавобан:

— Эркак киши ҳеч қачон хотинидан кўрқмаган. Лекин унинг эсини жойига келтириб қўйишга улгуришим керак.

— Эртанги ўлимингга жудаям ошиқма, — дебди Дарья унга. — Ҳозир ўлишим мумкин эмас, қиладиган ишларим кўп, онам меҳмонга келяпти, уларни кутиб олишим керак, дегин.

Эртаси кун эрталаб Иван доно Еленага дебди:

— Яна бир неча кун яшашга рухсат бер. Онамни кўришни истайман, улар бу ерга меҳмонга келяптилар.

Малика унга қараб ўйланиб қолибди.

— Бекордан бекорга яшаб бўлмайди. Учинчи марта ҳам яширинишингга рухсат бераман. Тополмасам истаганча яшайвер.

Иван яшириниш учун яна жой қидириб кетаётган экан, Дарьяга дуч келибди.

— Сабр қил, энди мен сени яшираман,— дебди у.— Яхши-лигингни унутганим йўқ.

У шундай деб, Иваннинг юз-кўзига пуфлаган экан, Иван бир зумда кўздан ғойиб бўлибди. У аёл кишининг иссиқ нафасига айланиб қолибди. Дарья нафасини ичига тортган экан, Иван ҳам унинг ичига кириб кетибди. Шундан сўнг Дарья меҳмонхонага кириб, маликанинг столидаги китобни олиб чангларини артибди. Кейин китоб саҳифасини очиб бир пуфлаган экан, унинг нафаси билан чиққан Иван ўша китоб бетидеги бош ҳарфга айланиб қолибди. Шундай қилиб Иван ҳарфга айланибди. Дарья китобни яна жойига қўйиб ташқарига чиқиб кетибди.

Орадан кўп ўтмай доно Елена келибди. Китоб саҳифасини очиб, Иванга айланиб қолган бош ҳарфга тикилиб турибди-ю, ҳеч нарса англамабди. Китоб эса гапирмай жимжит турганмиш. Ниҳоят китоб тилга кирибди; лекин малика сўзларнинг маъносига тушунмабди. Чунки китобдаги биргина бош ҳарф туфайли умуман китобнинг мазмуни ва сўзлари ҳам ўзгариб кетганлигини малика билмас экан. Жаҳли чиққан доно Елена китобни ерга улоқтирибди. Китоб ерга тушиб барча ҳарфлар сочилиб кетибди. Зарб билан ерга тушган бош ҳарф эса шу пайт Иванга айланиб қолибди.

Иван доно Еленага, хотинининг гўзал чиройига қараб, кўз узолмай тикилиб қолибди. Малика ҳам аъча вақт Иванга тикилиб туриб, сўнгра кулиб юборибди. Унинг кулгусидан чиройига яна ҳам чирой кўшилибди.

Мен бўлсам, бекорга эрим ношуд одам деган эканман. У кўзгудан ҳам яширина олди, ҳикматлар китобини ҳам алдади, деб ўйлабди.

Шундай қилиб улар яна эр-хотин бўлиб тотув яшай бошлабдилар. Кунлардан бир кун малика Ивандан сўрабди:

— Нега шу пайтгача онанг меҳмон бўлиб келмаяпти? Иван унга:

— Гапинг тўғри, лекин негадир сенин отанг ҳам келмаяпти. Эрталаб туриб онам билан отангни олди келаман,— дебди.

Тонг отиши биланоқ Иваннинг онаси билан доно Еланингни отаси фарзандлариникига меҳмон бўлиб ўзлари кириб келишибди. Еланингни отаси салтанатга олиб келадиган яқин йўлни билар экан, шунинг учун ҳам улар ортиқча чарчамабдилар.

Иван онасига таъзим қилибди, чолнинг оёғига тиз чўкибди.

— Айб менда, бобожон, сизнинг гапингизга кирмадим. Кечиринг мен ношуд ўғилни!— дебди Иван.

— Раҳмат сенга, ўғлим,— дебди чол.— Ман этилган кўйлақда гўзаллик, китобда эса донишмандлик бор эди. Кўзгуда

эса бутун олам кўринарди. Қизимга керакли сепларни аввалдан йиғиб, жамлаб қўйгандим. Вақти келиб уларни бермоқчи эдим. Мен қизим учун ҳамма нарсани йиғибман-у, лекин энг муҳим нарсани — сендаги истеъдодни бера олмаган эканман. Мен уни олислардан қидириб юрсам, у шундоққина ёнгинамда экан. Билишимча истеъдодни буюм сингари жамлаб ҳам, совға қилиб ҳам бўлмас экан. Унга фақат инсоннинг ўзи эришиши керак.

Бу гапларни эшитган доно Елена йиғлаб юборибди, Иванни суйиб ўпиб, эридан кечирим сўрабди.

Ушандан буён Елена ва Иван ҳамда уларнинг ота-оналари тинч-тотув, аҳил яшаб келар эканлар. Улар ҳозиргача яшаётган эмишлар.



## АҚЛЛИ НАБИРА

**Б**ир чолу кампир Дуня исмли набираси билан яшар экан. Дуня эртакларда тасвирланганидек гўзал бўлмаса ҳам, жуда ақлли қизча бўлиб, уй юмушларига бажону дил қарашар экан.

Кунларнинг бирида чол билан кампир катта қишлоқдаги бозорга бормоқчи бўлибдилар. Лекин биз бозорга кетсак, ким шўрва пиширади, бўтқани ким тайёрлайди, сигирга ким сув бериб, ким соғиб олади, товуқларга ким дон сепади, тухумлатгани катакларга ҳайдаб киритади, деб ўйланиб қолишибди.

Шунда Дуня:

— Мендан бошқа ким ҳам қиларди? Шўрваям пишираман, бўтқа ҳам тайёрлайман, сигирни подадан олиб келиб, ювб-тараб қўяман, товуқларгаям қарайман, кулбани ҳам саранжом қилиб қўяман, молга хашак ҳам тайёрлайман, — дебди.

— Ҳали жуда кичкинасан-ку, болажоним, — дебди бувиси, — бор-йўғи энди етти ёшга тўлдинг.

— Етти ёш, икки ёш эмас-ку ахир, бувижон. Бу ҳам катта ёш ҳисобланади. Хавотир бўлманг, ҳамма ишларни бажариб қўяман, — дебди.

Бобоси билан бувиси бозорга кетиб кечга яқин қайтиб келибди. Уйга келиб кўзларига ишонмабдилар. Уй саранжом-саришта, овқатлар пишириб қўйилган, ҳовли топ-тоза, сигир ва товуқлар тўқ, хашақлар қуритилиб мейдаланган, ҳатто бобосининг қамчиси тузатиб қўйилган (бобосининг вақти йўқлигидан қамчи икки йилдан бери тузатилмай ётган экан) эмиш. Қизчанинг битта ўзи тўртта одам бажарадиган ишни бажариб қўйибди.

Чол билан кампир набирасига қувонч билан боқиб: «Энди ҳар қанча яшаб, қувонсак арзийди», — деб хаёлларидан ўтказиб қўйибди.

Лекин набирасидан қувонган бувисининг ҳаёти узоққа чўзилмабди. Бувиси бетоб бўлиб, бевақт вафот этибди. Чол бечора Дуня билан ёлғиз қолибди. Қариган пайтда ёлғиз яшаш бобо учун қийин бўлибди. Шундай қилиб улар ёлғизликда яшайверибдилар. Дуня бобосининг кўнглини олиш учун рўзғордаги барча ишларни ўзи бажариб қўяркан. Ҳали жуда кичкина бўлишига қарамай, серҳаракат ва тиришқоқ экан.

Бир куни зарурат юзасидан бобоси шаҳарга жўнайдиган бўлиб қолибди. Йўлда у шаҳарга кетаётган бадавлат қўшнисининг орқасидан етиб олибди. Улар биргаликда узоқ юришибди. Орадан кўп ўтмай оқшом тушибди. Бадавлат қўшни ва Дунянинг бобоси йўл ёқасидаги кулбада ёнаётган чироқни кўриб дарвозани тақиллатибди. Улар ётиш олдидан отларини араваларидан бўшатишибди. Дунянинг бобоси минган от байтал, бадавлат одамники эса ахта от экан.

Тунда бобонинг байтали болалабди. Эндигина туғилган тойчоқ кечаси онасидан ажраб бойнинг араваси остига келиб қолибди.

Бадавлат одам эрталаб уйқудан уйғонибди.

— Мана буни қара, қўшни, — дебди у чолга. — Менинг ахтам туғибди-я.

— Ё тавба! — дебди чол. — Тош устиде тарик ўсмайди, ахта от ҳеч қачон туғмайди. Уни мени байталим туққан!

Бадавлат қўшниси эса:

— Йўқ, бу менинг тойчоғим, — дебди — Сенинг байталинг туққанда, тойчоқ онасининг ёнида турган бўларди. Кўрмаяпсанми, у менинг аравам тагида ётибди.

Улар узоқ баҳслашибдилар, лекин бир қарорга келолмабдилар. Камбағал ҳақ гапни айтса, бой одам ўз фойдасини



ўйлаб гапирармиш. Хуллас, улар бир-бирларига ён босишмабди.

Улар шаҳарга келибдилар. Уша замонларда шаҳарда бир подшо яшар экан. У бошқа подшолар ичида энг бадавлати экан. У ўзини энг ақлли одам ҳисоблаб, бўлар-бўлмаса фуқаролари ўртасидаги низоларни ажрим қилишни ёқтирар ва бунини ўзи учун эрмак деб билар экан.

Бадавлат одам билан камбағал чол ўша подшо-қозининг қабулига келишибди. Дунянинг бобоси шикоят қилибди:

— Мана бу бадавлат одам тойчоғимни бермаяпти. Тойчоқни ахта от туққан дейди!

Подшо-қозининг ҳақиқат билан нима иши бор. У нотўғри бўлса ҳам ажрим чиқараверар эди. У ўзига эрмак топгандай бўлди ва деди:

— Сизларга тўртта топишмоқ бераман. Ким топса, тойчоқ ўшаники бўлади. «Дунёда энг кучли ва тез юрадиган нарса нима?» «Дунёда энг семиз нарса нима?», «Энг юмшоқ ва энг ёқимли нарса нима?»— дебди.

Подшо уларга уч кун муҳлат бериб, тўртинчи кун жавоб топиб келасизлар, дебди.

— Подшо-қози ажрим қилгунча, ҳар иккаласининг от-аравасини шу ерда қолдириб кетишини буюрибди. Жавоб топгунларича пиёда юришсин, дебди.

Бой ҳам, камбағал ҳам ўз уйларига келишибди. Бой ўзича: «Подшо жуда осон топишмоқ берди, уни топиш ҳеч гап эмас»,— деб ўйлабди. Камбағал эса: «Қандай қилиб жавоб топаман»,— деб куюниб юрибди.

Дуня бобосини кутиб олаётиб сўрабди:

— Бобожон, кимнидир соғинган кўринасиз? Ёки бувижонимни соғиндигизми? Хафа бўлманг, ахир ёнингизда мен борман.

Бобо бўлиб ўтган воқеани набирасига айтиб берибди-ю, тойчоғига жони ачишиб ўзини тутолмай йиғлаб юборибди.

— Ўз ташвишим етмагандек, подшо топишмоқлар берди, жавобини билмайман. Бунга қаёқданам ақлим етсин!— дебди бобоси.

— Қанақа топишмоқ эканлигини айтинг, бобожон. Дунёда инсон ақли етмайдиган нарса йўқ-ку!

Бобоси топишмоқларни айтиб берибди. Дуня уларни эшитиб бўлиб, бундай жавоб қайтарибди:

— Подшо-қозига бориб шундай дейсиз: «Дунёда ҳамма нарсадан кучли ва тез нарса — бу шамол, энг семиз нарса — Ер, негаки ерда ҳамма нарса унади ва қандай мавжудотлар яшамасин ҳаммасини боқади. Дунёдаги энг юмшоқ нарса бу — инсон қўллари, бобо. Одам қандай нарса устида ётмасин, қўллари боши остига қўйиб ётади. Ва энг охиргиси — уйқудан ёқимли нарса йўқ», бобожон, — дебди.

Тўртинчи кун Дунянинг бобоси билан бадавлат қўшни подшо-қози ҳузурига келишибди.

Бадавлат одам подшога дебди:

— Берган топишмоқларингиз анча қийин бўлса-да, мен унга дарҳол жавоб топиб қўйганман. Энг кучли ва тез нарса — бу отхонангиздаги тўриқ отингиз, агар унга қамчи боссангиз, учқур қуёнга ҳам етиб олади. Энг семиз нарса — бу сизнинг олачипор чўчқангиз, у шу қадар семизки, ётган жойидан туролмай қолибди. Энг юмшоқ нарса бу — сизнинг пар тўшагингиз. Дунёдаги энг ёқимли нарса — ўғлингиз Никитажондир.

Подшо-қози бой жавобини тинглаб бўлгач, камбағал чолга:

— Хўш, сен нима дейсан? Жавоб топиб келдингми, йўқми? — дебди.

Чол набираси ўргатиб юборган жавобларни айтибди. Айтишга айтибди-ю, лекин хато айтаётган бўлсам нима бўлади? Балки бой қўшнимнинг жавоблари тўғридир, деб қўрқармиш.

Подшо-қози жавобларни тинглаб бўлгач, сўрабди:

— Жавобларни ўзинг топдингми ёки биров ўргатдим?

Чол бор ҳақиқатни айтибди:

— Мен қаёқдан ҳам билардим, подшо-қози. Зеҳни ўткир ва ақлли набирам бор, ўша ўргатди.

Подшо бу гапдан кейин яна қизиқиш қолибди. Барибир қиладиган иши йўқ экан. Шунинг учун унга яна бир овунчоқ керак экан.

— Агар набيرانг шу қадар ақлли бўлса, — дебди подшо-қози, — мана бу шойи ипни унга олиб бериб бер. Эрталабгача менга гулли сочиқ тўқиб берсин. Гапимни эшитдингми, йўқми?

— Эшитдим, эшитдим, — деди чол подшога. — Нима, мени шунчалик овсар деб ўйлаяпсизми?

Чол шойи ипни қўйнига солиб яна уйига жўнабди. Йўлда борар экан, подшонинг буйруғини эслаб кўрқиб кетибди: қандай қилиб битта ипдан бутун бир сочиқ тўқиш мумкин. Бу иш Дунянинг қўлидан келмайди... Бунинг устига эрталабгача гулли сочиқ тўқиб улгуриши керак эмиш.

Дуня бобосининг гапларини эшитиб бўлгач дебди:

— Ташвишланманг, бобожон. Бу ҳали фожеа эмас!

Шу гапларни айтиб, набираси ерда ётган супургидан битта хивич синдириб олибди-да, бобосига бериб:

— Бобожон, подшо-қозига бориб айтинг: сочиқни тўқиб беришим учун мана бу хивичдан дастгоҳ ясаб берадиган уста топсин, — дебди.

Чол яна подшонинг ҳузурига қайтибди. Йўлда келаётиб: «Яна бирон фалокат юз бермаса, Дуня еча олмайдиган яна биронта топишмоқ бермаса эди», — деб хаёлидан ўтказибди.

Аслида ҳам худди чол ўйлагандай бўлиб чиқибди. Подшо чолга юз элликта тухум бериб, ана шу тухумлардан эртагача юз элликта жўжа чиқариб беришни буюрибди.

Чол яна уйга қайтиб келибди.

— Бир фалокат аримай, иккинчиси чиқиб қолди, — дебди у набирасига.

Сўнгра подшо айтган янги топишмоқни айтибди.

Дуня бобосининг гапига жавобан:

— Бу ҳали фалокат эмас, бобожон! — дебди.

Набираси тухумларни пишириб дастурхонга тортибди. Эртаси кун эса бобосига бундай дебди:

— Бобожон, яна подшога бориб айтинг. Жўжаларга бир кунда етилган сўк бериб юборсин. Бир кунда ер ҳайдаб тариқ эксин, тариқ шу куннинг ўзидаёқ пишиб етилсин, шу куни йиғиб олиб, тегирмондан чиқарсин, янчиб, тозалаб берсин. Жўжалар ана шу сўқдан бошқа нарсани емайди, бўлмаса ўлиб қолади, деб айтинг.

Чол яна подшо-қози ҳузурига келибди. Подшо унинг гапларини тинглаб дебди:

— Набиранг жуда айёр экан. Мен ҳам содда эмасман. Айтгин, эрталаб менинг ҳузуримга келсин. Келганда ҳам на пиёда ва на отда, на яланғоч ва на кийимда, на совға-саломсиз келсин!

Чол уйга қайтаётди: «Шунчалик ҳам бемаъ依лик бўлади-ми!» — деб ўйлабди.

Янги топишмоқни эшитган Дуня аввал хафа бўлибди, сўнгра бирдан қувониб кетиб, бобосига дебди:

— Бобожон, сиз ўрмонга бориб овчилардан тирик қуён билан бедана сотиб олинг... Ҳа, майли, қўяқолинг, сиз қариб қолгансиз, бунинг устига кўп юриб чарчадингиз, ётиб дамингизни олинг, мен ўзим борақоламан. Мен кичкинаман, ўзим борсам овчилар қуён билан беданани сотишмай, шундоқ текинга бериб юборишади. Ахир сотиб олишга пулимиз ҳам йўқ-ку.

Дуня ўрмонга борибди ва у ердан қуён билан бедана олиб келибди.

Эрталаб Дуня эғнидаги қўйлакни ечиб, унинг ўрнига балиқ овлайдиган тўрни ёпиб олибди, қўлига беданани олиб, қуёнга миниб подшо ҳузурига жўнабди.

Подшо уни кўриб ҳангу манг бўлиб, қўрқиб кетибди.

— Бундай даҳшатли махлуқ қаёқдан пайдо бўлди? Бундай тасқарани аввал кўрмаганман, — дебди.

Дуня эса подшога таъзим қилиб:

— Мана, отахон, сиз буюрган нарсаларни олиб келдим, — деб, қўлидаги беданани унга узатибди. Подшо-қози эндигина қўлини чўзган экан бедана «пир» этиб учиб кетибди.

Подшо Дуняни бошдан-оёқ кўздан кечириб:

— Мен айтган нарсаларни ҳаммасини бажарибсан. Айт-чи, бобон билан икковинглар қандай таом ейс излар? — деб сўрабди.

Дуня подшога қуйидагича жавоб қайтарибди:

— Бобом қуруқ соҳилда тўр ташламай балиқ овлайдилар. Мен ана шу балиқларни этагимда олиб келиб, кафтимда балиқ шўрва пишираман, — дебди.

Бу гапни эшитган подшонинг жаҳли чиқибди:

— Нималар деяпсан, тентак! Қуруқ соҳилда балиқ нима қилсин?! Қайси бир одам кафтида балиқ пиширган?!

Дуня унга жавобан:

— Мен тентак-у, сен ақлимисан? Ахта отнинг тойчоқ туққанини ким кўрган? Сенинг салтанатингда ахта от ҳам тураркан-да!

Бу гапни эшитиб подшо-қози ўйланиб қолибди.

— Тойчоқ кимники эканлигини қандай қилиб аниқлаш мумкин? Балки бу ерга бегона тойчоқ келиб қолгандир?

Дуня ғазабланиб дебди:

— Қандай аниқлаш мумкин дейсанми? Буни сенга ўхшаш нодон подшо эмас, аҳмоқ одам ҳам аниқлаб бериши мумкин. Айт, бобом отини олиб бир томонга, бой қўшнимиз эса ўз отини олиб иккинчи томонга юрсин. Тойчоқ қайси томонга чопиб борса, ўша от унинг онаси бўлади

Подшо-қози ҳайрон бўлиб:

— Ҳақиқатан ҳам тўғри айтяпти. Нега мен ажрим қила олмадим, нега ақлим етмади? — дебди.

— Агар сен адолат юзасидан ажрим қилганингда эди, — дебди Дуня, — бу қадар бойиб кетмаган бўлардинг!

— Тилинг бунча заҳар-а, зумраша! — дебди подшо, — ҳозирдан шунақа бўлсанг, катта бўлганингда ким бўласан?

— Аввал тойчоқни ажрим қилиб бер, кейин катта бўлганингда ким бўлишимни айтаман.

Подшо шу ҳафта ичида ажрим қилажагини айтибди. Ниҳоят подшо саройига Дунянинг бобоси ва бадавлат қўшниси келишибди. Подшо аравага қўшилган отларни олиб чиқишни буюрибди. Дунянинг бобоси ўз аравасига ўтириб бир томонга, бадавлат қўшниси ўз аравасига ўтириб иккинчи томонга ҳайдабди. Худди шу пайт подшо тойчоқни кўйиб юборибди. Тойчоқ чолнинг оти томонга, яъни онасининг ёнига чопиб кетибди. Ажрим шу билан тугабди. Шундай қилиб тойчоқ бобоники бўлибди.

Подшо-қози энди Дунядан сўрабди:

— Қани айт энди, катта бўлганингда ким бўласан?

— Қози бўламан!

Подшо хохолаб кулиб юборибди:

— Нега энди қози бўлмоқчисан? Ахир мен қозиман-ку!

— Чунки сени жазолаш учун қози бўламан! — дебди.

Бобоси бу жанжалнинг оқибати ёмонлик билан тугашини, қози-подшонинг жаҳли чиқаётганини сезибди-ю, набирасини тезда аравага ўтқазиб отига қамчи босибди. Арава ёнида тойчоқ ҳам чопқиллаб кетибди.

Подшо чол билан набирасини ғажитиб ташлаш учун қопағон итини уларнинг кетидан қўйиб юборибди. Бобо қариб қолган бўлса ҳам анча абжир экан ва набирасини ҳали ҳеч кимга хафа қилдириб қўймаган экан. Ит аравага яқинлашиб энди ташланмоқчи бўламан деганда, бобоси қамчи билан бошига туширибди. Кейин ҳар эҳтимолга қарши арава ичида ётган йўғон сўйил билан урган экан, ит гурс этиб қулаб тушибди.

Бобо набирасини маҳкам қучоқлаб олибди.

— Сени ҳеч қачон итга ҳам, подшога ҳам бериб қўймайман. Ҳеч кимга хафа қилдирмайман. Ақлли болажоним, улғайиб катта бўл! — дебди.



## ЖАНГЧИ ЎРГИМЧАК

Адим-қадим замонда, гўзал ўрмон томонда, аввал кўклам, кейин ёз чоғи, ҳаммаёқни босибди чивин деган касофат, одамларнинг қонини сўрар экан бешафқат.

Пайдо бўлибди шунда бир ўргимчак ногаҳон — ботир, абжир, паҳлавон. Оёқларин силкитиб, тўрлар тўқиб ташлабди, чивину пашшаларнинг йўлини пойлай бошлабди.

Учиб келиб бир пашша тўрга тушиб қолибди. Уни ўргимчак полвон ўлдиarmoқ бўлиб чунон, томоғидан бўғиб олибди. Ялинишга тушибди пашшахон:

— Жон ўргимчак, отахон, ўлдирмагин паҳлавон, ахир болаларим бор, улар етим қоларлар, ҳар ёнга тарқаларлар, итларнинг жиғига тегарлар.

Ўргимчак унинг арзин қабул этибди. Пашша учиб кетибди, барча чивинларга шундай хабар элтибди:

— Эй чивину пашшалар, эшитмадим деманглар, тоғтеракнинг тагига бекинишиб олинглар! Ўрмонимизда бу кун пайдо бўлмиш ўргимчак, оёқларин силкитиб, тузоқ тўқиб ташлабди, чивину пашшаларнинг йўлини пойлай бошлабди.

Чивинлар қўрқиб кетибди, тоғтеракнинг илдизин маскан этибди. Ўргимчак-чи, ўргимчак, ахтариб чигирткаю суварак, қандалани топибди.

— Сен-чигиртка, ўтир тўнгатка, тамаки чекасан; сен эса суварак, чалгин ноғора, сен — қандала, тоғтерак тагига бориб,

мен ҳақимда овоза тарқатгин: абжир жангчи ўргимчак энди йўқ дегин, уни Қозонга юбордилар. Қозонда бошини кундага қўйиб, танидан жудо қилдилар, кейин кунданинг ўзиниям ёриб ташладилар, дея жар солгин.

Чигиртка тўнкага ўтирибдию тамаки тутатибди; суварак эса ноғора чалишни бошлабди; қандала тоғтерак остига бориб жар солибди:

— Нега жимиб қолдинглар, бекинишиб олдинглар? Жангчи ўргимчак ўғлон энди йўқ; уни Қозонга юбордилар, Қозонда бошини кундага қўйиб, танидан жудо қилдилар, кейин кунданинг ўзиниям ёриб ташладилар.

Шодланишиб пашшаю чивин, ҳар томонга учдилар, бориб ўргимчакнинг тузоғига тушдилар.

Ургимчак полвон эса нукул шундай дер эмиш:

— Жуда яхши, жуда кўринглар, меникида шунақа меҳмон бўлиб туRINGлар.



## ПУФАК, ПОХОЛЧА ВА ЧОРИҚ

Қадим замонда пуфак, похолча ва чориқ бўлган экан. Улар ўрмонга ўтин кесгани бормоғчи бўлишибди, йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, дарё бўйига етишибди-да, қандай ўтишни билолмай тўхтаб қолишибди.

Чипта кавуш пуфакка дебди:

— Пуфак, кел, сенинг устингда сузиб ўтамиз!

— Йўқ, чориқ, яхшиси похолча бу қирғоқдан у қирғоқчага чўзилсин, биз эса унинг устидан лип этиб ўтиб оламиз.

Похолча чўзилибди. Чориқ унинг устидан уч-тўрт қадам юрган ҳам эканки, похолча синиб кетибди. Чориқ шалоп этиб сувга тушибди. Буни кўриб пуфакча қотиб-қотиб кулган экан, пақ этиб ёрилиб кетибди!



## БОЛТАДАН БЎТҚА

Бир аскар жангдан қайтаётиб қишлоқ четидаги уйга кирибди-да, уй бекасидан:

— Салом, бувижон! Жиндай нон бер, тамадди қилиб олай,— дебди.

Кампир эса унга жавобан:

— Анув девордаги михга осиб қўя қол,— дебди.

— Қулоғинг том битганми, нима бало,— дебди солдат.

— Хоҳлаган ерингга жой солиб ётавер.

— Ҳа, айёр қурумсоқ! Сенга муғомбирлик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Қани, чиқар тонган-тутганингни!

— Менда ҳеч вақо йўқ, болам!

— Унда бўтқа пишир!

— Нимадан пиширай, болам, камбағалман.

— Бўпти, унда ўзим болтадан бўтқа пишираман.

«Қизиқ бўлди-ку,— деб ўйлабди кампир,— қани, кўрай-чи, аскар болтадан қандай қилиб бўтқа пишираркин».

Аскар болтани қозонга солибди, устидан сув қуйибди-да, қайнатаверибди, кейин тузини кўриб дебди:

— Жиндай ёрма солсак, зап бўтқа бўлади.

Кампир ёрма келтириб берибди. Аскар ёрмани қозонга солиб яна қайнатаверибди. Бир маҳал яна ичиб кўриб:

— Жиндай ёғ қўшсак, жудаям ширин бўларди,— дебди.

Кампир ёғ берибди.

Аскар бўтқани пишириб кампирни дастурхонга таклиф қилибди.

— Қани, буви, энди нон билан туз олиб кел. Бўтқани еймиз! Иккаласи маза қилиб овқатланишибди.

Овқатдан кейин кампир:

— Болам, болтани қачон еймиз?— деб сўрабди.

— Болта ҳали яхши пишмабди,— дебди аскар.— Йўлда бирон жойда пишириб нонушта қилиб оларман.

Сўнг у болтани белига қистирибди-ю, кампир билан хайрлашиб бошқа қишлоққа равона бўлибди.

Мана, қандай қилиб аскар болтадан бўтқа пиширган экан.



## Ғ И Л Д И Р А К

Бир йигит уйланмоқчи бўлибди. Ўзиям гапга нўноқ, бир қайнови ичида экан. Дўсти унга шундай маслаҳат берибди.

— Оғайни, қайлиқ билан гаплашганингда бундоқ ширинсухан бўл, гапни чертиб-чертиб айлантириб-айлантириб гаплаш, кўнглини овла.

Мана, йигит қизниқига кириб келибди. Ебди, ичибди, хурсандчилик қилибди, лекин миқ этмай ўтираверибди. Туриб-туриб охири:

— Ғилдирак,— деб юборибди.

Шундан кейин индамай ўтираверибди. Анчадан кейин яна:

— Ғилдирак!— дебди.

Бечора, дўстим қиз билан учрашганингда гапни айлантир, деган эди, айланадиган нарса фақат ғилдирак бўлади-да, деб ўйлаган экан. Қиз ўйлаб қараса, йигитнинг ақли бундайроқ, кейин жавобини бериб юборибди.

# МУНДАРИЖА

## *Мирзиёд Мирзоидов таржималари:*

Доно Василиса ҳақида қисса . . . . .	5
Шаҳзода Иван билан кулранг бўри . . . . .	17
Шунқор . . . . .	24
Лақма аждаҳо билан уздабурон аскар . . . . .	30

## *Илёс Муслим таржималари:*

Опа-ука Алёнушка билан Иванушка . . . . .	34
Бўғирсоқ . . . . .	37

## *Қодир Мирмуҳаммедов таржималари:*

Шавкатли ва қудратли паҳлавон Еруслан	
Лазаревич ҳақида эртак . . . . .	39
Қўлсиз аёл . . . . .	71
Ғаройиб бола . . . . .	84
Аскар билан малика . . . . .	109
Қайсар хотин . . . . .	110
Сопол декча . . . . .	111

## *Сами Раҳим таржималари:*

Қурбақа малика . . . . .	114
Ҳайвонлар қишлови . . . . .	121

## *Муҳсин Алиев таржималари:*

Айтилмаган туш . . . . .	123
Сеҳрли узук . . . . .	131
Эчки кўмиш маросими . . . . .	143

## *Мели Норматов таржималари:*

Марья Моревна . . . . .	146
Хазина . . . . .	155

## *Аббос Саидов таржималари:*

Мушук билан тулки . . . . .	159
Тулки билан бўри . . . . .	162
Ўткир тишли чўртанбалиқ . . . . .	165
Шер, чўртанбалиқ ва одам . . . . .	166
Антиқа тухум . . . . .	167
Сопол йигит . . . . .	168
Ғозлар-оққушлар . . . . .	170
Сеҳрли най . . . . .	172

## *Миржалол Турсунов таржималари:*

Кўнчи Никита . . . . .	176
Биллур тоғ . . . . .	179
Сеҳрли кўйлак . . . . .	182

## *Темур Убайдулло таржималари:*

Тўғривой билан Эгривой . . . . .	187
Шабарша . . . . .	189
Иванушка тентак . . . . .	190
Қайин ва тентак . . . . .	195



Лутонюшка . . . . .	197
Ғам . . . . .	198
Зодагон ва ит . . . . .	203
Шайтоннинг қарзи . . . . .	205
Ғаройиб ҳунар . . . . .	205
Оламда нималар бўлмайди? . . . . .	210

*Маъсума Аҳмедова таржималари:*

Денгиз шоҳи ва оқила Василиса . . . . .	212
Тошга айланган мамлакат . . . . .	220
Етти эғизак . . . . .	223
Оқ саман . . . . .	227
Серҳланган қиролича . . . . .	231
Қуш тили . . . . .	238

*Эркин Жабборов таржимаси:*

Оқ ўрдак . . . . .	241
--------------------	-----

*Ойниса Бобонова таржималари:*

Аҳмоқ бека . . . . .	244
Бир деҳқоннинг бойни лақиллатгани . . . . .	245
Уч Иван . . . . .	246
Горшеня . . . . .	257
Бой билан уста . . . . .	257
Эчки . . . . .	258
Аскар билан бой . . . . .	259
Бой билан овчи . . . . .	260
Поп билан батрак . . . . .	261
Топишмоқлар . . . . .	261
Ғаройиб шинель . . . . .	263
Қуёнлар ва бақалар . . . . .	264
Суҳбат . . . . .	264
Меҳмондорчиликда . . . . .	264

*Баҳодир Мўхаммедов таржималари:*

Ношуд Иван ва доно Елена . . . . .	265
Ақлли набира . . . . .	277

*Адолат Азимова таржималари:*

Жангчи ўргимчак . . . . .	283
Пуфак, похолча ва чорик . . . . .	284
Тулки ва хумча . . . . .	285

*Шоҳида Соатова таржималари:*

Болтадан бўтқа . . . . .	285
Гилдирак . . . . .	286

*Для детей среднего школьного возраста*

*Сборник*

## ВОЛШЕБНОЕ КОЛЬЦО

Русские народные сказки

На узбекском языке

Рассом *В. Апухтин*  
Расмлар муҳаррири *Ф. Башарова*  
Техн. муҳаррир *М. Мирражабов*  
Корректор *Ш. Соатова*

ИБ № 0193

Босмахонага 03.02.89. берилди. Босишга 25.12.89. рухсат этилди. 60×90<sup>1</sup>/16 формат  
Офсет, № 1 қоғози. «Башик» гарантураси. Юқори босма. Шартли босма л. 18.0. Шар  
кр. оттиск. 72,0. Напш л. 19,21. 120000 нусхада. Буюртма № 4078. Шартнома № 27-8  
Баҳоси 1 с. 30 т.

«Юлдузча» нашриёти, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда» газетаси кўчаси 41.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат к  
митети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкен  
700129. Навоий кўчаси 30.